

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
М. Т. ТУРГУНОВ, Э. КУРБАНОВА Государство и право аштарханидов: историко-правовой анализ.....	13
Ж. ТОШҚУЛОВ Ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини илмий тадқиқ этишнинг методологияси.....	22
А. ТУЛЯГАНОВ, Т. ХУЖАНОВ Амир Темур ва Темурийлар хукмронлиги даврида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат масалалари	31
Н. АЗИЗОВ Турк ҳоконлиги тарихини ўрганишнинг методологик масалалари	38
Қ. АБДУРАҲМАНОВ, Х. ЧИНИБАЕВ Қорахонийлар давлати ва ҳуқуқи	44
Б. АКРАМХОДЖАЕВ Мўғуллар босқини даврида Ўзбекистон худудида давлат ва ҳуқуқ тараққиётидаги ўзгаришлар	67
Ҳ. МУҲАМЕДОВ Ўрта асрлар ҳуқуқининг замонавий ҳуқуққа таъсири: тарихий-ҳуқуқий таҳлил.....	866
Х. ИСАНОВ Мовароуннаҳр давлати ҳуқуқий тизимининг ўзига хос айрим жиҳатлари.....	103
Ж. АЗИМҚУЛОВ IX-X асрларда Туронда ҳуқуқ тизими ва қозилик .	109
Ж. БЕГАТОВ Инсонларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқларни химоя қилувчи касба уюшмалари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари	116
М. ХУДАЙБЕРДИЕВА Средневековое государство и право: взгляды и подходы к обучению детей	126
А. МУҲАММАДЖОНОВ Ўзбекистон давлатчилиқ тарихида прокуратура органларининг генезиси ва эволюцияси	137
М. НОСИРОВА Ўрта асрларда фуқаролик жамиятини қуришда инсон ҳуқуқларига доир қарашлар	146
Ю. РАҲМАТОВА АҚШ конституциясининг вужудга келиш тарихи.	155
Ш. САДУЛЛАЕВА Ўрта асрлар ҳуқуқий тафаккурида инсон ҳуқуқлари масалалари	171
С. ТУРСУНБОЕВ Ўрта аср одат ҳуқуқининг бугунги кундаги тергов амалиётига таъсири: тарихий-назарий таҳлил	179
М. А. ТУРГУНОВ Амир Темур ва Темурийлар давлати шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари	184
Э. ШОДМОНОВ Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий йўналишлари	190

Ж. АЧИЛОВ Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент назоратини амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари.....	200
О. БЎРИЕВ Янги Ўзбекистон Конституциясида инсон кадри ифодаси	210
Т.ХУЖАНОВ Ўрта асрлар ҳуқуқий манбаларида боланинг ҳуқуқий мақоми ва уни таъминлаш масалалари.....	216
Э. ДУСАНОВ Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларининг ўзига хос хусусиятлари	224
Г. АБДУМУРОДОВА “Авесто” – тадбиркорлик ҳуқуқининг илк манбаларидан бири	241
Ш. ҲАМДАМОВ Адлия Вазирлигининг ривожланиш тарихи	251
Ж. ТУЛЯНБАЕВ Профилактика инспектори лавозимини ривожланиш тенденциялари	267
С. ЮЛДАШЕВ Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг вужудга келиш тарихи ва ҳуқуқий асослари.....	274
М. УМАРОВА Амир Шоҳмуроднинг Бухоро амирлиги бошқарувида амалга оширган ислоҳотлари	282
Х. ОЛИМОВ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таълим тўғрисидаги муносабатлар ва марказий осиё давлатлари билан қиёсий таҳлил	288
Ф. НАСРУЛЛАЕВ Жиноятчиликка қарши курашда экстрадиция тарихий жиҳатдан шаклланишдаги асосий тенденциялари	291
Э.РУСТАМОВ Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари.....	297
М. ТАНГИРҚУЛОВ Ўрта асрларда инсоннинг сувга доир муносабатлари: Амир Темур салтанати мисолида	313
Ж. ОДИЛОВ Ўзбекистоннинг экологик сиёсати ва халқаро экологик стандартларни маъмурий-ҳуқуқий жорий этиш масаласи	319
М. ЗАРИФОВА Ўрта асрларда вояга етмаганлар ҳуқуқларини вужудга келиш тарихи ва ҳуқуқий асослари.....	328
ХУЛОСА	334

КИРИШ СЎЗИ

Мазкур илмий тўплам **“Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқини ўрганишга замонавий ёндашувлар”** масалаларини ўрганиш, улар бўйича таҳлилий фикрлар алмашиш, янги ва креатив ғояларни муҳокама қилиш ҳамда илмий хулосаларни муҳокама қилишга бағишланади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар демократик кадриятлар устивор бўлган ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни шакллантириш мақсадларини кўзлайди. Бунинг учун жамиятимиз ва давлатчилигимиз тарихида жуда катта ижобий из қолдирган ҳуқуқий ва сиёсий кадриятларга, бошқарув қоидалари ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни яна бир марта яхшилаб ўрганишга бел боғлашимиз лозим.

Ҳақиқатдан ҳам ўзбек халқи давлат ва ҳуқуқ соҳасида кўп минг йиллик тарихий тажрибалар, бетакрор илмий бойликларка эга. Мустақиллик туфайли ўз тарихимиз, маданий ва илмий меросимизни холисона, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг бой ва ранг-баранг қирраларини тиклаш, шу асосда, халқ, айниқса ёш авлод тафаккурида ҳаққоний тарихни идрок этиш ва тарихий хотирани мустаҳкамлаш ҳамда мазмунан бойитиш имкониятига эга бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, муҳтарам Ш.М.Мирзиёевнинг **“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам, албатта, бўлади”**, деган фикр-мулоҳазалари катта аҳамиятга эга бўлиб, бошлаган ишларимизда ўзига ҳос йўлчи юлдуз бўла олади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари **“Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қиляпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига ҳос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо**

маънавий меросимизни тўлик ўрганганимиз йўқ” деган теран фикрларни ҳам айтиб ўтганлар.

Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги асосига қўйилган бу ғоялар ўзининг қадимий анъаналаримиз, бой маданий ва маънавий меросимиз ҳамда чуқур тарихий асосларига таянишини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Зеро, Ўзбекистон инсониятнинг энг қадимги маданият марказларидан биригина бўлиб қолмай, унинг сиёсий-ҳуқуқий институтлари бешикларидан бири ҳамдир. Бу ерда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш қонуниятлари ва тарихи, **Миср, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон, Хитой** каби қадимий давлатларники билан бир қаторда туради десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Ўтмишга назар солсак ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида улкан давлатлар, уларнинг илғор давлат-ҳуқуқий институтлари, ҳуқуқ тизимлари мавжуд бўлган. Ватанимиз тарихи давлат ва ҳуқуқнинг барча шаклларига оид кўпгина ибратли мисолларни қайд этиб, бу ерда ривожланган ҳуқуқий тизим мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам уни Давлат ва ҳуқуқ институти ҳодимлари томонидан пухта ўрганилиши умумжаҳон давлат ва ҳуқуқ тарихи фанига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, чунки, узоқ ўтмиш ва бой тарихга эга давлатимиз сиёсий мустақиллиги мустаҳкам қарор топган экан, энди Янги Ўзбекистонни қуриш мақсадида босиб ўтилган залворли йўл ва унинг барча йўналишлари, тараққиёт босқичларида эришилган ютуқлар ва натижаларни юзага чиқариш мақсадида тарихимизнинг турли соҳаларини атрофлича ҳақиқий таҳлил қилиб, қайта ўрганиб чиқишимиз лозим. Бунинг учун эса ҳуқуқий манбалар етарли.

Кейинги йилларда илм-фан соҳасида яратилган имкониятлардан фодаланган ҳолда ахил жамоамиз Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш борасида диққатга сазовор илмий изланишлар амалга оширди, ҳуқуқ, тарих, маънавият ва маданиятимизга оид кўплаб бирламчи манбалар ўрганиб чиқилди. Бу эса бугун ўзининг самарасини бермоқда.

Зеро, давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганиш муайян тарихий замон ва маконда вужудга келган ва шаклланган давлат тузумини, ҳокимиятнинг алмашиш сабаблари, уларни бошқариш усулларини тушунишга, ютуқлардан илҳомланиш ва камчиликларини такрорламасликка ёрдам беради. Буюк аждодлармизнинг бошқарув маданияти, ҳокимият тебратиш анъаналари, ижтимоий муносабатларни самарали равишда тартибга солган ҳуқуқ тизими билан танишиш замонавий ҳуқуқ тизимини ўзлаштиришга ва уни давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришга кўмаклашади.

Бир нарсани ҳеч қачон эсдан чиқармайлик, яъни миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизимини чуқур ва ҳар томонлама ўрганмасдан, тарихий тажрибадан тегишли хулоса чиқармасдан туриб давлат ва ҳуқуқнинг ҳозирги аҳволини англаб етиш ҳамда уларнинг истиқболи ҳақида илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар бериш амри маҳол.

Шунинг учун ҳам ҳозирги изланишларимиз марказида Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши масалаларини тадқиқ этиш, **“Янги Ўзбекистонгача бўлган давлатчилик ва ҳуқуқ даврини ўрганишда тарихий ёндашувнинг аҳамияти”**, **“Ўрта аср давлатчилиги ва ҳуқуқини ўрганишнинг янгича методологияси”**, **“Ўрта асрлар ҳуқуқини ўрганишнинг долзарб масалалари”**, **“Амир Темур давлатчилигини ўрганишнинг айрим масалалари”**, **“Турк ҳоконлиги давлатини ўрганишнинг методологияси”**, **“Сомонийлар даври давлатчилигини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари”**, **“Мўғуллар босқини даврида Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ тараққиётидаги ўзгаришлар”**, **“Шайбонийлар давлатчилигини ўрганишнинг айрим масалалари”** каби илмий изланиш йўналишларини пухта ўрганиш масалалари турибди.

Илмий ва тарихий меросимизга эътибор берсак, ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида **Эфғалийлар, Турк ҳоконлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, Шайбонийлар, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари** ташкил топди,

хуқуқнинг янги манбалари, соҳалари ва институтлари вужудга келди ва ривожланди, ўз даври учун ўзига хос юқори ҳуқуқий маданият шаклланди. Шунинг билан бир қаторда мазкур даврда она заминимиз VIII аср бошларида араблар, XIII аср бошларида мўғуллар, XV-XVI асрларда шайбонийлар томонидан босиб олинди, босқинчилар ўз манфаатларидан келиб чиқиб давлат бошқарув тизимида, суд органларида, ҳарбий соҳада, ҳуқуқ манбалари, соҳалари ва институтларида маълум ўзгаришларни амалга оширдилар. Лекин эрксевар аجدодларимиз она - Ватан муҳофаази, унинг давлат мустақиллиги ва равнақи йўлида тинимсиз қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Уларнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари туфайли миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқимиз тикланди, ушбу соҳаларда улкан ютуқларга эришилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, VI асрдан XIX асргача бўлган даврда минтақанинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида изчил барқарорлик бўлмади ҳисоби. Маълум бир босқичларда ривожланиш, ижобий томонга силжишлар кўзга ташланса, бошқа босқичларда таназулнинг, инқирознинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, араблар босқини арафасида ва Мавароуннаҳр Араб халифалиги таркибида бўлган даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда ижобий ўзгаришлар деярли бўлмади. Сомонийлар даврига келиб кучли марказлашган давлатнинг ташкил этилиши, минтақада тинчлик, осойишталик ва барқарорликка эришилиши, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, савдо-сотик, фан ва маданиятда гуркураб ривожланишга кенг йўл очиб берди. Бу даврда суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланишида йирик каналларнинг қурилиши, шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлаш ва бу борада қаттиқ тартиб интизом ўрнатиш чоратадбирларининг қўрилиши ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчиликнинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Тўқимачилик, кулолчилик, шишасозлик, кончилик, қоғоз ишлаб чиқариш, тоштарошлик, заргарлик, дуродгорлик, шаҳарлар билан қишлоқлар ўртасида, хорижий давлатлар билан савдо-сотик қилиш соҳаларида улкан ютуқларга эришилди. Булар ўз

навбатида фан ва маданиятнинг ривожланишига катта имконият яратди. Шарқ Уйғониш даври номи билан тарихга кирган IX-XII асрларда математика, геометрия, астрономия, геодезия, география, медицина, тарих, фалсафа, мантиқ, сиёсатшунослик, диншунослик, тасавуф илми, давлатшунослик, ҳуқуқшунослик, тилшунослик, шеърят, адабиёт, меъморчилик, санъат, мусиқашунослик соҳаларида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди. Қомусий олимлар ва фаннинг турли соҳаларининг кўзга кўринган вакиллари етишиб чиқди. Улар жаҳон маданиятнинг, турли фан соҳаларининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Ҳалқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган давлатларнинг ташкил топиши, ижтимоий-сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқи, классик ҳуқуқшунослар ва тарихчилар асарларига суянган ҳолда тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ёритилган янгидан янги маълумотларга бўлган қизиқиш мунтазам ортиб бормоқда.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 9-мартдаги 133-сон қарори, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновациялар кенгашининг 2025-йил 4-мартдаги 4-сон баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2025-йил 17-мартдаги 103-сон буйруғига мувофиқ академик Акмал Холматович Саидов раҳбарлигида 2025 йил апрел ойидан бошлаб институтда **“Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси ва истиқболлари”** мавзусидаги **фундаментал тадқиқот** лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Кўп минг йиллик ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш, миллий тарихий хотирани тиклаш ва мустаҳкамлаш қадимги даврлардан то замонавий босқичгача бўлган давлат бошқаруви усуллари, ҳуқуқий институтлар, сиёсий маданият ва маъмурий тизимларни таҳлил қилиш бугунги ислохотлар учун ҳам муҳим назарий ва амалий хулосалар чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Лойихада алоҳида даврлар ёки муайян сулолалар доирасида миллий давлатчиликнинг генезиси ва эволюциясини яхлит, тизимли ва узвий жараён сифатида ўрганиш эса соҳадаги илмий бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам беради. Ўзбек миллий давлатчилиги кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, унинг шаклланиши, босқичма-босқич ривожланиши ва трансформацияси масалаларини чуқур илмий асосда ўрганиш миллий тарихий хотирани тиклаш, тарихий меросга ҳолисона баҳо бериш учун жуда муҳимдир. Бу айниқса мустамлакачилик ва совет даврида бир ёқлама талқин қилинган давлатчилик анъаналарини қайта кўриб чиқиш нуктаи назаридан долзарб. Генезис ва эволюцияни ўрганиш орқали ҳозирги ўзбек давлати тасодифий ҳодиса эмас, балки узоқ тарихий ривожланиш натижаси экани исботланади.

Фундаментал лойиҳанинг биринчи йилида Ўрта асрларда давлат ва ҳуқуқ ривожланиши ўрганилади. Амалдаги тадқиқотлар натижасига кўра илмий ўрганишлар анъанавий равишда фақат феодализм, монархия ёки диний ҳуқуқ доирасида талқин қилинган.

Замонавий илмий ёндашувларнинг таҳлили ушбу даврни ҳар томонлама — сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллар ўзаро таъсирида тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Бу ёндашув ўрта аср давлатчилигини ҳозирги давлат ва ҳуқуқ тизимларининг тарихий пойдевори сифатида кўриш имконини беради. Ўрта аср давлатининг ривожланишига замонавий қарашлар замонавий тарихий-ҳуқуқий тадқиқотларда ўрта аср давлати фақат зўравонликка асосланган тузилма эмас, балки жамиятни тартибга солувчи **институционал тизим** сифатида қаралади. Замонавий ёндашув ҳуқуқни фақат қонунлар мажмуаси эмас, балки **ижтимоий тартибга солиш механизми** сифатида ўрганади. Одат ҳуқуқи ва ёзма ҳуқуқ нормаларининг уйғунлиги Диний ҳуқуқ тизимлари (шариат ва бошқа ҳуқуқлар)нинг ҳуқуқий институт сифатидаги роли илмий гипотезалар орқали таҳлил қилинади.

Мазкур лойиҳанинг “Йўл харитаси”га асосан **Сомонийлар, Қарохонийлар. Хоразмшоҳлар, Амир Темури ва Темурийлар.**

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихига замонавий илмий ёндашувларда сулолаларни фақат сиёсий воқеалар таъсири билан эмас, балки институционал ривож нуқтаи назаридан баҳолаш, ҳар бир сулолани умумий давлат ва ҳуқуқ тараққиёти занжирида кўриш ҳамда миллий тарихни глобал жараёнлар билан боғлаш илмий ечим сифатида тизимлаштирилмоқда. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида ҳукмронлик қилган сулолалар давлатчилик ва ҳуқуқий тафаккур ривожига асос солди, марказлашган бошқарув, девон тизими, суд ва қонунчилик институтларини шакллантирди; бугунги миллий давлатчилик ва ҳуқуқий маданиятнинг тарихий пойдеворини яратди.

Олинган илмий натижалар библиография, хрестоматия, монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар шаклида намоён бўлади ҳамда имкон даражасида тижоратлаштирилади, тегишли патентлар олинади, **Scopus va Web of Siase (Скопус ва Веб оф сайнз)** базасидаги етук хорижий журналларда мақолалар чоп этилади. Жумладан, лойиҳада халқаро журналларда 3 та мақола чоп этиш, 5 та монография, 5 та ўқув қўлланма, 2 та дарслик нашр қилиш интеллектуал мулк агентлигига фойдали патент олиш учун 4 та талабнома юбориш режалаштирилган.

Лойиҳани амалга ошириш учун жами 18 нафар ходим, жумладан 2 нафар академик, 4 нафар фан доктори, 3 нафар фан номзоди, 3 нафар илмий даражасиз ходимлар, 6 нафар техник ходимлар жалб қилинган. Лойиҳа натижаларининг илмий аҳамияти ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида лойиҳада хорижий эксперт жалб этилган — бу илмий жараёни бойитувчи стратегик омил бўлиб, олинган натижаларни илмий экспертизадан ўтказиш миллий илм-фанни глобал илмий ҳамжамият билан узвий боғлаш мақсадига хизмат қилади.

Лойиҳа ишида стажер тадқиқотчилар, докторантлар ҳамда магистрлар иштироки йулга қўйилган. Лойиҳа доирасида бакалаврият малакавий иши, магистрлик диссертацияси ҳамда докторлик (PhD, DsC) диссертацияларини тайёрлаш кўзда тутилган.

Ўйлаймизки, “Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси ва истиқболлари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси тарихий, сиёсий, маънавий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда долзарб бўлиб, у замонавий Ўзбекистон давлатчилигини илмий асослаш ва унинг келгуси тараққиёт стратегиясини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Акмал Саидов,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

М. Т. ТУРГУНОВ

Директор Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, профессор

Э. КУРБАНОВА

Старший научный сотрудник
Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан

ГОСУДАРСТВО И ПРАВО АШТАРХАНИДОВ: ИСТОРИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

(“Ўзбекистон худудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)

Аннотация: В статье представлен комплексный историко-правовой анализ государственно-правовой системы Бухарского ханства периода Аштарханидов (XVII–первая половина XVIII вв.). Особое внимание уделено соотношению шариатского права, адата и ханского нормотворчества, трансформации политико-административных институтов и эволюции судебной практики. Делается вывод о полицентричности правовой системы и патримониально-клановом характере управления, определивших специфику правового развития региона.

Ключевые слова: Аштарханиды, Бухарское ханство, государственное устройство, шариат, адат, ярлык, кази, историко-правовой анализ.

Аштарханиды, происходившие по родословной от Тукай-Тимура, сына Джучи, приходят к власти в Бухарском ханстве после пресечения династии Шейбанидов в начале XVII в. Формально сохраняя преемственность титулатуры и идеологии «узбекского» ханства, новая династия унаследовала разобщённую территорию с сильными региональными центрами (Бухара,

Самарканд, Балх, Ташкент, Шахрисабз и др.), где власть хана конкурировала с влиянием местных владетелей и духовных лидеров¹.

Территория ханства включала основную часть Мавераннахра и Южного Туркестана; степень реального контроля центра варьировалась в зависимости от военной и финансовой ситуации. Внешнеполитические отношения (с Ираном Сефевидов, казахскими ханствами, Хивой и Кокандом) оказывали непосредственное влияние на внутреннюю конфигурацию власти, поскольку военные конфликты требовали мобилизации ресурсов и перераспределения прав на сбор налогов и управление землями².

С точки зрения общей теории государства правление Аштарханидов может быть охарактеризовано как:

форма правления – наследственная монархия с признаками султанско-ханской теократической модели;

форма государственного устройства – фактически децентрализованное государство с элементами вассалитета и широкой автономией областных и уездных владетелей;

политический режим – традиционный патримониально-сословный, опирающийся на военную аристократию, крупное духовенство и городские купеческо-ремесленные элиты.

Хан (падишах) выступал высшим носителем политической и правовой власти, считаясь наместником Аллаха на земле в пределах доверенной ему уммы. Он сочетал в себе функции верховного правителя, военачальника и высшего судьи по наиболее важным делам.

Его власть сакрализировалась через религиозную легитимацию, в том числе посредством поддержки авторитетных шейхов и ходжей³.

¹ Т. К. Кораев // Хвойка – Шервинский. – М.: Большая российская энциклопедия, 2017. – С. 777-778. – (Большая российская энциклопедия : [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов ; 2004–2017, т. 34). – ISBN 978-5-85270-372-9.

² <https://uzcapital.uz/ocherk-envera-xurshuta/xvii-v-pravlenie-ashtarxanidov>

³ Матьякубова, М. М. Из истории государственного управления в Бухарском эмирате в период правления династии Мангытов / М. М. Матьякубова, Р. О. Отамуротова. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 3 (83). – С. 574-576. – URL: <https://moluch.ru/archive/83/15143>.

С правовой точки зрения хан: издавал ярлыки, фирманы и другие акты, имевшие нормативное или индивидуальное значение; санкционировал назначение на ключевые административные, военные и судебные должности; утверждал крупные земельные пожалования (суюргал, тарханство и др.); выступал высшей апелляционной инстанцией по наиболее значимым государственным и религиозным делам.

Однако фактический объём его полномочий во многом зависел от реального влияния влиятельных кланов и дворовых группировок (аталык, диванбеги, видные эмиры, духовные лидеры), что делало верховную власть уязвимой к дворцовым интригам и переворотам.

Система центральных органов при Аштарханидов в целом воспроизводила шейбанидскую модель, но претерпела важные акцентные изменения. К числу ключевых должностных лиц относились:

аталык – ближайший советник хана, фактический руководитель исполнительной власти в периоды слабости монарха;

диванбеги – глава дивана (совета), ведавший финансово-административными делами;

кушбеги, беклярбеки – высшие военные и административные руководители отдельных областей;

садр, шейх-уль-ислам, казикалян (кози-калон) – высшие представители духовенства и судебной системы, обеспечивавшие религиозно-правовую легитимацию решений власти¹.

Через диван осуществлялось принятие важнейших решений по вопросам налогообложения, распределения земель, назначения на ключевые должности. Деятельность центральных органов отличалась сочетанием письменной фиксации актов (ярлыков, фирманов) и значительной ролью устных распоряжений, передаваемых доверенными лицами хана.

¹ Матьякубова, М. М. Из истории государственного управления в Бухарском эмирате в период правления династии Мангытов / М. М. Матьякубова, Р. О. Отамуротова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2015. — № 3 (83). – С. 574-576. – URL: <https://moluch.ru/archive/83/15143>

Административно-территориальное устройство Бухарского ханства периода Аштарханидов включало крупные области (вилайеты), уезды (туманы) и отдельные городские центры, статус которых зависел от их политического и экономического значения. В провинциях власть осуществляли беклярбеки, амиры и другие локальные лидеры, часто представлявшие влиятельные племенные и клановые объединения¹.

Правовое положение местных правителей отличалось значительной автономией: они обладали правом сбора налогов и повинностей в пользу центра и частично в собственную пользу; могли поддерживать собственные вооружённые отряды; в ряде случаев осуществляли судопроизводство по менее значимым делам, применяя как шариат, так и местный обычай.

Такое положение усиливало фрагментацию правоприменительной практики и создавало предпосылки для возникновения параллельных «локальных правопорядков» в рамках единого государства.

Правовая система Бухарского ханства периода Аштарханидов носила полицентричный характер и включала:

1. **Нормы шариата**, основанные на Коране, сунне, фетвах авторитетных улемов и доктринальных положениях ханафитского мазхаба, преобладавшего в регионе.

2. **Нормы адата (ёрф, урф)** – локального обычного права, регулирующего земельные, водные, семейно-бытовые и иные отношения, особенно в сельской местности и среди племенной аристократии.

3. **Ханские ярлыки и фирманы**, закреплявшие индивидуальные пожалования, налоговые привилегии, статус отдельных территорий и лиц, а также содержавшие элементы общерегулятивных (квазинормативных) предписаний.

¹ Матякубова, М. М. Из истории государственного управления в Бухарском эмирате в период правления династии Мангытов / М. М. Матякубова, Р. О. Отамуротова. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 3 (83). – С. 574-576. – URL: <https://moluch.ru/archive/83/15143>

4. **Судебные прецеденты и практику казиев**, обобщаемую в форме сборников фетв и комментариев к классическим фикховым трактатам.¹

Строго формализованной иерархии источников права не существовало: в идеале верховенство принадлежало шариату, однако в реальной практике адат и ярлыки нередко доминировали в сферах земельных, налоговых и политико-административных отношений.

Адат – совокупность местных обычаев – продолжал играть ключевую роль в регулировании повседневной жизни, особенно в сельской среде, где традиционные общинно-племенные структуры сохраняли высокую автономию.

Особенно значимыми были: обычаи землепользования и водопользования; институты коллективной ответственности общины; правила разрешения конфликтов путём медиации и примирения (сулх).

Ханское нормотворчество проявлялось через издание ярлыков и фирманов, многие из которых имели долговременный характер и фактически превращались в письменные источники права. В них закреплялись налоговые льготы, статус вакуфных земель, торговые привилегии для отдельных караван-баши и купеческих корпораций и др.²

Судебная система периода Аштарханидов представляла собой многоуровневую структуру:

казикалян (кози-калон) – верховный кади ханства, осуществлявший надзор за деятельностью ниже стоящих судей, участвовавший в решении наиболее значимых дел;

городские и уездные казии, рассматривавшие большинство гражданских и уголовных дел в соответствии с шариатом;

¹Ширинов С. Государственное управление и правовые основы при аштарханидах. Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий асослари. (2023). e conference zone, 39-52. <https://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/2098>

² Ширинов С. Государственное управление и правовые основы при аштарханидах. Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий асослари. (2023). e conference zone, 39-52. <https://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/2098>

суды муфтиев и шариатские консультативные органы, выносившие фетвы по сложным вопросам;

ханский суд (диуан), где рассматривались дела, имеющие политическое значение или затрагивающие интересы высших слоёв общества¹.

Наряду с этим существовали параллельные практики разрешения конфликтов – через старейшин общин, племенных лидеров, представителей суфийских братств, – которые фактически выполняли функции квазисудебных органов.

Процесс в судах кади строился на принципах, вытекающих из ханафитской доктрины: приоритет письменных и свидетельских доказательств; использование присяги (йамин) в качестве вспомогательного средства доказывания; допуск посредничества и примирения сторон на любой стадии; отсутствие чёткой границы между уголовным и гражданским процессом в современном понимании.

В области государственного (конституционного в широком смысле) и административного права ключевыми были: нормы, регулирующие престолонаследие и порядок признания хана; правовой статус высших должностных лиц (аталыка, диванбеги, беклярбеков, высшего духовенства); компетенция центральных и местных органов власти; система налогов и повинностей, порядок их сбора².

Формальная регламентация этих отношений в виде систематизированных актов отсутствовала; правовой массив складывался из совокупности ханских ярлыков, адата и закреплённой обычаями дворцовой практики. Это предопределяло высокий уровень казуистичности и персонализации власти.

¹ Матьякубова, М. М. Из истории государственного управления в Бухарском эмирате в период правления династии Мангытов / М. М. Матьякубова, Р. О. Отамуротова. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 3 (83). – С. 574-576. – URL: <https://moluch.ru/archive/83/15143>

² Ширинов С. Государственное управление и правовые основы при аштарханидах. Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий асослари. (2023). e conference zone, 39-52. <https://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/2098>

Земельно-налоговые отношения занимали центральное место в правовой системе, поскольку именно контроль над землёй и налоговыми потоками определял устойчивость ханской власти.

Ключевыми институтами были: различные категории земель (мульк, мири, вакф, суюргал и др.); налог на землю и орошение, другие натуральные и денежные повинности; правовой статус землевладельцев и арендаторов; привилегии вакфных владений и религиозных учреждений.

Слабость центра и необходимость опираться на поддержку местной элиты привели к широкой практике пожалований и закрепления налоговых доходов за отдельными лицами и кланами, что со временем подорвало финансовую базу ханской власти и усилило децентрализацию¹.

Анализ государственно-правовой системы Аштарханидов позволяет сделать несколько принципиальных выводов для общей истории государства и права Узбекистана:

1. Преемственность и трансформация. Аштарханидская династия восприняла от шейбанидского периода не только территориальное пространство и атрибуты верховной власти, но и сложившийся тип патримониально-султанской государственности, для которого характерно органичное переплетение правовых институтов с религиозными структурами и племенно-клановыми формами социальной организации.

2. Полицентричность правовой системы. Сочетание шариата, адата и ханского нормотворчества формирует сложный, неоднородный правовой массив, внутри которого возникают конкурирующие режимы регулирования – особенно в земельной, налоговой и административной сферах².

3. Роль духовенства и суфийских элит. Духовенство, прежде всего джуйбарские ходжи и другие влиятельные религиозные деятели, превращается в самостоятельный центр власти, способный влиять на

¹ https://old.eduportal.uz/Umumiyfiles/darsliklar/8/ozbekiston_tarixi_8_rus.pdf

² Ширинов С. Государственное управление и правовые основы при аштарханидах. Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий асослари. (2023). E Conference Zone, 39-52. <https://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/2098>

назначение ханов и ключевых чиновников, а также формировать правовую повестку через шариатскую юстицию и институт вакфов¹.

4. Институциональное наследие. Ряд институтов, сложившихся при Аштарханидах (структура центральных и местных органов власти, система вакфных и налоговых прав, формы взаимодействия светской и религиозной юстиции), в модифицированном виде сохранялись и в период Мангытов и оказали влияние на правовую культуру последующего времени вплоть до реформ конца XIX – начала XX вв.²

Государство и право Аштарханидов представляют собой важное звено в эволюции государственности и правовой системы Центральной Азии. В условиях раннемодерного мира, когда усиливались внешние вызовы и внутренняя социально-экономическая напряжённость, Аштарханиды стремились опереться на традиционные механизмы сакрализации власти и устоявшиеся правовые формы – шариат, адат, ханские ярлыки.

Однако объективные процессы – рост влияния региональных элит, усложнение хозяйственных отношений, внешнеполитическое давление – приводили к постепенному разрыву между нормативным идеалом и реальной практикой. Правовая система всё в большей степени приобретала характер локально дифференцированного комплекса, в котором единство обеспечивалось не столько формально-юридическими средствами, сколько функционированием общих культурно-религиозных кодов и персонализированными механизмами власти.

Результаты историко-правового анализа показывают, что рассматриваемый опыт не может интерпретироваться как простой предэтап современного узбекского права. Напротив, многие актуальные сегодня дискуссии – о соотношении религиозных и светских регуляторов, роли адата

¹ Матьякубова, М. М. Из истории государственного управления в Бухарском эмирате в период правления династии Мангытов / М. М. Матьякубова, Р. О. Отамуротова. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 3 (83). – С. 574-576. – URL: <https://moluch.ru/archive/83/15143>

² Дустов Н. Система административного устройства бухарского ханства в период правления династии мангытов. // sistema-administrativnogo-ustroystva-buharskogo-hanstva-v-period-pravleniya-dinastii-mangytov (2).pdf

и практик медиации в судопроизводстве, а также о распределении полномочий между центром и регионами уходят корнями в более ранние исторические процессы, включая период правления Аштарханидов. Научное осмысление этого наследия позволяет расширить представления о правовой эволюции региона и формирует дополнительные ориентиры для продолжающихся реформ национальной правовой системы.

Список использованной литературы:

1. Т. К. Кораев // Хвойка – Шервинский. – М. : Большая российская энциклопедия, 2017. – С. 777-778. – (Большая российская энциклопедия : [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов ; 2004-2017, т. 34). – ISBN 978-5-85270-372-9.
2. <https://uzcapital.uz/ocherk-envera-xurshuta/xvii-v-pravlenie-ashtarxanidov>
3. Матьякубова, М. М. Из истории государственного управления в Бухарском эмирате в период правления династии Мангытов / М. М. Матьякубова, Р. О. Отамуротова. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2015. – № 3 (83). – С. 574-576. – URL: <https://moluch.ru/archive/83/15143>
4. Ширинов С. Государственное управление и правовые основы при аштарханидах. Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий асослари. (2023). e conference zone, 39-52. <https://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/2098>
5. https://old.eduportal.uz/Uumumiyfiles/darsliklar/8/ozbekiston_tarixi_8_rus.pdf
6. Дустов Н. Система административного устройства бухарского ханства в период правления династии мангытов. // [sistema-administrativnogo-ustroystva-buharskogo-hanstva-v-period-pravleniya-dinastii-mangytov \(2\).pdf](#)

Ж. ТОШҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

**ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ҲУҚУҚИ
ТАРИХИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ
(“Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси
ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)**

Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихида она заминимизда ўрта асрларда фаолият олиб борган давлатлар ва ҳуқуқ тизимларининг ўзига хос ўрни ва роли бор. Мазкур давр давлатчилиги ва ҳуқуқини ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий изланишларни инкор этмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳали бу борада ўз тадқиқотчиларини кутаётган муаммо ва мавзуларни санаб саноғига етиш бир мунча мушкул.

Минтақамиздаги ўрта асрлар давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи вақт нуқтаи назаридан қарийб ўн беш асрни қамраб олади. Бу борада давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ва таназзуллар ҳам бўлган, **бу биринчидан.**

Иккинчидан, ушбу давр ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий ҳаёти серқирра, мураккаб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар кескин тус олган давр эди.

Учинчидан, ушбу даврда сиёсий барқарорлик деярли бўлмаган.

Тўртинчидан, бу даврда ҳуқуқий хилма-хиллик бўлган.

Бешинчидан, бу даврда минтақада турмуш-тарзи, этник келиб чиқиши, диний эътиқоди, маданияти, тили, менталитети хилма-хил бўлган халқлар, элатлар, қабилалар ва уруғлар истиқомат қилган, бу ҳолат давлат ва ҳуқуққа ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Олтинчидан, ўрта асрлар давлатчилиги ва ҳуқуқида юз берган жиддий ўзгаришларда ташқи кучлар таъсири ҳам муҳим рол ўйнаган. Бу араблар, мўғуллар, шайбонийлар, эронликлар босқинидир.

Юқорида зикр этилган замон ва маконнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш давр талаби. Бунинг учун биринчи навбатда ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини илмий тадқиқ қилиш қандай методологияга асосланиб амалга оширилишини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу масала, айниқса, мафкуравий кураш, ахборот уруши авжига чиққан, айрим ғаламислар томонидан бизнинг давлатчилик тарихимизни сохталаштиришга уринишлар фаол тус олган, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётимизга замонавий технологиялар кириб келаётган бир шароитда алоҳида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Биз давлатшунослар ва ҳуқуқшунослар ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини чуқур, атрофлича, биринчи манбаларга асосланиб, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олиб, асослантирилган хулосалар чиқармадик. Ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича кенг қамровли ва мантиқий изчилликдаги илмий изланишлар олиб борилмади ҳисоб. Фақат Амир Темур давлати, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари давлати ва ҳуқуқи, ислом ҳуқуқи бўйича айрим монографиялар, рисоалар, мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди, диссертациялар ҳимоя қилинди холос¹.

¹ Қаранг: Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. I китоб. Т.: “Фан”, 2004. – 294 б; Бобоев Ҳ., Хидиров З. Ва бошқалар. Ўзбек давлатчилиги тарихи. II китоб. Т.: “Фан ва технология”, 2009. – 472 б; Бобоев Ҳ., Хамроев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши). III китоб. Т.: “Фан ва технология”, 2015. – 228 б; Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. К.И. Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. – 160 б; Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. К.З. Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. – 116 б; Toshqulov J. va boshqalar. Islom huquqshunosligi (Fiqh). O'quv qo'llanma. – Т.: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2013. – 410 б; Тошқулов Ж., Юсупова Н. Ж. Исломда оила ҳуқуқи: ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015. – 320 б; Toshqulov J. Islomda soliq huquqi. O'quv qo'llanma. / Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2017. – 176 б; Тошқулов Ж. Ислом суд ҳуқуқи [Матн]: ўқув қўлланма. – Тошкент: “Complex Print”, 2021. – 168 б; Тошқулов Ж. Исломда халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари [Матн]: ўқув қўлланма. – Тошкент: “Complex Print”, 2021. – 304 б; Тошқулов Ж., Азизов Н. Ислом суд ҳуқуқи: ўтмишда ва ҳозирги даврда. Ўқув қўлланма. Давлат ва ҳуқуқ институти, 2023. – 272 б; Yusupova N. J. Fiqh I [Matn]: Darslik. – Toshkent: Bookmany print, 2023. – 384 б; Юсупова Н. Ж. “Фикх” (усул ва фуруъ) [Матн]: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ООО “Complex Print”, 2021. – 456 б; Ражабова М. Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо [Матн]: ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 284 б; Раҳманов А., Юнусов

Ҳозирги кунгача умуман, шу жумладан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришнинг методологияси ишлаб чиқилмади. Бундай методологиясиз амалга оширилган илмий изланишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, кутилган натижани бериши, тадқиқотчининг асослантирилган хулоса чиқариши бир мунча мушкул.

Ҳозиргача ўқув адабиётлари, рисола, мақолалар, ҳимоя қилинган диссертацияларда “Феодал жамияти”, “феодализм”, “Феодал давлати”, “Феодал ҳуқуқи” каби тушунчалардан воз кечмадик, ўзи бизда феодализм, феодал жамияти, феодал давлати, феодал ҳуқуқи бўлганми, деган савол ҳаёлимизга ҳам келмади ҳисоб. Ушбу тушунчалар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди.

Совет мустамлакачилиги даврида ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмади. Асосий эътибор совет давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишга қаратилди, совет давлатчилиги ва ҳуқуқини кўкларга кўтариб макташдан нарига ўтилмади¹. Мустақиллик йилларимизда ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борилмади эмас, олиб борилди. Лекин, ушбу тадқиқотларда мантиқий изчиллик, узлуксизлик, фикрлар хилма-хиллиги, илмий баҳс, холисоналик, ўрганилаётган масалаларга замонавий ёндашувлар кўзга ташланмайди.

Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини ўрганишга бағишланган илмий изланишларда асосан ўзбек ва рус тилидаги манбалар ва адабиётларга

Ҳ., Қараташ М. Ислом ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “IMPRESS MEDIA”, 2021. – 265 б; Тошқулов Ж. Ислом давлат ҳуқуқи. Монография. / Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎЗРФА Давлат ва ҳуқуқ институти, 2022. – 336 б.

¹ Қаранг: История советского государства и права Узбекистана: 1917-1924 гг.. В 3-х т. Т. 1 / Отв. ред.: Ишанов А.И., Сулайманова Х.С. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960. – 511 с; История советского государства и права Узбекистана: 1924-1937 гг.. В 3-х т. Т. 2 / Отв. ред.: Ишанов А.И., Сулайманова Х.С. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. – 825 с; История советского государства и права Узбекистана: 1937-1957 гг.. В 3-х т. Т. 3 / Отв. ред.: Ишанов А.И., Сулайманова Х.С. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1968. – 675 с; Государственное строительство и право в Узбекской ССР. Т.: “Фан”, 1974. – 368 с; Ишанов А. Роль компартии и советского правительства в создании национальной государственности узбекского народа. Т.: “Узбекистан”, 1978. – 272 с; Агзамходжаев А., Уразаев Ш. Единое советское много-национальное государство. Т.: “Узбекистан”, 1982. – 279 с; Конституционное развитие Узбекской ССР. Т.: “Фан”, 1986. – 178 с.

таянилды. Араб, турк, форс, инглиз, немис, француз, хитой ва бошқа хорижий тиллардаги манбалар ва адабиётлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди.

Давлатшунослар ва ҳуқуқшуносларимиз миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқимиз тарихи бўйича илмий изланишлар олиб боришда асосан ўз касбдошларининг фикр-мулоҳазалари, қарашлари ва хулосалари билан ҳисоблашишди, бу ҳолатга ҳозир ҳам барҳам берилгани йўқ. Масалага бундай ёндашув бизнинг катта камчилигимиздир. Гап шундаки, давлат ва ҳуқуқ тарихи билан боғлиқ масалаларга тарих, фалсафа тарихи, сиёсатшунослик, этнография, манбашунослик, диншунослик, ахлоқшунослик, шарқшунослик, маданиятшунослик каби фанлар бўйича олиб борилган илмий изланишларда у ёки бу даражада эътибор қаратилмади. Биз ушбу фанлар соҳасида эришилган ютуқлар билан деярли ҳисоблашмадик.

Ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини илмий тадқиқ этишда ҳуқуқшунослар асосий эътиборни Амир Темур давлати, Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари давлати, ислом оила ва жиноят ҳуқуқларига қаратишди, Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғуллар, Шайбонийлар давлат органлари тизими, ислом фуқаролик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, сув ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, суд ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, минтақада истиқомат қилган қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркманларнинг одат ҳуқуқи, буддавий, христиан, яҳудий жамоалари аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солган ҳуқуқ манбалари, соҳалари ва институтлари бўйича алоҳида илмий изланишлар деярли амалга оширилмади.

Ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи бўйича амалга оширилган илмий изланишларда минтақада истиқомат қилган халқларнинг турмуш тарзи, касби-кори, маданияти, менталитети, диний эътиқоди хилма-хиллиги кабилар етарлича эътиборга олинмади. Бу хилма-хилликнинг давлат ва ҳуқуққа қандай таъсир этганлиги тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди.

Ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини ўрганишга бағишланган илмий изланишларда бу даврдаги сиёсий беқарорлик ва ҳуқуқий хилма-хиллик масалаларига жиддий эътибор берилмади. Ушбу давр давлатчилиги ва ҳуқуқининг мафкуравий асосларига тадқиқотчилар деярли эътибор беришмади.

Хуллас, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича амалга оширилган илмий изланишлар замон талаби даражасида дейишимизга ҳали эрта. Бу соҳада эришилган ютуқларимиздан кўра камчиликларимиз кўпроққа ўхшайди. Ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи қандай бўлишидан қатъий назар бизнинг тарихимиз. Уни чуқур, атрофлича ва ҳолисона илмий таҳлил қилиш, ўрта асрларда минтақамизда давлат ва ҳуқуқ соҳасида эришилган ютуқлар ва йўл кўйилган камчиликлар ҳақида тегишли хулосалар чиқариш – юртимиз илмий жамоатчилиги олдида турган муҳим долзарб масалалардан биридир. Бунинг учун тадқиқотчиларнинг эътибори қуйидагиларга қаратилмоғи лозим:

Биринчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини илмий ўрганиш методологиясини ишлаб чиқиш, бунинг учун ушбу даврдаги давлат ва ҳуқуқа ёндашувлар, тадқиқот принциплари¹ ва методларига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Иккинчидан, ўрта асрлардаги ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқини илмий таҳлил қилишда уларга минтақада истиқомат қилган аҳолининг турмуш тарзи, этник таркиби, касби-кори, иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси, диний эътиқоди, дунёқараши кабиларнинг таъсирини ҳисобга олиш керак.

Учинчидан, илк ўрта асрлардаги мамлакатимиз ҳудудидаги давлат ва ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари, араблар, мўғуллар ва шайбонийлар

¹ Қаранг: Тошқулов Ж. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши мавзуларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш принциплари // Ўзбекистон ҳудудида қадимги давр давлатчилиги ва ҳуқуқ тарихини ўрганишнинг методологик масалалари [Матн]. Монография. – Т.: “Kamron Press”, 2024. – Б. 28-51.

босқинининг сиёсий-ҳуқуқий оқибатларини чуқур ва атрофлича илмий таҳлил қилиш ва холисона баҳо бериш лозим бўлади.

Тўртинчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқига ёндашувларнинг ўтмишда хилма-хил бўлганлиги, бу ҳолат ҳозир ҳам давом этаётганлигига алоҳида эътибор қаратишимиз шарт бўлади.

Бешинчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича қатъий мантиқий изчиллик ва кетма-кетликда илк ўрта асрлар, ривожланган ўрта асрлар ва сўнгги ўрта асрларнинг ўзига хос хусусиятлари, ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда илмий таҳлил қилиниши шарт.

Олтинчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилигида сиёсий беқарорлик, унинг сабаблари ва оқибатлари, ҳуқуқий хилма-хиллик – зардуштийлик, яҳудийлик, буддавийлик, христианлик, ислом диний ҳуқуқ тизимлари, дунёвий ҳуқуқ тизимлари – одат ҳуқуқи, Ёсо қонунлари, Темур тузуклари, давлат бошлиқларининг фармон (ёрлик)лари амалда бўлганини эътибордан четда қолдирмасдан тадқиқотларни амалга ошириш керак.

Еттинчидан, давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича илмий изланишлар олиб боришнинг анъанавий методлари – тарихийлик, диалектик, анализ, синтез, индукция, дедукция, аналогия, мантиқийлик, тизимлаш, қиёсий-тарихий, муайян-тарихий усуллар бир қаторда ўрганилаётган муаммоларга комплекс, плюралистик, цивилизациявий ва синергетик ёндашув усулларида¹ кенг фойдаланишни йўлга қўйиш давр талаби.

¹ Бу усуллар ҳақида батафсил қаранг: Михайлов А. Цивилизационный подход к типологии государств: от Данилевского к Хантингтону// <https://blog.pravo.ru/blog/6751.html>; Вакулова Т.В., Ковалёва Н.С. Особенности цивилизационного подхода в исследованиях по педагогике// Научно-методический журнал, “Концепт” №8. 2020. – С. 1-19; Корнетов Г.Б. Цивилизационный подход к изучению всемирного историко-педагогического процесса. М.: ИТП и МНОРАО, 1994. – 205 с; Корякин В.В. Цивилизационный и формационный подход к истории возможен ли синтез// Личность. Культура. Общество. 2009, Т. XI. Вып. 3, С. 341-348; Кузьмен О.В. Цивилизационный подход в анализе либеральной модели демократии. Автореф. дисс.канд.филол.наук. Барнаул, 1993. – 18 с; Костюк В.Г. Возможности цивилизационного подхода в этносоциологии// Гуманитарные науки в Сибири. №3. 2003. С. 22-24; Колоткина О.А., Морозова А.С., Ягофарова И.Д. Теория государства и права. Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2021. – С. 30; Правовая политика. Комплексный подход к усовершенствованию государственной и правовой жизни общества. Учебное пособие. М.: Кнорус, 2019. – 218 с; Синергетика-3: Маънавий мерос. Монография. Т.: “FAN ZIYOSI”, 2024. – 472 б; О современной методологии <https://studfile.net/preview/14779038/page:11/>; Астахова О.А. Каковы основные принципы современных научных исследований? // Евразийский Союз Ученых. 2015. №3-1 (12). С. 16-18; Васенёв М.И. Современные методы и методологические способы исследования в юриспруденции. <https://apni.ru/article/8757-sovremennye-metodi-i-metodologicheskie-sposob>; Синергетический метод исследования в юриспруденции <https://pro.zaachnik.ru/blog/osnovnyie-metody-nauchnogo-issledovaniija-v-jurisprudenci/>; Корнев А.В. Базовые методы истории политических и правовых учений и возможная трансформация объекта юридической науки. Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2023. №4. – С. 26-40. <https://doi.org/10.17803/2311-5998.2023.104.4.026-040>; Корнев А.В. Методологические основания изучения истории политических и правовых учений. Lex russica. – 2022. Т. 75. №5. – С. 127-136. <https://doi.org/10.17803/1729-5920.2022.186.5.127-136>; Тарасов Н.Н. Методологические проблемы современного правоведения: автореф. дисс. док. юрид. наук. Уральская государственная юридическая академия. – Екатеринбург, 2002. – 46 с.

Саккизинчидан, ўрта асрларда давлат ва ҳуқуқ масалаларига диний нуқтаи назардан ёндашиш билан бир қаторда, мофологик, диний-ахлоқий, фалсафий, рационалистик, дунёвий ёндашувлар бўлгани ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Тўққизинчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини тадқиқ этишда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган масалалар бу – ушбу даврдаги давлатларнинг ташкил топиши, ривожланиши, таназзулга учраши, ҳуқуқий ҳаётнинг мураккаблиги, қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар билан боғлиқлигини ҳисобга олиб тадқиқот объекти ва предметига ёндашишдир. Илк ўрта асрлар, ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар давлатчилиги ва ҳуқуқини тадқиқ этишда ҳар бир босқичнинг давлатчилигига ва ҳуқуқига таъсир кўрсатган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинishi шарт.

Ўнинчидан, ўрта асрларнинг турли босқичларида минтақада амалда бўлган давлат ва ҳуқуқнинг типлари, мақсади, вазифалари, функциялари, жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли, давлат бошқарув ва тузилиш шакли ҳамда сиёсий режими, давлат марказий ва маҳаллий ҳокимият, бошқарув ва суд органларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг вазифалари ва ваколатлари, ҳуқуқнинг манбалари, соҳалари, институтлари, ҳуқуқ нормаларини амалиётга татбиқ этиш механизмлари, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятининг ривожланганлик даражаси, ҳуқуқбузарлик, айниқса, жинойтчиликнинг ўрганилаётган даврдаги ҳолати, жинойтчиликка қарши курашда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий ва маданий-маърифий чора-тадбирлари кабиларга тадқиқотларда алоҳида эътибор берилиши керак.

Ўн биринчидан, ўрта асрлардаги ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқига оид дунёнинг турли давлатлари кутубхоналарида ва архивларида сақланаётган ёзма манбаларни тўплаш, даврлар ва ҳуқуқ соҳалари бўйича тизимлаштириб ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиш керак.

Ўн иккинчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини илмий таҳлил қилишда давлатшунослар ва ҳуқуқшунослар билан тарихчилар, шарқшунослар, сиёсатшунослар, манбашунослар, ахлоқшунослар, тилшунослар, диншунослар ва бошқа ижтимоий фанлар вакилларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ўта долзарб масалалардан биридир¹.

Ўн учинчидан, ўрта асрлар ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича илмий изланишлар олиб боришда ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларига шиддат билан кириб келаётган ахборот, рақамлаштириш, сунъий интеллект, нона ва квант технологияларидан² фойдаланиш истиқболлари ҳақида алоҳида илмий тадқиқотлар олиб бориш замон талаби.

Ўн тўртинчидан, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юр்தларининг бакалавриат барча йўналишларида Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихини мажбурий ўқитиладиган фан сифатида ўқув режаларига киритиш шарт, деб ҳисоблайман.

Ўн бешинчидан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ҳуқуқшунослик бўйича

¹ Бу ҳақда қаранг: Тошқулов Ж. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид илмий изланишларни олиб боришда ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг ҳамкорлиги // Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлатчилиги ва ҳуқуқ тарихини ўрганишнинг методологик масалалари [Матн]. Монография. – Т.: “Kamron Press”, 2024. – Б. 51-69.

² Ушбу технологиялар ҳақида қаранг: Муқимов К. Митти бунёдкорлар ёхуд нанотехнологиялар нима? Илмий-оммабоп. – Т.: “Kamalak” нашриёти, 2016. – 144 б; Кабешев Б.О., Бонцевич Д.Н., Бордак С.М. Нанотехнологии и их возможности // Проблемы здоровья и экологии. 2009. №1 (19). С. 144-149; Как организовать развитие нанотехнологий и создание nanoиндустрии в Узбекистане. Т.: “Proventa Tech” МЧЖ, 2024. – 60 с; Шарипов Ш.М. Концепция развития нанотехнологий в Узбекистане: подходы к разработке и реализации. Т.: “Proventa Tech” МЧЖ, 2024. – 40 с; Громова Е.А., Петренко С.А. Квантовое право: начало. Journal of Digital Technologies and Law. 2023. №1 (1). – С. 62-88. <https://doi.org/10.21202/jdtl.2023.3>; Сапарова Т., Ходжамухаммедова А. и др. Квантовые технологии в науке и технике // Инновационная наука. 2024. №7-1. – С. 47-49; Федоров А.К. Квантовые технологии: от научных открытий к новым приложениям // Фотоника. Том 13. №6. 2019. – С. 574-583; Исмаилова Н.П. Квантовые технологии в сфере образования: новые перспективы и вызовы // Мир науки, культуры, образования. №1 (104). 2024. – С. 401-402; Холодная Е. В. Квантовые технологии как объект права // Вестник университета имени О. Е. Кутафина. №4. 2022. – С. 38-45. <https://doi.org/10.17803/2311-5998.2022.92.4.038-045>; Бегишев И.Р., Хисамова З.И. Криминологические риски применения искусственного интеллекта // Всероссийский криминологический журнал. – Т. 12, № 6. 2018. – С. 767-775; Понкин И.В., Редькина А.И. Искусственный интеллект с точки зрения права // Вестник РУДН. Серия: Юридические науки. Т. 22, №1. 2018. – С. 91-109; Хисамова З.И. Международный опыт уголовно-правового противодействия преступлениям в сфере цифровой экономики. – Краснодар: Краснодарский университет МВД России, 2018. – 116 с; Кудрявцева Т.Ю., Кожина К.С. Основные понятия цифровизации // Вестник Академии знаний. №3 (44). 2021. – С. 149-151; Демура Н.А., Путивцева Н.П. Цифровизация: сущность и роль в развитии национальной экономики // Научный результат. Экономические исследования. Т. 7, №1. 2021. – С. 22-30; Гайворонская Я. В., Мирошниченко О. И. Правовые проблемы цифровизации: теоретико-правовой аспект. Правовая парадигма. Т.18, №4. 2019. – С. 27-34; Шабуров А.С. Проблемы теории права в условиях цифровизации общества // Вестник Уральского юридического института МВД России. №4. 2021. – С. 7-14; Морозов А.В. Проблемы правового регулирования цифровых технологий в России и за рубежом // Вестник Университета имени О. Е. Кутафина. №12 (64). 2019. – С. 170-172.

фундаментал ва амалий фанларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва юридик фанлар доктори (DSc) диссертациялар муаллифига албатта амалдаги давлат органлари фаолиятини ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар берганлиги ҳақида маълумотнома тақдим этиш талабининг кўйилганлиги давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича илмий ишларнинг кескин камайишига олиб келди. Кейинги беш йилда ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича биронта ҳам диссертация ёқланмади. Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ бўйича институтининг икки нафар давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича илмий изланиш олиб бормоқчи бўлган таянч докторанти тадқиқотни охирига етказмасдан ўқишни ташлаб кетди. Ушбу масалада тармоқ ва амалий ҳуқуқий фанларда муаммо бўлмаслиги мумкин. Лекин, фундаментал фанлар, шу жумладан, ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи бўйича илмий изланишлар натижаларининг ҳозирги кун амалиётига татбиқ этиш бўйича тадқиқотчининг таклиф-тавсиялар бериши бир мунча мушкул бўлади. Худди шундай ҳолат давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқий таълимотлар тарихи каби фундаментал фанларда ҳам кузатилмоқда. Масалани ҳал қилишнинг йўли бор: **Биринчидан**, Олий аттестация комиссиясининг юқорида зикр этилган талабини фундаментал фанларга нисбатан татбиқ этмаслик; **иккинчидан**, давлат ва ҳуқуқ соҳаларида фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга чек қўйиш. Лекин, фундаментал илмий тадқиқотларсиз амалий фанлар бўйича илмий изланишларнинг келажаги йўқ. Фундаментал тадқиқотлар амалий тадқиқотлар йўлини ёритувчи машъала. Умуман, давлатчилик ва ҳуқуқ тарихини билмасдан бугунги кундаги давлат ва ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама англаб етиш, шунингдек, истиқболи ҳақида фикр-мулоҳаза билдириш, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш мумкин эмас. Ўз миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини билмаган миллатнинг давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида келажаги йўқ.

А. ТУЛЯГАНОВ

Ўзбекистон Республикаси ФА
Давлат ва ҳуқуқ институти
директорининг ўринбосари,
юримдик фанлари доктори, профессор

Т. ХУЖАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси ФА
Давлат ва ҳуқуқ институти
Маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-
ҳуқуқий фанлар бўлими катта
илмий ходими

**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИДА
ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ
МАСАЛАЛАРИ**

**(“Ўзбекистон худудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси
ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)**

Барчамизга тарихдан маълумки, ҳар бир давлат ўзининг маълум мезонлар асосида ўрнатилган тартиб қоида ва қонунлар асосида ўз бошқарувига эга бўлган. Қонун устувор бўлган жамиятда адолат ҳукм суради ва бундай жамиятдаги яшаётган ҳалқнинг давлатга бўлган ишончи юқори бўлади. Қабул қилинаётган қонунлар адолат мезонларига асосланган, ҳалқ манфаатларидан келиб чиққан бўлса-да, бу қонунлар ижроси таъминланмаётган бўлса ва амалда ўз ифодасини топмаса бу нафақат ҳалқни давлатга бўлган ишончсизлигига олиб келади, балки давлатни таназзулга юз тутишига ҳам сабаб бўлади. Шу сабабли барча замонларда давлат ўзининг ваколатли шахслари (ёки органлари) орқали қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш механизмини йўлга қўйган.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу

қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда. Бу жиҳатлар 2023 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда ҳам мустақамлаб қўйилган. Масалан, Конституциянинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”¹ деб белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Давлат ва ҳуқуқ тарихига назар ташласак, давлатлар ва ҳуқуқий тизимларнинг муваффақиятли фаолият юритиши биринчи навбатда давлатнинг асосий қонуни ва ҳуқуқий пойдевори бўлган конституцияларнинг самарали фаолият юритиши, фуқаролар ва давлат органларининг уларга риоя этиши, ҳуқуқий тарбия, маданият ва билимларнинг даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейингина миллий ўзликни англашга катта имкониятлар яратилди. Миллий давлатчилигимиз тикланган бугунги кунда барча соҳалар каторида аждодларимиздан қолган сиёсий меросимизни чуқур ва ҳолисона тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири айланган, десак муболаға бўлмайдди.

Зеро, ўзбек халқининг давлатчилик тарихи минг йиллар давомида шаклланганлиги ҳаммага маълум. Тарихнинг илдизлари чуқур бўлган жойда тараккиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятларни ҳам эслатиб ўтиш зарур. Ушбу қоидалар бугунги кунда оёққа туриб, жадал равишда ривожланаётган давлатчилигимиз ҳамда ҳуқуқий тизимимиз мисолида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирда жамиятимизнинг сиёсий меросини қайта тиклаш ва уни сайқаллаштирган, модернизациялаштирган ҳолда кундалик амалиётимизга жорий этиш давр эҳтиёжига айланди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, демократик тараккиёт йўлини танлаб олган давлатларнинг кўпчилиги, шу

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. <https://lex.uz/docs/6445145#6446164>

жумладан Ўзбекистон Республикаси ўз олдига инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек юксак мақсадларни қўйган. Бу борада миллий давлатчилик амалиёти тарихида мавжуд бўлган бой ва сермазмун ҳуқуқий ва сиёсий кадриятлар қўл келади.

Дарҳақиқат, бугунги куннинг реал воқелиги, ўткир ва долзарб муаммолари инсонлар цивилизациясидан замонавий (инновацион) тараққиётнинг турли ва машаққатли йўналишларини ҳар томонлама пухта таҳлил этиш билан бирга давлатчилик тарихининг яқин-олис тарихидаги бой ва эътиборга лойиқ тажрибалар (тинчлик, фавқулодда ҳолат ёки уруш даврида давлатни бошқариш, жамият ва давлат муносабатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблиги, қонунга итоат этиш, қонунларни ижро этиш устидан самарали назорат ўрнатиш ва бошқа масалалар) ва кадриятларни теран идрок этишни, шу асосда амалиётимизда фойдаланилиши мумкин бўлган креатив хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда. Бу ҳам давр талаби бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг яқин ва ўрта даврдаги келажагини белгилаб бериши мумкин.

Мазкур масалаларнинг ҳозирда ҳам жуда долзарб бўлиб турганини реал воқеликнинг ўзи ҳам тасдиқлаб турибди. Чунки, ҳар бир давлатнинг келажаги биринчи навбатда ривожланган иқтисодиёт ҳамда мукамал қонунлар тизимининг самарали фаолият юритиши ва уларга қатъий амал қилиш кўникмаларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борада фикр юритиб, **«Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш - бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала - қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир»¹**, деб, таъкидлайдилар.

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т., 2016 й. Б.9-10.

Дарҳақиқат, вақт синовидан ўтган сиёсий ва ҳуқуқий кадриятларни эздан чиқармаслик, уларни пухта ўрганиш ва англаб олиш фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, қабул қилинган ҳамда амалда бўлган қонунчилик ижросини назорат қилиш масалаларига, хусусан, прокуратура органларининг фаолияти билан боғлиқ амалиётга, уларнинг Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш ҳамда қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш ишларидаги мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда, барча ҳуқуқ субъектлари (давлат, хусусий ва нодавлат секторлари) томонидан қонунларнинг тўлиқ ва аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назорат ишларини амалга оширишда яқиндан кўмаклашишга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Миллий ва ҳорижий даражада тайёрланган ҳамда сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотлар тарихига бағишланган илмий изланишларга назар ташласак, Шарқ (хусусан Марказий Осиё), унинг давлатчилиги, ҳуқуқий тизими (мукаммал қонунчилик ва унинг ижроси устидан назорат), тамаддуни ва энг асосийси сиёсий ва ҳуқуқий кадриятлари қадим замонлардан бери барча дунё тадқиқотчиларини қизиқтириб келади. Шундай буюк шахслардан бири Амир Темур ва унинг давлатчилик амалиёти бўлиб, Соҳибқирон (арабча саодатли, зафарли, ғолиб) нинг давлат ва ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган теран мулоҳазалари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Дарҳақиқат, Шарқда «одил подшо» тушунчаси узоқ даврлардан бери мавжуд ва бу ерда яшаган халқлар ана шундай подшо бўлишини орзу қилиб келганлар. Буюк ҳамюртимиз Соҳибқирон Амир Темур ана шундай подшо бўлишга интилган ҳамда бутун фаолиятини шундай хайрли ишларга бағишлаган. «Куч адолатда» сўзлари Амир Темурнинг қўлидаги узугига ёзиб қўйилган бўлиб, давлатнинг асосий муҳрида ҳам у ўз аксини топган эди.

Соҳибқироннинг мазкур фикрлари биринчидан, Шарқда мутлақ ҳукмдорлик функцияларини бажарган давлат раҳбарининг айнан адолат принципларига таянган ҳолда фаолият юритиш лозимлигини асослаб берган,

иккинчидан, ушбу янгилик шарқона демократиянинг яққол бир кўриниши бўлган, учинчидан, Европа ҳамда Осиё давлат бошқарувида абсолютизм (мутлақлик) қоидалари ҳукмрон бўлган бир пайтда ушбу янги демократик принциплар давлатчилик назариясида эътиборга лойиқ янгилик бўлган, тўртинчидан, давлатчилик амалиётида мутлақ янги бўлган ҳуқуқий институтлар (назорат ва тафтиш функциялари билан таъминланган шахслар)ни жорий этилиши, бешинчидан, салтанат бошқарувидаги айрим давлат хизматчилари лавозимларини сайланиш орқали эгаллаш мумкинлиги борасидаги тартиб-таомилларнинг амалиётга киритганлиги, олтинчидан, кучли давлат барпо этмоқчи раҳбарнинг адолатли ва комил инсон бўлиши, стратегик мақсадга эришиш учун унинг атрофидаги раҳбарлар ҳам ўз касбининг устаси, фидойи ва халол булишлари лозимлигини бутун ҳаёти давомида амалга оширганлиги, еттинчидан, ходимларни тўғри танлаш ва уларнинг куч-қувватидан давлатни бошқариш ишларида (айниқса назорат қилиш масалаларида) унумли фойдаланганлиги билан тавсифланади.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш жоизки, «Темур тузуклари» замонавий тилда айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўхшаш ҳамда юридик шаклга эга бўлган ҳужжат – ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб, унда ўша даврдаги қонунчиликнинг асосий принциплари мустаҳкамланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тузилиши, ваколатлари, вазифалари, суд, ҳарбий қурилиш, молия тизимларининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва энг асосийси амалдаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан назорат масалалари ўз аксини топган Ўрта асрларда мавжуд бўлган Темурийлар салтанатининг Конституциявий ҳужжатиدير, десак муболаға бўлмайди.

Президентимиз ўтмишда жуда катта из қолдирган, юксак мерос соҳиби бўлган аждодимиз тўғрисида фикр билдириб, **«Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”**, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, **Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз**

бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади»¹, деб, айтиб ўтадилар.

Фикримизча, тарихдан бизга етиб келган ҳуқуқий, сиёсий ва тарихий манбалар қаторида Соҳибқироннинг ўзи муаллиф бўлган тузуқлар жуда катта ўрин тутди. Ушбу сермазмун асарда миллий давлатчилик асослари, уни бошқариш тартиби, давлат хизмати, мукамал қонунчилик тизими, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари, қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш масалалари ўз аксини топган.

«Темур тузуқлари»да Амир Темурнинг ҳукмдорни давлат қудратининг рамзи деб тушунганлиги, унинг озгина салбий ҳатти-ҳаракати ҳам оммага таъсир кўрсатишини яхши англаганлиги, шу боис давлат раҳбари ҳар қандай шароитда ҳам ўзи чиқарган қонунларнинг амалда ижросини таъминлаши шартлиги борасидаги фикрлар ҳам мавжуд.²

Унда ёзилишича, Соҳибқирон қонунларни қабул қилиш ҳамда улар ижросини таъминлаш борасида давлатчилик амалиётида янгилик бўлган айрим ҳуқуқий институтлар (даргоҳ, махсус давлат органлари, тавочи ҳамда муҳтасиб унвонлари) тўғрисида фикр юритади ва уларни тавсифлаб ўтади.

Темурийлар салтанати тарихига тегишли бўлган қўлёзмаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ичида ҳали пухта ўрганилмаган ҳуқуқий манбалар талайгина. Масалан, уларнинг ичида Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансуб «Матлаи Саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари алоҳида ўринга эга. Ушбу асарда қисман бўлсада, Темурийлар салтанатидаги қонунчилик тарихи, қонунларга риоя этиш амалиёти, жазо белгилаш мезонлари борасидаги айрим фикрлар келтирилган.

Ушбу асарда давлат бошқарувида биринчи навбатда оддий аҳоли манфаатлари ҳисобга олингани ҳолда сиёсат юритилганлиги, қонунлар қабул қилиниши ҳар бир масала чуқур ўрганилганлигидан кейин амалга

¹ Мирзиёев Ш.М., Конституция ва қонун устиворлиги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т., 2019 й. Б.7.

² Қаранг: Темур тузуқлари. Т., 2018 й. Б. 83.

оширилганлиги, қонунчиликни такомиллаштиришда олдинги сулолалардан қолган тартиб-таомиллар мунтазам ўзгартириб борилганлиги, ўша даврдаги реал воқеликдан келиб чиқиб, ҳудуд ва аҳоли тоифасига нисбатан тегишли солиқ сиёсатининг қўлланилганлиги, умуман олганда, иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга бағишланган маълумотлар»¹ ўз аксини топган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, аввало ҳар қандай давлатда қабул қилинаётган қонунлар биринчи навбатда халқ манфаатларидан келиб чиққан, жамиятда адолат ўрнатилишига хизмат қиладиган бўлиши ва энг муҳими ушлбу тамоиллар асосида қабул қилинган қонунлар ижроси амалда таъминланиши, бунинг учун эса қонунлар ижроси устидан назорат қилишнинг самарали механизми яратилган бўлиши лозим ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди. №308/1, рук. №211, опись № 511.

Н. АЗИЗОВ
Ўзбекистон Республикаси ФА
Давлат ва ҳуқуқ институти
бош илмий ходими, ю.ф.д., профессор.,

**ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**
(“Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси
ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)

Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганиш муайян тарихий замон ва маконда вужудга келган ва шаклланган давлат тузумини, ҳокимиятнинг алмашиш сабаблари, уларни бошқариш усуллари тушунишга, ютуқлардан илҳомланиш ва камчиликларини такрорламасликка ёрдам беради. Аждодларнинг ҳуқуқ тизими билан танишиш замонавий ҳуқуқ тизимини ўзлаштиришга ва уни давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришга кўмаклашади. Миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизимини чуқур ва ҳар томонлама ўрганмасдан, тарихий тажрибадан тегишли хулоса чиқармасдан туриб давлат ва ҳуқуқнинг ҳозирги аҳволини англаш ҳамда унинг истиқболи ҳақида илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар бериш амри маҳол.

Умуман давлат ва ҳуқуқ, шу жумладан алоҳида олинган давлатнинг ҳокимият, ижро ва суд органлари, ҳуқуқ манбалари, соҳалари ва институтлари бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришда унинг қайси замон ва маконда ташкил топганлиги, ривожланганлиги ва барҳам топганлиги, аҳолисининг турмуш тарзи, этник таркиби, қандай динларга эътиқод қилганлиги, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий тараққиёти даражаси, этник ва диний гуруҳлараро муносабатлар, мафкуравий муҳит; минтақадаги давлатлараро вазият кабиларни ҳисобга олиб тадқиқот объекти ва предметига ёндашиш илмий изланишдан кўзланган мақсадга эришиш ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган ва давлатчилик тараққиётига муҳим из қолдирган давлатлардан бири – бу Ғарбий Турк ҳоқонлиги давлати

ҳисобланади. Тарихда аслида Турк ҳоконлиги деб ном олган ягона давлат вужудга келиб, туркий халқларда мавжуд бўлган анъанага биноан бошқарилганлиги сабабли, тез орада икки қанот – Шарқий ва Ғарбий турк ҳоконлиги давлатларига бўлиниб кетади. Тадрижий тараққиёт давомида кейинчалик шарқий турк ҳоконлиги тугатилганда ҳам, Ғарбий турк ҳоконлиги амал қилиб жуда катта ҳудудларни ўзида қамраб олишга муваффақ бўлади. Тарихчи олимларнинг далолат қилишича, Ғарбий Турк ҳоконлиги (568-740) минтақа халқлари, шу жумладан ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллаган. Энг кучайган даврда Ғарбий Олтойдан то Қора денгизнинг шимолигача, Волга-Ўрол бўйларида то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган кенг ҳудудда ўз ҳокимиятини ўрнатган. Ҳоконлик таркибига Сирдар-Амударё оралиғидаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Сўғд, Бухоро, Тохаристон ва Хоразм каби ҳудудлар кирган¹.

Бугунги кунда Турк ҳоконлиги давлатининг вужудга келиши, тараққиёти, давлати тузуми масалаларини ўрганишга жиддий аҳамият берилмоқда. Бунда тарихчи, археолог, шарқшунос ва шу каби Ватанимиз тарихи билан шуғулланаётган олимларнинг меҳнати беқиёс. Шунга қарамай, турк ҳоконлигинининг Ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, вужудга келиши ва тараққиёти, давлат бошқарув органлари, ҳуқуқ тизими масалалари тадқиқ этилиши керак бўлган масалалардан ҳисобланади.

Энг аввало турк ҳоконлигини ўрганишга бўлган ёндашувларнинг хилма-хиллиги ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Турк ҳоконлигининг шаклланиши арафасида, пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнида унинг вужудга келиш сабаблари, ушбу жараёнга салбий ва ижобий таъсир кўрсатган, тезлаштирган ёки секинлаштирган омиллар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар, қарашлар ҳам шаклланган.

Турк ҳоконлигини ўрганишда энг аввало, “турк”, “туркийлик”, “турк ҳоконлиги” атамалари ва уларни тушуниш масаласи – методологик

¹ Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк ҳоконлигининг давлат тузуми. / Ғ.Бобоёров: масъул муҳаррир М.Исҳоков; ЎзРФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. –Т.: Yangi nashr, 2018.–Б. 6.

аҳамиятга эга. Шу вақтга қадар мазкур атамаларнинг келиб чиқишида тадқиқотчилар орасида яқдиллик мавжуд эмас. Тадқиқотчи Л.Н.Гумилев, “Хитойлар Ашина хонлари қўл остидагиларни ту-кйу деб аташлари”, “Турк сўзининг ўзи “кучли, мустаҳкам” маъносини” англатиши, “V асрда Ашина бек теварагида уюшган Ўрда ва VI-VIII асрларда таркиб топиб, турли тилда гаплашган *кичик бир халқ* турк деб аталган”лигини таъкидлайди¹. Бошқа бир тадқиқотчи, Хитой йилномаларига таяниб, “IV-VI асрлар мобайнида Олтой тоғларининг жанубий этакларида истикомат қилувчи ту-кюе (турк) номига эга этник гуруҳ Жуан-жуан ҳоконлиги тобелигида бўлиб, ушбу қабила вакиллари ўз касб-корига кўра чорвадор-кўчманчилар эмас, балки темирга ишлов берувчи кончи (шахтёр) ўтроқ аҳоли, яъни ҳозирги тил билан айтганда, металлурглр эди”², –деб билади.

Европалик тадқиқотчилар туркларнинг келиб чиқиши масаласида фикр билдириб, хитой манбаларида ифодаланган ривоятларга таяниб хулоса қиладилар. Уларнинг фикрича, туркларнинг келиб чиқиши тўғрисида уч хил ривоятлар тарқалган бўлиб, мазкур ривоятларнинг иккитасида “бўри томонидан тарбияланган ташлаб кетилган бола” тўғрисида фикр юритилса, учинчи “Кўл руҳи” деб аталган афсонага кўра, ғорда яшовчи туркларнинг аждоди кўл руҳининг қизи билан алоқада бўлиши натижасида тарқалган³.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “турк”, “туркий”, “туркигўй”, “туркийлар” каби сўзлар келтирилиб, “Туркия давлатининг асосий, туб аҳолисининг, миллатининг номи”, “турк этноси, унинг тили ва маданиятига оид”, “турк тилида ўқувчи ва ёзувчи”, “жаҳондаги энг қадимий ва йирик этнослардан бири” маъноларини билдириши ифодаланган⁴.

Мирзо Улуғбек ўтмиш халқларнинг тарихини Ҳазрати Одам Атодан бошлаб баён қилган. У Турк Нуҳ алайҳиссаломнинг фарзанди Ёфас наслидан

¹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти, 2007. –Б.27-29. (–498 б.)

² Бобоёров Ғ. Ғарбий турк ҳоконлигининг давлат тузуми / Ғ.Бобоёров: масъул муҳаррир М.Исҳоқов; ЎзРФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. –Т.: Yangi nashr, 2018. –Б. 33. (–364 б.)

³ History of civilizations of Central Asia. Volume III. The crossroads of civilizations: a. d. 250 to 750. UNESCO Publishing. 1996. –P.323. (–558 p.)

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент. Т харфи. –Б.196-197. (–259 б.)

эканлиги, Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом ўзига асраб кўйганлиги, шу сабабли уни Абу-турк дейишганлиги, Ёфас ибн Нух алайҳиссалом Жуди тоғидан нузул этгач, Худонинг амри билан Машрик томон жўнаганлиги, саҳронишинлар (саҳрода яшовчилар –Н.А.) тариқида сокит* бўлганлигини, Турк ибн Ёфас алайҳиссалом Қаюмарс замондоши бўлганлиги, Қаюмарс форс мамлакатлари биринчи султони бўлганидек, Турк Машрик диёри ҳоқонларининг биринчи ҳоқони бўлганлиги, хонлик расм-русуми ва жаҳондорлик қоидаларини биринчи бўлиб Машрик мамлакатларида ижро этганлиги, Чин мамлакати сарҳадидан то Туркистон замин мамлакати чегараларигача унинг ҳокимияти қўли остида бўлганлиги, турклар орасида инъом қилиш (одатини) ўрнатганлиги, одил ва комил, кўнгиличан подшоҳ бўлганлигини таъкидлайди¹.

Турк ҳоқонлиги ва унинг Ғарбий қаноти ҳисобланган Ғарбий турк ҳоқонлигининг вужудга келиши ва тараққиётига таъсир кўрсатган шарт-шароитлар ва омилларни тадқиқ этиш масаласи ҳам муҳим методологик аҳамият касб этади. Турк ҳоқонлигининг вужудга келиши ва тараққиёти Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби қатор омиллар, сабаблар ва шарт-шароитлар таъсирида рўй берган. Турк ҳоқонлигининг вужудга келиши ва тараққиётига таъсир кўрсатган омиллар, сабаб ва шарт-шароитлар сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: қабилалар, халқларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиши, ёки кўчиб келиши; кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг доимий равишда ва азалдан ёнма-ён яшаб келганлиги; бошқа халқлар, ҳудудлар, минтақалар билан муносабатларнинг ўрнатилганлиги; ўзаро урушлар ва босқинчилик юришлари; дин, диний қарашлар ва дин

* СОКИТ – арабча сўздан олинган бўлиб, жим, индамай турувчи; камгап, индамас; осойишта, тинч, ювош деган маъноларда қўлланилади.

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Бўрибой Аҳмедов, Наим Норқулов ва Маҳмуд Ҳасанийлар таржимаси. Ўзбекистон ФА Мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1994. –Б.22-24. (–224 б.)

билан боғлиқ муносабатлар, иқлим, яшаш муҳити, шарт-шароитларининг ўзгариши ва бошқалар¹.

Турк ҳоқонлигининг вужудга келиши ва тараққиёти босқичларини аниқлаш масаласи ҳам муҳим методологик аҳмият касб этади. Маълумки, Турк ҳоқонлиги, унинг ғарбий қаноти ҳисобланган Ғарбий Турк ҳоқонлиги тарихнинг мураккаб бир вазиятида вужудга келиб, тадрижий тараққиёти давомида, ягона давлатнинг таркибий қисми, ярим мустақил, мустақил тарказлашган давлат ва парчаланиш босқичларини босиб ўтган².

Ғарбий турк ҳоқонлиги тараққиёт босқичларини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: *биринчи босқич* (400-560 й.й.), Буюк Турк ҳоқонлиги, умуман ашина турклари давлатининг шаклланиши босқичи; *иккинчи босқич*, Ғарбий турк ҳоқонлиги Буюк Турк ҳоқонлигининг таркибий қисми сифатидаги даври (ябғулик ва ябғу-ҳоқонлик давлари (561-630 й.й.)); *учинчи босқич*, Ғарбий Турк ҳоқонлигининг мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатиши (630-657 й.й.); *тўртинчи босқич*, Ғарбий Турк ҳоқонлигининг Хитой Тан империяси таркибида қарамлиги ва таназзул даври (657-740 й.й.).

Ғарбий Турк ҳоқонлигини тадқиқ этишда унинг давлат тузуми масаласини ўрганиш ҳам методологик аҳамият касб этади. Қадимги Турклар давлатчилиқ анъаналарига кўра, ҳокимият илоҳий характерга эга бўлиб, Яратувчи Тангри (худо) уни толели кишиларга тақдим этган ва улар воситасида ўз бандаларини бошқарган. Қадимги туркийлар наздида ушбу восита турк ҳоқони ҳисобланган. Ҳоқонга давлатни бошқариш учун куч-қудрат ва масъулият Тангри томонидан инъом қилинади, деб тушунилан. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳоқон худо томонидан сайланган ва баъзи ғайритабиий куч ва қобилиятлар ато қилинган киши сифатида қаралган.

¹ Тошқулов Ж., Азизов Н.П. Ўзбекистон худудида давлатчилиқнинг вужудга келиши ва тараққиётига таъсир кўрсатган омиллар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси, 2023. 1-2-сон, –Б.41-52.

² қаранг: Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк ҳоқонлигининг давлат тузуми / Ғ. Бобоёров, масъул муҳаррир М.Исҳоқов; ЎЗРФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инс. –Т.: Yangi nashr, 2018. –364 б

Барча давлатларда бўлгани каби, турк ҳоқонлигида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тизими шаклланган. Ҳоқонликда ижтимоий муносабатлар *бир томондан*, одат қоидалари, *иккинчи томондан*, диний ва дунёвий қоидалар томонидан тартибга солинган. Агарда кўчманчи халқлар, бевосита туркий қавмлар орасидаги, шу билан бирга ҳокимият муносабатлари ҳам аксарият ҳолларда одат нормалари билан тартибга солинган бўлса, ўтроқ халқлар орасидаги муносабатлар диний ва дунёвий нормалар орқали тартибга солинган. Масалан, шаҳар аҳолиси касбий фаолиятига кўра уюшмаларга бириккан бўлиб, улар орасидаги муносабатлар жамоа одатлари орқали тартибга солинганлиги маълум.

Турк ҳоқонлигида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалари йиғиндиси “тўра” деб аталган. “Тўра”лар одатда, халқ, қурултой ва бевосита ҳоқонлар томонидан қабул қилинган. Одатлар ўзгармас бўлиб, ҳеч бир ижтимоий институт – на ҳоқон, на халқ, на қурултой уларга ўзгартиш кирита олмаган. Истисно тариқасида, баъзи қудратли ҳоқонларгина одатларга ўзгартиш киритгани тарихдан маълум¹.

Шундай қилиб, Турк ҳоқонлигининг вужудга келиши ва тараққиёти тарихан мураккаб бир даврда, хилма-хил сиёсий, иқтисодий, этник, географик ва иқлим ўзгаришлари таъсирида рўй берган. Унинг тараққиётига бир томондан, яқин ва узоқдаги давлатлар, халқаро муносабатлар ўз таъсирини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан турк ҳоқонлиги теварак атрофдаги давлатлар ва халқаро муносабатларга акс таъсир кўрсатган. Турк ҳоқонлиги давлатчилиги ўз даври учун илғор бўлган ғояларни ўзида мужассам этгани боис қисқа муддат орасида улкан салтанатга айланиб улгурган. Шу билан бирга қабила-уруғчилик урф-одатларидан воз кечилмагани, давлатчилик анъаналарининг чуқур илдиз отмагани унинг таназзулига сабаб бўлган.

¹ Садри Максуди Арсал. Тюркская история и право. Перевод с турецкого языка Рафаэля Мухамметдинова. – Казань: Изд-во «Фэн», 2002. –С. 233. (-412 с.)

Қ. АБДУРАҲМАНОВ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси академиги

Х. ЧИНИБАЕВ
Ўзбекистон Республикаси ФА
Давлат ва ҳуқуқ институти директори
ўринбосари

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ
(“Ўзбекистон худудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси ва
истикболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)

Аннотация: Мақолада Қорахонийлар Марказий Осиёда буюк давлатни ташкил этганлиги, ўз тасарруфидаги улкан мамлакатни бошқаришда ихчам давлат маъмуриятини ташкил этганликлари, бошқарув сарой ва девонлардан иборат бўлганлиги, уни бошқариш усуллари ва хусусияти манбалар асосида очиб берилган.

Калитли сўзлар: Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши, хон маъмурияти, сарой бошқаруви, девонлар, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳуқуқ манбалари.

Аннотация: В статье раскрывается, что Караханиды создали великое государство в Центральной Азии, организовали компактную государственную администрацию для управления огромной страной, находившейся под их контролем, что администрация состояла из дворцов и деванов, а методы и особенности её управления были выявлены на основе имеющихся источников.

Ключевые слова: Образование Караханидского государства, ханская администрация, управление дворцом, диваны, социально-правовые отношения, правоохранительные органы, источники права.

Қорахонийлар давлати ғарбда Қорақум чўлидан шарқда Лобнор кўлигача, шимолда Балхаш кўлидан жанубда Амударёгача бўлган улкан худудни ўз ичига олган. Аҳолининг этник таркиби ҳам мураккаб бўлиб,

уларнинг бир қисми туркий, яна бир қисми форс ва араб тилларида сўзлашган. Бундан ташқари, уларнинг ижтимоий ҳаёти бир хил бўлмаган. Улар яшаган жойларнинг географик шароити, иқтисодий асослари, қонун-қоидалари турлича бўлган. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Туркистонда миграцион жараёнлар ниҳоятда кучайган. Илгари чорвачилик билан шуғулланган ва уйғур деб номланган қабилалар иттифоқи таркибига кирган кўпгина туркий қабилалар Еттисув, Тангритоғ ва Олтой тоғлари этакларидаги ва уларнинг атрофидаги яйлов жойлардан Туркистон шаҳарларига ва деҳқончилик ҳудудларига кўчиб келган. Шу сабабли уларда чорвачиликдан деҳқончиликка ўтиш жараёни кузатилган. Натижада ушбу қабилаларнинг ижтимоий турмушига янги мулкчилик шакли кириб келган. Бу ўзгариш уларнинг деҳқончиликка мос ҳудудларга эга бўлиш билангина эмас, балки ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланиши билан бевосита боғлиқ эди. Еттисувда истиқомат қилган пайтларда жануб томондаги деҳқончиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ва турмуш шакли ушбу қабилалар ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб борган. Помир ғарбида яшаётган туркий қабилаларни, энг аввало, деҳқончиликка хос афзалликлар ўзига жалб қилган. Жумладан, кўчиб келганларни муҳим деҳқончилик маҳсулотлари, ўтроқ ва ҳашаматли турмуш тарзи, қулай атроф-муҳит қизиқтирган. Бу жиҳатлар туркий қабилалар тафаккури, руҳияти ва урф-одатларига таъсир кўрсатган¹. Қорахонийларнинг кўчманчи туркий қабиладан келиб чиқиши, кўплаб шаҳарларни эгаллаши ҳамда Хитой ва бошқа ислом дунёси ўртасидаги савдо-сотикдаги муҳим мавқеи минтақанинг тоғ тизмаларида бир қанча шаҳарларнинг барпо этилишига олиб келди. Бу баланд тоғли шаҳарлар Қорахонийлар исломлашуви ва географик кенгайиш даврининг дастлабки ўн йилликларида пасттекислик деҳқончилик зоналаридан баландда гуллаб яшнаган.

¹ Саидов М.М. Жилища Самарканда в эпоху Караханидов // Наука и мир. Международный научный журнал, № 12. Вып. 52. 2017.

Туркий этник гуруҳлар, жумладан, қарлуқларнинг дастлаб 744 йилда Туркий хоқонлик, кейинчалик эса 840 йилда Уйғур хоқонлиги таназзулидан сўнг оммавий кўчишини албатта эса олиш жоиз. Ҳали биринчи тўлқин даврида айрим гуруҳлар, жумладан, ушбу давлатлар таркибига кирган қарлуқлар Еттисув ҳудудига кўчади ва орадан биров вақт ўтиб, Қошғария ҳудудига ҳам тарқалган конфедерацияга бирлашади. 840 йилда Уйғур хоқонлиги қулагандан сўнг айна конфедерация ҳукмдори олий ҳокимиятга даъвогарлик қилиб, “хоқон” мартабасини қабул қилади. Айрим тарихчилар ўша даврдан Қорахоний сулоласи тарихини бошлайди. Аммо замонавий тарих фанида тез-тез бошқа солномага ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, баъзи тадқиқотчилар сулолага асос солинишини ислом динини қабул қилган Сатук Бўғрохон билан боғлайди. Шундан сўнг X аср ўртасида туркий гуруҳлар ислом динини оммавий тарзда қабул қилганини кузатамиз. Аммо фикримча, бу ерда сулола тарихини исломгача бўлган ва ислом даврига бўлиш мақсадга мувофиқ. Қорахонийлар ислом динини қабул қилгандан сўнг Трансаксония – Мовароуннаҳрдаги Сомонийлар ҳудудига босқинчилик юришлари қилади. Шу сабаб уларнинг мулки замонавий Хитойнинг ғарбий ҳудудларидан Эроннинг шимолий минтақалари қадар кенгайди. Қорахонийлар давлати минтақа халқлари ўтмишида катта ўрин тутди. Жумладан, ўрта аср тарихчиси ибн Халдуннинг маълумот беришича, X асрнинг ўзидаёқ, «Қашқар мамлакатлари» ва Боласоғундан Хитой чегараларигача ҳукмрон бўлган Қарлуқ хони 993 йили Сомонийлардан Самарқанд ва Бухорони олиб қўйган, бироқ йўлда қайтаётганда касал бўлиб вафот этади. «Қорахонийлар» атамаси ушбу сулолага XIX асрда европалик тадқиқотчилар томонидан берилган. Араб тилидаги ёзма манбаларда бу сулола номи «ал-хоқонийя» тарзида ифодаланса, форс тилидаги манбаларда у «оли Афросиёб» (Афросиёб оиласи) шаклида келади.¹ X аср охирига келиб Мовароуннаҳрда Қорахонийлар давлатининг сиёсий таъсири анча кучаяди. Қорахонийлар сиёсий тизимининг қарор топишига бир томондан

¹ Svat Soucek. A history of Inner Asia. Cambridge University Press, 2000. –83 p.

Сомонийлар, иккинчи томондан, Қорахонийлар жамиятида устун бўлган туркий анъаналар катта таъсир кўрсатган. Туркийларда аввал мавжуд бўлган мансаблар ва маъмурий атамаларнинг айримлари Сомонийлар даврида қўлланилган арабча ва форсча вариантлар билан алмашган. Хоқоннинг асосий хожиби «улуғ хожиб» деб аталган, у кучли инсоний фазилатларга эга бўлиши керак бўлган. Қорахонийлар вилоятлари «эл» ёки «вилоят» деб аталган бўлиб, маҳаллий бек ёки тархонлар томонидан бошқарилган. Шаҳарлар эса раислар томонидан бошқарилган.

Қорахонийлар давлати, дастлаб, Шарқий Туркистон ва Еттисувда ташкил топган бўлиб, 999 йили Буғрохон Ҳорун Бухорони босиб олади ва 999–1005 йилларда унинг меросхўри Наср I бутун Мовароуннаҳр ҳукмдорига айланади. Қорахонийларнинг сиёсий тарихи ва бу сулоланинг этник келиб чиқиши ҳақида бугунги кунгача бир қатор фикрлар айтилган. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумот беришича, Қорахонийларнинг марказий шаҳарлари Барсаған яқинидаги Қуйос шаҳрида, Тароз яқинидаги бир шаҳарчада жикил қабилалари яшаганлар. Улар арғуларга қўшни бўлганлар¹. Ўғузлар чигилларга ўхшаш барча қабилаларни «чигил» деб атаганлар. Араб муаллифлари қарлуқ иттифоқидаги қабилаларни баъзан хазлаж ва бошқа қабилалар номи билан аташган. Уларнинг бундай номланишларига сабаб, маҳаллий қабилалар қарлуқ иттифоқидаги барча қабилаларни ягона бир этник бирлик сифатида тушунганликларидан бўлса керак. Афтидан, қарлуқ иттифоқидаги барча қабилаларни, қўшни элатлар бу иттифоқдаги ўзларига энг яқин қabila номи билан атаган бўлишлари мумкин. Масалан, ўғузларга кўпроқ чигиллар яқин бўлганликлари сабабли барча қарлуқ иттифоқидагиларни ва қарлуқларга ўхшаганларни улар чигил деб атаганлар. Ал-Утбийнинг маълумотига кўра, охири Сомоний ҳукмдори Мустансир Қорахонийларга қарши курашда мағлубиятга учраб, Бухоро яқинидаги ғузлар манзилига қочиб борган ва улардан ёрдам сўраган. Ғузлар ўтмишда

¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Матлубов. – Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1960. Т.1. Б.375.

Сомонийлар хонадонидан кўп яхшиликлар кўрганликларини эслаб, унга ёрдам беришга қарор қилганлар. Ғузлар билан бирга у Қорахонийлар кўшини устидан ғалабага эришган, аммо ғузлар асирларни Мустансирга бермаганлар ва Мустансир ғузларнинг Илекхонга асирларни қайтариб, унинг марҳаматига эришмоқчиликларини тушуниб етган. Бу масалада улар бир-бирлари билан тортишаётганликларини билиб қолгач, уларни тарк этишга қарор қилган. Ўз мавқеини бироз мустаҳкамлаб олиб, Илекхон кўшинлари билан бир неча кичик жанглар қилган.

Султон Масъуд Ғазнавий тахтга чиққанидан сўнг 1031 йилда Қорахоний саройига ўзининг тахт соҳиби эканлигини маълум қилиш ва улар билан яқин қариндошлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида ўз элчиларини жўнатган. Ғазнавийларнинг Қорахонийлар хонадонига буюк ҳоконлик масаласидаги мавқеидан норози бўлган Юсуф Қодир Қашқарда бу элчиликни яхши қарши олмаган. Орадан бир йил ўтиб Юсуф Қодирхон ўлган ва у Қашқарда ҳоконлар даҳмасига дафн этилган¹. Ундан кейин тахт унинг ўғиллари Сулаймон Арслонхон ва Муҳаммад Буғрохонлар кўлига ўтди. Уларнинг ҳукмронлик даврида Ғазнавийлар билан орада ҳал қилинмай келинаётган бир қатор муаммолар ечимини топган ва икки томонлама муносабатларда бироз илиқлик юзага келган. Бироқ, шундан кейин содир бўлган айрим сиёсий воқеалар натижасида Қорахонийлар давлати Ғарбий ва Шарқий қорахонийлар каби икки давлатга ажралиб кетган.

Қорахонийлар давлати иккига ажралганидан кейин Ғарбда маркази Ўзган бўлган ерда Муҳаммад бин Наср ва Самарқандда Иброҳим бин Наср Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилди. Муҳаммаднинг ўлиmidан кейин эса у давлатнинг ягона ҳукмдорига айланди. У Ўзганга кетмади, балки давлат марказини Самарқандга кўчирди. У қорахоний ҳукмдорлар ичида энг машҳурларидан ҳисобланади. Унинг давлатида тинчлик ва осудалик, нархлар

¹ Genç R. Karahanlı Devlet teşkilatı (XI. Yüzyıl). İstanbul, 1981. Б.49.

барқарорлиги таъминланиб, халқ роҳат ва фароғатда ҳаёт кечирганлиги тўғрисида ўрта аср муаллифлари маълумотлар ёзиб қолдирганлар¹.

Ҳукмрон элита ҳақида гап кетганда, бир неча фараз борлигини қайд этиш жоиз. Айрим тадқиқотчилар сулола келиб чиқишин қарлуқлар билан, бошқалари эса чигиллар ва яғмолар боғлашни таклиф қилади, яна уйғурларга оид фараз ҳам бор. Сўнгги тахминлардан бирини Борис Кочнев нумизматика (тангалар) материаллари асосида таклиф этди. Унинг тахминича, игдиш уруғи ёки чигил қабиласининг игдиш уруғи билан боғлиқ эканини тахмин қилган эди. Ушбу тахминни Хитой тарихчиси Лю Иншэн ҳам қўллаган. Хусусан, Хитой тарихий манбасида Қорахонийлар делегацияси Цзин императори саройига боргани эслатилади ва делегация аъзолари цзуоко қабиласига мансублиги таъкидланади. Лю Иншэн тахмин қилишича, бу чигил қабиласининг хитойлаштирилган номи бўлиши мумкин².

Қорахонийлар давлати вужудга келган ҳудудларда қарлуқ, чигил, халач, арғу, тўхси ва уларга келиб қўшилган яғмо қабилалари иттифоқчилик асосида яшашган. Давлат ҳам айнан шу қабилаларни ўзаро бирикмаси асосида ташкил топган. Биз яғмоларни бу ҳудудларга кейинроқ келиб жойлашган, демокдамиз. Эҳтимол, уларнинг айрим гуруҳлари қадимдан шу ўлкаларда яшаб келгандир. Лекин уларнинг асосий қисми IX аср ўрталаридан кириб келишган. Бунга қадар улар юқорида қайд этилганидек, Уйғур ҳоқонлиги таркибида бўлишган. Уйғур ҳоқонлиги 840 йилда қирғизлар томонидан тор-мор этилгач, инқирозга учраб, парчаланиб кетади. Уларнинг таркибидаги қабилалар эса гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ажралиб турли ҳудудларга тарқалиб кетган³. Жумладан, яғмо қабиласи ҳам қарлуқларга тегишли бўлган ҳудудларга яъни Фарғона водийсининг шимолий тоғли ҳудудлари ва Қошғар яқинига келиб ўрнашадилар. Бу эса ўз навбатида яғмоларни бундан кейинги

¹ Ўша асар, 50-51 бетлар.

² <https://www.uzanalytics.com/tarix/10265/>

³ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар. Б. Ўрдабекли., А. Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 459-462.

хаёти бевосита, янги туркий Қорахонийлар давлати билан боғланиб кетишини англатади.

Яғмоларни X-XI асрга тааллуқли тарихи хусусида ўша даврда яратилган манбаларда кўплаб маълумотлар бор. Жумладан, Махмуд Кошғарий ўз асарида яғмолар хусусида кўп маротаба тўхталиб ўтиб, уларни ўша даврдаги энг нуфузли қабилалардан бири сифатида таърифлаб ўтган¹. Яғмо қабиласи ва унинг беги ҳақидаги бу ижобий фикрлар ўша даврда ҳоконликда яғмоларни ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб Қорахонийлар давлатида ҳокон саройида хизмат қилган. Демак, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган тарихий-воқеа ходисалар таъсирида асарни ёзган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг бу асарини XI асрда ёзганлигини эътиборга олсак, бу даврга келиб Қорахонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва давлат бошқарувида яғмо қабиласининг мавқеъи ўсганлигини тушунишимиз мумкин. Чунки яғмо беги бир неча бор оқил киши сифатида таърифланган бу асардаги маълумотлар, мазкур қабила ва унинг сардорини давлат бошқарувида маълум бир таъсир кучига эга бўлганлигини англатади. Шунинг учун ҳам ҳоконлар ўз номларида улуғвор унвон сифатида яғмоларни тотеми “буғра” атамасини қўллашган².

Маълумки, Қорахонийлар давлатининг ҳудуди Еттисув, Исфижоб вилояти, Шош воҳаси, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми ва Фарғона водийсидан иборат эди. Бу ҳудудларда эса қадимдан туркий қабилалар истиқомат қилишган. Жумладан, VI-VIII асрларда бу воҳаларда дулу, нушиби, аз, уз ва бошқа қабилалар яшаган. VIII-X асрларда эса ўғуз, қарлуқ, чигил, халач, яғмо қабилалари, X-XI асрларда қипчоқлар келиб жойлашган эди³. Айнан шу қабилаларнинг ўзаро иттифоқи-уюшмасидан Қорахонийлар давлати вужудга келган эди. Албатта, Қорахонийлар давлатига қадар ҳам мазкур ҳудудларда яшовчи жуда кўп туркий қабилалар ўзаро иттифоқи-

¹ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1963. 3-жилд. – Б. 244,

² Махмудов Б.Х. Қарлуқ-қорахонлар давлатида қўлланган “буғра” тотеми хусусида // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences — April. 2022 Vol. 02, Issue 04/2. ТОШКЕНТ. — Б. 158-165.

³ Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.37

уюшмалари асосида бир неча бор ўз давлатларини тузган эдилар. Туркий ҳоконлиги ва унинг парчалари асосида юзага келган Туркаш давлати бунга мисол бўла олади. Қорахонийлар давлати ҳам ана шундай жараёнлар асосида юзага келган бўлиб, аввалги ҳоконлик таркибида бўлган ва тарқалиб кетган қабилаларни янги иттифоқга бирлаштириб, туркий давлатчилик тизимини изчиллик билан давом эттирган. Демокчимизки, Қорахонийлар давлати қабилаларни ўзаро иттифоқи уюшмасидан иборат экан, ундаги давлатчилик анъаналари, унинг таркибидаги туркий қабилалар учун янгилик эмас эди. Ушбу давлат аввалги туркий давлатларнинг узвий давоми бўлиб, давлатчилик соҳасидаги бой тажрибаларни тадрижий тараққиётини таъминлаган.

Энди бевосита Қорахонийлар давлатининг таркибидаги энг йирик қабилалардан бири бу – қарлуқ қабиласи хусусига келсак. Айнан шу қарлуқ қабилалар иттифоқининг негизида йирик Қорахонийлар давлати ташкил топган эди. Қарлуқ қабиласи ҳақида Маҳмуд Қошғарий ўз асарида «улар турклар-нинг бир тури бўлиб, ўғузлардан бошқадир», деб маълумот беради¹. «Девон»да келтирилган маълумотлар қарлуқларни етакчи қабилла тариқасида эмас, аксинча уларни бошқа қабилаларга тобеъ қабилла, туркманларнинг бир тоифаси сифатида кўрсатади². Эҳтимол, бу даврга келиб, яъни Маҳмуд Қошғарий ўз асарини ёзган вақтда (XI аср) қарлуқлар ўзларининг етакчи қабилла сифатидаги илгариги мавқеъларини йўқотишгандир. Лекин уларнинг туркманларни бир тоифаси сифатида кўрсатилиши бирмунча тушунарсиздир, балки муаллиф бу билан туркманлар таркибида яшовчи қарлуқ қабиласининг айрим гуруҳларини назарда тутгандир.

Қарлуқ қабиласи ва қарлуқлар хусусида X асрда яратилган асарлар ниҳоятда қимматли маълумотларни беради. Муаллифи номаълум «Худуд ал-олам» номли машҳур асарда қарлуқлар эгаллаб турган худуд шарқда Тибет,

¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1960. 1-жилд. – Б. 498.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1960. 1-жилд. -Б.498.

ғарбда ғузлар, шимол томонда чиғил ва тўғуз-ўғузлар, жанубда эса Мовароуннахр ўлкалари билан чегаралангани қайд этилган.¹ Араб сайёҳи Абу Дулафнинг Хитойга бориш учун қарлуқлар ўлкаси бўйлаб 25 кун йўл босганлигидан ҳам англаш мумкинки², қарлуқлар бу даврда жуда катта ҳудудларда ҳукмронлик қилишган.

Қарлуқ қабиласи ҳақида кейинги даврларда яратилган манбаларда ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд. Масалан, Абулғозий улар ҳақида қуйидагиларни қайд этади: «Қарлуқ эли Мўғулистонда берк тоғларнинг ичинда юрт қилиб ўлтурурлар, экин экарлар эрди ва моллари бўлур эрди. Бир яхшисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирисини ва кўп эрмаслар эди. Гоҳ тузук бўлганда икки минг эвлик бўлур эди»³. Абулғозийнинг бу ахборотларидан тушуниш мумкинки қарлуқлар ҳам деҳқончилик ҳам чорвачилик билан шуғулланиб, ярим ўтроқ ҳолатда яшашган. Лекин асардаги «улар бир яхшисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирини», деб қайси даврни, сананинг назарда тутилганлиги ҳақида бир нима дейиш қийин, албатта.

Маълумки, қарлуқлар дастлаб Турк ҳоқонлигига тобе бўлишган. Кейинчалик, тинимсиз равишда ўз мустақилликлари учун кураш олиб боришлари натижасида қарлуқ қабила иттифоқи бузилиб, бир неча гуруҳларга бўлиниб кетишган. К.Ш. Шониёзов ана шу жараёнда юзага келган янги этно-ҳудудий қарлуқ гуруҳларини жойлашган ўлкаларига қараб тўрт гуруҳга бўлиб кўрсатади. Булар қуйидагилар: 1) Ила дарёсининг шимолида жойлашган этник гуруҳ; 2) Хангай тоғи этакларида Танну Олада жойлашган гуруҳ; 3) Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида жойлашган этник гуруҳ; 4) Тохаристонда ва Хиндистоннинг шимолий вилоятида вужудга келган этник гуруҳлари⁴.

¹ «Худуд ал-алем» - рукопись Туманского с введением указателем В.В.Бартольда. – Л.: Изд. АН СССР, 1930. – С. 17.

² Григорьев В.В. Об Арабском путешественнике X-го века Абу Долефе и странствовании его по Средней Азии // ЖМНП. – СПб., 1872. -№9. – С. 30-35

³ Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк / Қ. Муниров нашри. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 32.

⁴ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 340.

Бу этник гуруҳлар ичида энг катта кучга ва нуфузга эга бўлгани Ила дарёсининг шимолида жойлашган қарлуқлар эди. Қарлуқларнинг бу гуруҳи учта катта қабиладан иборат эканлигини аввал ҳам айтган эдик. Юқорида келтирилган бу маълумотларга суянган ҳолда айтиш мумкинки «қарлуқ» номи бу – алоҳида бир қабиланинг номи эмас, балки бир неча қабилаларнинг бирлашмасига умумий ном сифатида қўлланилган номдир. Чунки агарда биз тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиб эътибор берадиган бўлсак, илк ўрта асрларда жуда кўплаб туркий қабилалар мавжуд бўлган. Лекин улар ҳақида сўз кетганда қарлуқ, ўғуз, уйғур, қипчоқ қабилалари йирик қабилалар иттифоқи сифатида алоҳида тилга олинаиб, уларга кенгроқ таъриф берилган¹.

Қарлуқ номи бир неча қабилаларни умумий бирлашмасига нисбатан қўлланилган ном бўлиб, мазкур қабилалар иттифоқи ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида гоҳ тарқалиб кетса, гоҳ янги қабилаларни бирлаштириш ҳисобига кенгайиб борган. Қарлуқ атамаси эса дастлаб бир қабиланинг номи бўлган бўлиши мумкин. Лекин унинг кейинги давридаги, айниқса VIII асрдан бошланган ҳар томонлама олиб борган кенг фаолиятини ҳисобга олсак, уларни алоҳида бир қабила, деб тушуниш бизнингча тўғри эмас. Демак, қарлуқлар аввал ҳам қайд этганимиздек 766 йилда туркашлар устидан ғалаба қозонгач, Еттисув ҳудудида ўзларининг йирик қабилалар иттифоқидан иборат бўлган давлатларини ташкил этишган. Қарлуқ қабилалар иттифоқи тузилган сана (766 йил) Қорахонийлар давлатининг пойдевори ўрнатилган вақтни ўзида ифода этади. Шундай экан бу даврдаги қарлуқ қабилалар иттифоқи ва унга вақт ўтиши мобайнида қўшилиб борган туркий қабилалар, турли этник гуруҳлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади. Бу жараёнлар эса шу билан изоҳланадики, қарлуқлар Еттисувни эгаллаб, ўз ҳудудларини кенгайтириб, қўшни қабилаларни тобе этишгач, илгариги қабила сардори яъни жабғуни ваколат доираси ҳам кенгайди. Аввалги даврда жабғу фақат бир қабила иттифоқини бошқариб

¹ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк / Индекс-луғат. Ғ.А. Абдурахмонов., С.М. Муталибовлар таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 391-397; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 286.

келган бўлса, эндиликда у ўзига қарашли бўлган ҳудудларда яшовчи бир қанча бошқа қабилалар ва турғун аҳоли жамоаларини ҳам бошқарган. Кўриниб турибдики, қарлуқ қабилалар иттифоқи IX асрга келиб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда таркибий жиҳатдан бирмунча ўзгаришларга учраган. Аниқроғи, бу даврга келиб қарлуқлар ва уларга тегишли ҳудудларда яшовчи туркий қабилалар ҳаётида кескин бурилиш бўлган. VIII асрнинг охири IX аср бошларида Еттисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий воҳаларида ва Фарғона водийсининг шимолида яшовчи туркий қабилаларда мулкий муносабатлар ривожланиб, қабилалар ўртасида ўзаро рақобат ҳам кучайиб борган. Бунда қабилалар иттифоқига қарашли вилоятларга эгаллик қилиб келаётган айрим қabila сардорлари ўзларига тегишли ҳудудлардан келаётган фойда натижасида, тобора бойиб боришган. Бунинг оқибатида қabila сардорларининг жабғуга итоат этмаслик ва ўзбошимчаликка интилиши ҳам кучайган. Бу эса ўз навбатида қабилалар ўртасида турли низоларга сабаб бўлиб турган. Аммо бу даврда қабилаларда бирлашишга бўлган интилиш, ҳаётий эҳтиёж даражасида кучайиб борган. Уларнинг ягона ва йирик давлат тузишлари учун имкониятлар ва шарт-шароитлар пишиб етилган эди. Натижада, жуда кўп қабилаларни бир иттифоқга уюшиши билан, янги бир йирик давлатга асос солинди. Ўз навбатида бу давлатни энди жабғу эмас, балки чинакам ҳукмдор «ҳоқон» бошқара бошлаган. Ҳоқон эса илгариги жабғулардан, яъни қарлуқлардан чиққан бўлиши мумкин. Ҳоқон сулоласи қарлуқ қабиласидан чиққан экан, мазкур давлатни юзага келишида айнан шу қабиланинг ҳиссаси катта бўлганлиги шубҳасиздир. Бироқ бу Қорахонийлар давлатини юзага келишида фақат қарлуқ қабиласи иштирок этган, деган маънони англатмайди. Балки бу йирик давлат кўпгина туркий қабилаларни бирикиб, уюшиб бориши натижасида ҳосил бўлган. Умуман олганда, Қорахонийлар давлати таркибида юқорида номи зикр этилган қабилалардан ташқари чигил, халач, арғу, тўхси, жумул, қай, ямак, ябақу, қанғли, аз, уз каби кўплаб бошқа қабилалар ҳам мавжуд бўлган.

Қабила масаласи жамият, давлат тарихида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳодисадир. Қабилалар ва уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳамда маданий тараққиёти, бирлашганлик даражаси мавжуд давлатнинг равнақини таъминлаган. Шунинг учун ҳозирги кунда туркий давлатлар тарихини ўрганишда унинг таркибидаги ҳар бир қабиланинг тарихини ҳам ўрганиш зарур бўлмоқда. Чунки ҳар бир қабила давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маълум даражада ўз ўрнига эга бўлиб, уларнинг ёрдамсиз ҳукмрон сулолалар ҳам ўз сиёсий фаолиятларини олиб бориши, мумкин эмас эди. Давлатни ташкил этишда, туркий қабилалар асосий негиз бўлган бўлса, унинг кейинги давр мобайнидаги тараққиёти Мовароуннаҳрнинг ўтроқ маҳаллий аҳолисига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб келган. Қорахонийлар давлати таркибида фақат кўчманчи ёки ярим кўчманчи туркий қабилалар эмас, балки ўтроқ халқ вакиллари ҳам кўпчилиқни ташкил этган. Айниқса, Қорахонийлар давлати 1040 йилда Ғарбий ва Шарқий ҳоқонликга бўлиниб кетгач, Ғарбий ҳоқонлик Мовароуннаҳрдан иборат бўлган. Мовароуннаҳр эса бу турғун яшовчи туркий ва форсийзабон халқлардан иборат ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудудда шарқнинг машҳур Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз каби шаҳарлари ўлканинг ҳам иқтисодий ҳам маданий маркази сифатида энг бой шаҳарлари эди. Шунинг учун Ғарбий ҳоқонлик, Шарқий ҳоқонликга нисбатан бирмунча тараққий этган бўлиб, бу албатта воҳа халқларининг меҳнати натижаси эди.

Қорахонийлар давлатида қабилаларнинг ўрни ва роли турлича бўлиб, уларнинг давлатни сиёсий бошқарувидаги иштироки ҳам шунга маълум маънода боғлиқ бўлган. Тарихий жараёнлар эса бир хил кечмаган, албатта. Дастлабки даврда нуфузли кучга эга бўлган қабилалар, кейинги даврларга келиб, ўзини илгариги мавқеини йўқотган ёки бошқа бир қабилалар билан қўшилиб аралашиб кетган ҳодисалар табиий жараён сифатида юз берган. Бунинг оқбатида, қабилаларнинг давлат ҳаётидаги таъсир кучи маълум даражада ўзгариб турган. Айтмоқчимизки, Қорахонийлар давлати ўзининг узок тарихий даврига эга экан (766-1212), унинг тарихини ҳолисона ўрганиш

учун давлат таркибидаги барча қабилаларга алоҳида эътибор бериш зарур, чунки биз ўрганаётган бу ҳоқонлик қабилаларнинг ўзаро ҳудудий уюшмаси сифатида барпо этилган. Илмий доираларда Қорахонийлар давлати сулоласининг асосчилари масаласига ҳалигача узил-кесил нуқга кўйилганйча йўқ. Қорахонийлар фаолияти минтақамизнинг Еттисув, Марказий Тангритоғ ҳудудида қадимдан яшаб келаётган туркий тилли қавмларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муносабатлари муҳитида шаклланганлиги аниқ бўлгани ҳолда, мазкур сулола тўғридан-тўғри қайси бир қабилага тегишли экани масаласи ҳамон баҳсталаб бўлиб келмоқда. Бу фан учун табиий ҳол, албатта. Биз учун эса асосий вазифа ўзбек давлатчилиги тарихида қорахонийлар сулоласи тутган ўринни кўрсатиб беришдан иборатдир. Икки оғиз сўз «қорахон» атамаси тўғрисида. Бу ерда «хон» маълум тушунча, яъни «ҳукмдор». «Қора»нинг (аслида эса «Қаро») бир неча маънода қўлланилишини таъкидлаган ҳолда, биз кўраётган мисолда «буюк», «улуғ» тушунчасини беради, десак хато бўлмайди, яъни «Буюк хон», «Улуғ хон»¹.

Шундай қилиб, X аср иккинчи ярми давомидаги саъй-ҳаракатлар натижасида қорахонийлар шарқий йўналишда Балхаш кўли — Черчен дарёсигача (Шарқий Туркистон) бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлиб, ғарбий йўналишда эса Исфижоб, Ўзганд, Мурғоб дарёси қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларни ўз таъсир доираларига киритиб оладилар². Ҳарбий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб бораётган қорахонийлар учун энди янада ғарбга силжиб Самарқанд, Бухоро вилоятларини ҳам бўйсундиришга ҳаракат қилиш табиий эди. Зеро, уларнинг минтақадаги шу вақтдаги асосий сиёсий рақиблари бўлмиш сомонийлар сиёсий маркази худди шу маконда жойлашганди. Мазкур мақсад йўлидаги биринчи уриниш 992 йили рўй беради. Шу йили қорахоний Буғрохон сомоний Нух ибн Мансур (976—997) билан жангда ғолиб келиб Бухорони

¹ Древнетюркский словарь, 1969, с. 422—424:

² Караев О. История караханидского каганата, 1983, с. 1—114.

ишғол қилишга муваффақ бўлади¹. Аммо бу ютуқ вақтинчалик бўлиб тез орада Буғрохон орқага қайтиб кетишга мажбур бўлади. Фақат 999 йилга келибгина қорахонийлар яна бир бор Бухорони забт этишга муваффақ бўладилар. Манбаларда ёзилишича, бу галги уринишда деярли қийинчилик бўлмаган. Оддий халқ томонидан эса қорахонийларнинг Бухорони эгаллашлари бир сулола ўрнига иккинчи бир сулола келиши қабилада қабул этилган. Гарчи ўрта аср тарихчилари бунинг сабабини ҳар икки сулоланинг бир динга мансублиги орқали тушунтирсаларда², буни инкор этмаган ҳолда минтақанинг Бухоро, Самарқанд қаби шаҳар ва вилоятлари учун Еттисув, Шарқий Туркистон ҳудудлари ҳам тарихий-маданий бирлик жиҳатидан бегона эмаслиги бош сабаблардан бўлган, деб ҳисоблаш тўғрироқ бўларди. Хуллас, 1005 йили сомонийлар сиёсий сахнадан бутунлай тушиб кетдилар ва шу вақддан бошлаб қорахонийлар энди Бухоро, Самарқанд ва умуман мударёгача бўлган ҳудудларни ҳам бошқара бошлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён, Хутталон вилоятлари қорахонийлар, Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар то Ғазнагача, Хуросон, Сейистон вилоятлари ғазнавийлар, Хоразм эса хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар ўғизлар иттифоқи томонидан бошқарилар эди. Албатта, биз бу ҳолни ижобий бир ҳол деб баҳолай олмаймиз. Зеро, ягона мамлакат ва улкан минтақанинг бир қанча сиёсий маконларга бўлиниши, унинг ички ва ташқи хавфсизлигига путур етказиши, сиёсий кучлараро зиддиятлар келиб чиқишига олиб келиши турган гап эди. Худди шундай бўлди ҳам. Масалан, 1008 йили қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида ҳарбий тўқнашув юз беради (Балх атрофида)³. Шуниси қизиқки, ўз вақтида, яъни сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида қорахонийлар ва ғазнавийлар ўзаро яқинлашув сиёсатини тутган

¹ Зайн ал-ахбар, с. 84.

² Тарихий Ўаминий, 292—300-бетлар (Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XII вв. Ташкент, 1988).

³ Зайн ал-ахбар, с. 93—94.

эдилар¹. Буни сиёсий манфаатлар орқали тушунтириш мумкин. XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса қорахонийлар шу юз йилликнинг 40-йилларидан буён кучга кира бошлаган бошқа бир туркий тилли сулола— салжуқийлар билан кескин муносабатда бўла бошлайдилар. Маълумки, салжуқийлар XI асрнинг 40 йили ғазнавийларни мағлубиятга учратиб, 50-йиллардан эса Хуросондан Бағдодгача бўлган ҳудудни ўзларига бўйсундиришга эришган эдилар. Минтақада ҳукмронликка интилиш борасидаги бу икки сулола ўртасидаги курашнинг амалий кўриниши сифатида 1089 йил воқеаларини келтириш мумкин. Чунончи, ўша йили салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ (1072—1092) Бухоро, Самарқанд, Ўзганд каби шаҳарларда ўз сиёсий ҳукмини ўрнатиб, қорахонийларга қаттиқ зарба беришга муваффақ бўлади. Гарчи тез орада қорахонийлар ўз мавқеларини қайта тиклашга муваффақ бўлсалар-да, аммо 1130 йили бошқа бир салжуқий ҳукмдор султон Санжар (1118 — 1157) томонидан Самарқанднинг ишғол қилиниши қорахонийларнинг жиддий ҳарбий-сиёсий куч сифатида бундан буёнги тақдирларини ҳал этди, деса бўлади². Чунки энди салжуқийлар Самарқанд тахтига қорахонийлардан кимни ўтқазми ё ўтқазмаслигини тўғридан-тўғри ўзлари ҳал қилардилар. Яъни қорахонийлар сиёсий куч сифатида бутунлай йўққа чиқмасдан, салжуқийларнинг иродаси доирасида фаолият кўрсатар эдилар. Кўп ҳам ўтмасдан — 1137 йили қорахонийлар шарқдан келган бошқа янги сиёсий куч — қорахитойлар (киданлар) томонидан Хўжанд атрофида юз берган урушда мағлубиятга учрайдилар. Қорахитойлар қудрати нечоғлик бўлганини шундан ҳам билиб олса бўладики, 1141 йили улар энди қорахонийлар ва салжуқийларнинг бирлашган лашкарларига ҳам зарба беришга муваффақ бўладилар³. Қизиғи шу ердаки, қорахитойлар ҳам қорахонийларни сиёсий сулола сифатида бутунлай йўқ қилиб ташламай, аксинча, уларни ўз қарамликларида тутиб қоладилар. Қорахонийлар фаолиятига чек қўйиш эса 1213 йилга келиб юз

¹ Тарихи Байҳақий, 246-бет.

² Роҳат ас-судур, 169-бет

³ Роҳат ас-судур, 172-бет

беради. Буни хоразмшоҳ Султон Муҳаммад (1200—1220) амалга оширади. Қорахонийлар давлатчилиқ тизими ўзидан олдин ўтган Турк хоқонлиги, Туркеш давлати каби туркий давлатларнинг давлатчилиқ тажрибаси ва анъаналарига асосланган. Қорахонийлар сулоласи давлат бошқарувида бу тажрибалардан унумли фойдаланиб, ўз навбатида, уни ривожлантириб, янги тараққиёт босқичига олиб чиққан. Қорахонийлар давлатида дастлаб ташкил топган вақтда (IX аср ўртаси) маъмурий-бошқарув тизими, қабилаларнинг ўзаро иттифоқи негизига асосланган эди. Бунда давлат бошлиғи «ябғу» деб номланган. Ўлкадаги барча қабилалар ябғуга бўйсунган, айти вақтда ябғу ўзи ҳукмронлик қилаётган ҳудуддаги барча қабилаларни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилган. Жойларда ҳар бир қабилани ўз сардорлари бошқарган. Қабилалар сардорлари айти вақтда, шу қабилани ҳарбий сарқардаси бўлиб, хоқон ноибни ҳисобланган. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида улар ябғунинг буйруғига биноан ўз ҳарбий бўлинмалари билан урушда қатнашишган.

Вақт ўтиши билан қорахонийларнинг бу маъмурий бошқарув усули ривожланиб, такомиллашиб борган. X асрнинг ўрталарига келиб, Қорахонийлар давлати ўз таркибига кўшни қабилаларни ҳам қўшиб олиб, ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, катта сиёсий кучга айлангач, уларнинг давлат бошқарувида ҳам маълум ислохотлар юз берди. Давлат тепасида одатда «қорахон» унвони билан улуғланган «буюк хон» ўтирган. Хонлик тахтига оға-иничилик удуми асосида сулоланинг энг ёши улуғ кишиси ўтирган. Хонлар «қорахон» унвони билан бирга тавғачхон, арслонхон, буғрохон каби фахрий унвонлар билан ҳам улуғланган.

Қорахонийлар давлат бошқаруви юқоридан қуйига қараб шакллантирилган бўлиб, давлат вилоятларга бўлиб идора қилинган. Эл-юрт ҳокимлари элоқхон деб номланиб, бу унвон эгалари «элнинг оқ хони», яъни «буюк хон» қорахондан нуфуз ва даражасига кўра кейинги ўринда турувчи «кичик хон» ҳисобланган. Элоқхонлар хоқон ноибни бўлишса-да, ўлкада ўз номлари билан танга-чақалар зарб этиб, ички ва ташқи сиёсатда мустақилликка интилишган. Элоқхонлар орасида, Мовароуннаҳр элоқхони

катта обрўга эга бўлиб, у, одатда, Самарқандда турган. Бу даврда вилоятларни «такин» унвонидаги кишилар бошқарган. «Такин» атамаси дастлаб қадим туркийларда ҳоқон вориси, валиаҳдига нисбатан қўлланилиб, кейинчалик ҳарбий лашкарбошилар унвони сифатида ҳам ишлатилган. Сомонийлар ва қорахонийлар даврига келиб «такин» унвонидаги ҳарбий лашкарбошилар айна вақтда бирон-бир вилоят ноиблигини ҳам бошқарган. Қорахонийлар даврида такинларнинг нуфузи ошган. Чунки ҳарбий юришлар вақтида улар давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар бошқаруви эса шаҳар ҳокими, раис ва муҳтасиблар қўлида бўлган. Улар шаҳарнинг ички ҳаёти ва ижтимоий - иқтисодий равнақи учун масъул ҳисобланган. Диний ҳаётда ислом дини давлат мафкураси даражасига кўтарилган. Давлатнинг мустаҳкамлиги ва ғоявий бирлиги учун қорахонийлар руҳонийлар билан яқин ва дўстона муносабатда бўлишга интилишган. Бу даврда имомлар, саидлар, шайхлар ва садрларга эътибор кучайиб, уларнинг обрўси ниҳоятда баланд бўлган. Бу эса давлатнинг сиёсий ҳаётида улар таъсирининг кучайиши ва вақф ерларининг кенгайишига олиб келган.

Қорахонийлар давлатида кўчманчи халқ элчилар (эл бошлиғи маъносида) томонидан бошқарилиб, бундай лавозимда нуфузли беклар турган. Бек ҳоқонга бўйсуниб, унинг ваколат доираси одат ҳуқуқлари билан белгилаб қўйилган. Беклар жамоат тартибини сақлаш, суд ҳукмларининг ижросини таъминлаш, урф-одат ҳуқуқларининг бажарилишини назорат қилиб, давлат чегараларини қўриқдаш ишларини бажарган. Бир неча беклар устидан беклар беги (ёки улуғ бек, буюк бек) тайинланган. Беклар беги катта қўшинга қўмондонлик қилиб, хон кенгашидақатнашган. Шунини айтиш керакки, беклар ҳокимияти канчалик кучли бўлмасин, доимо хонга бўйсунган, бу худди Ғарбий Европадаги вассаллик рамзига ўхшаб кетади.

Юсуф Болосоғуний ўз асарида таъкидлашича, бек бўлиш учун юксак сифатларга эгалик талаб қилинади: “Бек - доно, ботир, шерюрак бўлиши лозим. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазали бўлиши талаб этилган.

Албатта, бек ким ва қандай бўлмасин, халқ бор бўлгани учун бекдир. Шунинг учун ҳам олим бек ҳокимиятида халқнинг ўрнига юксак баҳо беради, оддий аҳоли - “аратлар” бекларнинг қанот ва парлари бўлиб, уларсиз қуш каби уча олмас эдилар. Қайси бек ҳушёр бўлса, элини мустаҳкамлайди, ёв бўйнини янчиб, унинг устига балолар ёғдиради, қайси бек элида тўғри (одил) сиёсат юргизса, элини яшнатади, унинг кунларини ёритади, Мана шу икки нарса тугал бўлса, эл ҳам мангу тураверади”¹.

Қорахонийлар даври бошқарув тизими масаласида Совет тарихшунослиги мазкур сулоланинг минтақадаги сиёсий ҳокимияти ва бошқарув усулини, қорахонийлар сомонийларнинг ўрнини олишлари билан марказлашган давлат тизимига зарба берилди, бошқарувда мулкчилик (яъни қўл остида вилоятларни сулола намояндаларига бўлиб бериш) шакли жорий қилинди, қабилдаги ақидани илгари сурган².

Ваҳоланки, бошқарув шакли жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, талаблари, вазифалари мазмуни билан боғлиқлиги назардан четда қолдирилган. Чунончи, асли Еттисув вилоятида юксалишни бошлаган қорахонийлар, юқорида таъкидланганидек, жануб, ғарб йўналишларида ўз ҳукмронлик доираларини кенгайтириб борганлар ва бунинг натижасида Черчен дарёсидан Хоразмгача бўлган ҳудудни бошқара бошлаганлар. Сиёсий марказ сифатида эса юксалишлари бошланган ўз тарихий маконларидаги катта шаҳарлардан бўлмиш Болосоғун ва нисбатан ундан узоқда бўлмаган Кошғарни танлаганлар. Демак, асосий сиёсий марказ шу ҳудудда мужассамлашган. Бухоро, Самарқанд, Чағониён, Фарғона ва бошқалар табиий равишда янги сиёсий марказга нисбатан вилоят (мулк) ўрнида бўлган. Гарчи кўп жиҳатлардан Самарқанд ва Бухоро тараққиётда Болосоғун ва Кошғардан анча юқори бўлса-да, аммо худди шу даврдаги сиёсий вазиятга кўра, бошқарув маркази минтақанинг Еттисув, Шарқий Туркистон қисмига кўчиб қолганди. Ана шу «табиий» сабабларга кўра, анъанавий равишда

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Б. 44-46.

² Қаранг: История Узбекской ССР. Т. I, Книга первая, с. 247—248.

кадимдан марказ ролини ўтаб келган Бухоро ва Самарқанд эндиги сиёсий мавқеига кўра вилоят (мулк) даражасига тушиб қолишларига тўғри келган. Шу билан бирга уларнинг иқтисодий, маданий ва, айниқса, сиёсий имконлари шу қадар юқори бўлганки, кўриб чиқилганидек, Самарқанд, Бухородаги сиёсий ўзгаришлар қорахонийлар сулоласи мавқеида катта аҳамият касб этган. Иккинчи томондан, сомонийлар даврида ҳам бир қанча вилоятлар (масалан, Хоразм, Сейистон, Ғазна, Чағониён ва бошқалар) марказдан фаркли ўлароқ мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилганлари ҳам маълум. Демак, сомонийлар давридан кейинги сиёсий-географик ўзгаришларга сабаб бўлган қорахонийлар ҳукмронлик ва бошқарув тизимида шу ўзгаришларга яраша баъзи янгиликлар бўлиши табиий эди. Аммо юқорида таъкидланганидек, бошқарув тизимининг шакли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий омиллар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам қорахонийлар даврида сомонийлар вақтида мавжуд бўлган бошқарув тизимининг асосий мазмуни сақланиб қолган. Аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки аввалдан шаклланиб келган ва объектив тараққиёт натижаси ўлароқ юзага келган бошқарув анъаналаридан қорахонийлар юз ўтира олмасдилар. Марказдаги бошқарув тизими икки идора: даргоҳ ва девонлардан иборат бўлган. Олий ҳукмдор ўзига тобе бўлган вилоят ва шаҳарларга ҳукмдор сулола намояндаларини тайинлаб, бу билан, табиий равишда, бутун мамлакат узра ўз сиёсатини юргизишни мақсад қилиб қўйган. Вилоят (мулк) ҳукмдорлари илиг унвонига эга бўлганлар. Бироқ, илгарилари ҳам кўрганимиздек, вилоятлар марказдан фаркли мустақил сиёсат юритишга ҳам интиланлар. Бу ўз ўрнида ички низоларга сабаб бўлиб, XI асрнинг учинчи чорагида қорахонийлар сиёсий бирлиги иккига: ғарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб кетади. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган қорахонийлар намояндалари бундан буён марказга бўйсуннишдан бош тортиб, мустақил сиёсат юргиза бошлаганлар.

Шарқий вилоятларда (Еттисув, Шарқий Туркистон) жойлашган сиёсий марказ эса уларни бўйсундиришга ожиз бўлган. Аммо ҳам ғарб, ҳам шарқ

бир сиёсий хонадоннинг турли намояндалари орқали бошқариб борилаверган.

Ғарбий хоқонликда (Самарқанд, Бухоро, Хутталон, Чағониён) сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизими (бош вазир, молия ишлари, давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, соқчилар бошлиғи, хат-хабарлар, сарой иш бошқарувчиси, мухтасиб, вақфлар, қозилик ишлари девонлари) сақланиб қолгани маълум. Шунингдек вилоят бошликларини ҳоким, шаҳар бошлиғини раис деб аташ расми ҳам ўзгармаган¹.

Ҳар қандай давлатчилиликда бўлгани каби қорахонийлар даврида ҳам марказдаги (даргоҳдаги) бошқарув тизимига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ, яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб турувчи ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Сомонийлардан фарқли ўлароқ қорахонийлар даврида ҳожиблар, асосан, олий ҳукмдор, вилоят ҳокимларининг давлат ва раият ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар.

Бунинг исботини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб (тахминан 1020 йилдарда туғилган) қорахоний Тамғоч Қора Буғроҳон (1074—1102/1103) эътиборини қозониб, хос ҳожиб унвонини олган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган: «Хос ҳожиб унвони лойиқ билди у (яъни Буғроҳон), ўзига энг яқин одам қилди у»².

Худди шундай унвонга: Маҳмуд Кошғарий (XI) ҳам муносиб кўрилгани маълум. Даргоҳ фаолиятини тегишли даражада тутиб туришда сарой ишлари бошқарувчиси, ҳозирда биз протокол юмушлари деб билувчи, меҳмонларни қабул қилиш хизмати (унинг бошлиғи «Бирук» деб аталиб, бу атаманинг «Буйрук» билан боғлиқлигини эҳтимол қилиш мумкин), хазиначи (ағичи), ошхона мутасаддиси (ошчи), шарбатдор, ётоқ, кийим-кечак билан таъминловчи хизмат, ов уюштириш хизмати (қушчи) ва бошқаларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бўлган.

¹ История караханидского каганата, с. 244—255.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Тошкент, 1990, 9-бет.

Олий ҳукмдорнинг хавфсизлигини таъминлаш, унинг сиёсати йўлида содиқона хизмат қилиш вазифаси бўлган махсус сараланган ҳарбий қисм (гвардия) ҳам даргоҳ бошқарув тизимига кирган. Албатта, гвардиядан ташқари ҳарбий кўшин ҳам мавжуд эди. Ундаги энг муҳим лашкарбошилиқ ва бошқарув мансабларига қорахонийлар сулоласи намояндалари ҳамда содиқлигига шубҳа бўлмаган лашкарбошилар тайинланган. Агар кўшиндаги бошқарув тизимига назар ташланса, шу нарса аёнлашадики, йирик лашкарбошилардан ташқари кичик офицерлар (човуш), отликлар сардори (хайлбоши), юзбоши, мингбоши каби ҳарбий мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Ушбу давлатнинг ҳам ҳарбий хизматчиларига қўллайдиган интизомий жазоларидан ўзгача мақсади мавжуд бўлган. Яъни Қорахонийлар даврида интизомий жазолар бир қанча мақсадларда аскарларга нисбатан қўлланилган. Бу жазолар тартибни сақлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, аскарларнинг садоқат ва итоаткорлигини таъминлашга хизмат қилган. Қорахонийлар даврида аскарларга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг асосий мақсадлари:

Ҳарбий интизомни сақлаш: интизомий жазолар аскарлар ўртасида интизом ва итоаткорликни сингдириш учун ишлатилган. Қорахонийлар ҳукмдорлари қатъий тартиб-қоидаларни жорий этиш орқали яхши интизомли ва самарали ҳарбий куч яратишни мақсад қилганлар.

Садоқат ва итоаткорликни таъминлаш: аскарларнинг қорахоний ҳукмдорларига содиқлигини ва қўмондонлик занжирига бўйсунушларини таъминлаш учун жазо чоралари қўлланилган. Ҳукмдорлар мукофот ва жазолар тизимини ўрнатиш орқали ўз ҳарбий кучлари устидан назоратни сақлаб қолишга интиланган. Интизомий жазолар аскарларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ёки итоатсизлигининг олдини олиш учун тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилган. Жазодан қўрқиш аскарларни ҳуқуқбузарлик қилишдан тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилган. Тартиб ва маънавиятни сақлаш: интизомий жазоларни қўллаш ҳарбий сафларда тартибни сақлашга ёрдам берган. Бу аскарларнинг қонун ва қоидаларга риоя қилишларини

таъминлаган, бу эса ўз навбатида ҳарбий кучларнинг умумий маънавияти ва жипслигига ҳисса қўшган.

Ҳокимиятни ўрнатиш: тартибга солиш жазолари қорахонийлар ҳукмдорлари учун ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ҳарбийлар устидан назорат ўрнатиш учун восита бўлган. Ҳукмдорлар ҳарбий тартиб-қоидаларни бузган аскарларни жазолаш орқали ўз куч-қудратини, обрў-эътиборини намойиш қилган. Интизом ва итоаткорликни таъминлаш орқали интизомий жазолар ҳарбий кучларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонун ва қоидаларга риоя қилган аскарлар ўз вазифаларини самарали бажарганликлари учун рағбатлантиришлар ҳам амалга оширилган, бу эса кучлироқ ва қобилиятли армияга эга бўлишга ёрдам берган.¹

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бир вақтнинг ўзида минтақада бир неча ўзига яраша қудратли сиёсий кучларнинг фаолият кўрсатиши ва бундан ташқари қорахонийлар сулоласидаги ички келишмовчиликлар даргоҳнинг ташқи ишлар (дипломатия) масаласига жиддийлик билан қарашига сабаб бўлган. Буни Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида келтирилган маълумотлар орқали ҳам билишимиз мумкин. Ташқи сиёсат билан шуғулланувчи мансабдорларга, хусусан, элчилар олдида жуда катта талаблар қўйилган, яъни улар «билимли, ўқувли, етук, шерюрак, кўзи тўқ, уят-андишали» бўлишлари керак бўлган. Талаблар ичида шундайлари ҳам бор: астрономия, математика, геодезия илмларини мукаммал билиш, шахмат ва нардни рақибларидан устун даражада ўйнаш, ҳарбий санъатда беназир бўлиш ва ҳеч қачон май ичмаслик, сўз, ибораларнинг тўғри ва кўчма маъноларини пухта билиш².

Турк олими Р.Генчининг фикрича, қорахонийларнинг ҳукмдорлари расмий ҳаётида бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш ишлари асосий ўринда турган³. Ҳукмдорнинг бошқалар билан алоқалари, асосан,

¹ <https://www.silkroadstudies.org/publications/joint-center-publications/item/13337-chinas-brutality-cant-destroy-ughur-culture.html>.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, 1990, 59-бет

³ Genç R. Karahanlı Devlet teşkilatı (XI. Yüzyıl). İstanbul, 1981. Б.157.

ҳожиб лавозими эгаси воситасида амалга оширилган. Ҳожибнинг яна бир асосий вазифаси бўлиб, у хорижлик элчиларнинг келиб-кетиши, қабул этилиши, белгиланган эҳсон, нафақа ва бошқа нарсалар билан таъминланиши, еб-ичиш масалаларини назорат қилиши керак бўлган. Элчиларнинг иши натижасига қараб, уларга ҳадялар берилиши ёки берилмаслигини ҳам ҳожиб белгилар эди. Шунингдек, элчиларни

қабул қилиш маросимидаги ҳолатлар учун ҳам у жавобгар бўлган. Кўп ҳолатларда бу ишлар билан шуғулланган ҳожиб «улуғ ҳожиб» ёки «хос ҳожиб» («хукмдорнинг шахсий ҳожиби маъносидан» – Ҳ.М.) деб аталган. Бошқа ҳожиблар эса унга бўйсунганлар¹.

Ҳожибларнинг элчиларни қабул қилишдан ташқари куйидаги яна уч асосий вазифалари бўлган:

1. Саройга мурожаат билан келган энг юқори мартабали одамлардан тортиб, ҳеч нимаси йўқ камбағалларни қабул қилиш ва керак бўлганда уларнинг хукмдор билан учрашувини таъминлаш.

2. Улуғ кунларда (асосан ҳайит кунлари) узри бўлган ва ҳақсизликка учраб адолат истаб юрган шахсларни ўз хузурига чақириш, масаласини имкон қадар ҳал қилиш.

3. Давлат маросимларида қатнашиш учун келган амалдорлар ва бошқа шахсларни лавозим ва мавқеига кўра жойлаштириш².

Бу даврда элчилик лавозимига тайинланадиган шахсларнинг алоҳида юксак ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши талаб қилинган. Жумладан, Юсуф хос Ҳожиб элчининг заковатли, олим ва қалби уйғоқ бўлса, у ҳар ерда яхши қарши олиниши, шароб ичишдан тийилиши ва баднафс бўлмаслиги кераклигини айтиб ўтган. Зеро, ширакайф элчилар жиддий қабул қилинмаслиги ва давлат манфаатларини ҳам яхши ифода этолмаслиги мумкинлигини айтиб ўтган.

¹ Genç R. Karahanlı Devlet teşkilatı (XI. Yüzyıl). İstanbul, 1981. Б.203.

² Ўша асар, Б.206.

Шунингдек, элчининг ташқи кўриниши намунали, сўзга устомон, босиқ ва маданиятли бўлиши талаб қилинган. Элчининг қилган амали ва сўзлари мос бўлиши фақат унинг фойдасига ишлаган. Қорахонийлар давлати дипломатиясига назар ташласак, кўп жихатдан у Сомонийлар давлати дипломатиясига ўхшаб кетган, яъни уларнинг ташқи сиёсатида ҳам халифа билан муносабатлар муҳим ўрин тутган, шу билан бирга ўша даврда кучли бўлган ғазнавийлар, кейинчалик салжукийлар ва Хоразмшоҳлар билан қорахонийлар маълум даражада алоқаларни йўлга қўйганлар. Кўп ҳолатларда битимлар имзоланган, никоҳ-қариндошлик муносабатлари билан улар мустаҳкамланган. Бироқ, бу давлатлар қўшни бўлганликлари сабабли, кўпинча, манфаатлар тўқнашуви ҳам юзага келиб, алоқаларнинг кескинлашиб кетиши ҳарбий ҳаракатларгача олиб борган.

Б. АКРАМХОДЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг
катта илмий ходими, ю.ф.н., доцент.

МУҒУЛЛАР БОСҚИНИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**(“Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси
ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)**

Аннотация: муаллиф мақолада муғуллар босқини даврида Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ тараққиётидаги ўзгаришларга эътибор бериб, Чингизхон давлатининг Тимурийлар империясига нисбатан бўлган таъсирини таҳлил қилиб, наинки Ўзбекистонга балки Ғарбий мамлакатларнинг ривожига ҳам бўлган ижобий ўзгаришлари ўз мақоласида ёритган

Калитли сўзлар: Чингизхон, Муғуллар империяси, Хоразм, Амир Темур империяси, Ясоқ, ҳарбий интизом, улус, тумен, номенклатура ва

Олтин уруф аъзосининг улусга хон бўлиши, хоннинг бешта бошқарув функцияси.

Аннотация: Автор статьи обращает внимание на изменения в развитии государства и права в Узбекистане во время монгольского нашествия, анализирует влияние государства Чингисхана на империю Тимуридов и выделяет позитивные изменения не только в Узбекистане, но и в развитии западных стран.

Ключевые слова: Чингисхан, Монгольская империя, Хорезм, империя Амира Тимура, Ясак, военная дисциплина, улусы, тумены, номенклатура и ханство члена Золотого Рода, пять управленческих функций хана.

Annotation: The author of the article pays attention to the changes in the development of state and law in Uzbekistan during the Mongol invasion, analyzes the impact of Genghis Khan's state on the Timurid Empire, and highlights the positive changes not only in Uzbekistan but also in the development of Western countries.

Keywords: Genghis Khan, Mongol Empire, Khorezm, Amir Timur's Empire, Yasak, military discipline, ulus, tumen, nomenclature and the khanship of a member of the Golden Horde to the ulus, five management functions of the khan.

XIII асрда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир қанча муҳим давлат ва сиёсий тузилмалар мавжуд бўлган. Мана асосийлари:

1. Хоразм

Пойтахти: Урганч.

Тавсиф: 13-аср бошларида Хоразм қўшни вилоятлар билан фаол савдо-сотиқ олиб борган ва ўзаро алоқада бўлган қудратли давлат эди. Хоразм хукмдори Оллоҳ ад-Дин Муҳаммад 2 мўғул босқинчиларига қаршилик кўрсатиш сиёсати билан машҳур эди.

2. Сўғдиёна

Шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Термиз.

Тавсиф: Сўғдиёна Хоразм давлати таркибида бўлса-да, шаҳарлари муҳим маданий ва савдо марказлари бўлиб қолган. Бу даврда улар минтақанинг савдо ва маданиятига сезиларли таъсир кўрсатдилар.

3. Қорахонийлар давлати

Тавсиф: Бу давлат 13-аср бошларигача мавжуд бўлган, аммо бу вақтга келиб унинг таъсири заифлашиб, Хоразм ва бошқа қўшни давлатлар томонидан қисман ўзига сингиб кетган.

4. Туркман қабилалари

Тавсиф: Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли туркман қабилалари ҳам яшаб, минтақадаги сиёсий вазиятга таъсир кўрсатган.

13-аср бошларига келиб Хоразм ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳукмрон давлат бўлган (3 млн. 400 минг кв. Км.), Сўғдиёна эса муҳим маданий марказ бўлиб қолган. Бу давлатлар мўғул босқинчилари таҳдидига дуч келди, бу эса минтақанинг сиёсий манзарасида жиддий ўзгаришларга олиб келди.

Чингизхон ва унинг қўшини ҳарбий техника ва қурол-яроғларга бир қанча янгиликлар киритиб, уларнинг забт этишдаги муваффақиятларига ҳисса қўшди. Мана асосийлари:

1. Отлиқлар

Тавсиф: Чингизхон қўшинининг асосий кучи яхши тайёрланган ва ҳаракатчан отлиқлардан иборат эди. Отлиқ қўшинлар тезда маневр қилишлари ва душманга зарба беришлари мумкин эди.

Тактика: қанотли ҳужумлардан фойдаланиш ва душманни қамал қилиш.

2. Камонлар

Тури: 300-400 метргача узоқ масофага отиш мумкин бўлган узун камон.

Афзалликлари: отлиқ аскарларга душманга яқинлашмасдан узоқ масофада жанг қилиш имконини берадиган юқори олов ва аниқлик.

3. Мураккаб қамал ускуналари

Ускуналар: Чингизхон хитойлик муҳандисларнинг меҳнатидан фойдаланган ҳолда шаҳарлар ва қалъаларни босиб олиш учун катапультлар ва кўчқорлар каби турли қамал ускуналаридан фойдаланган.

Тактика: Қамал қилувчи кучлар душманнинг деворлари ва мудофаа тузилмаларини самарали равишда йўқ қилишга муваффақ бўлишди.

4. “Психологик уруш” тактикаси.

Усуллари: Чингизхон душманни рухий тушкунликка тушириш учун кўрқитиш ва дезинформациядан фойдаланган. Масалан, у оммавий қатлларни уюштирар ёки ваҳима кўзғаш учун қўлга олинган душманлардан фойдаланади.

5. Ташкилийлик ва интизом

Тузилиши: Армия ўнлик тизимда (ўнлаб, юзлаб, минглаб) ташкил этилган бўлиб, бу катта қўшинлар массасини самарали бошқариш имконини берди.

Интизом: Чингизхон қатъий интизом ва садоқатни талаб қилди, бу эса юқори жанговар самарадорликка ёрдам берди.

6. Ақл-идрокдан фойдаланиш

Усуллари: Разведка хужумларни режалаштиришда асосий рол ўйнади. Чингизхон айғоқчилар ёрдамида душман ва ерлар ҳақида маълумот тўплаган.

7. Технология интеграцияси

Технологияни ўзлаштириш: Чингизхон босиб олинган халқлардан олинган инновацияларни, шу жумладан қамал қуроллари ва жанговар тактикаларни фаол равишда бирлаштирди.


Чингизхоннинг ҳарбий янгиликлари, жумладан, кўчма отлик қўшинлари, камон ва қамал ускуналаридан унумли фойдаланиш, юқори даражадаги ташкилот ва тартиб-интизом унинг қўшинини тарихдаги энг қудратли армиялардан бирига айлантди. Бу омиллар унинг муваффақиятли забт этишида ҳал қилувчи рол ўйнади. Шош воҳамида эса энг зўр камонлар усталари яшаган ва улар айнан Чингизхоннинг армиясига 13 асрларда камонларни таъминлаб берган. Тошкент шаҳрининг Камолон маҳалласи айнан ўша даврларда қурол аслаҳа ишлаб чиқариш ишхонаси бўлгани тарихий янгилик.

Чингизхон томонидан босиб олинган ҳудудларда янги давлатлар ташкил этиш жараёни пухта ташкил этилган ва бир қанча асосий босқич ва тамойилларни ўз ичига олган. Мана бу жараённинг асосий жиҳатлари:

1. Босиб олинган ҳудудларни бўлиш ва бошқариш

Маъмурият : Чингизхон босиб олинган ерларни улусларга (маъмурий бирликларга) бўлиб, уларни ишончли кишилари ёки оила аъзолари бошқарган.

Империя бошлиғи хон фақат Олтин уруғ (Алтан Уруғ - Олтин Ру) аъзоси, яъни Чингизхоннинг бевосита авлоди - Чингизий бўлиши мумкин эди. Хон нуфузли зодаларнинг қурултойида (йиғилишида) сайланган. Тахтга ўтириш маросимида сайланган хон оқ кигизда тантанали равишда кўтарилди. Қурултойда жамоавий муҳокамадан сўнг давлат бошқарувининг муҳим масалалари ҳал қилинди, хон кенг кўламли маслаҳатлашувлардан сўнг қарорлар қабул қилди.



Мазкур харитада 13 асрда Чингизхоннинг тириклик пайтида эгаллаган ҳудудлари сариқ ранг билан кўрсатилган, тўқ қизил ранг билан Чингизийлар томонидан қўлга киритилган ҳудудлар акс этган. Умумий эгалланган ҳудуд майдони 33,4 млн. кв. километрдан иборат бўлган. Тарихда бу энг катта майдондаги эгалланган ҳудуд. Мазкур империя 1206 йилдан бошлаб, токи

Юань улусида муғуллар тахтдан ағдарилгунга қадар фаолият кўрсатди, Чихатой улуси эса уллар

Чингизхон бошлиқ муғуллар давлатининг ташкил топишидан бошланиб, 13-а. охирига қадар давом этган. 1207—11 йилларда Сибирь ва Шарқий Туркистон халқлари (бурят, ёкут, ойрот, қирғиз ва уйғурлар) бўйсундирилди. Тангут давлати (Си-Ся)га қарши бир қанча юришлар қилинди (1227 йил бутунлай вайрон қилинди). 1211 йил Чжурчжэн давлати (Шим. Хитой)га хужум бошланди, 90 га яқин шаҳарни вайрон қилиб, 1215 йил Пекинни босиб олдилар. 1217 йил Хуанхе дарёсининг шимолдаги ерларнинг ҳаммаси муғуллар қўлига ўтди.

1225 йилга келиб, муғул қўшинларининг асосий қисми Мўғулистонга қайтиб кетди. Жебе нўён ва Субутой баҳодир қўмондонлигидаги муғул қўшини ғарбда урушни давом эттиради ва Шимолий Эрон орқали Закавказьега бостириб кирди. Грузия ва Озарбайжоннинг бир қисмини вайрон қилди. Каспий денгизи соҳили бўйлаб ҳаракат қилиб, аланлар ерига бостириб кирди ва уларни тор-мор келтирди (1222). 1223 йил 31 майда Калка жангида муғуллар бирлашган рус-қипчоқ қўшинини енгиб, уни Днепр дарёси этагигача қувиб, кейин Ўрта Волгага чекинди. Бироқ, Волга-Кама Булғориясида мағлубиятга учраб, Мўғулистонга қайтиб кетди (1224). Бу муғул отлиқ аскарларининг келгусида ғарбга қилинадиган юришлари олдидан олиб борган разведкаси эди. Чингизхон вафот этгач (1227), Ўқтойни Улуғ хон (қоон) деб кўтарган қурултой (1229) дан сўнг муғуллар 2 йўналишда олиб борилди. Шарқда Шим. Хитой тўла босиб олинди (1231—34) ва Корея билан уруш бошланди (1231—32). Муғуллар бир қанча йирик юриш-лар (1236, 1254, 1255, 1259) дан сўнг 1273 йил Корейнинг каттагина қисмини босиб олишга муваффақ бўлган. 1229 йил Субутой баҳодир 30 минг кишилиқ қўшини билан Ёйиқ дарёси бўйига чиқди. Жўжи улусининг хукмдори Ботухон қўшини билан биргаликда Каспий бўйи даштларидан саксин ва қипчоқларни сиқиб чиқаришга эришди. 1232 йил муғул қўшинларининг Волга-Кама Булғориясига ёриб киришга уринишлари бекор

кетди. Жўжи улусининг кучлари билан ғарбга қилинган ҳужум кам натижа бермади. 1235 йил қурултой чақирилиб, унда бошқа улуслар ҳарбий кучларини Ботуга ёрдамга юборишга қарор қилинди. 14 мўғул хони иштирок этиб қўшиннинг умумий сони 150 мингга етди. 1236 йил кузида мўғул қўшинлари яна Волга-Кама Булғориясига қужум қилиб, уни вайрон қилди. Улар 1237 йилнинг баҳори ва ёзида аланлар, қипчоқлар ва Ўрта Волгабўйи халқлари билан урушни давом эттириб, кузда Шим.-Шарқий Русга юриш қилиш мақсадида ҳоз. Воронеж атрофига тўпланди. 1237 йил қишнинг бошларида Боту Рязань князлигига ҳужум қилди, 6 кунлик қамалдан сўнг Рязань таслим бўлди. 1238 йил Коломна остонасида Владимир князлиги аскарларини тор-мор қилди. Мўғул қўшинлари Коломна ва Москвани вайрон қилиш билан бирга 1238 йил фев. ойи мобайнида 14 рус шахрини (Ростов, Углич, Ярославль, Кострома, Кашин, Кснятин, Городец, Галич-Мерский, Переяславль-Залесский, Юрьев, Дмитров, Волок-Ламский, Тверь, Торжок)ни босиб олди. 1240 йил кузида Жан. Русга юриш бошланди. Декабрнинг охирларида Киев, Владимир-Волинский, Галич ва бошқа шаҳарлар босиб олинди.

1241 йил баҳорида мўғул қўшинлари рус ҳамда Шарқий Европанинг бошқа халқлари кўрсатган қаҳрамонона қаршилигига қарамай, Ғарбга томон илгарилади. Боту қўшинининг асосий қисми Карпат доволари орқали Венгрияга кириб борди ва қирол Бела IV нинг 60 минглик қўшинини тор-мор келтирди. Венгрия пойтахти — Пешт шаҳар ишғол этилиб, вайрон қилинди, мамлакатнинг кўп қисми харобага айлантирилди. Баъзи мўғул отрядлари Шарқий Чехиягача кириб борди, Бирок қирол Вацлав I томонидан қаттиқ қаршиликка учраб орқага қайтди. 1241 йил охирларида Боту ўз қўшинининг Австрия ва Хорватия орқали Адриатика денгизи томон бошлади. 1242 йил соҳилда жойлашган қалъаларни забт эта олмаган Боту Босния, Сербия ва Болгария бўйлаб орқага қайтган. Шундай қилиб мўғулларнинг Марказий Европага қилган ҳужуми тугади.

Шуни айтиш керакки Хоннинг ҳокимияти мутлақ эди. Муғуллар давлатни куриш даврида ўзига хос номенклатура давлат аппаратида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг вазифалари ва мажбуриятларини аниқ белгилаб, хон бўлиш ваколатини фақатгина Олтин уруғ вакиллари, яъни чингизийлар сулоласи ваколатида мустақкаладилар. Бу ўзига хос давлат полиция тузуми бўлиб, жамият ўзига хос ҳарбий назорат шароитларида фаолият кўрган.

Хон олий бош кўмондон, суд ҳокимиятининг бошлиғи, бош қонун чиқарувчи ва давлат ҳудудининг бир қисмининг эгаси бўлган. Давлатнинг бошқа қисмлари бошқа Чингизийларга тегишли эди. Бу ерларнинг бир қисми мерос бўлиб қолган бўлса, баъзилари олий хон томонидан берилган.

Чингизхон империяси маъмурий жиҳатдан улуслар (туманлар) деб номланган бир неча вилоятларга бўлинган. Улус (туман) ерлардан ҳам, одамлардан ҳам иборат эди. Муғулларнинг махфий тарихида айтилганидек:

Чингизхон ўз фарзандларига қуйидаги эркақлар сонини ажратди: “Жочи 9000 та юрт (оила), Чағатой — 8000, Ўгедай — 5000, Толуий — 5000, Хасар (Чингизхоннинг укаси) — 4000, Алчидай — 4000 та юрт ажратган. 2000 та, Белгутаи (Чингизхоннинг укаси) эса 1500 та уй”. Чингизхон онаси Хоелун ва укаси Темуге-отчигинга 10 минг уй ажратди. Кўриниб турибдики, агар ҳарбий тўқнашув бошланса, ҳар бир оила иккитадан жангчи сифатида ҳисса кўшиши керак эди.

Бу маъмурий тузилиш Чингизхон империяси вужудга келган 1206 йилга хосдир. Ўша пайтда империя фақат буюк даштнинг шарқий қисмини ўз ичига олган. Кейинчалик, кенгайган сари, фақат Чингизхон ўғиллари орасида тобелар сони ва ер миқдори кўпайди. 1220-йилларда Қозоғистон ва Марказий Осиё даштлари Чингизхон империяси таркибига кирди, шундан сўнг улар бўлиниб кетди. Жочи Қозоғистоннинг чўл қисмини ва жанубий Қозоғистон шаҳарларининг ярмини ўз тасарруфига олди. Чағатой жанубий Қозоғистоннинг қолган қисмини олди. Жануби-шарқий Қозоғистон (Олмаота вилояти) Ўгедейга берилди. Шундай қилиб, ҳозирги Қозоғистон ҳудудининг

80% дан ортиғи жаҳон тарихшунослигида одатда Олтин Ўрда деб аталадиган Жўчи Улусининг таркибига кирди. Жўчи улуси таркибига Хоразмнинг шимолий қисми ҳам кирган. Жочи, шунингдек, Чингизхон режасига кўра, Жўчи Улусининг бир қисми бўлиши керак бўлган Шарқий Европагача бўлган худудларни ҳам босиб олишни кўзлаган эди. Чағатойнинг иккинчи ўғли улуси Ўрта Осиё худудини ўз ичига олган бўлса, Ўгедей ҳозирги Фарбий Мўғулистон, Шарқий Туркистон ва Жануби-Шарқий Қозоғистонда жойлашган улуснинг хукмдори бўлди. Чўл анъаналарига кўра, оила ўчоғининг вориси бўлган кенжа ўғли Толуйнинг мероси Мўғулистондаги аждодлар эрларига айланди. Кейинчалик бу улус таркибига Хитойдаги ерлар киритилган. Яқин Шарқ босиб олингандан кейин 1250—1260-йилларда Эронда янги улус вужудга келди, уни Толуйнинг ўғли Хулагу бошқарган. Одатда улусларга хон лавозимидаги шахс асосий давлат бошқарувчиси сифатида фаолият кўрсатган эди.

Хон хукмрон уруғнинг бошлиғи ва давлатнинг барча субъектларининг олий хукмдори сифатида мамлакатнинг бутун худудини, улусларга тегишли барча ерларни тасарруф этишнинг олий ҳуқуқига эга эди - бу унинг асосий вазифаси ва асосий бурчининг натижаси эди - мамлакатни ташқи душманлардан қуролли ҳимоя қилиш ваколатига эга эди.

Хон уруш эълон қилиш ва тинчлик ўрнатиш ҳуқуқига эга эди, бу унинг олий бош қўмондон вазифасини бажариши натижасидир.

Хон хорижий давлатлар билан музокаралар олиб боришнинг олий ҳуқуқига эга эди, бу унинг давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаш функцияси натижасидир.

Хон ўз қўл остидагиларини ўлдириш ёки ҳаётини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга эди - бу ҳуқуқ унинг олий судья вазифасини бажариши натижаси эди.

Ниҳоят, хон жамиятнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган қонунлар ва фармойишлар яратиш ҳуқуқига эга эди - бу ҳуқуқ унинг мавжуд ижтимоий тузилма ва тартибни сақлаш функциясининг натижаси эди.

Шундай қилиб, бу бешта асосий бошқарув функциялари давлатнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Ҳукмдорларни тайинлаш: Ҳар бир улусни ноён (рахбар) бошқарар, у солиқ йиғиш, тартибни сақлаш ва ҳудудни ҳимоя қилиш учун масъул эди.

2. Бошқариш тизими

Қаттиқ иерархия: Ҳар бир улусда барқарорлик ва тартибни таъминлайдиган аниқ ҳокимият иерархияси мавжуд эди.

Ишончли шахслар: Чингизхон ўзи ишонган одамларни, шу жумладан собиқ душманларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаган, бу эса маҳаллий элитанинг интеграциялашувига ёрдам берган.

3. Маҳаллий урф-одатларни сақлаш

Маҳаллий урф-одатларни ҳурмат қилиш: Чингизхон босиб олинган халқларга ўз урф-одатлари ва динини сақлаб қолишга имкон берди, бу эса қаршиликни камайтиришга ва бошқарувни осонлаштиришга ёрдам берди.

Маданий ҳамкорлик: Бу мўғуллар ва босиб олинган халқлар ўртасида билим ва технология алмашинувини осонлаштирди.

4. Иқтисодий интеграция

Солиқлар ва савдо: Армия ва бошқарувни молиялаштириш учун солиқ тизими жорий этилди. Чингизхон ҳам савдо-сотиқни ривожлантирди, бу эса босиб олинган ҳудудларнинг иқтисодини мустаҳкамлади.

Савдо йўлларини ҳимоя қилиш: Мўғуллар Ипак йўли бўйлаб хавфсизликни таъминладилар, бу эса савдо ва айирбошлашнинг ривожланишига имкон берди.

5. Ҳарбийларнинг мавжудлиги

Гарнизонлар: Чингизхон тартибни сақлаш ва ҳудудни ҳимоя қилиш учун босиб олинган ерларда гарнизонларни қолдирди.

Садоқат: Ҳарбий куч кўзғолонларни бостириш ва маҳаллий аҳолининг содиқлигини таъминлаш учун ишлатилган.

6. Қонунлар кодекси

Яса: Чингизхон ўз империясидаги ҳаётни, жумладан уруш, солиқ ва хулқ-атвор қоидаларини тартибга солувчи Яса деб номланувчи қонунлар тўпламини ишлаб чиқди.

Ягона қоидалар: Бу турли халқларни бир ҳокимият остида бирлаштирган қонунчилик базасини яратди.

Хулоса

Чингизхон томонидан босиб олинган ҳудудларда янги давлатлар ташкил этиши қатъий иерархия, маҳаллий анъаналарни ҳурмат қилиш, иқтисодий интеграция, ҳарбий назорат тамойилларига асосланган эди. Бу чоратadbирлар барқарор ва самарали бошқарувни яратишга ёрдам берди, унга улкан ҳудудларни эгаллаш ва империясини кенгайтириш имконини берди.

Ўз давлатини қуришда Чингизхон тажрибасидан фаол фойдаланди . Мана, Тамерланнинг Чингизхондан стратегия ва бошқарув элементларини қабул қилган асосий жиҳатлари :

1. Ҳарбий ташкилот ва тактика

Отлиқлар: Чингизхон сингари , Тамерлан ҳам тез маневр қилиш ва душманга зарба бериш имконини берадиган мобил отлиқларни таъкидлади.

Қамал қилиш тактикаси: Тамерлан ҳам кучлироқ рақибларни мағлуб этишга имкон берувчи қамал ва ёнбош тактикаларини қўллаган.

2. Маъмурий тузилма

Чингизхонникига ўхшаш улуслар тизимини яратиш , босиб олинган ҳудудларни бошқариш учун ўзининг ишончли кишиларини раҳбарлик лавозимларига тайинлаган.

Марказлаштирилган назорат: У кенг ҳудудларни назорат қилиш ва тартибни таъминлаш имконини берадиган марказлаштирилган назоратга интилди.

3. Маҳаллий элитадан фойдаланиш

Маҳаллий ҳокимиятни сақлаб қолиш: Тамерлан кўпинча маҳаллий ҳукмдорларни, агар улар унинг ҳокимиятини тан олишса, ўз лавозимларида

колдириб кетишди, бу эса унга босиб олинган эрлар устидан назоратни сақлаб қолишга ёрдам берди.

Маданиятларнинг интеграцияси: У ўз империясидаги турли халқлар ўртасида тинч-тотув яшашга ҳисса қўшган маҳаллий ан'ана ва урф-одатларни ҳурмат қилган.

4. Иқтисодий сиёсат

Савдони ривожлантириш: Тамерлан ҳам савдони, айниқса, Ипак ё'ли бўйлаб минтақанинг иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшган савдони қўллаб-қувватлади.

Солиқлар: У армия ва маъмуриятни молиялаштиришни таъминловчи солиқ тизимини жорий қилди.

5. Қонунлар кодекси

Қонунчилик: Тамерлан, Чингизхон сингари, ўз давлатини бошқариш учун қонунлар тўпламини ишлаб чиқди, бу барқарорлик ва тартибни таъминлади.

Яса: Гарчи у Ясани асл ҳолида ишлатмаган бўлса-да, империядаги ҳаётни тартибга солувчи ўзининг ҳуқуқий кодексларини яратган.

6. Психологик уруш

Душманларни кўрқитиш: Тамерлан қаршиликни бостириш ва ўз кучини мустаҳкамлаш учун Чингизхон қўллаганига ўхшаш кўрқитиш усулларида фойдаланган.

Намунали қатллар: У қўзғолонларни бостириш ва куч кўрсатиш учун намунали қатл ва ҳалокатга ҳам мурожаат қилди.

Ўз империясини куришда Чингизхон тажрибасига таянган, унинг ҳарбий тактикасини, маъмурий тузилмаларини ва бошқарув усуллари қўллаган. Бу унга ўз даврининг энг нуфузли ҳукмдорларидан бирига айланишига, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқнинг улкан ҳудудларини қамраб олган қудратли давлат яратиш имконини берди.

1224 йил - Улуснинг шаклланиши. Чингизхон Мўғуллар империясини ўғилларининг сонига қараб тўртта улусга бўлди; унинг иккинчи ўғли Чағатой

Мваунрон ва унга туташ худудларни (қорахитанларнинг собиқ ерлари, Хоразмнинг бир қисми, Ети-Сув ва Шарқий Туркистон) олди.

1224–1269 — Мўғуллар империяси таркибидаги Улус (қисман мустақиллик; Чағатой Қорақурумдан буйруқ олган).

1269 йил - Бирлашган Мўғул империяси парчаланганидан кейин суверенитетга эга бўлиш.

1326 йил — Ислом давлат динига айланди.

1340-йиллар – Чағатой улуси икки давлатга бўлинди:

Мўғулистон (шарқий қисми);

Трансохиана (ғарбий қисми).

Муҳим босқич ҳукмдорлари:

1224–1242 — Чағатой (биринчи ҳукмдор);

1342–1346 — Қозон хони (қулашдан олдинги охириги ҳукмдор).

Турли даврлардаги Чағатой улусининг пойтахтлари:

Олмалик (1224–1266);

Қарши (1318–1326);

Занжир сарой (1340-йиллар).

Мўғуллар империяси парчаланганидан кейин ташкил топган тўрт улусдан бири бўлган Чағатой улуси таркибида турли этник жараёнлар содир бўлди. Бу жараёнларга ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ўзгаришлар сабаб бўлди.

Мана асосийлари:

1. Халқларнинг аралашиб кетиши

Чингизхон ва унинг авлодлари истилосидан кейин Чағатой улуси худудига турли этник гуруҳлар, жумладан туркий, форс ва мўғул халқларининг кўчиши содир бўлган.

Маданий ўзаро таъсир: Маданият ва халқларнинг қоришиши янги этник гуруҳлар ва маданий анъаналарнинг шаклланишига олиб келди, масалан, бу даврда вужудга кела бошлаган ўзбек маданияти.

2. Турклаштириш жараёнлари

Туркий қабилалар: Маҳаллий аҳолининг туркий қабилаларга кўчиши ва ассимиляцияси натижасида туркийлашув содир бўлди, бу туркий тиллар ва маданий анъаналарнинг тарқалишида намоён бўлди. Чиғатой талаффузи (староузбекский стиль языка) асосан давлат ҳужжатларида ишлатилган.

Ўзбек халқининг шаклланиши: 14—15-асрларда ўзбек халқининг этник гуруҳ сифатида шаклланиши бошланди, бу турли туркий қабила ва элатларнинг бирлашиши билан боғлиқ эди.

3. Исломлаштириш

Ислом динининг тарқалиши: Ислом динининг минтақада тарқалиши билан маҳаллий аҳолининг исломлашуви юз берди, бу ҳам маданий ва этник бирликка ҳисса қўшди. 1360 йилларда эса Чиғатойнинг эваралари бевосита ислом динини қабул қилишгани аниқ факт.

Диннинг ўрни: Ислом турли этник гуруҳларни бирлаштирувчи муҳим омилга айланди, бу умумий ўзликни шакллантиришга хизмат қилди.

4. Сиёсий ўзгаришлар

Чағатойийлар ҳокимияти: Чағатойийлар сулоласининг ҳукмронлиги минтақанинг барқарорлашувига ва маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақамланишига ёрдам берди, бу ҳам этник жараёнларга таъсир кўрсатди.

Можаролар ва урушлар: Сиёсий беқарорлик ва ички низолар ҳам миграция ва аҳолининг этник таркибининг ўзгаришига ёрдам берди.

5. Иқтисодий омиллар

Савдо: Чағатой улуси муҳим савдо йўллари устида жойлашган бўлиб, бу турли халқлар ва маданиятларнинг кириб келишига ёрдам берган.

Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли: Кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг мавжудлиги этник гуруҳларнинг ўзаро таъсири ва аралашishi учун шароит яратди.

Чағатой улусидаги этник жараёнлар кўп қиррали ва динамик эди. Халқларнинг қоришиши, туркийлашуви, исломлашуви, сиёсий ўзгаришлар ва иқтисодий омиллар янги этник ўзига хослик ва маданий анъаналарнинг шаклланишига хизмат қилди ва бу пировардида ўзбек миллати ва унинг маданиятининг шаклланишига олиб келди.

Чингизхоннинг давлат қурилиши ва ҳуқуқ соҳасидаги тажрибаси Темурлан, Шайбонийхон , Бобур каби кейинги ҳукмдорларга сезиларли таъсир кўрсатди. Мана бу таъсирнинг асосий жиҳатлари:

1. Ҳокимиятни ташкил этиш ва бошқарув тузилмаси

Улуслар ва ноёнлар: Чингизхон сингари Тамерлан ҳам ноёнлар (бошлиқлар) томонидан бошқариладиган улуслар тизимини яратди, бу эса босиб олинган ҳудудлар устидан марказлашган бошқарув ва назоратни таъминлади.

Ишончли шахслар: Учала ҳукмдор ҳам ўзларининг ишончли одамларини асосий лавозимларга тайинладилар, бу эса ҳукуматда содиқлик ва тартибни сақлашга ёрдам берди.

2. Қонунлар кодекси

Яса ва ҳуқуқий нормалар: Чингизхон ҳаётнинг турли жабҳаларини тартибга солувчи Яса деб номланувчи қонунлар тўпламини ишлаб чиқди. Темур, Шайбонийхон ва Бобур ҳам Ясадан элементлар олиб, ўз шароитларига мослаштириб, ўзларининг ҳуқуқ тизимларини яратдилар.

Суд тизими: Учала ҳукмдор ҳам низоларни ҳал қилиш ва тартибни сақлаш учун Чингизхон белгилаб берган тамойилларга асосланган суд органларини ташкил қилган.

3. Ҳарбий ташкилот

Отлиқлар ва тактика: Чингизхоннинг отлиқларни ташкил этиш ва ҳарбий стратегиясидаги тажрибаси Тамерлан томонидан қабул қилинган, у ҳам ўз истилоларида мобил кўшинлар ва самарали тактикалардан фойдаланган. Шайбонийхон ва Бобур ҳам юришларида ана шу усуллардан фойдаланганлар.

Кўрқитиш стратегияси: Чингизхон сингари Тамерлан ҳам кўзғолонларни бостириш ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кўрқитиш усулларидан фойдаланган.

4. Маданиятлар ва халқлар интеграцияси

Маҳаллий анъаналарни сақлаш: Чингизхон босиб олинган халқларга ўз урф-одатлари ва динини сақлаб қолишга имкон берди. Бу ёндашув Тамерлан ва Шайбоний Хон томонидан ҳам қўлланилган ва бу турли этник гуруҳлар ўртасида тинч-тотув яшашга ҳисса қўшган.

Маданий ҳамкорлик: Бобур, ўз навбатида, ҳинд маданиятини ўз ҳукмронлигига фаол равишда киритди, бу Чингизхоннинг маданий алмашинув тажрибасини ҳам акс эттирди.

5. Иқтисодий сиёсат

Савдонинг ривожланиши: Чингизхон савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлади, бу савдонинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшди. Темур ҳам савдо-сотикни, айниқса, Ипак йўли бўйлаб савдони қўллаб-қувватлаган, Бобур эса Ҳиндистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантирган.

Солиқлар ва молиялаштириш: Ҳар учала ҳукмдор ҳам армия ва маъмуриятни молиялаштириш учун Чингизхон томонидан ўрнатилган тамойилларга асосланган солиқ тизимини жорий қилди.

Хулоса

Чингизхоннинг давлат қурилиши ва ҳуқуқ соҳасидаги тажрибаси Темурлан, Шайбонийхон ва Бобур каби кейинги ҳукмдорларга сезиларли таъсир кўрсатди. Улар ҳукуматни ташкил этиш элементларини, ҳуқуқий нормаларни, ҳарбий тактика ва иқтисодий сиёсатни қабул қилдилар, бу уларга ўз империяларини муваффақиятли бошқаришга ва босиб олинган ҳудудларда барқарорликни таъминлашга ёрдам берди.

Чингизхон ва унинг издошлари ҳарбий юришлар натижасида орттирган бойликларини турли жойларда ва турли усуллардан фойдаланган ҳолда сақлашган. Бу эрда бойликни сақлаш билан боғлиқ асосий жиҳатлар:

1. Мобил хазиналар

Ҳаракатчанлик: Кўчманчи турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда, мўғуллар кўшин билан осонгина ҳаракатланадиган кўчма хазиналардан фойдаланганлар. Бу уларга кампаниялар пайтида бойликларини хавфсиз сақлашга имкон берди.

Халта ва контейнерлар: заргарлик буюмлари ва бошқа қимматбаҳо буюмлар осонгина кириш мумкин бўлган ва ҳимояланган махсус сумкалар ёки идишларда сақланган.

2. Гарнизонлар ва қалъалар

Қалъалар: Бағдод ва Урганч каби шаҳар ва қал'аларни забт этгандан сўнг Чингизхон уларни хазина омбори сифатида ишлатиши мумкин эди. Бу жойлар унинг тўпланган бойлиги учун ҳимоя ва хавфсизликни таъминлади.

Гарнизонлар: Қўшинлар бойлик хавфсизлигини таъминлаб, омборларни ҳимоя қилиш учун гарнизонларда қолдирилди.

3. Ҳокимият марказлари

Пойтахт шаҳарлар: Қоракорум каби пойтахт шаҳарлар босқинчилик натижасида қўлга киритилган бойликларнинг катта захираларига эга эди. Бу шаҳарлар маъмурий-маданий марказ бўлиб хизмат қилган.

Ўз турар жойлари: Чингизхон ва унинг авлодлари қимматбаҳо нарсаларни ўз қароргоҳларида сақлашлари мумкин эди, улар ҳимояланган ва назорат қилиниши мумкин эди.

4. Васийлар

Ноёнлар билан омонатлар: Чингизхон ўз бойлигининг бир қисмини нўёнлар (бошлиқлар) ва ушбу ресурсларни бошқариш ва ҳимоя қилиш учун масъул бўлган бошқа ишончли шахсларга ишониб топширган.

Бухгалтерия тизимлари: Бухгалтерия тизимлари сақланган бойликни назорат қилиш учун ишлатилган, бу эса йўқотиш ва ўғирликнинг олдини олади.

5. Савдо ва айирбошлаш

Савдо йўллари: Чингизхон бойлик алмашиш ва сақлаш учун савдо ё'лларидан фаол фойдаланган. Бу нафақат қимматбаҳо нарсаларни сақлаш, балки уларни кейинчалик ишлатиш ва қўпайтириш имконини берди.

Иқтисодиётга инвестициялар: Бойликнинг бир қисми савдо ва иқтисодиётни ривожлантириш учун ишлатилиши мумкин эди, бу ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Чингизхон ўзининг ҳарбий юришларидаги бойликларни кўчма хазиналарда, қалъаларда, пойтахт шаҳарлар ва қароргоҳларда сақлаган, уларни бошқаришни нўёнлар ва бошқа шахсларга топширган. Ушбу сақлаш тизими унинг тўпланган ресурсларининг хавфсизлиги ва назоратини таъминлади, бу унинг кучи ва таъсирини сақлаб қолиш учун жуда муҳим эди.

Чингизхоннинг раҳбарлик услублари ва Буюк Мўғуллар салтанатининг ҳуқуқий сиёсатига оид тадқиқотларимиздан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин.

1. Чингизхон ва унинг ворислари ҳарбий жасорат, қурол-яроғ ва ғалаба стратегияси орқали дунёнинг тўртдан уч қисмини қамраб олган Буюк Мўғуллар империясини яратдилар. Лекин улар босиб олинган мамлакатларнинг урф-одатлари ва динига аралашмаган, балки уларни ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий йўллар билан бошқарган, шунга кўра ўз вакили амалдорларини тайинлаган, ўлпон ўрнатган, бутун империя ҳудудида самарали солиқ сиёсатини амалга оширган.

2. Чингизхон ўз даврида йирик иқтисодий сиёсатчи бўлган. Қолаверса, унинг ворислари Европа ва Осиё қитъаларини қамраб олган, Ғарб ва Шарқ цивилизациялари ўртасидаги илмий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаб, чуқурлаштирган улкан эркин савдо ҳудудини яратдилар. Чингизхон ўзининг тарихий фаолияти ва ўзи қолдирган ноёб мероси орқали ўрта асрларда ГАТТ тизимини ўрнатди ва замонавий цивилизациянинг янги даврига асос солди.

3. Буюк Мўғуллар империясининг бошқарув хусусиятлари ва Чингизхон бошқарувининг асослари «Давлат бошқаруви ва фуқаролик кодекси»нинг рамзий намунаси бўлиб хизмат қилди. Бу насиҳатнинг ва Чингизхоннинг: “Ўзингни ислоҳ қилиб, оилангни, кейин давлатингни тўғрила” деган таълимоти инсон фаровонлигининг олтин постулатига айланди.

4. Чингизхон туғма қўзғолончи бошлиқ бўлиб, ёшлигидан етакчилик хислатларини шакллантирган. Бунга отасининг тарбияси таъсир кўрсатди, уни ишонтирди Темужин ўзининг келгусида мўғул хонларининг олтин

сулоласининг давомчиси ва олий мовий осмоннинг муқаддас миссиясини бажарувчиси сифатида.

5. Чингизхон мўғул халқининг ички бирлашуви ва жаҳон халқларининг Буюк Мўғул империяси ва Абадий Мовий осмон ҳокимияти ва идеали остида ташқи бирлашувига асосланган шоҳликлараро стратегияга амал қилди.

6. Чингизхон демократик характерли бошқарув услуги ва замонавий жаҳон дипломатияси нормаларига асос солган.

Чингизхон бошқарувининг хусусиятлари ва унинг бошқарув услуги битмас-туганмас бойлик бўлиб, менежмент, ҳуқуқ, геосиёсат ва ҳарбий фанлар олимлари учун абадий ўрганиш ва тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, Чингизхон империясининг оламга нисбатан бўлган таъсири отлик армия ва унинг қурол воситалари, шаҳар истехкомларини бузиш машиналари, тез юрар почта хизмати, чопарларни қабул қилувчи станциялар, Марказ билан мунтазам хабарлашув тизими, олтин захираларини маълум одам кира олмадиган ороларда сақлаш (Орол денгизида Борсакелмас ороли), шойи ва тўқимачилик, заргарлик маҳсулотларини Буюк Ипак йўли орқали Ғарб билан савдолашувда кенг қамровли тарзда ишлатиш, зиёлийлар қатлами учун Шарқдаги кутубхоналарида Рим ва Юнонистон муаллифларининг ёзган китобларини араб тилида Ғарб мамлакатларида тарқалиб бориши Европа қитъасида Ренессанс жараёнини бошланиши учун қулай асослар яратиб берди.

Ўзбекистон учун эса Муғуллар империясининг таъсири барлос қабиласининг вакили Амир Темурнинг пассионарлик даражасини юксалтириб, уни Чигатой улусини Тимурийлар империясига айлантиришга асос бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-търих (Полный свод истории) / перевод с арабского, примечания и комментарии П.Г.Булгакова, дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. Под редакцией д.и.н.,проф. М.М.Исхакова. – Т.: Узбекистан, 2006. – 790 с.

2. Джувейни. Чингисхан. История завоевателя мира. – Москва: Магистр пресс, 2004. – 690 с.; Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи)/ Алоуддин Атомалик Жувайний; масъул муҳаррирлар Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. – Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”, 2015. – 504 б.

3. Рашид ад-дин. Сборник летописей / перевод с персидского О.И.Смирновой, примечания Б.И.Панкратова и О.И.Смирновой. Под редакцией проф. А.А.Семёнова. Т. I-III. М., Л.: Наука, 1956-1963.; Фазлаллах Рашид аддин. Джами’ ат-таварих / Критический текст А.А.Ромаскевича, А.А.Хетагурова, А.А.Али-Заде. Т. I., Ч. 1. – М.: Наука, 1965.

4. ملدقاتال ب ال صراح. جمال ال قرشي. Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос фонди, (qo’lyozma) №2. – 1285 [1868-69].– 53ab

9. Жувайний. Тарихи жаҳонгушо / масъул муҳаррирлар Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. – Б. 121-126.

10. Марв 25 феврал 1221 йилда кўлга олинди. – Бартольд В.В. Монгольское завоевания. Т. II., Ч. I. - М.: Наука, 1963. – С. 141.; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I. - М.: Наука, 1963. – С. 514.; Жувайнийнинг маълумотига кўра Марв 1 муҳаррам 618 ҳижрий йилда забт этилган. – Alaaddin Ata Melik Cuveyni. Tarih-i cihan gūşa. Çeviren: Doç.Dr. Mürsel Öztürk. Ankara, 1988. – S. 196-198.

11. 19 сафар ойи 618 йил. - Жамол ал-Қарший. Ал-Мулҳақот би-с-Сурах. В-514 (430a). В. 45a

16. Жувайний. Тарихи жаҳонгушо / масъул муҳаррирлар Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. – Б. 31-32.

17. Т.И.Султоновнинг маълумотига кўра – Ўқтойхон навбатдаги зиёфатдан сўнг маст ҳолда 1241 йилнинг 10 декабридан 11 декабрига ўтар кечаси вафот этган. – Султонов Т.И. Поднятые на белой кошме. Потомки Чингизхана. – С. 42.

Х. МУҲАМЕДОВ

Тошкент давлат юридик университети,
“Давлат ва ҳуқуқ” назарияси кафедраси
профессори

ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта асрлар ҳуқуқ тизимининг шаклланиши, унинг асосий манбалари ҳамда замонавий ҳуқуқ тизимларига кўрсатган таъсири тарихий-ҳуқуқий таҳлил асосида ёритилган. Рим ҳуқуқи, канон ҳуқуқи, феодал ҳуқуқ ва ислом ҳуқуқининг ўрта асрлардаги ўрни

хамда уларнинг бугунги ҳуқуқий институтларда акс этиши қиёсий-ҳуқуқий усулда тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида ўрта асрлар ҳуқуқи замонавий ҳуқуқий тизимларнинг назарий ва институционал пойдевори экани асослаб берилган.

Калит сўзлар: ўрта асрлар ҳуқуқи, рим ҳуқуқи, канон ҳуқуқи, феодал ҳуқуқ, ислом ҳуқуқи, замонавий ҳуқуқ, ҳуқуқ тарихи.

Annotation This article analyzes the formation of medieval legal systems and their impact on modern law from a historical and legal perspective. Roman law, canon law, feudal law, and Islamic law are examined as key sources shaping contemporary legal institutions. The study employs historical, comparative, and systemic methods to demonstrate that medieval law constitutes the foundation of modern legal systems.

Keywords: medieval law, Roman law, canon law, feudal law, Islamic law, modern law, legal history.

Ҳуқуқнинг тарихий тараққиётини ўрганиш аввало ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий ҳуқуқ тизимларини чуқур англаш ва уларнинг моҳиятини очиқ бериш учун ҳуқуқнинг тарихий ривожланиш босқичларини, жумладан ўрта асрлар ҳуқуқини илмий таҳлил қилиш зарур. Бинобарин, ўрта асрлар (V–XV асрлар) ҳуқуқ тарихи нуқтаи назаридан ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқ манбалари ва ҳуқуқий тафаккурнинг тизимли шаклланган даври ҳисобланади. Айнан шу даврда ҳуқуқ фақат амалий қоидалар мажмуаси сифатида эмас, балки мустақил ижтимоий-меъёрий тизим сифатида намоён бўла бошлади. Айниқса, ўрта асрлар ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимларининг назарий ва институционал асосларини белгилаб берган давр сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ўрта асрлар ҳуқуқи фақат ўтмиш феномени эмас, балки бугунги ҳуқуқий тизимларнинг илдизидир. У ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши ва институционал ривожланишида ҳал қилувчи босқич бўлиб хизмат қилган. Ўрта асрларда ҳуқуқ диний, ижтимоий ва

сиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган. Таниқли ҳуқуқшунос олим Х. Берман таъкидлаганидек, “Европа ҳуқуқ анъанаси айнан ўрта асрларда мустақил ва тизимли шаклга эга бўлди, инқилобий ўзгаришни бошдан кечириб, ҳуқуқни диний ва сиёсий ҳокимиятдан нисбатан мустақил тизим сифатида шакллантирди”¹. Бу фикр ўрта асрлар ҳуқуқининг жаҳон ҳуқуқ цивилизациясида тутган ўрнини яққол кўрсатади.

Ўрта асрлар ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимларининг пойдеворини ташкил этган бир қатор фундаментал тамойилларни, хусусан қонун устуворлиги, ҳуқуқий нормалар иерархияси, суд ишларини юритиш тартиби, мулк дахлсизлиги, шартномаларнинг мажбурийлиги каби институтларни вужудга келтирди. Шу маънода, ўрта асрлар ҳуқуқи ўтмишда қолган, эскирган, замонавий ҳуқуққа алоқаси йўқ ходиса эмас, балки ҳозирги ҳуқуқий воқеликнинг тарихий асосидир.

Ўрта асрларда ҳуқуқ тушунчаси ҳозирги замонавий ҳуқуқий таърифлардан тубдан фарқ қилган. Ҳуқуқ мустақил, инсон томонидан яратилган ижтимоий тизим сифатида эмас, балки илоҳий ирода, урф-одат ва табақавий тартибнинг ифодаси сифатида қабул қилинган. Фома Аквинский ҳуқуқни “ақл орқали англаган илоҳий қонуннинг инсон жамиятидаги ифодаси” деб таърифлайди. Унинг фикрича, инсон қонуни (*lex humana*) илоҳий қонунга зид бўлмаслиги лозим². (Aquinas, *Summa Theologica*).

Ўрта асрлар ҳуқуқи деганда муайян давлат доираси билан чекланмаган, балки турли ҳудудларда амал қилган кўп қатламли ҳуқуқ тизими тушунилади. Ўрта асрлар ҳуқуқи – бу V асрдан XV асргача бўлган даврда Европа, Яқин Шарқ ва Шарқ мамлакатларида амал қилган ҳуқуқий нормалар, институтлар ва ҳуқуқий тафаккур тизимидир. Ўрта асрлар ҳуқуқи ҳуқуқ манбаларининг кўп қатламлилиги, ҳуқуқий плюрализм, ҳуқуқнинг диний асосланганлиги, диний қоидаларнинг устуворлиги, табақавий тенгсизлик,

¹ Berman, Harold J. *Law and Revolution: The Formation of the Western Legal Tradition*. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1983. – p. 37.

² Фома Аквинский. Сумма теологии. Том 5. Часть 2, М: Издательство URSS. – с.230.

ҳуқуқ ва ахлоқнинг бир-бирига яқинлиги, одат ҳуқуқининг кенг қўлланилиши каби ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган.

Ўрта асрлар ҳуқуқ манбалари деганда ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган ёзма ва оғзаки шаклдаги барча ҳужжатлар, матнлар ва анъаналар тушунилади. Манбашунослик нуқтаи назаридан уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: **1) ёзма ҳуқуқ манбалари:** қонунлар ва кодификациялар (Юстиниан қонунлар тўплами – *Corpus Juris Civilis*), черков қонунлари (*Decretum Gratiani*), шартномалар ва хартиялар (Масалан, Эркинликларнинг буюк хартияси – *Magna Carta*), суд қарорлари ва фармонлар; **2) диний-ҳуқуқий манбалар:** Қуръон, Сунна, Инжил ва черков қарорлари, фикҳ ва теологик асарлар; **3) одат ҳуқуқи манбалари:** қабилавий урф-одатлар, феодал анъаналар, маҳаллий ҳуқуқ қоидалари (масалан, Сали ҳақиқати, ингилиз-сакслар ҳақиқатлари, Рус ҳақиқати ва бошқалар).

Ўрта асрларда ҳуқуқ манбалари ўртасида қатъий иерархия мавжуд бўлмаган. Аксинча, ҳуқуқий плюрализм ҳукм суриб, бир ҳудудда бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳуқуқ тизими амал қилган. Ҳуқуқ манбалари турли табиатга эга бўлиб, ўзаро рақобат ва уйғунликда амал қилган. Айнан шу кўп қатламли ҳуқуқий муҳит замонавий ҳуқуқ тизимларининг шаклланиши учун тарихий замин яратган.

Ўрта асрлар ҳуқуқининг асосий манбаларини рим ҳуқуқи (*Corpus Juris Civilis*), каноник ҳуқуқ (*Decretum Gratiani*), феодал ҳуқуқ (лен тизими), одат ҳуқуқи, ислом ҳуқуқи (Қуръон, Сунна, Ижмоъ, Қиёс) ташкил этиб, уларнинг кўпгина меъёрлари замонавий ҳуқуқ тизимининг шаклланишига катта таъсир ўтказган.

Рим ҳуқуқи – ўрта асрлар ҳуқуқий тафаккурининг илмий асосидир. У ўрта асрлар ҳуқуқ тизимининг шаклланишида марказий ўрин тутган универсал ҳуқуқий мерос ҳисобланади. Гарчи Ғарбий Рим империяси V асрда инқирозга учраган бўлса-да, рим ҳуқуқий тафаккури бутунлай йўқолиб кетмади. Аксинча, у Византия империяси орқали сақланиб қолди ва Юстиниан даврида тизимлаштирилди. Юстиниан (527–565) ташаббуси билан

тузилган Юстиниан қонунлар тўплами (*Corpus Juris Civilis*) нафақат Рим ҳуқуқининг энг мукаммал кодификацияси, балки бутун Европа ҳуқуқ тарихи учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Ушбу тўплам ҳуқуқни илмий тизим сифатида баён этишга қаратилган бўлиб, ҳуқуқ нормаларини мантиқий ва институционал тарзда жойлаштиришни мақсад қилган. Унда ҳуқуқий нормаларнинг умумий ва махсус қисмларга ажратилганлиги, хусусий ҳуқуқ институтларининг мукаммал ишлаб чиқилганлиги, ҳуқуқни қонунчилик, суд амалиёти ва доктрина уйғунлигида ифода этилганлиги замонавий ҳуқуқ тизимлари учун фундаментал аҳамият касб этади. Машҳур ҳуқуқшунос Ф.К. Савиньи ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Рим ҳуқуқи бу ҳуқуқнинг абадий мантиқий тилидир; у замонлар алмашса-да, ҳуқуқий фикрлаш усулини белгилаб беради”¹.

Юстиниан қонунлар тўплами (*Corpus Juris Civilis*) институциялар (*Institutiones*), дигесталар (*Digesta*), кодекс (*Codex*) ва новеллалар (*Novellae*) деб номланган тўрт асосий қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мустақил ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Институциялар ўқув характерига эга бўлиб, унда ҳуқуқнинг асосий тушунчалари – шахслар, ашёлар ва даъволар (*personae, res, actiones*) тизимида баён этилган. Бу тизим кейинчалик бутун Европа ҳуқуқ таълимининг классик моделини яратди. Унда мулк ҳуқуқи қуйидагича таърифланади: “Мулк – ашё устидан тўлиқ ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидир” (*dominium est ius utendi et abutendi*). Бу таъриф замонавий фуқаролик ҳуқуқидаги мулк ҳуқуқи тушунчасининг илдизидир.

Дигесталар Рим ҳуқуқшунослари (Ульпиан, Павел, Гай) асарларидан тузилган ҳуқуқий иқтибослар тўплами бўлиб, унда ҳуқуқий казуслар, суд амалиёти ва ҳуқуқий мулоҳазалар жамланган. Улар ўрта асрларда ҳуқуқни казуистик таҳлил қилиш анъанасини шакллантирди.

¹ Savigny F.C. System des heutigen römischen Rechts. Volume I. Berlin, 1840. – p.28.

Кодекс император фармонлари ва қонунларини ўз ичига олади. У давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатларни тартибга солган.

Новеллалар Юстиниандан кейин қабул қилинган қонунлардан иборат бўлиб, ҳуқуқ тизимининг динамик характерини акс эттиради.

XI асрга келиб, Европада ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мураккаблашиб, универсал ҳуқуқ тизимига эҳтиёж пайдо бўлди. Ана шу шароитда Рим ҳуқуқи қайта кашф этилди. Болонья университетида Ирнерий ва унинг шогирдлари томонидан Юстиниан қонунлар тўпламини ўрганиш бошланди. Глоссаторлар мактаби ҳуқуқ матнларига изоҳлар (*glossae*) ёзиш орқали Рим ҳуқуқини замонавий муносабатларга мослаштирди. Глоссаторлар фаолиятининг аҳамияти шунда эдики, улар ҳуқуқ матнини таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқдилар, ҳуқуқни илмий фан сифатида шакллантирдилар, ҳуқуқий таълим институтини ривожлантирдилар. Бу жараён ўрта асрлар ҳуқуқий тафаккурининг интеллектуаллашувига олиб келди.

Постглоссаторлар (комментаторлар) эса Рим ҳуқуқини маҳаллий ҳуқуқ билан уйғунлаштириб, амалий қўллаш имконини яратдилар.

Юстиниан қонунлар тўплами (*Corpus Juris Civilis*) мулк, шартнома ва мажбуриятлар ҳуқуқининг замонавий шаклларини яратишга асос бўлди.

Рим ҳуқуқида мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ сифатида тушунилган. Ўрта асрларда эса феодал тизим таъсирида мулк ҳуқуқи чекланган шаклда қўлланилган бўлса-да, Рим ҳуқуқий концепцияси сақланиб қолди. Рим ҳуқуқида мулкка эгалик қилиш усуллари (*occupatio, traditio, usucapio*) ўрта аср суд амалиётида кенг қўлланилди.

Рим ҳуқуқи шартномаларнинг мажбурий кучини (*pacta sunt servanda*) асослаб берди. Бу тамойил ўрта аср савдо муносабатларида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ўрта асрларда сотиш-олиш (*emptio venditio*), ижара (*locatio conductio*), қарз (*mutuum*) каби шартнома турлари кенг қўлланилди. Бу институтлар замонавий фуқаролик ҳуқуқининг тўғридан-тўғри илдизидир.

Рим ҳуқуқида жавобгарлик шахсий айб (*culpa*) ва қасд (*dolus*) асосида белгиланган. Ўрта асрларда бу ёндашув канон ҳуқуқи ва одат ҳуқуқи билан уйғунлашди. Канон ҳуқуқи кўп ҳолларда Рим ҳуқуқи институтларини, хусусан процессуал ҳуқуқда, даъво ва апелляция институтларида, юридик шахс тушунчасида ўзлаштирган. Бу ўзаро таъсир натижасида “*ius commune*” – умумевропа ҳуқуқи шаклланди.

Шу тариқа, Рим ҳуқуқи ўрта асрлар ҳуқуқ тизимининг илмий ва институционал асосини ташкил этди. Унинг қайта тикланиши ҳуқуқни диний ва одат нормаларидан ажратиб, ҳуқуқни мустақил, рационал тизим сифатида шакллантирди. Рим ҳуқуқисиз замонавий фуқаролик ҳуқуқини тасаввур этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, Рим ҳуқуқи қитъа (роман-герман) ҳуқуқ оиласи, фуқаролик кодекслари тизими, ҳуқуқий таълим ва доктрина сингари замонавий ҳуқуқ тизимларининг асосини ташкил этди. Ф.К. Савиньи Рим ҳуқуқининг аҳамиятига юқори баҳо бериб, “Рим ҳуқуқи Европа ҳуқуқ тизимининг илмий асосини ташкил этади”¹, – деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, замонавий қитъа ҳуқуқ тизимида Рим ҳуқуқининг ўрни айниқса машҳур 1804 йилги Франция Фуқаролик кодекси ҳамда 1896 йилги Германия Фуқаролик кодексининг тўғридан-тўғри Рим ҳуқуқи нормаларига таянганлигида кўзга яққол ташланади.

Ўрта асрларда ҳуқуқ ва дин ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас эди. Канон ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқи мисолида кўриш мумкинки, диний манбалар тўғридан-тўғри ҳуқуқий нормалар манбаи сифатида хизмат қилган.

Канон ҳуқуқи – ўрта аср Европа ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми бўлиб, у католик черкови томонидан шакллантирилган ҳуқуқ нормалари ва институтлари мажмуасини ифодалайди. У фақат диний маросимлар ёки черков ички ҳаётини тартибга солиш билан чекланиб қолмаган, балки никоҳ, оила, мерос, суд иш юритуви ва ҳатто жиноий жавобгарлик масалаларига ҳам таъсир кўрсатган.

¹ Savigny F.C. System des heutigen römischen Rechts. Volume II. Berlin, 1840. – p.112.

Ўрта асрларда черков фақат диний институт эмас, балки йирик сиёсий ва ҳуқуқий куч сифатида майдонга чиққан. Шу сабабли канон ҳуқуқи кўп ҳолларда давлат ҳуқуқи билан параллел равишда амал қилган. Ҳуқуқий плюрализм шароитида бир шахс бир вақтнинг ўзида ҳам феодал ҳуқуқ, ҳам одат ҳуқуқи, ҳам канон ҳуқуқига бўйсунishi мумкин эди. Ҳ. Берман таъкидлаганидек, “канон ҳуқуқи Европа ҳуқуқ тизимини профессионаллаштирган, суд амалиётини тизимли шаклга солган ва ҳуқуқни ахлоқий мезонлар билан бойитган”.

Канон ҳуқуқининг манбаларини турли даврларда қабул қилинган ва турли юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар ташкил этади. Улар қуйидагилардан иборат: Инжил ва Апостол қоидалари, черков соборлари қарорлари (*concilium*), Папа декреталлари, канонистлар асарлари.

Ушбу манбалар ичида энг муҳим ва тизимлаштирувчи манба сифатида **Грацианнинг “Decretum” асари (XII аср)** алоҳида ўрин тутати. Грациан (1140 йил атрофида) томонидан тузилган *Decretum Gratiani* канон ҳуқуқини илмий тизимга солган биринчи йирик асар ҳисобланади. Асарнинг тўлиқ номи *Concordia discordantium canonum* (“Қарама-қарши канонларни мувофиқлаштириш”) бўлиб, у ўрта аср ҳуқуқий тафаккурининг мантиқий таҳлилга асосланганлигини яққол намоён этади. *Decretum* қуйидаги уч қисмдан иборат: **distinctiones** – умумий ҳуқуқий ва назарий масалалар, **causae** – аниқ ҳуқуқий низолар (казуслар) таҳлили, **de consecratione** – диний маросимлар билан боғлиқ қоидалар.

Грацианнинг асосий методи – қарама-қарши ҳуқуқий нормаларни мантиқий таҳлил орқали уйғунлаштиришдан иборат бўлган. Бу ёндашув кейинчалик ҳуқуқий герменевтика ва қиёсий таҳлилнинг асосига айланди.

Канон ҳуқуқининг энг катта таъсири никоҳ-оила муносабатларида намоён бўлди. Никоҳ илоҳий аҳд сифатида эътироф этилган ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши давлат ҳуқуқидан кўра канон ҳуқуқи ваколатига кирган. Канон ҳуқуқига кўра, никоҳ ихтиёрий розиликка асосланади, никоҳнинг муқаддаслиги уни бекор қилишни чеклайди, яқин қариндошлар

ўртасида никоҳ тақиқланади. Бу қоидалар кейинчалик замонавий оила ҳуқуқида никоҳга розилик принципи, моногамия, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш институти сифатида ўз аксини топди.

Канон ҳуқуқи ўрта аср процессуал ҳуқуқининг шаклланишида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Черков судлари ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишда ёзма иш юритув, далилларни баҳолаш ва апелляция тартибини жорий қилди. Ишни ёзма равишда олиб бориш, гувоҳлар кўрсатмасининг аҳамияти, айбни исботлаш мажбурияти, юқори судга шикоят қилиш (апелляция) канон судларига хос хусусиятлар ҳисобланади. Бу институтлар кейинчалик давлат суд тизимларига тўлиқ ўтди.

Канон ҳуқуқи орқали юридик шахс (*persona ficta*) тушунчаси шаклланди. Черков, монастыр, университет каби ташкилотлар мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилди. Бу тушунча мулкка эгалик қилиш, судда даъвогар ёки жавобгар бўлиш имконини берди. Юридик шахс концепцияси замонавий корпоратив ҳуқуқнинг асосини ташкил этади.

Канон ҳуқуқи кўп ҳолларда давлат ҳуқуқидан устун турар эди. Папа судлари ҳатто подшоҳлар фаолиятини ҳам баҳолаш ваколатига эга бўлган. Шу билан бирга, канон ҳуқуқи табиий ҳуқуқ назариясини ривожлантирди, қонуннинг адолатга мос бўлиши талабини илгари сурди, ҳуқуқни ахлоқий мезонлар билан боғлади. Фома Аквинскийнинг табиий ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти айнан канон ҳуқуқи асосида шаклланган.

Хуллас, канон ҳуқуқи ўрта асрларда ҳуқуқни фақат ҳукмрон ирода эмас, балки ахлоқий ва илоҳий қадриятлар билан боғланган тизим сифатида шакллантирди. Никоҳ, суд, процессуал қоидалар ва юридик шахс институтида канон ҳуқуқининг таъсири замонавий ҳуқуқ тизимларида ҳам яққол сезилади.

Ўрта асрларда одат ҳуқуқи энг кенг тарқалган ҳуқуқ манбаи ҳисобланган. Аҳолининг катта қисми ёзма қонунларни билмаган, ҳуқуқий муносабатлар эса урф-одатлар, анъаналар ва маҳаллий қоидалар асосида тартибга солинган. Одат ҳуқуқи оғзаки шаклда мавжуд бўлиши, маҳаллий

характерга эгаллиги, анъанавийлиги ва барқарорлиги, жамоа томонидан эътироф этилиши билан ажралиб турган.

Салик ҳақиқати (Lex Salica) V–VI асрларда Франклар давлатида амал қилган герман қабилалари одат ҳуқуқининг ёзма ифодаси бўлиб, у жиноят, мулк ва мерос масалаларини тартибга солган. Унда жиноятлар учун пул жарималари (wergeld) белгиланган бўлиб, жавобгарлик шахсий эмас, балки компенсацион характерга эга эди.

Салик ҳақиқатида ерга эгаллик қилиш ота томондан мерос қилиб қолдирилиши белгиланган бўлиб, бу қоида кейинчалик Европа мерос ҳуқуқида муҳим ўрин тутган. Аини пайтда, бу ҳужжатда табақавий фарқлар аниқ акс этган: бир хил жиноят учун турли табақа вакиллари учун турлича жавобгарлик белгиланган.

Ўрта асрларда пайдо бўлган ва ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган машҳур ҳуқуқий ёдгорликлардан бири – 1215 йилда қабул қилинган “Эркинликларнинг буюк хартияси” (Magna Carta) бўлиб қолди. У ўрта аср ҳуқуқ тарихи ва замонавий конституционализм учун энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Magna Carta Англия қироли Иоанн (John Lackland) ва баронлар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий келишув натижасида қабул қилинган. Унинг асосий ҳуқуқий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: қирол ҳокимиятининг ҳуқуқ билан чекланиши; солиқларни жорий этишда розилик принципи; судсиз ҳибсга олишни тақиқлаш; адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ. Хартиянинг 39-моддада шундай дейилади: “Ҳеч бир эркин инсон қонуний суд қарорисиз ҳибсга олинмасин, мулкидан маҳрум этилмасин”. Бу қоида кейинчалик **habeas corpus**, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари концепцияларига асос бўлди.

Magna Carta дастлаб фақат баронлар манфаатларини ҳимоя қилган бўлса-да, унинг ҳуқуқий ғоялари вақт ўтиши билан умумлашди. У ҳокимиятнинг мутлақ эмаслиги, қонун устуворлиги ва ҳуқуқий чекловлар зарурлиги ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлади. Бу тарихий ҳужжат ўрта асрларда парламентчиликнинг илдизлари, солиқ ва молия устидан назорат,

суд мустақиллиги каби ҳозирги замонга ҳос муҳим институтларга асос солди ва ривожлантирди.

XV–XVI асрларга келиб, феодал ҳуқуқ иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб бермай қола бошлади. Марказлашган давлатлар шаклланиши, савдо муносабатларининг ривожи ва буржуазиянинг пайдо бўлиши феодал ҳуқуқнинг инқирозига олиб келди. Шу билан бирга, феодал ҳуқуқ ҳокимиятни чеклаш зарурати, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги мувозанат, ҳуқуқий кафолатлар тушунчаси каби замонавий ҳуқуқий ғояларни мерос қилиб қолдирди. Бу ғоялар замонавий конституциявий ҳуқуқнинг назарий асосини ташкил этди.

Шундай қилиб, феодал ва одат ҳуқуқи ўрта асрлар ҳуқуқ тизимининг ижтимоий асосини ташкил этди. *Lex Salica* жамоавий ва компенсацион жавобгарлик ғояларини шакллантирган бўлса, *Magna Carta* ҳокимиятни ҳуқуқ билан чеклаш концепциясини илгари сурди. Ушбу ҳуқуқий мерос замонавий конституционализм ва инсон ҳуқуқлари назариясининг тарихий манбаи ҳисобланади. Замонавий конституционализм айнан феодал тенгсизликка қарши кураш натижасида вужудга келган.

Ўрта асрлар ҳуқуқ тизимларида Ислом ҳуқуқи (фикҳ)нинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ислом ҳуқуқи ўрта асрларда нафақат диний қоидалар мажмуаси, балки мукамал ҳуқуқий тизим сифатида шаклланган. У VII асрдан бошлаб ислом цивилизацияси ҳудудида жамиятнинг барча соҳаларини – оилавий, мулкӣ, савдо, жиноий ва давлат бошқаруви муносабатларини тартибга солиб келган.

Ислом ҳуқуқининг ўзига хослиги шундаки, у ҳуқуқ ва ахлоқни, ҳуқуқ ва динни бир-биридан ажратмаган. Шу боис, у ўрта асрларда Европа ҳуқуқ тизимларидан фарқли равишда яхлит норматив тизим сифатида амал қилган.

Ислом ҳуқуқи тарихий жиҳатдан ҳуқуқий адолат, ижтимоий масъулият, жамият барқарорлиги каби ғояларни илгари сурган.

Ислом ҳуқуқи қатъий манбалар иерархиясига эга бўлиб, бу уни тизимли ҳуқуқ сифатида шакллантирган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ислом

хукуки Қуръон, сунна, ижмоъ, қиёс каби ўзгармас манбаларга асосланади. Ибн Халдун таъкидлаганидек, “Шариат жамиятни тартибга солувчи энг мукамал тизимдир”¹. Бугунги кунда ислом хукуки оила хукуки, молия хукуки (ислом банки), ахлоқий хукук нормаларида акс этмоқда.

Қуръон ислом хукукининг асосий ва олий манбаи бўлиб, унда тўғридан-тўғри хукуқий мазмунга эга бўлган оятлар мавжуд. Уларда никоҳ, мерос, мулк, жиноят ва суд масалалари тартибга солинган. Масалан, мерос хукукига оид қоидалар Қуръонда аниқ нисбатларда белгиланган бўлиб, бу хукуқий аниқлик принципини таъминлаган. Сунна – Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари, ҳаракатлари ва маъқуллашларидан иборат бўлиб, Қуръон қоидаларини шарҳлайди ва тўлдиради. Ижмоъ – ислом уламоларининг муайян масала бўйича яқдил фикри бўлиб, хукукни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаган. Қиёс – Қуръон ва Суннада тўғридан-тўғри ечими йўқ масалаларни ўхшаш ҳолатлар билан қиёслаб ҳал қилиш усулидир.

Ўрта асрларда ислом хукуки турли фикҳ мактаблари орқали ривожланган. Ҳанафийлик, моликийлик, шофеийлик, ҳанбалийлик энг машҳур сунний мазҳаблар ҳисобланади.

Ҳанафийлик мазҳаби, айниқса, Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, у ақл ва қиёсга кенг ўрин бериши, ижтимоий эҳтиёжларни инобатга олиши билан ажралиб туради. Бу мазҳаб хукукни статик эмас, балки динамик тизим сифатида ривожлантиришга имкон берган.

Ислом хукукида мулк Аллоҳга тегишли неъмат сифатида қаралади, инсон эса унинг муваққат эгаси ҳисобланади. Шу сабабли мулк хукуки ижтимоий масъулият билан чегараланган.

Шартнома муносабатларида ихтиёрий розилик, адолат ва ҳалоллик, фоиз (рибо) тақиқланиши, шартномаларга вафо қилиш каби принциплар

¹ Ибн Халдун. Муқаддима (биринчи китоб) / Нашрга тайёрловчи: Сардорхон Жаҳонгир (Матн) – Тошкент: “Faktor-press”. – 2025. – Б. 84.

муҳим аҳамиятга эга. Бу қоидалар замонавий ислом молия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ислом ҳуқуқида жиноятлар қуйидаги тоифаларга бўлинади: ҳад жиноятлари; қасос жиноятлари; таъзир жиноятлари. Бу тасниф жиноят ва жазо ўртасидаги мутаносиблик принципини таъминлаган. Шу билан бирга, кечириш ва товон (диёт) институтлари жамиятда ижтимоий ярашувни таъминлашга хизмат қилган.

Ибн Халдун (1332–1406) ислом ҳуқуқий тафаккурини ижтимоий таҳлил билан бойитган мутафаккир ҳисобланади. Унинг “Муқаддима” асарида ҳуқуқ, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чуқур таҳлил қилинган. Ибн Халдуннинг айтишича, “Қонунлар жамият табиатига мос бўлмаса, давлат заифлашади”. Бу ғоя замонавий социологик ҳуқуқ назарияларига уйғундир.

Ўрта асрларда ислом ҳуқуқи суд мустақиллигини, ҳуқуқий адолатни, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаган. Бугунги кунда ислом ҳуқуқи оила ва мерос ҳуқуқи, ислом банки ва молия ҳуқуқи, ахлоқий-ҳуқуқий стандартлар соҳаларида ўз таъсирини сақлаб қолмоқда.

Умуман олганда, ислом ҳуқуқи ўрта асрларда мукаммал, тизимли ва ижтимоий адолатга асосланган ҳуқуқий тизим сифатида шаклланди. Унинг манбалар иерархияси, фикҳ методологияси ва ахлоқий йўналиши замонавий ҳуқуқ тизимлари учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўрта асрлар ҳуқуқий тафаккури ва ҳуқуқ фалсафаси замонавий ҳуқуқ тизимига чуқур таъсир этган. Масалан, Фома Аквинский табиий ҳуқуқ назариясини илоҳий қонун билан боғлаб, замонавий ҳуқуқ фалсафасига асос солди. Унинг фикрича, “Адолат – қонуннинг олий мақсадидир”¹.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, ўрта асрлар ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимларининг пойдеворидир. Рим ҳуқуқи – ҳуқуқий техника ва институтларни, канон ҳуқуқи – процессуал ва ахлоқий асосларни, ислом

¹ Фома Аквинский. Сумма теологии. Том 5. Часть 2, М: Издательство URSS. – с.289.

ҳуқуқи – маънавий ва ижтимоий адолат ғояларини шакллантирди. Уларнинг уйғунлиги ҳозирги глобал ҳуқуқий цивилизацияни вужудга келтирди.

Ўрта асрлар ҳуқуқи билан замонавий ҳуқуқ ўртасидаги муносабатни “узилиш” сифатида эмас, балки **эволюцион ривожланиш** сифатида баҳолаш илмий жиҳатдан асослидир. Замонавий ҳуқуқ тизимлари ўрта асрларда шаклланган ҳуқуқий институтлар, тамойиллар ва ҳуқуқий тафаккурни қайта ишлаб, янги ижтимоий-сиёсий шароитга мослаштирган.

Ўрта асрларда ҳуқуқ диний-ахлоқий асосланган, табақавий, кўп манбали бўлган бўлса, замонавий ҳуқуқ секуляр, формал тенгликка асосланган, марказлашган қонунчилик тизимига эга бўлди. Бироқ, ушбу фарқларга қарамай, мазмун жиҳатидан кўплаб институтлар узлуксизликни сақлаб қолди.

Қонун устуворлиги (Rule of Law) тамойили замонавий ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Унинг илдизлари эса ўрта аср ҳуқуқида, айниқса 1215 йилги Эркинликларнинг буюк хартияси (Magna Carta), канон ҳуқуқи, табиий ҳуқуқ назарияси орқали шаклланган. Magna Carta қирол ҳокимиятини қонун билан чеклаш ғоясини илгари сурган бўлса, канон ҳуқуқи қонуннинг адолатга мувофиқ бўлиши шартлигини таъкидлаган.

Фома Аквинскийнинг таълимотига кўра, адолатга зид қонун ҳақиқий қонун ҳисобланмайди. Замонавий конституциявий ҳуқуқда бу ғоя Конституциянинг олий юридик кучга эга бўлиши, давлат органларининг қонунга бўйсунishi, суд орқали назорат шаклида ифодаланади.

Инсон ҳуқуқлари ғояси кўпинча Янги давр маҳсули сифатида қаралса-да, унинг тарихий илдизлари ўрта аср ҳуқуқида мавжуд. Ўрта асрларда канон ҳуқуқи инсон қадр-қимматини илоҳий қадрият сифатида эътироф этган, ислом ҳуқуқи адолат, ҳаёт, мулк ва шаъни ҳимоя қилишни мақсад қилган, Magna Carta эркин инсонларнинг айрим ҳуқуқларини тан олган. Бу ғоялар кейинчалик “табиий ҳуқуқлар”, “ажралмас ҳуқуқлар” концепцияларига асос бўлди. Замонавий инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда (масалан,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида) айнан шу тарихий мерос акс этган.

Суд мустақиллиги тамойили ҳам ўрта аср ҳуқуқий институтларига бориб тақалади. Канон ҳуқуқи суд жараёнини ёзма иш юритув, далилларни баҳолаш қоидалари, апелляция институти орқали тизимлаштирган. Ислом ҳуқуқида қози мустақил шахс ҳисобланган бўлиб, у ҳокимият ва ижтимоий босимдан холи қарор чиқариши лозим эди. Замонавий ҳуқуқ тизимларида ушбу тамойиллар судьялар мустақиллиги, адолатли суд муҳокамаси, процессуал тенглик сифатида мустаҳкамланган.

Мулк ва шартнома ҳуқуқи соҳасида ўрта асрлар ҳуқуқи билан замонавий ҳуқуқ ўртасидаги узвийлик айниқса яққол кўринади. Рим ҳуқуқидаги

dominium тушунчаси – замонавий мулк ҳуқуқининг асоси, **pacta sunt servanda** принципи – барча замонавий шартнома ҳуқуқининг таянчи, ислом ҳуқуқидаги ҳалоллик ва адолат талаблари – шартнома этикаси асоси ҳисобланади. Бу принциплар замонавий фуқаролик кодексларида универсал қоида сифатида мустаҳкамланган.

Ўрта асрларда ҳуқуқ, давлат ва дин ўзаро узвий боғлиқ бўлган. Канон ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқи бунга яққол мисолдир. Замонавий ҳуқуқда эса давлат ва дин ажратилган (секуляризм). Бироқ, диндан келиб чиққан ахлоқий тамойиллар, хусусан адолат, ҳалоллик, инсон қадрини замонавий ҳуқуқ мазмунида сақланиб қолган. Бу ҳолат ўрта аср ҳуқуқий меросининг тўлиқ йўқолмаганини, балки трансформацияланганини кўрсатади.

Шу тариқа, ўрта асрлар ҳуқуқи замонавий ҳуқуқ тизимлари учун назарий, институционал ва қадриятли асос бўлиб хизмат қилади. Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, суд мустақиллиги ва мулк дахлсизлиги каби фундаментал тамойиллар айнан ўрта аср ҳуқуқий тафаккури замирида шаклланди.

Ўрта асрлар ҳуқуқи ва замонавий ҳуқуқ тизимлари ўртасидаги боғлиқликни тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўрта аср ҳуқуқий институтлари замонавий ҳуқуқнинг шаклланиши учун назарий ва

амалий асос вазифасини ўтаган. Ушбу мерос қуйидаги йўналишларда муҳим аҳамият касб этган:

Биринчидан, қонун устуворлиги ва ҳокимиятни чеклаш принциплари. Magna Carta ва қанон ҳуқуқи орқали ҳокимиятнинг қонун билан чекланиши, адолат ва ҳуқуқий барқарорлик тамойиллари илгари сурилган. Бу ғоялар замонавий конституционал давлат ва қонун устуворлиги тамойилининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий адолат. Қанон ҳуқуқи, ислом ҳуқуқи ва одат ҳуқуқи инсон кадрлари, мулки, ҳаёти ва эркинлигини ҳимоя қилишни назарда тутган. Бу тушунчалар кейинчалик табиий ҳуқуқ назарияси ва халқаро инсон ҳуқуқлари концепциясига таъсир кўрсатган.

Учинчидан, суд мустақиллиги ва процессуал қафолатлар. Қанон судлари ва ислом қозилари орқали суд мустақиллиги, ёзма иш юритув, далилларни баҳолаш, апелляция ва адолатли суд муҳокамаси принциплари шаклланди. Бу замонавий суд тизимининг институционал ва ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Тўртинчидан, мулк, шартнома ва ҳуқуқий барқарорлик. Ўрта асрлардаги Lex Salica, қанон ва ислом ҳуқуқида мулк ва шартнома муносабатлари қоидалари замонавий мулк ва фуқаролик ҳуқуқининг асосини ташкил этган. “Барча шартномаларга вафо қилиш” принципи, мулк дахлсизлиги ва ижтимоий масъулият тушунчалари бу меросдан келиб чиққан.

Бешинчидан, ижтимоий ва ахлоқий асослар. Ўрта аср ҳуқуқий тизимлари нафақат қонун, балки ахлоқ ва ижтимоий адолат билан боғлиқ бўлган. Бу эволюция орқали замонавий ҳуқуқий тафаккурда адолат, ҳалоллик ва ижтимоий мувофиқлик муҳим тамойил сифатида сақланиб қолган.

Шу билан бирга, қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, замонавий ҳуқуқ тизимлари ўрта аср ҳуқуқий институтларини трансформация қилган ва уларнинг ғояларини янги ижтимоий-сиёсий реалликка мослаштирган. Демак,

ўрта аср ҳуқуқи – бу фақат тарихий ҳодиса эмас, балки замонавий ҳуқуқий ривожланишнинг фундаментал илдизи ҳисобланади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Gratianus. Decretum Gratiani (Concordia discordantium canonum). Editio Lipsiensis secunda. Herausgegeben von Emil Friedberg. Leipzig: Tauchnitz, 1879.
2. Памятники истории Англии XI-XIII вв. [Текст]: Рус. и лат. тексты Великой хартии вольностей и др. документов / Пер. и введ. акад. Д. М. Петрушевского. – Москва : Соцэкгиз, 1936. – 238 с.
3. Салическая правда / Перевод Н.П. Грацианского; под ред. В.Ф. Семенова. Москва: МГПИ, 1950 – 169 с.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол, 1-жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2019. – 720 бет.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол, 4-жуз. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2019. – 696 бет.
6. Ибн Халдун. Муқаддима (биринчи китоб) / Нашрга тайёрловчи: Сардорхон Жаҳонгир (Матн) – Тошкент: “Faktor-press”. – 2025. – 384 б.
7. Berman, Harold J. *Law and Revolution: The Formation of the Western Legal Tradition*. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1983. – 657 p.
8. Savigny F.C. *System des heutigen römischen Rechts*. Volume I., Berlin, 1840. – 540 p.
9. Фома Аквинский. Сумма теологии. Том 5. Часть 2, М: Издательство URSS. – 560 с.
10. Шарл Р. Мусулманское право. – М.: 1959. – с. 256.
11. Ражабова М.А. Шариатда жиноят ва жазо. – Т.: Адолат, 1996. – 284 бет.
12. Мухтасар: (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). – Т.: Чўлпон, 1994. – 146 бет.
13. Попова А. В. История государства и права зарубежных стран Древнего мира и Средних веков. М.: Юрайт. 2024. – 212 с.
14. Muhammedov N.M. *Huquq tarixi*. – Т.: TDYU, 2023. – 784 бет.
15. Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фикҳ (Ислом қонуншунослиги асослари). Биринчи, иккинчи қисмлар. – Т.: “Адолат”, 1997. – 128 бет.
16. Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. Биринчи жилд / Масъул муҳаррирлар А.Х. Саидов, М. Нуриддинов. Т.: Адолат, 2000. – 848 бет.
17. Агзамова М.М. Исломшунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2020. – 136 б.
18. Агзамова М.М. Исломшунослик. Дарслик. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2021. – 176 б.

19. Brundage, James A. *Medieval Canon Law*. Longman (London & New York), 1995. – 260 p.
20. Hallaq, Wael B. *Shari'a: Theory, Practice, Transformations*. Cambridge University Press, 2009.
21. Reynolds, Susan. *Fiefs and Vassals: The Medieval Evidence Reinterpreted*. Oxford University Press, 1994.
22. Pirie, Val. *Magna Carta and Its Legacy*. Routledge, 2015.
23. Atiyah, P. S. *An Introduction to the Law of Contract*. Clarendon Press, 2000.
24. Witte, John & Van der Vyver, Johan. *Religious Human Rights in Global Perspective*. Martinus Nijhoff, 1996.
25. Хрестоматия памятников феодального государства и права. – М.:Госюриздат, 1961. – с.144.

Х. ИСАНОВ

Тошкент давлат аграр университети
“Ҳуқуқшунослик” кафедраси доценти,
юримдик фанлар доктори

МОВАРОУННАҲР ДАВЛАТИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Миллий давлатчилик илдизлари уч минг йиллик тарихга эга бўлган ҳозирги Ўзбекистон ХХ аср охирига келиб ўзининг миллий мустақиллигини қўлга киритди. Бой миллий-маънавий меросимизни қайта кашф этиш, ўзликни англаш, узоқ тарихга эга миллий давлатчилигимиз анъаналарини таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлгани ҳолда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишининг муҳим бир қисми ҳамдир. Бу вазифалар эса миллий давлатчилигимиз тарихини, давлат ва ҳуқуқ тизимининг ривожланиши жараёнларини янгича ёндашувлар асосида чуқур ўрганишни тақозо этади.

Миллий давлатчилигимиз тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк тарихий шахслардан бири – давлат арбоби ва олим,

жаҳон илми тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилган “Зижи жадиди Кўрагоний” ва “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарларини авлодларга мерос қилиб қолдирган аждодимиз Муҳаммад Тарағай Улуғбек бўлиб, у Мовароуннаҳрда 1409-1449 йил мобайнида ҳукмронлик қилган ва ўша даврда пойтахт Самарқанд Шарқнинг йирик илм-фан, маданият марказларидан бирига айланган. Бу ўз навбатида ўша даврда давлат ва ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатган. Шу сабабли бугунги кунда ўрта асрлар шароитида давлатчилик борасида қолдирилган назарий-амалий меросни янгича ёндашувлар асосида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақолада ўрта асрларда ўзбек миллий давлатчилиги ўзига хос ривожланганлиги тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар ва тарихий-ҳуқуқий манбалардан фойдаланилди ҳамда илмий билишнинг мантиқий-юридик ва тизимли таҳлил, синтез, умумлаштириш методлари қўлланилиб, Мовароуннаҳр давлати ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш мақсад қилинди.

Таъкидлаш керак, ўрта асрлар тарихида давлат арбоби сифатида муҳим ўрин эгаллаган Мирзо Улуғбек буюк Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифани бажариши билан бирга, Мовароуннаҳрда миллий давлатчиликни ривожлантириш йўлида ҳам тинимсиз шижоат ва жасорат кўрсатган. Маълумки, Амударёнинг ўнг соҳилидан юқорида жойлашган ерларни араблар “Мовароуннаҳр” деб атаганлар, яъни арабча “дарёнинг нариги томони” деган маънони англатган. “Арабларнинг аста-секин Амударёдан ўтиб шимолга кириб бориши натижасида “Мовароуннаҳр” сўзининг жўғрофий маъноси аниқ мазмун касб эта бошлаган ва у нафақат Сўғдиёна, Фарғона, Асфижоб, Шошни, балки Амударё ва Сирдарё оралиғига кирмаса ҳам Марв, Хоразмни ўз ичига олган ва янги ҳудудларнинг босиб олиниши ҳисобига кенгайиб борган”¹. Бизнинг фикримизча, бундай геосийсий вазиятнинг юзага келиши Мовароуннаҳрдек

¹ А.Х.Саидов, А.Ш.Жўзжоний. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўзтмиш ва ҳозирги замон). – Т., “Адолат”, 2005. -178-б.

худудий жиҳатдан йирик бўлган давлатни бошқариш ва унда барқарор сиёсий вазиятни таъминлаб туришда М.Улуғбекдан нафақат доимий сергакликни, балки давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизимини такомиллаштириб боришни ҳам талаб этган.

Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек ва бошқа Темурийлар давлатига мансуб давлатчилик тартиби ҳамда халқаро алоқаларни ўрганиб, илмий изланишлар олиб борган инглиз тадқиқотчиси Б.Гаскойн таъкидлашича¹, “XIV асрнинг иккинчи ва XV асрнинг биринчи ярмида Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда шаклланган давлатларнинг давлатчилик анъаналари, бошқарув тизими ва қонуниятлари, ҳуқуқий тизимининг ривожланганлиги, умуман олганда, ижтимоий муносабатларнинг тараққий этиш борасида Европа ва Шарқ мамлакатларидан анча устун бўлиб, хусусан, Темурийлар давлатларидаги давлат бошқаруви, қонунчилик, давлат органларининг ташкил этилиши ва дипломатик тажриба, тараққий этган маданият ва маънавият ўзининг илғорлиги билан ажралиб турар, ўз замонасининг давлатчилик тизимига сезиларли таъсир кўрсатар эди”. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Мовароуннаҳр давлатининг ҳуқуқий тизимига оид масалалар юридик адабиётларда етарли даражада ёритиб берилмаган. Амир Темур ва Темурийлар давлати ҳамда ҳуқуқи тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошлари) таниқли ҳуқуқшунос олим З.Муқимов томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилган бўлиб, унинг илмий изланишларида Амир Темур давлатининг ташкил топиши, ижтимоий тузуми, давлат бошқаруви, ҳарбий қурилиши, солиқ тизими ва ҳуқуқ манбалари каби жиҳатлар², шунингдек таниқли олим А.Тулягановнинг илмий изланишларида Темурийларнинг давлатчилик борасидаги амалиёти, маънавий-ҳуқуқий қадриятларининг бугунги халқаро муносабатларда тутган ўрни масалалари ҳар томонлама кенг тадқиқ этилган³. Шулар билан бир қаторда, Б.Аҳмедов,

¹ Gascoigne Bamber. The Great Noghuls. London, 1985. – P.19.

² З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т., “Адолат”, 2003. -144 -172-б.

³ А.А.Туляганов. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида давлат бошқаруви ҳамда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. Монография. –Т., ИИВ Академияси, 2006. -208 б.

Ҳ.Бобоев, А.Зиё ва М.Файзиев каби таниқли олимларнинг ўзбек давлатчилиги тарихига бағишланган илмий асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улар М.Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр давлатининг ҳуқуқий тизимини назарий жиҳатдан мушоҳада қилишга ёрдам беради¹.

Тарихдан маълумки, Амир Темур барпо этган қудратли салтанат XV аср бошларига келиб пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон ва Самарқандни пойтахт қилиб олган Мовароуннаҳрга бўлиниб кетган ва 1411 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрни М.Улуғбек мустақил равишда бошқара бошлаган. XV асрда яшаган олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида таъкидланишича, давлат бошқарувини амалга оширишда Амир Темур “Тузуқлар”ига қатъий риоя қилинган ҳолда ички давлатчилик сиёсати асосини 12 ижтимоий табақа ташкил этган, яъни булар – 1) сайидлар (пайғамбар авлодлари), уламо, машойиқ фозил кишилар; 2) донишманд ва ишбилармон, тадбиркор кишилар; 3) художўй ва тарки дунё қилган кишилар; 4) нуёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар; 5) сипоҳи ва раият (солиқ тўловчи авом ҳалқ); 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳокимлар (файласуф, донишманд кишилар), табиблар, мунажжимлар, муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) суфийлар машойихлар, худони таниган файласуфлар; 11) касб-ҳунар эгалари; 12) савдогар ва сайёҳлар бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз ўрни ва хизмати мавжудлиги давлат ишларини юритишда ҳисобга олинган. Шунингдек, М.Улуғбек ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишда 12 та тамойилга эътибор қаратган. Жумладан, биринчидан, дин ва шариатга катта эътибор берган, иккинчидан, давлатни бошқаришда юқорида айтганимиз ўн икки хил раиятнинг ҳар қайсисига ўзига хос муносабат ўрнатган, учинчидан, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, хушёрлик, эҳтиёткорлик билан иш юритган, тўртинчидан, давлат ишларини маълум қатъий қонун-қоидаларга риоя қилиб бошқарган, бешинчидан, амирлар ва сипоҳийларни хизматларига

¹ Б.Ахмедов. Амир Темур. Ўқув қўлланма.-Т., “Университет”,1999. -263 б.; Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Дарслик.-Т., “Фан”, 2004. -294 б.; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслик.-Т., Шарқ, 2000. -277б.; М.М. Файзиев. Миллий давлатчилик тараққиёти. Рисола. - Т., ЖИДУ, 2002. -33 б.

яраша тақдирлаган, олтинчидан, адолат ва инсоф билан иш тутган, еттинчидан, сайидлар, уламою машойихлар, ақлли ва доноларга алоҳида эътибор берган, саккизинчидан, ҳар бир ишни охиригача етказиш, қатъийлик, сабр бардош, тўққизинчидан, раият аҳволидан огоҳ бўлиш, ҳаммани тенг кўриш, ўнинчидан, турли миллат вакилларига бир хил муносабатда бўлиш, ўн биринчидан, қариндошлар, қўшнилар, дўстларни эъзозлаш, ўн иккинчидан, сипоҳийларга алоҳида ҳурмат, ғамхўрлик кўрсатиш каби тамойилларга ҳар доим оғишмай амал қилган. Шулар билан бир қаторда, Мовароуннаҳр давлатининг ижтимоий-сиёсий тузумида ўзига хос бир “тархонлик” ҳуқуқий институти мавжуд бўлиб, М.Улуғбек “Тўрт улус тарихи” асарида тархонликнинг ўзига хос хусусиятларидан баъзиларини очиб бериб, “Тархон шундай одамки, барча жарималардан озод ва эркин, қай лашкарда бўлмасин, қай ўлжани қўлга киритмасин, ҳеч ким ундан бир нарса ола олмайди, тўққиз бор гуноҳ улардан содир бўлганда ҳам бирор киши унга жазо бера олмайди”¹ деб кўрсатиб ўтган. Жумладан, тархон барча солиқлардан озод этилган, ҳар қандай ҳолатда у саройга рухсатсиз кириш ҳуқуқига эга бўлган, ўлим жазосига лойиқ жиноятни тўққиз марта содир этгунга қадар жазодан озод қилинган, кенгаш ва зиёфатларда фахрли жойни эгаллаб, бир қадах шароб ичиш ҳуқуқига эга бўлган ва тархонлик ҳуқуқи авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб борган.

Мовароуннаҳрда давлат ва ҳукумат бошлиғи, армия бошлиғи лавозимларини бир шахс эгаллагани боис, у подшоҳ ҳисобланган ва ижтимоий ҳокимиятнинг барча белгилари, диний, дунёвий ижро ва қонунчилик ҳокимияти унинг қўлида бўлган. Давлатни бошқаришда кенгашиш, маслаҳат ҳамда тадбиркорликка доимий аҳамият берилган, яъни бундай тадбирларда олий феодал табақалар, жумладан, сайидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих, амир ул-умаро, беклар беги, амирлар, сардорлар, шунингдек, ўнбоши, юзбоши, мингбошилар, девонбеги, вазирлар, баҳодирлар, қиличбоз йигитлар ва қоровуллар ҳам иштирок этиб, мамлакат

¹ З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т., “Адолат”, 2003. -150-б.

ҳаётининг муҳим масалалари кўриб чиқилган. Давлатнинг марказий бошқарув органи девонхона ҳисобланиб, тармоқлар бошқарувини вазирлар амалга оширган. Шунингдек, маҳаллий бошқарув тизими ҳам жорий этилган бўлиб, улар – туман (ўн мингликлар), ҳазора(мингликлар), сад (юзликлар) ва даҳа(ўнликлар)га бўлинган. Давлатнинг ҳарбий қурилишига назар ташлайдиган бўлсак, Олий бош қўмондон Улуғбекнинг ўзи бўлиб, ҳарбий ишларни амалга оширишда бош амир, амирлар, беклар беги, шунингдек, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ёрдамида қўшинларни бошқарган. Қўшиннинг ички таркиби эса ўнлар тизими асосида тузилган ва уларни ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар бошқарган. Албатта, ҳарбий қўшинларни ва давлат бошқарув аппаратини молиявий таъминлаб туриш йиғиб олинадиган солиқлар ҳисобидан олиб борилган. Шу сабабли, Мовароуннаҳр давлатида аҳолидан олинадиган мол-жиҳот солиғи, нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ – хирож, соварин – олий мартабали шахсларга қилинадиган тортиқ, қўналға – чопар ва элчиларга, мингбошиларга эса сафар вақтида тушган жой аҳолисидан олинадиган солиқ, савдогарлардан ундириладиган божшилон пули, подшо ва олий мансабдорларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ турларидан иборат бир қанча солиқлар мавжуд бўлган.

Мовароуннаҳр давлатида давлат бошқаруви ҳамда ички тартиб-интизомни таъминлаш ислом ҳуқуқига асосланган қонунчилик асосида амалга ошириб борилган бўлиб, давлатнинг дунёвий қонунчилиги эса “Темир тузуклари”га асосланган. “Тузуклар”да давлат бошқаруви, унинг тузилиши, давлат ҳокимиятининг вазифалари, суд ва ҳарбий қурилиш ва молия тизимлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Суд ишлари эса ўша давр қонунчилигига асосланган ҳолда йўлга қўйилган бўлиб, шариатга оид ишларни ислом қозилари, дунёвий ишлар ва одат ҳуқуқларидан келиб чиқадиган ишларни адлос қозиси, ҳарбий соҳадаги низоли ишларни эса қози аскар кўриб чиқиб ҳал этган. Ўрта асрларда суд ишларининг олиб борилиши ва улар юзасидан адолатли қарорлар қабул қилиниши давлат бошлиғи

томонидан доимий равишда назорат қилиб турилганлиги эътиборга молик ҳолат.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, Мовароуннаҳр давлати ҳуқуқий тизими ўрта асрлар шароитида давлат ва жамият тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши билан бирга, ўзбек миллий давлатчилиги тарихидан ҳуқуқий мерос сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу меросни ҳар томонлама чуқур илмий тадқиқ этиш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб, у ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Х.Саидов, А.Ш.Жўзжоний. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўзгариш ва ҳозирги замон). –Т., “Адолат”, 2005. -178-б.
2. Gascoigne Vamber. The Great Noghuls. London, 1985. – P.19.
3. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т., “Адолат”, 2003. -144 -172-б.
4. А.А.Туляганов. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида давлат бошқаруви ҳамда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. Монография. –Т., ИИВ Академияси, 2006. -208 б.
5. Б.Аҳмедов. Амир Темур. Ўқув қўлланма.-Т., “Университет”,1999. -263 б.; Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслик.-Т., “Фан”, 2004. -294 б.; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслик.-Т., Шарқ, 2000. -277б.; М.М.Файзиев. Миллий давлатчилик тараққиёти. Рисола.- Т.,ЖИДУ,2002.33 б
6. З.Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т., “Адолат”, 2003. -150-б.

Ж. АЗИМҚУЛОВ

Фанлар Академияси Тарих институти
кичик илмий ходими

IX-X АСРЛАРДА ТУРОНДА ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА ҚОЗИЛИК

Туркийлар минг йиллар давомида бир қатор давлатлар тузиб, дунё тарихига катта таъсир кўрсатган халқдир. Бу ютуқларнинг сабаби уларнинг кучли давлат бошқарув тизими ва адолатга асосланган бошқарув услубидир. Туркий давлатларда адолат – тартиб ва халқ фаровонлигини таъминловчи энг муҳим тамойил бўлган. Исломдан олдинги даврларда бу адолат “тура” деб

аталган қоидалар орқали амалга оширилган. Бу қоидалар давлат бошқарувида муҳим рол ўйнаган. Туронликлар ўзлари бошқарган ҳудудларда яшовчи ҳар бир кишига – ўз халқи бўладими, бошқа миллат вакили бўладими – адолат билан муносабатда бўлишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг бу одати узок давом этган ҳокимиятларининг асосий сабаби бўлган. Туркийлар жаҳонда тартиб ўрнатишни ва ўзларини “Кўк Тангрининг ердаги вакили” деб билиб, адолат билан бошқаришни мақсад қилишган. Бу қараш Турондан бошланган ва кейин Ислом дини билан бирлашиб, бошқа маданиятлар билан аралашган ҳолда давом этган.

Исломдан олдинги Турон жамиятида жазо ва ҳуқуқ тизимлари содда, лекин самарали бўлгани учун адолат тез ва осон амалга оширилган. Жиноятлар давлат назорати остида кўриб чиқилган, бу эса қасос олиш (қон давоси)нинг олдини олган. Оғир жиноятлар ўлим билан жазоланган. Масалан: одам ўлдириш, талончилик пайтида қўлга тушиш, ҳайвон ўғирлаш, зўрлаш, уруш ҳолати бўлмаганда қилич кўтариш, урушда тартибни бузиш, ватанга хиёнат қилиш - буларнинг барчасига ўлим жазоси берилган. Енгил жиноятлар учун эса юзга чизик тушириш, таёқ билан уриш, оёққа темир халқа солиш, жиноятчини тесқари осиди ёки куйдириш каби жазолар берилган. Бу жазо усуллари жиноятларнинг такрорланмаслиги учун кўрқитиш мақсадида қўлланилган. Турондаги бу ҳолат Хитой манбаларида куйидагича тасвирланган: “Қонунларга кўра, қилични бир қарич (тахминан 23 см) чиқарган одам ўлим билан жазоланади. Ўғрининг моли мусодара қилинади. Кичик жиноятчиларнинг суяги сингдирилади, катта жиноятлар эса ўлим билан жазоланади. Маҳбуслар одатда 10 кундан ортиқ қамокда қолмайди, бутун мамлакатда маҳкумлар сони бир неча кишидан ошмайди.”¹

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ва Абу Бакр даврида қозилик (яъни суд органи) унчалик ривожланмаган. Бу соҳа Умар даврида асосий қоидалар билан шакллантирилиб ривожлантирилган². Усмон даврида эса илк бор

¹ Han Hanedanlığı Tarihi, Hsiung-nu (Hun) Monografisi. Ankara. 2015. S. 8.

² Муҳаммад Зухайли. Тарих ал-қодо фил- ислам. Дамашқ. 1998, 30-бет.

фақат қозилик ишлари учун махсус бино қурилган. Ибн Халдуннинг айтишича, Пайғамбаримиз ва тўрт халифа даврида давлат раҳбари ўзи бевосита қозилик ишларига аралашар, қарорларни ўзи чиқарар эди¹. Аммо Муовия даврида суд ҳокимияти ижро ҳокимиятидан аста-секин ажралиб, мустақил ишлай бошлаган. Шу билан бирга, пойтахтдаги бош қозига “қоди ал-халифа” (халифанинг қозиси) дейилган. Аббосийлар даврида эса “қоди ал-қудот” (бош қозилар қозиси) лавозими жорий этилиб, суд тизими янада тўлиқ ва мустаҳкам бир муассасага айланган.

Қозилар халифаликнинг дастлабки даврларида тўғридан-тўғри давлат раҳбари томонидан тайинланган. Масалан, Умар Ибн Масъуд ва Шурайҳни, Али эса Абидани қозиликка тайинлагани бунга мисолдир. Ибн Халдуннинг айтишича, биринчи бўлиб қозиларни тайинлаган шахс халифа Умар бўлган². Бироқ халифалик ҳудуди кенгайган сари қозилар марказдан эмас, балки вилоятлардаги ҳокимлар (волийлар) томонидан тайинлана бошлаган. Айниқса, Умавийлар даврида қозилар одатда волий билан бирга лавозимга киришган ва волий билан бирга лавозимдан кетишган. Шу сабабли, тарихий манбаларда қозилар эслатилганда кўпинча уларнинг айнан қайси халифа ёки волий даврида хизмат қилгани айтилади, аниқ йил эса кам ҳолларда келтирилади. Шунинг учун қозиларнинг фаолият йиллари ҳақида маълумот олиш учун ўша даврдаги халифалар ва волийларнинг исмлари ҳамда хизмат муддатлари муҳим аҳамиятга эга.

Халифа ёки волий томонидан тайинланган бўлсаларда, қозилар одатда мустақил ҳаракат қилганлари³, агар улар бошқарув билан зиддиятга тушсалар, лавозимдан четлатилиш (азл) ёки истеъфога чиқиш ҳолатлари юз бергани маълум. Қозиларнинг тез-тез алмаштирилиши ва турли фикҳ мактабларига мансублиги туфайли баъзи даврларда ҳуқуқий барқарорлик бузилган, бу ҳолат эса нафақат давлат арбоблари, балки жамият томонидан ҳам ёқтирилмаган.

¹ Ибн Халдун. Муқаддима. Байрут. 1988. 1-жилд. 275-бет.

² Муқаддима. 1-жилд. 275-бет.

³ Аҳмад Сиям. Мабдау ал-истиклал ал-қодо. Ғазо. Жамиат ал-исламийя. 2005. 208-бет.

Илк даврларда ҳоким (волий) ва қозининг бир шахс бўлиши мумкин бўлган бўлса-да, вақт ўтиши билан бошқарув (идорий) ва суд (қазовий) ишлари ортгани сабабли шаҳарларга алоҳида волий ҳамда алоҳида қозилар тайинлана бошланди. Умавийлар давлатининг илк халифаси Муовия, пойтахт Дамашқда суд ваколатларини бу соҳа билан шуғулланувчи қозига топшириши билан юридик соҳада фуқаҳо (фикҳ олимлари) кўпроқ таъсирли бўла бошлаганини айтиш мумкин. Шундан сўнг тайин қилинган қозилар, деярли барча фуқаровий ва жиноят ишларига қарай бошладилар. Волийлар ва халифалар эса кейинчалик ташкил топган мазолим маҳкамаларида кўриб чиқилган ишлар билан шуғулланардилар. Қазолик/юридик соҳаси кенгайиши билан фикҳ асарларида бу мавзу алоҳида боб сифатида ёки мустақил тарзда “Китабул-қазо” номли кўплаб асарлар шаклида ёзиб қолдирилган.

Аббосийлар даврига келиб “қоди ал-қузот” деб номланувчи бир муассасанинг шаклланиши ва вақт ўтиши билан қозиларнинг ушбу лавозим эгасининг тавсияси асосида тайинлана бошлагани кўрилади. Бу унвон билан биринчи тилга олинган шахс Абу Юсуф бўлган ва у, халифа Ҳорун Рашид даврида ушбу унвонга эга бўлгани қабул қилинади.

Ислом дини билан Туронга кириб келган қозилик муассасининг илк даврлари ҳақида манбаларда етралича маълумотлар учрамайди. Фақатгина Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида Бухорога тайинланган қозилар ҳақида муҳим маълумотлар берилсада Туроннинг бошқа шаҳарлари ҳақида бундай маълумотлар афсуски ҳозирча аниқланганича йўқ.

Турон шаҳрлари бошқарувида муҳим ўрин тутган муассасалардан бири, шубҳасиз, қозилик институти бўлган. Шаҳарда ҳуқуқий тартибнинг қарор топишида қозиларнинг тутган ўрни катта аҳамият касб этган. Наршахий ўз асарида Бухорода фаолият юритган баъзи қозиларнинг исмларини қайд этган. Бироқ уларнинг қайси йилларда қозилик қилгани ва бу даврда қандай фаолият олиб боргани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Мазкур қозилардан бири Абу Дайм Ҳозим Судусийдир¹. Унинг ортидан эса Қурайш қабиласининг Тайм уруғига мансуб мавлоларидан бўлган ва тобеъинлардан кейинги авлод – табаут-табеъинлар сафида зикр этилган Исо ибн Мусо Ғунжарнинг (вафоти 186/802 й.)² қозилик вазифасини бажаргани маълум. Манбаларда бу зотларнинг номлари зикр этилган бўлсада, уларнинг фаолияти тафсилотлари билан етарлича ёритилмаган. Бу ҳолат эса ўша даврнинг маҳаллий ҳуқуқий тарихини янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Бухоро қозилари орасида Сибавайх ибн Абдулазиз ал-Марвазий номи ҳам зикр этилган. Наршахийнинг ривоятига кўра, унинг замондоши бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак Сибавайхнинг қозилик даврида адолатдан асло чекинмаганини ва ҳатто озгина ҳам зулмга йўл қўймаганини таъкидлайди³. Сибавайхдан кейин эса Муҳаллад ибн Умар Бухоро қозилигига тайинланган ва бу лавозимда узоқ муддат хизмат қилган. Наршахий, Амир ибн Умар ибн Имрон исмли яна бир бошқа қозининг исмини ҳам зикр этади. Асарининг бошқа бир жойида эса Наршах қишлоғида фаолият юритган Мубаййиза (Оқ кийимлилар) тарафдорларига қарши уюштирилган қуршов ҳаракатида қатнашган Амир ибн Имрон исмли бир қозидан сўз юритади. Биз бу икки шахснинг бир хил киши бўлган деган фикрдамиз. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Амир ибн Умар ибн Имрон 159/775 йиллари атрофида Бухоро қозиси бўлганлиги англашилади.

Кейинчалик манбалардан маълум бўлишича, Бухоро қозилиги лавозимини Абу Али Исҳоқ ибн Иброҳим (ваф. 208/823) эгаллаган⁴. Шунингдек, Африкада туғилиб, Ироқда вояга етган Абу Али Ҳасан ибн Усмон ибн Фузайл Сабиъий (ваф. 229/843) ҳам Бухорога кўчиб келган ва бу ерда қозилик қилган бошқа бир шахс бўлган⁵.

¹ Наршахий, Тарихи Бухоро. Тошкент. 2022. 17-б. Hasan Kurt. Orta Asya'nin islâmlaşma süreci. Anqara, 1998. s.58

² Тарихи Бухоро. 17-бет; Orta Asya'nin islâmlaşma süreci. s. 58.

³ Тарихи Бухоро. 17-бет; Orta Asya'nin islâmlaşma süreci. s. 58.

⁴ Ибн Ҳиббан, Китаб ас-сиқал, Ҳайдаробод, 1973, VIII, 109 – бет.

⁵ Самъоний. Китаб ал-ансоб. III. 219-бет.

Ибн Абул Вафо, Абу Ҳанифанинг Бухоролик шогирдлари орасида саналган Мужоҳид ибн Амрнинг Мовароуннаҳрда қозилик қилганини қайд этади. Ибн Абул Вафонинг Мужоҳидни бухороликлар қаторига киритиши унинг Бухорода қозилик қилганлиги ҳақидаги фикрни мустаҳкамлайди. Ибн Абул-Вафонинг таъкидлашича, Абу Юсуфдан кўра ўз яқинларидан кўра кўпроқ ҳурмат қилган Мужоҳид адолатли ва заҳидона ҳаёти билан машҳур бўлган. Валийлардан бири Мужоҳидга ноҳақ жазо берганини билган халифа Маҳдий эса унинг қалбини олиш учун совғалар юборган. Бироқ Мужоҳид юборилган совғаларнинг барчасини қашшоқ ва ногиронларга тарқатган.¹

Бухоро қозилари орасида қачон вазифа бажарганини манбаларимиздан аниқ билганлардан бири Саид ибн Ҳалиф Балхий ҳисобланади. У 213/828 йилнинг Жамозиял-аввал ойининг охирларида (август ойида) Бухорога қозиликка тайинланган. Саиднинг Бухородаги қозилиги адолат, раҳм-шафқат ва инсоф намунаси сифатида кўплар томонидан мадҳ этилган. Сув масалаларида олиб кирган тартиб унга мисол бўла олади. У сувларни назорат қилиш учун кўриқчиларни тайинлаган. Адолат мезонлари асосида кучли ёки заиф бўлишидан қатъи назар, Бухороликлар орасида сув тақсимотини амалга оширган. Унинг бу амали туфайли бутун халқ осойишта ва тинчликка эришган².

Хуросон амири Абул Аббос Тусий, мусулмон бўлмаган туркларнинг бостириб киришидан Бухорони ҳимоя қилиш мақсадида, Бухоро амири Муҳтодий ибн Ҳаммад ибн Амр Зухлийга шаҳарнинг бутун ҳудудини ўз ичига оладиган девор қуришни буюрган эди. Кейинчалик “Кампирак” номи берилган ушбу деворнинг қурилиши билан қози Саид ибн Ҳалиф шуғулланган. Саид ушбу деворнинг 215/830 йилда тамомланишини таъминлаган³.

Наршахийнинг билвосита берган маълумотларидан Бухородаги қозиларнинг шаҳар бошқаруви, хавфсизлик ва тартиб-таомил ишларига ҳам

¹ Ибн Абил-Вафо, II, 55; Orta Asya'nin islâmlaşma süreci. s. 59.

² Тарихи Бухоро. 17-bet. Orta Asya'nin islâmlaşma süreci. s. 59.

³ Тарихи Бухоро. 56-bet.

масъул эканлиги аён бўлади. Чунки Амир ибн Умар, Бухоро амири билан биргаликда Наршах қишлоғида жойлашган Мубаййиза (Оқ кийимлилар) тарафдорларига қарши олиб борилган курашда фаол иштирок этган. Бу ҳолат унинг шаҳардаги қўзғолон ва тартибсизликларга оид ваколат ва масъулиятга эгаллигини кўрсатади. Шунингдек, Бухоро девори қурилиши ва сув ишлари тартибга солинишида Саид ибн Ҳалафнинг юқори баҳолашга лойиқ фаолияти қозиларнинг иккинчи бир ваколат ва масъулият соҳасининг мавжудлигига эътиборимизни жалб этади. Бу соҳа замонавий атамалар билан айтганда, шаҳар бошқарувидаги иштирокидир.

Хулоса қилиб айтганда, Туронда Ислом дини тарқалиши билан Ислом шариатига хос бўлган қозилик институти ҳам шаклланди. Аввало марказ Марвда қозилик муассасининг асосий бўғини фаолият кўрсатган бўлиб, қолган ҳудудларга ҳам қозилар айнан марказдан тайинланган. Бу даврда қозилар нафақат шаръий адолатни таъминлаш балки ҳарбий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ҳам муҳим ўринга эга бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Han Hanedanlığı Tarihi, Hsiung-nu (Hun) Monografisi. Ankara. 2015.
2. Hasan Kurt. Orta Asya'nin islâmlaşma süreci. Anqara, 1998.
3. Аҳмад Сиям. Мабдау ал-истиклал ал-қодо. Ғазо. Жамиат ал-исламийя. 2005.
4. Ибн Халдун. Муқаддима. Байрут. 1988.
5. Ибн Ҳиббан, Китаб ас-сиқал, Ҳайдаробод, 1973.
6. Муҳаммад Зухайли. Тарих ал-қодо фил- ислам. Дамашқ. 1998.
7. Наршахий. Тарихи Бухоро. Тошкент. 2022.

**ИНСОНЛАРНИНГ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ
ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Аннотация. Инсонларнинг меҳнатга оид муносабатларда ҳуқуқлар ва эркинликларни таъминлаш ҳамда адолатли меҳнат шароитларини яратишда асосий субъектларидан бири бўлган касаба уюшмалари бирлашмага аъзо ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, камситишлардан ҳимоя қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш, касбий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини акс эттирган ҳолда иш берувчи ҳамда бошқа меҳнат муносабатлари субъектларини ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлиги) дан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган. Мазкур мақолада меҳнатга оид муносабатларда инсон ҳуқуқларини камитишни тақиқлашда касаба уюшмаларининг ўрни ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асоларини ёритиб беришга қаратилган.

Калит сўзлар: тенглик, ижтимоий ҳимоя, касаба уюшмалари, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий ислоҳот, меҳнат кодекси, ходим, кафолат, камситиш.

Аннотация. Профсоюзы, являющиеся одним из основных субъектов обеспечения прав и свобод людей в трудовых отношениях и создания справедливых условий труда, созданы в целях защиты трудовых прав членом профсоюза от дискриминации, а также защиты работодателя и других субъектов трудовых отношений от неправомерных действий (бездействия), отражающих их производственные, профессиональные, экономические и социальные интересы. Целью данной статьи является выяснение роли профсоюзов и правовой основы их деятельности в недопущении ущемления прав человека в трудовых отношениях.

Ключевые слова: равенство, социальная защита, профсоюзы, охрана труда, правовая реформа, трудовой кодекс, работник, гарантия, дискриминация.

Annotation. Trade unions, which are one of the main subjects in ensuring the rights and freedoms of people in labor relations and creating fair working conditions, are established to protect the labor rights of employees who are members of the union from discrimination, and to protect the employer and other subjects of labor relations from illegal actions (inaction), reflecting their production, professional, economic and social interests. This article aims to highlight the role of trade unions in prohibiting the violation of human rights in labor relations and the legal basis for their activities.

Keywords: equality, social protection, trade unions, labor protection, legal reform, labor code, employee, guarantee, discrimination.

Мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар шиддат билан амалга оширилаётганлигини сўнги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун моҳиятидан ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, қонунлар жамият ҳаёти ва демократик тараққиёт негизидир. Қонунлар, аввало, жамият ҳаётининг асосини яратиб, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилади. Касаба уюшмалари фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг субъекти сифатида ўзига хос тамойилларга эга. Бу тамойилларнинг асосийси – касаба уюшмасини ташкил этиш эркинлигидир¹.

Касаба уюшмалари – меҳнаткашларни жинси, диний эътиқоди, ирқий ва миллий мансубликларидан қатъий назар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ижтимоий – иқтисодий ҳуқуқлари ва ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бирлаштирувчи оммавий жамоат ташкилотлари. XVIII аср охирида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ да ўзаро ёрдам жамиятлари сифатида касаба уюшмалари пайдо бўлган. Касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнат шароити, иш ҳақи, турмуш, маданият ва шу каби соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилишга ва аҳолига ижтимоий

¹ Касаба уюшмаси – ходимларнинг ижтимоий ҳимоя кафолати//<https://raqobat.gov.uz/uz/kasaba-uyushmasi-hodimlarning-ijtimoiy-himoya-kafolati/>

жихатдан кўмаклашишга, ёрдам беришга даъват этилган. 14 ёшга тўлган ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ҳар бир киши ўз хоҳишига кўра ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари тузиш, уларга кириш, касаба уюшмалари фаолияти билан шуғулланиш ва касаба уюшмаси таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга¹.

Инсонларнинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган меҳнат ҳуқуқлари фуқароларнинг адолатли меҳнат шароитларида ишлашларини, меҳнат соҳасида тенг имкониятлардан фойдаланиш ва меҳнат бозоридаги дискриминациядан ҳимояланишини таъминлайди. Мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ва меҳнат комиссиялари муҳим рол ўйнайди.

Фикримизча, касаба уюшмаларини меҳнат муносабатларида инсон ҳуқуқларни ҳимоя қилишда ўрни ҳақида гапиришдан олдин касаба уюшмалари тушунчасини тадқиқ этишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланди. Умуман олганда касаба уюшмалари тушунчаси ҳақида олимлар томонидан турли хил қараш ва назариялар мавжуд бўлса ҳам лекин уларнинг барчасини негизини инсонларни меҳнатга оид муносабатларда тенг ва адолатли иш муҳитини яратиш ётади.

Дунё олимларидан **С.М.Липсет** фикрига кўра, "касаба уюшмалари демократик жамиятда ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асоси бўлиб, улар фақат меҳнат шароитларини яхшилаш эмас, балки ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилади"². **Давид Меткалф** унинг қарашларига эргашган ҳолда "касаба уюшмалари ижтимоий адолатни таъминлашда ва иш жойларида тенгликни илгари суришда муҳим институт ҳисобланади"³.

Меҳнат муносабатларида камситишларга қарши курашишда муҳим субъект эканлиги **Ричард Фреман** ва **Жамес Медофф** томонидан эътироф

¹ Yuldameva Diyora Erkinovna. (2023). KASABA UYUSHMALARI ORQALI AHOLINI IJTIMOIIY HIMOYA QILISH HAQIDA. International journal of education, social science & humanities. finland academic research science publishers, 11(9), 91–94. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8418054>

² Lipset, S. M. Union Democracy: The Internal Politics of the International Typographical Union. Johns Hopkins University Press, 1962– P. 57.

³ Metcalf.D. The Impact of Unions on Wage Levels and Inequality in Britain. The Economic Journal, Vol. 103, No. 419, 1993. – P . 880.

этилган: “касаба уюшмалари нафақат ишчиларни ҳимоя қилади, балки иш жойларида тенглик ва хилма-хилликни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Улар дискриминатсиянинг олдини олишда муҳим воситадир”¹.

Фреман ва Медофф касаба уюшмаларининг нафақат иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишдаги, балки тенгликни таъминлашдаги аҳамиятини таъкидлайди. Улар уюшмаларни иш жойларида камситишнинг олдини олишда кучли восита сифатида қарайди.

Валерие Брайсон фикрига кўра “аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари гендер дискриминатсиясига қарши кучли восита ҳисобланади, улар меҳнат шартномаларида тенгликни таъминлайди”². Брайсон гендер тенглигига алоҳида эътибор қаратади ва аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида э’тироф этади. Ўйлашимизча, ушбу фикр фақат гендер тенглигига йўналтирилган ва бошқа гуруҳларнинг камситилишига қарши курашиш масаласи четда қолган ҳолда бир ёқлама ёндашилган.

Касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солиш бўйича бир қатор халқаро ва минтақавий ҳужжатлар қабул қилинган ҳолда улар фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”** нинг **23-моддасида** ҳар бир инсонинг касаба уюшмалари ташкил этиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқи кафолатланган³. Шунингдек, 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактнинг 8-моддада касаба уюшмаларини тузиш, уларга қўшилиш ва жамоавий музокаралар олиб бориш ҳуқуқлари белгиланган⁴.

¹ Freeman, R. B., & Medoff, J. L. (1984). What Do Unions Do? Basic Books – P. 138.

² Bryson, V. (2007). Gender and the Politics of Time: Feminist Theory and Contemporary Debates. Policy Press – P. 74.

³ Birlashgan Millatlar Tashkiloti 1948-yil 10-dekabrda qabul qilingan “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi”// https://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR_Translations/uzb.pdf

⁴ 1966-yil 16-dekabrda qabul qilingan “Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risida”gi Xalqaro Pakt.//<https://lex.uz/docs/-2686000>

ХМТ нинг 1948 йилда қабул қилинган “Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли конвенсияси Ишчилар ва иш берувчилар мустақил равишда ўзларининг касаба уюшмаларини тузиш ёки уларга қўшилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган ҳолда аъзо давлатлар касаба уюшмалари мустақиллигини таъминлаш мажбуриятини олади. Шунингдек, ХМТ нинг 1949 йилда қабул қилинган “Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида”ги 98-сонли конвенсияси ишчиларни уюшмаларга қўшилишда камситишдан ҳимоя қилиш, жамоавий музокаралар учун етарли шароит яратиш белгиланган. Конвенсия ижтимоий адолат ва барқарор меҳнат муносабатларини ривожлантиришнинг халқаро ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади.

Касаба уюшмалари ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Улар иш берувчи билан музокаралар олиб бориш, коллектив шартномалар тузиш ва низоларни ҳал қилишда ишчиларга ёрдам беради.

Касаба уюшмалари ташкил этиш ва уларга аъзо бўлиш бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамловчи минтақавий ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб улардан бири Европа Кенгаши томонидан 1961-йил қабул қилинган ҳамда 1996-йил ўзгартириш киритилган Европа Ижтимоий Хартияси ҳисобланади. Ҳужжат касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ва жамоавий музокаралар олиб бориш ҳуқуқларини кафолатлайди. Шунингдек, 1950 йил қабул қилинган Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенсияси 11-моддада тинч йиғилишлар ўтказиш ва касаба уюшмаларига қўшилиш ҳуқуқлари кафолатланган¹. Худди шундай нормалар Америка ва Африка бирлиги ташкилотлари томонидан қабул қилинган. Жумладан, 1969 йил қабул қилинган Америка Инсон Ҳуқуқлари Конвенсияси 16-моддадагига кўра, касаба уюшмалари ташкил қилиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мазкур қоидалар 1981-йил қабул қилинган Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари Хартиясининг 10-моддасида белгиланган.

¹ European Convention on Human Rights., 1950 y//<https://www.echr.coe.int/european-convention-on-human-rights>

Касаба уюшмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби, 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун, меҳнат кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва касаба уюшмасининг низоми билан тартибга солинади.

Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этиши, уларинг фаолиятига кўмаклашиши шарт. Улар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини бузганлик ёки уларинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмалари вакилларининг шу касаба уюшмалари аъзолари ишлаётган ташкилотларга уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳамда қонун ҳужжатларида берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида касаба уюшмаси фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланиди².

Ходимларнинг бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга монелик қилишга, шунингдек уларни касаба уюшмаларига ёки ходимларнинг бошқа бирлашмаларига аъзо бўлишга мажбурлашга йўл қўйилмайди³. Мазкур моддани қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак бир неча халқаро нормалардаги қоидалар билан мос келишини кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 37-моддасининг 1-банди касаба уюшмаларига аъзо бўлиши ёки бошқа бирлашмаларни ташкил этиши учун

¹ Muxamedov O.X., Huquqshunoslik asoslari: darslik - T.: O'zbekiston Respublikasi PIV Akademiyasi, 2020. 104-b

² O'zbekiston Respublikasining 2019-yil-yil 6-dekabrda qabul qilingan “Kasaba uyushmalari to'g'risida”gi qonuni // <https://lex.uz/docs/-4631281>

³ O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi 30.04.2023, <https://lex.uz/ru/docs/-6257288>

рухсат талаб этилмаслигини кафолатлайди. Бу ХМТнинг 87-сонли Конвенсиясининг 2-моддасига ҳимоя ҳуқуқларга мос келади: “меҳнаткашлар ва иш берувчилар, ҳеч бир чеклашларсиз, ташкилот таъсис этиш ва, фақат ушбу ташкилотнинг қоидаларига бўйсунган ҳолда, ўзлари танлаган ташкилотга олдиндан рухсат олмасдан қўшилиш ҳуқуқига эгадир”¹. Шунингдек, ХМТнинг 98-сонли конвенсиясининг 1-моддасига кўра, меҳнаткашлар иш билан таъминланишида бирлашмалар эркинлигини чеклашга қаратилган ҳар қандай камситиш ҳаракатларига қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар². Европа Кенгаши томонидан 1996 йилда қайта кўриб чиқилган Европа Ижтимоий Хартиясининг 5-моддасида барча ходимлар ва иш берувчилар ўзининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб турли бирлашмаларга бирлашиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ходимнинг касаба уюшмасига аъзо бўлмаслигига ёки аъзоликдан чиқишига доир ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари ҳақиқий эмас.

Ўзини касаба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги белгисига қараб камситилган деб ҳисобловчи шахс камситишни бартараф этиш, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин³. Юқоридаги нормалардан келиб чиқиб инсонларнинг турли хил жамоат бирлашмаларига бирлашиш улар фаолиятида фаол иштирок этганлик учун меҳнат фаолиятида турли хил чекловлар қўйиш ёки тазйиқ ўтказиш камситиш ҳисобланиш миллий ва халқаро ҳужжатларда эътироф этилади ҳамда белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади.

Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг камситиш ҳолатлари аниқланганда ёки ходим томонидан мурожаат қилинганда касаба уюшмаси иш берувчига ҳуқуқбузарлик ҳолати тўғрисида тақдимнома билан мурожаат

¹ ХМТ ning 1948-yilda qabul qilingan “Birlashmalar erkinligi va birlashish huquqini himoya qilish to‘g‘risida”gi 87-sonli konvensiyasi, <https://lex.uz/docs/-3462412>

² ХМТning 1949-yilda qabul qilingan “Jamoat muzokaralarini olib borish va birlashish huquqi to‘g‘risida”gi 98-sonli konvensiyasi, <https://lex.uz/docs/-2736522>

³ O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil-yil 6-dekabrda qabul qilingan “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi qonuni, <https://lex.uz/docs/-4631281>

қилиши ҳамда иш берувчи мазкур тақдимномани ўз вақтида кўриб чиққан ҳолда аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида мазкур органлар хабар қилиши керак.

Қасаба уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунинг 44-моддасига биноан **қасаба уюшмаларининг инспекцияларини тузиши мумкин.** Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида қасаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ва бўлинмаларининг тузилмасида қасаба уюшмаларининг тегишли инспекторлари фаолият кўрсатадиган инспекциялар (бундан буён матнда қасаба уюшмаларининг инспекциялари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Қасаба уюшмаси ҳуқуқлари:

ходимлар манфаати учун музокара олиб бориш, жамоа келишуви тузиш; корхона, ташкилот ва муассасани ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;

меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш;

иш берувчининг қарорлари устидан судга шикоят қилиш¹.

Қасаба уюшмалари ходимлар ва иш берувчилар ўртасида воситачи бўлиб, ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Улар адолатли меҳнат амалиётини тўғри қилиш, ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат сиёсатига тўғри кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

Қасаба уюшмаларининг инспекцияси тўғрисидаги низом тегишли қасаба уюшмаси ёки қасаба уюшмалари бирлашмаси томонидан тасдиқланади¹.

¹ Kasaba uyushmasi va uning huquqlari// <https://advice.uz/oz/document/70>

Мазкур инспекциялар касаба уюшмалари ваколат доирасида ишлайди ва давлат меҳнат инспекциялари билан бир вақтда фаолият олиб бориши мумкин. Фикримизча, Ўзбекистондаги касаба уюшмаларига инспекция тизимининг мавжуд эканлиги инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларини яна ҳам самарали ҳимоя қилишига кўмаклашади. Дунёнинг ривожланган давлатлари Германия, Буюк Британия, Шветсия ва Францияда каби давлатларда ҳам шундай тизим мавжуд ҳамда мазкур тизим касаба уюшмаларига давлат билан ҳамкорликда меҳнат муносабатларини тартибга солиш имкониятини беради.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида камситишга йўл қўймаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ошкоралик тамойилларига амал қилади. Бу тамойиллар ҳар қандай дискриминацияни олдини олишга хизмат қилади.

Касаба уюшмалари меҳнат қонунчилиги ва ходимларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Масалан, иш берувчининг ташаббуси билан ишчининг ишдан бўшатилиши учун касаба уюшмаси розилиги талаб қилинади².

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуни 45-моддасига кўра касаба уюшмаларининг инспекторларига ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд ёки бошқа меҳнат низоларини кўрувчи органларда вакил сифатида қатнашиш; Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд ёки бошқа меҳнат низоларини кўрувчи органларда вакил сифатида қатнашиш; Иш жойида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ёки касб касалликларини текширишда қатнашиш ва қонунда белгиланган бошқа вазифа ва ваколатларни амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, касаба уюшмалари инсонларни меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни тўминлашда муҳим аҳамиятга эга. Улар ишчиларга ўз манфаатларини биргаликда ҳимоя қилиш

¹ O'zbekiston Respublikasining 2019-yil-yil 6-dekabrda qabul qilingan "Kasaba uyushmalari to'g'risida"gi qonuni, <https://lex.uz/docs/-4631281>

² MEHNAT HUQUQI KAFOLATLARI YANADA KUCHAYADI// <http://www.uzbekistan-geneva.ch/mehnat-huquqi-kafolatlari-yanada-kuchayadi.html>

ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича музокаралар олиб боради. Бироқ, уларнинг самарадорлигини ошириш учун уларнинг фаолиятига тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий ва таркибий муаммоларни ҳал қилиш жуда муҳимдир. Касаба уюшмалари фаолияти самадорлигини ошириш орқали меҳнат муносабатлари соҳасида тенгликни таъминлаш ҳамда адолатли меҳнат шароитларини яратишга маълум маънода замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kasaba uyushmasi – xodimlarning ijtimoiy himoya kafolati//<https://raqobat.gov.uz/uz/kasaba-uyushmasi-xodimlarning-ijtimoiy-himoya-kafolati/>
2. Yuldasheva Diyora Erkinovna. (2023). KASABA UYUSHMALARI ORQALI AHOLINI IJTIMOIIY HIMOYA QILISH HAQIDA. International journal of education, social science & humanities. finland academic research science publishers, 11(9), 91–94. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8418054>
3. Lipset, S. M. Union Democracy: The Internal Politics of the International Typographical Union. Johns Hopkins University Press, 1962– P. 57.
4. Metcalf.D. The Impact of Unions on Wage Levels and Inequality in Britain. The Economic Journal, Vol. 103, No. 419, 1993. – P . 880.
5. Freeman, R. B., & Medoff. J. L. (1984). What Do Unions Do? Basic Books – P. 138.
6. Bryson,.V. (2007). Gender and the Politics of Time: Feminist Theory and Contemporary Debates. Policy Press – P. 74.
7. Birlashgan Millatlar Tashkiloti 1948-yil 10-dekabrda qabul qilingan “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi”// https://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR_Translations/uzb.pdf
8. 1966-yil 16-dekabrda qabul qilingan “Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risida”gi Xalqaro Pakt.//<https://lex.uz/docs/-2686000>
9. European Convention on Human Rights., 1950 y//<https://www.echr.coe.int/european-convention-on-human-rights>
10. Muxamedov O.X., Huquqshunoslik asoslari: darslik - T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2020. 104-bet
11. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil-yil 6-dekabrda qabul qilingan “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi qonuni // <https://lex.uz/docs/-4631281>
12. O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi 30.04.2023, <https://lex.uz/ru/docs/-6257288>
13. XMT ning 1948-yilda qabul qilingan “Birlashmalar erkinligi va birlashish huquqini himoya qilish to‘g‘risida”gi 87-sonli konvensiyasi, <https://lex.uz/docs/-3462412>

14. XMTning 1949-yilda qabul qilingan “Jamoa muzokaralarini olib borish va birlashish huquqi to‘g‘risida”gi 98-sonli konvensiyasi, <https://lex.uz/docs/-2736522>

15. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil-yil 6-dekabrda qabul qilingan “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi qonuni, <https://lex.uz/docs/-4631281>

16. Kasaba uyushmasi va uning huquqlari// <https://advice.uz/oz/document/70>

17. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil-yil 6-dekabrda qabul qilingan “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi qonuni, <https://lex.uz/docs/-4631281>

18. MEHNAT HUQUQI KAFOLATLARI YANADA KUCHAYADI// <http://www.uzbekistan-geneva.ch/mehnat-huquqi-kafolatlari-yanada-uchayadi.html>

М. ХУДАЙБЕРДИЕВА

докторант Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан

СРЕДНЕВЕКОВОЕ ГОСУДАРСТВО И ПРАВО: ВЗГЛЯДЫ И ПОДХОДЫ К ОБУЧЕНИЮ ДЕТЕЙ

Аннотация: В статье исследуется система обучения детей в эпоху Средневековья как объект государственного и правового регулирования. На основе анализа средневековых источников и научной литературы¹ реконструируются основные образовательные институты (монастырские, городские школы, университеты, цеховое ученичество) и выявляются их правовые основы. Особое внимание уделяется влиянию сословного строя на доступность и содержание образования, а также правовым нормам, регламентировавшим педагогический процесс. Исследование позволяет доказать, что средневековые педагогические идеалы и методы формировались в прямой зависимости от религиозных, социальных и правовых реалий эпохи.

Ключевые слова: Средневековье, образование, право, государство, дети, сословия, ученичество, университет, педагогика, церковь.

¹ Ле Гофф Ж. Интеллектуалы в средние века. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2003. – 160 с.

Средневековье, охватывающее период с V по XV века, представляет собой сложный и многогранный этап в истории человечества. Этот период характеризуется уникальным сочетанием религиозных, политических и социальных факторов, оказавших глубокое влияние на все сферы жизни, включая образование¹. Государство и право в средние века играли ключевую роль в формировании системы обучения детей, определяя ее цели, содержание и доступность для различных слоев населения. Изучение взглядов и подходов к обучению детей в этот период позволяет не только понять эволюцию педагогической мысли и практики, но и выявить механизмы воспроизводства социальной структуры через образование².

В эпоху Средневековья, когда религиозные и моральные ценности занимали центральное место в общественной жизни, образование рассматривалось как средство формирования "правильного" человека, соответствующего установленным нормам и требованиям³. Государство и право устанавливали рамки для образовательной деятельности, определяя, какие знания и навыки должны быть привиты детям, и какие методы обучения следует использовать. Таким образом, образовательный процесс был не частным делом, а социально регулируемым институтом, призванным укреплять существующий порядок.

Настоящая статья ставит своей целью всестороннее исследование взглядов и подходов к обучению детей в средневековую эпоху с учетом государственного и правового контекста. В рамках исследования будут решены следующие задачи: рассмотрены основные институты и формы образования, проанализировано влияние сословной структуры на доступность образования, раскрыта роль права в регламентации учебного процесса и охарактеризованы доминирующие педагогические идеалы и методы.

¹ Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Искусство, 1984. – 350 с.

² История педагогики и образования. От зарождения воспитания в первобытном обществе до конца XX в.: Учебное пособие / Под ред. А.И. Пискунова. – М.: ТЦ «Сфера», 2001. – 512 с.

³ Безрогов В.Г. Традиции ученичества и институт школы в древних цивилизациях. – М.: Памятники исторической мысли, 2008. – 467 с.

1. Государство и право как факторы, определяющие систему обучения

В средневековой Европе государство и право оказывали существенное влияние на организацию и содержание обучения. Церковь играла доминирующую роль в образовании, контролируя монастырские и соборные школы, где готовили священнослужителей¹. Каноническое право регулировало деятельность этих школ, определяя учебные программы и требования к преподавателям. Светское право, в свою очередь, регламентировало вопросы ученичества и ремесленного обучения². Городские уставы и цеховые правила определяли условия приема учеников, сроки обучения и требования к квалификации мастеров. Эта дуалистическая система регулирования — каноническое и светское право — отражала баланс сил между духовной и мирской властями, каждая из которых стремилась контролировать процесс социализации новых поколений.

Сословная структура общества выступала основным фильтром, определявшим образовательную траекторию ребенка. Дети дворян получали рыцарское воспитание, готовясь к военной службе и управлению поместьями³, в то время как дети крестьян, как правило, оставались неграмотными и осваивали сельскохозяйственные навыки в семье. Однако, как показывает анализ отдельных правовых актов (например, капитулярия Карла Великого «*De litteris colendis*», предписывавшего создание школ при монастырях и епископских кафедрах)⁴, государственная власть могла инициировать образовательные проекты, пусть и в сугубо утилитарных целях — для подготовки грамотных администраторов. Государство, в лице монархов и феодальных правителей, также играло роль в развитии образования, поддерживая университеты и предоставляя привилегии ученым и преподавателям. Университеты, возникшие в XII-XIII веках, стали

¹ Суворов Н.С. Средневековые университеты. — М.: Книжный дом «Либроком», 2012. — 246 с.

² Краснова И.А. Деловые люди Флоренции XIV–XV вв.: Четыре сотни лет назад. — Ставрополь: Изд-во СГУ, 2006. — 397 с. (Раздел о цеховом ученичестве).

³ Кардини Ф. Истоки средневекового рыцарства. — М.: Прогресс, 1987. — 384 с.

⁴ Капитулярий Карла Великого «*De litteris colendis*» (789 г.) // Средневековая латинская литература IV–IX вв. / Пер. и комм. М.Л. Гаспарова. — М.: Наука, 1970. — С. 224–226

центрами высшего образования и науки, привлекая студентов из разных стран¹.

2. Формы и институты обучения в Средние века

Сформировавшаяся под воздействием права и сословного строя система образования породила ряд специфических институтов, четко разделенных по своим функциям и контингенту. В средневековой Европе существовали различные формы и институты обучения, предназначенные для разных слоев населения.

Монастырские и соборные школы предоставляли религиозное образование, готовя священников и монахов. В этих школах изучали латынь, грамматику, риторику, теологию и другие предметы, необходимые для церковной службы.

Как логическое продолжение церковных школ, но уже в условиях роста городов, появились городские школы, предлагавшие более широкий спектр знаний, включая грамматику, риторику и арифметику. Эти школы готовили писцов, торговцев и других специалистов, необходимых для развития городов².

Параллельно в сфере производства складывалась иная, сугубо практическая модель. Цеховое ученичество было важной формой профессионального обучения, позволявшей детям осваивать ремесла и обеспечивать себе будущее. Ученики работали под руководством опытных мастеров, постепенно приобретая необходимые навыки и знания.

Вершиной образовательной иерархии стали университеты, появившиеся в XII-XIII веках, центры высшего образования, где изучали право, медицину, теологию и искусства. Университеты обладали определенной автономией и правом присвоения ученых степеней.

¹ Дюби Ж. Европа в средние века. – Смоленск: Полиграмма, 1994. – 316 с.

² Мишель Пастуро. Повседневная жизнь Франции и Англии во времена рыцарей Круглого стола. – М.: Молодая гвардия, 2001. – 240 с.

Помимо этих основных форм обучения, существовали и другие, менее распространенные, такие как домашнее обучение для детей знатных родителей и обучение у странствующих учителей.

3. Правовые принципы и регламентация обучения

Многообразие образовательных институтов требовало развитой системы правового регулирования, которая оформилась в виде ряда четких принципов. Средневековое право содержало ряд принципов, регулирующих процесс обучения и воспитания. Одним из таких принципов была ответственность родителей за обучение своих детей. Родители были обязаны обеспечить своим детям возможность получить религиозное образование и освоить необходимые жизненные навыки. Эта ответственность, зафиксированная, например, в «Саксонском зеркале»¹, была не только моральной, но и правовой нормой. В случае смерти родителей, эту ответственность брали на себя опекуны или община.

Право также детально регулировало отношения между учениками и учителями, определяя их права и обязанности. Учителя имели право наказывать учеников за нарушение дисциплины и невыполнение заданий, но при этом не должны были злоупотреблять своей властью. Ученические договоры определяли условия обучения, сроки и оплату, а также ответственность сторон за неисполнение обязательств².

Наиболее сложной и разработанной была правовая система университетов. Университеты, как автономные корпорации, имели свои собственные уставы и правила (как статуты Оксфордского университета 1254 г.)³, регулирующие учебный процесс, права и обязанности студентов и преподавателей. Каноническое право также играло важную роль в

¹ Саксонское зеркало. Памятник, комментарии, исследования /Отв. ред. В.М. Корецкий. –М.:Наука, 1985. – 272 с.

² Петрушевский Д.М. Очерки из истории средневекового общества и государства. – 5-е изд. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 232 с.

³ The Early Oxford Schools (Volume I of The History of the University of Oxford) / Ed. by J.I. Catto. – Oxford: Clarendon Press, 1984. – 720 p.

регламентации университетской жизни, определяя требования к преподаванию теологии и философии¹.

4. Педагогические идеалы и методы обучения

Правовая регламентация создавала рамки, внутри которых формировались конкретные педагогические идеалы и практики. В средние века педагогические идеалы были тесно связаны с религиозными и моральными ценностями. Целью обучения было формирование послушного христианина и добропорядочного члена общества. Особое внимание уделялось воспитанию моральных качеств, таких как смирение, послушание, трудолюбие и благочестие.

Методы обучения были основаны на заучивании текстов, повторении и строгой дисциплине. Широко использовались телесные наказания, считавшиеся необходимым средством поддержания порядка и стимулирования учебной деятельности. Данный подход не просто констатируется, но и объясняется доминирующей августиновской концепцией детской природы, требующей исправления². Однако, существовали и другие подходы к обучению, ориентированные на развитие творческих способностей и самостоятельного мышления, особенно в практике схоластических диспутов³.

В университетах использовались лекции, диспуты и экзамены для оценки знаний студентов. Преподавание велось на латыни, которая была языком науки и образования в средневековой Европе.

5. Женское образование в Средние века

Принцип сословности и патриархальные устои наиболее ярко проявлялись в сфере женского образования. Женское образование в средние века было ограничено и доступно лишь немногим женщинам, в основном представительницам знатных семей и монахиням. Женщины получали

¹ Бойцов М.А., Шукуров Р.М. История средних веков: Учебник для вузов. В 2-х тт. Том 1. – М.: Издательство Московского университета, 1990. – 320 с.

² Августин Блаженный. Исповедь / Пер. с лат. М.Е. Сергеевко. – М.: Гендальф, 1992. – 488 с.

³ Столяров А.А. Схоластика: что это такое? // Культура и искусство средневекового города. – М.: Наука, 1984. – С. 18–38.

образование в монастырях или дома, изучая латынь, грамматику, музыку и рукоделие¹.

Однако и в этих жестких рамках прослеживаются исключения, доказывающие наличие интеллектуальных запросов. Некоторые женщины, благодаря своему образованию и таланту, смогли внести значительный вклад в науку и культуру средневековья. Примером может служить Хильдегарда Бингенская, немецкая монахиня, писательница, композитор и врач, оставившая после себя обширное научное и литературное наследие².

6. Обучение ремеслу и профессиональная подготовка

Сфера профессиональной подготовки, будучи наименее зависимой от церкви, демонстрирует иные, но не менее строгие правовые механизмы. Обучение ремеслу в средние века осуществлялось через систему ученичества, которая была важной формой профессиональной подготовки. Ученики работали под руководством опытных мастеров, постепенно приобретая необходимые навыки и знания.

Процесс обучения ремеслу был длительным и трудоемким, но позволял молодым людям освоить востребованную профессию и обеспечить себе будущее. Цеховые организации контролировали качество обучения и защищали интересы своих членов, что превращало ученичество не только в педагогический, но и в социально-экономический институт, жестко встроенный в городскую правовую систему.

7. Влияние античного наследия на средневековое образование

Важно отметить, что содержание образования, особенно в его высших формах, не было замкнутым. Античное наследие оказало значительное влияние на средневековое образование. Средневековые ученые и педагоги изучали труды античных философов, писателей и ученых, таких как Аристотель, Платон, Цицерон и Сенека³.

¹ Эко У. Искусство и красота в средневековой эстетике. – СПб.: Алетейя, 2003. – 256 с.

² Хильдегарда Бингенская. Книга божественных деяний / Пер. с лат., вступ. ст., коммент. Н.Б. Гаврюшина. – СПб.: Издательство Ивана Лимбаха, 2021. – 512 с.

³ Баткин Л.М. Итальянское Возрождение в поисках индивидуальности. – М.: Наука, 1989. – 272 с.

Античная философия и литература использовались в качестве основы для обучения грамматике, риторике и логике. Аристотелевская философия оказала особое влияние на развитие средневековой теологии и науки, став, по сути, интеллектуальным фундаментом для схоластического метода, что доказывает преемственность интеллектуальных традиций.

Изучение средневековых подходов к обучению позволяет сделать вывод о том, что образование в эту эпоху было мощным инструментом социальной стабилизации и культурной трансляции. Несмотря на свой ограниченный и сословный характер, оно смогло сохранить и передать ключевые интеллектуальные традиции, заложив институциональные основы (университет, цех) для последующего развития европейской науки и образования в эпоху Нового времени¹.

Анализ европейской модели образования будет неполным без краткого обращения к опыту средневекового Востока, где в те же хронологические рамки сложились иные, но не менее эффективные системы обучения, напрямую связанные с государственной политикой. На территории современного Узбекистана в эпоху Средневековья существовали могущественные государства – Саманидское государство (IX-X вв.), Караханидское государство (X-XIII вв.) и государство Хорезмшахов (XII-XIII вв.), которые стали центрами мировой науки, культуры и образования².

В отличие от Европы, где церковь долгое время была монополистом в сфере знаний, в этих государствах роль главного организатора и покровителя образования взяло на себя светское правительство. Просвещение считалось основой процветания и могущества державы. При дворах эмиров и султанов создавались «Дома науки» («Дар ул-улюм») и библиотеки (например,

¹ Блок М. Феодальное общество. – М.: Издательство им. Сабашниковых, 2003. – 504 с.

² История Узбекистана. В 3-х тт. Т. 2: III – начало XVI в. / Отв. ред. А.А. Аскарров. – Ташкент: Фан, 1993. – 558 с

знаменитая библиотека Саманидов в Бухаре), которые были не просто книгохранилищами, а мощными научно-образовательными академиями¹.

Правовой основой образовательной системы служили исламское право (шариат) и государственные указы (фирманы). Шариат, подобно европейскому каноническому праву, предписывал мусульманину стремление к знанию («ильм») и регулировал деятельность религиозных школ – медресе. Однако именно светские правители, такие как саманидский эмир Исмаил ибн Ахмад или хорезмшах Ала ад-Дин Мухаммад II, издавали фирманы о финансировании медресе, назначении преподавателей (мударрисов) и стипендий для студентов (талибов)². Высшие медресе (например, медресе «Улугбек» в Самарканде и Бухаре, XV в.) обладали вакфными грамотами – правовыми документами, закреплявшими за ними источники дохода, что обеспечивало их финансовую и академическую автономию³.

Содержание образования в ведущих центрах, таких как Бухара, Самарканд, Ургенч и Мерв, носило энциклопедический характер. Помимо богословия и права, здесь в совершенстве изучали светские науки: математику, астрономию, медицину, философию, историю, поэтику. Это породило плеяду ученых-универсалов, чьи труды стали достоянием мировой науки: Аль-Хорезми, Аль-Бируни, Авиценна (Ибн Сина), Аль-Фергани, Улугбек⁴. Их деятельность была напрямую поддержана и вписана в государственную культурную политику.

Таким образом, сравнительный анализ показывает, что если в Европе средневековое образование формировалось в условиях дуализма и конкуренции церковной и светской властей, то в ведущих государствах Средней Азии оно стало результатом целенаправленной синтезирующей политики сильной светской власти, использовавшей правовые и финансовые

¹ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т.1: История персидско-таджикской литературы. – М.: Издательство восточной литературы, 1960. – 556 с. (О культурной политике Саманидов).

² Булгаков П.Г., Ромаскевич А.А., Эфендиев О.А. Государство Хорезмшахов-ануштегинидов. 1097-1231. – М.: Наука, 1986. – 250 с.

³ Мирзаев Т., Каримов А. Медресе Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2015. – 176 с.

⁴ Гафуров Б.Г. Таджики: Древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972. – 664 с. (О развитии науки и образования в регионе).

механизмы ислама для создания мощных очагов науки, которые обслуживали как духовные, так и государственные нужды.

Заключение

Проведенный анализ позволяет утверждать, что средневековое государство и право не просто влияли, а конституировали систему обучения детей, определяя ее иерархичность, содержание и конечные цели. Как показывает исследование европейского и центральноазиатского материала, модели этого влияния могли различаться: от дуалистической системы регулирования в Европе до более синкретичной, государственно-ориентированной модели в странах Востока. Общим оставался основополагающий принцип: образование было инструментом реализации стратегических задач – спасения души и воспроизводства сословного порядка в Европе, укрепления власти и процветания государства на мусульманском Востоке. Правовые принципы детально регламентировали педагогический процесс, а господствующие педагогические идеалы служили идеологическим обоснованием этой системы.

Таким образом, изучение средневековых подходов к обучению позволяет сделать вывод о том, что образование в эту эпоху было мощным инструментом социальной стабилизации, культурной трансляции и государственного строительства. Несмотря на свой часто ограниченный и сословный характер, оно смогло сохранить и передать ключевые интеллектуальные традиции, заложив институциональные основы (университет, цех, медресе) для последующего развития мировой науки и образования.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ле Гофф Ж. Интеллектуалы в средние века. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2003. – 160 с.
2. Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Искусство, 1984. – 350 с.
3. История педагогики и образования. От зарождения воспитания в первобытном обществе до конца XX в.: Учебное пособие / Под ред. А.И. Пискунова. – М.: ТЦ «Сфера», 2001. – 512 с.

4. Безрогов В.Г. Традиции ученичества и институт школы в древних цивилизациях. – М.: Памятники исторической мысли, 2008. – 467 с.
5. Суворов Н.С. Средневековые университеты. – М.: Книжный дом «Либроком», 2012.
6. Краснова И.А. Деловые люди Флоренции XIV–XV вв.: Четыре сотни лет назад. – Ставрополь: Изд-во СГУ, 2006. – 397 с. (Раздел о цеховом ученичестве).
7. Кардини Ф. Истоки средневекового рыцарства. – М.: Прогресс, 1987. – 384 с.
8. Капитулярий Карла Великого «De litteris colendis» (789 г.) // Средневековая латинская литература IV–IX вв. / Пер. и комм. М.Л. Гаспарова. – М.: Наука, 1970. – С. 224–226
9. Дюби Ж. Европа в средние века. – Смоленск: Полиграмма, 1994. – 316 с.
10. Мишель Пастуро. Повседневная жизнь Франции и Англии во времена рыцарей Круглого стола. – М.: Молодая гвардия, 2001. – 240 с
11. Саксонское зеркало. Памятник, комментарии, исследования / Отв. ред. В.М. Корецкий. – М.: Наука, 1985. – 272 с.
12. Петрушевский Д.М. Очерки из истории средневекового общества и государства. – 5-е изд. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 232 с.
13. The Early Oxford Schools (Volume I of The History of the University of Oxford) / Ed. by J.I. Catto. – Oxford: Clarendon Press, 1984. – 720 p.
14. Бойцов М.А., Шукуров Р.М. История средних веков: Учебник для вузов. В 2-х тт. Том 1. – М.: Издательство Московского университета, 1990. – 320 с.
15. Августин Блаженный. Исповедь / Пер. с лат. М.Е. Сергеенко. – М.: Гендальф, 1992. – 488 с.
16. Столяров А.А. Схоластика: что это такое? // Культура и искусство средневекового города. – М.: Наука, 1984. – С. 18–38.
17. Эко У. Искусство и красота в средневековой эстетике. – СПб.: Алетейя, 2003. – 256 с.
18. Хильдегарда Бингенская. Книга божественных деяний / Пер. с лат., вступ. ст., коммент. Н.Б. Гаврюшина. – СПб.: Издательство Ивана Лимбаха, 2021. – 512 с.
19. Баткин Л.М. Итальянское Возрождение в поисках индивидуальности. – М.: Наука, 1989. – 272 с.
20. Блок М. Феодалное общество. – М.: Издательство им. Сабашниковых, 2003. – 504 с.
21. История Узбекистана. В 3-х тт. Т. 2: III – начало XVI в. / Отв. ред. А.А. Аскарлов. – Ташкент: Фан, 1993. – 558 с
22. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т.1: История персидско-таджикской литературы. – М.: Издательство восточной литературы, 1960. – 556 с. (О культурной политике Саманидов).
23. Булгаков П.Г., Ромаскевич А.А., Эфендиев О.А. Государство Хорезмшахов-ануштегинидов. 1097-1231. – М.: Наука, 1986. – 250 с.
24. Мирзаев Т., Каримов А. Медресе Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2015. – 176 с.
25. Гафуров Б.Г. Таджики: Древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972. – 664 с. (О развитии науки и образования в регионе).

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта асрлар давлатчилиқ тарихидан то ҳозирги кунгача мавжуд бўлган прокуратура органларини генезиси таҳлил қилинади. Шу билан бирга, прокуратура органлари қачондан юртимизда кириб келган қандай фаолиятни амалга оширганлиги ўрганиланади. Тарихий маълумотлар ҳамда олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари асосида прокуратура институтини ривожланиш эволюция ёритиб берилади.

Калит сўзлар: прокуратура, мухтасиб, эволюция, раис, назорат, қонунчилиқ ижроси, адолат девони.

Аннотация: В данной статье анализируется генезис органов прокуратуры, существовавших с истории средневековой государственности до наших дней. В то же время будет изучено, какую деятельность осуществляли органы прокуратуры в нашей стране. На основе исторических данных и результатов научных исследований ученых освещается эволюция развития института прокуратуры.

Ключевые слова: прокуратура, мухтасиб, эволюция, председатель, надзор, исполнение законодательства, аппарат юстиции.

Annotation: This article analyzes the genesis of the prosecutor's office, which has existed since the history of medieval statehood to the present day. At the same time, it studies when the prosecutor's office entered our country and what activities it has carried out. Based on historical data and the results of scientific research by scientists, the development and evolution of the prosecutor's office are highlighted.

Keywords: prosecutor's office, accountant, evolution, chairman, control, legislative execution, justice department.

Ўзбекистон ҳудудида прокуратура институтини шаклланиши ва унинг фаолият доираси тарихи бевосита ўзбек давлатчилигининг шаклланишининг ҳар бир босқичида фаолият юритган деб айцак муболаға бўлмайди. Чунки ушбу даврларда мамлакатдаги қонун қоидаларни ижросини назорат қилиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда прокуратура институти муҳим аҳамият касб этади. Ушбу даврларда прокуратура институти мавжуд бўлмаган бўлсада, унинг фаолияти, вазифаларини амалга оширувчи турли хил лавозимлардаги мансабдор шахслар фаолият юритган. Шу сабабли биз ушбу институтни вужудга келиши тарихи, ривожланиш босқичлари ҳамда фаолият доирасини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Мусулмон ҳуқуқида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш институти азалдан мавжуд. Мусулмон (Ислом) маданиятида асрлар давомида олиму фузалоларнинг таҳлил предмети ҳисобланган бу функция, афсуски, ғарб маданиятида аниқ шаклланмаган ва тартибга солинмаган эди¹. Бу ерда, жумладан X асрдан XX аср бошларигача мусулмон давлатчилиги институтларидан бири ҳисобланган мухтасиб ёки ҳисба ҳақида сўз юритилмоқда².

Буюк аждодимиз Бурҳониддин Марғиноний ўзининг “Ҳидоя” асарида тарози ва ўлчов қонунчилиги билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштирувчи “Рибо ёки судхўрлик”³ масалаларига алоҳида тўхталади. “Ҳидоя”да унбуғдой эвазига сотилиши мумкин эмас, дейилган. Шундай қилиб, ўлчов ва тарози билан боғлиқ ишлар алоҳида мувофиқлаштирилганини тан олмай бўлмайди. Бу ҳақида Г.Р.Маликова мусулмон ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилиш,

¹ Кук М. Шестой столп ислама. Запрещение осуждаемого / Пер. с. англ. СПб. 2008 / Пер. С англ. СПб. 2008

² Мухтасиб-ҳасаба-ҳисоб сўзидан. Ҳасаба-махсус атама сифатида, муносиб мукофотга эга бўлишни билдириш учун қўлланилади. Ҳисба-от сифатида, “мукофот”, “тўлов” маъноларидан ташқари, шариат томонидан рухсат этилмаган ҳаракатларни таъқиқлаш маъносида ҳам ишлатилади. Диний нуқтаи назардан, ҳисба-Аллоҳ томонидан ҳисобга олинмаган ишни Аллоҳ ризолиги учун бажариш тушинилади. Қаранг. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в 7-15 веках. Л. 1966. С. 195.

³ Бурхануддин Маргинани. Хидоя.-М: Волтер Клувер. 2008. Б.635.

савдогарлар фаолияти устидан назорат институти сифатида вужудга келгани ҳақида хулоса қилиш мумкинлигини, бу соҳани муҳтасиблар мувофиқлаштирганлар¹ деб фикр юритади.

Ўрта асрлардаги ислом ҳуқуқи амал қилган давлатларда учта суд ва ярим суд институтлари пайдо бўлган: қози (суд ҳокимияти), мазалим (омбудсман), ҳисбаҳ ёки ихтисаб. Ҳисбаҳ ёки ихтисаб биринчи навбатда шариат кўрсатмаларининг амалда бажарилишини, хусусан, яхшиликка даъват (даъват ила ал-хайр) ва амри маъруфни ва ёмонликдан қайтармоқни ўзида мужассам этган (амр би ал-маъруф ва наҳий ан ал-мункар)². Ҳисбаҳни амалга оширувчи шахс муҳтасиб деб аталиб, ўз функцияларига кўра бугунги прокуратурага анча яқин институт сифатида кўрилади. Р.Буклей ушбу назорат институти исломга қадар ҳам Арабистон яриморолида мавжуд бўлган³ деб ҳисоблайди. Шариатга мувофиқ, Мовароуннаҳр подшоҳлари давлат арбоблари лавозимларидан ташқари, олиму фузалолар ва саййидларнинг тўрт лавозимларини ҳам жорий этганлар. Бу тўртликни: қози, муфтий, муҳтасиб ва муаллимлар ташкил этган⁴.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзининг “Тузуқлари”да, садрлар (вақф этилган ерлар ва вақф этилган бошқа мулкларнинг ҳисоб китобини олиб борувчи мансабдор шахс) фаолиятига оид тавсиялар берар экан, ҳар бир ўлка ва шаҳарда садр томонидан тайинланадиган муҳтасиблар фаолиятига тўхталиб ўтади⁵. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, Темурийлар даврида муҳтасиблар олий адлия суди мақомига тенглаштирилган⁶.

Таъкидлаш лозимки, кўпгина мусулмон давлатларида муҳтасиблик лавозими қозилар ихтиёрида бўлиб, номзодларни бу лавозимга улар ўз хоҳишлари бўйича тайинлаганлар. Кейинчалик султонлик мансаби

¹ Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 14.

² Akhtar S. The Institution of Hisbah and Demand for its Revival // Policy Perspectives. 2009. Vol. 6, №1. P. 101. URL: <http://www.jstor.org/stable/42909227>

³ Buckley R. P. The Muhtasib // Arabica. 1992. Vol. 39, №1. P. 59–117. URL: <http://www.jstor.org/stable/4057074>

⁴ Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей в средневековой Бухаре. М: 1948. С.140.

⁵ Темур тузуқлари. (Уложения Тимура). Т: Шодлик нашриёти. 2019. Б.76.

⁶ Х.Ш.Арслонов. Проблемы казейских судов досоветского и советского Таджикистана. Автореф. Кандидата историч.наук. Душанбе.2018. С.13.

(вазифаси) халифаликдан ажратилганидан сўнг, мухтасиб лавозими ҳукмдор тасарруфига олиниб, алоҳида бошқарувга ўтди¹. Бинобарин, улар бевосита давлат раҳбари томонидан тайинланиб, ижро ҳокимияти ваколатларига эга бўлдилар. Мухтасиблар, апелляция (шикоят) инстанцияси ҳисобланиб, Қозил-куззот (Бош қози) билан паралел равишда иш юритганлар².

Вақтлар ўтиб, мухтасиблар зиммасига жамоатчилик тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш, шунингдек, халқ маънавиятини назорат қилиш ва диний меъёрларга оид мажбуриятларнинг қатъий ижросини таъминлаш каби вазифалар ҳам юклатилди³.

Мухтасиблар жамоатчилик ҳуқуқларга оид, даъвогари бўлмаган барча масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этган. Таъкидлаш керакки, мухтасибларнинг маъмурий ва суд доирасидаги ваколатлари муҳим аҳамият касб этган. Мухтасиб айб эълон қилган, иш қўзғатган ва ишни қозилик судига оширган. Шунингдек, шахсий айблов бўйича ҳам иш қўзғатишга ҳақли бўлган⁴.

Темурийлар ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги (1405-1447) даврида “Ҳиротда дин томонидан ман этилган кўнгилхушликлар қатъий таъкиб қилинар эди. Шаҳарнинг икки мухтасибига жуда кенг ваколатлар берилган эди, шахсий хонадонлар ичида бўлаётган ишларга мухтасибнинг аралашмаслиги ҳақидаги қоидага ҳам амал қилинмас эди, Ҳирот мухтасиблари зодгонларнинг ҳам уйларига бемалол кириб борардилар, шароб топсалар тўкиб ташлар эдилар”⁵.

Мухтасиблар белгилайдиган жазолар айбдорнинг қилмишига яраша фарқ қилиб, “аҳлоқ тузатиш”⁶ таъзир категориясига тегишли бўлган. Уларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин, яъни :

-огоҳлантириш ва танбеҳ бериш;

-“дарра” (қамчи ёки новда) билан жисмоний жазолаш;

¹ Бухарский мухтасиб в начале XX века. / googleweblight.com

² Абу Юсуф Йақуб Ибраҳим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (мусулманское налогообложение) Санкт Петербург. 2001. Б.29.

³ Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркистане. Петроград. 1916. Б.55.

⁴ Петрушевский И.П. Танлаган асарлар. С.196.

⁵ Бартольд В.В. Сочинения. 2 том. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. М.: Наука. 1964.

⁶ Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 20.

-ташхур ёки шаҳар кўчалари бўйлаб эшакка тескари миндириб ўтиш:

-жарима

Уларни қўллаш учун мухтасибнинг шу одам ёки гуруҳ томонидан ислом қонунларининг бузилганлиги ҳақида аниқ далил-исботга эга бўлиши зарур бўлган¹. Мухтасиблар ўз ваколатларини нафақат тинч аҳоли орасида, балки кўшинлар орасида ҳам амалга оширганлар².

Юртимизда мўғуллар истилосидан сўнг мухтасибларнинг мавқеи бироз пасайди. Зеро, улар ўзларининг “Ясо” қонунларини бош қомусга айлантирганлар ва бунинг оқибатида “Ясо” қонунлари ва шариат ўртасида зиддиятлар вужудга келган. Шариат амалларини бажарган мусулмонларга нисбатан шафқациз сиёсат олиб борган чингизийлар даврида ясовул ёки “Ясо амири” бўлган амалдор чиқарилган ҳукм ва қарорлар ҳамда Чингизхон ясоқларининг бажарилишини назорат қилган. Шунингдек, ясовул кўчманчиларда суд ишларига ҳам бошчилик қилган. Мухтасиблар эса шариат қонунлари амал қилган ҳудудлардагина фаолият олиб борганлар. Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасига келгач, мухтасибликнинг мавқеи тўла тикланган ва унинг вафотидан кейин ҳам бутун темурийлар даврида амалдаги қонун-қоидалар устидан назорат вазифаларини мухтасиблар шараф билан адо этишган. Бундан ташқари, Темурийлар давлатида махсус тарзда ташкил этилган “Адолат девони” ҳам фаолият олиб борган бўлиб, у асосан давлатга қарши жиноятлар, бошқариш тартиби ҳамда мансабдорларнинг қонунга нечоғлик риоя этаётганлигини назорат қилиб бросган. Айнан, ана шу “Адолат девони”ни бугунги Янги Ўзбекистоннинг прокуратура тизимига қиёслаш мумкин³.

Туркистон ҳудудида хонликлар, яъни, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида бошқарув бир-биридан жиддий фарқ қилмагани сабабли, уларнинг ҳар учаласида ҳам шариат қонунлари ижроси устидан назорат

¹ Буриев И.Б. Танланган асарлар. Б.155.

² Исламский энциклопедический словарь. Москва. Ансар.2007.

³ Алижонов М. Б. Прокуратура тизими шаклланишининг тарихий илдизлари // Scienceproblems.uz. Ижтимоий – гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. № 5 (44). 2024. – Б. 382.

мухтасиблар томонидан амалга оширилган. Бу даврда “мухтасиб” атамаси ўрнига “раис” тушунчаси қўлланила бошланди. Аммо хонликларда муайян даражада аҳолининг ҳуқуқий ҳимоясига хизмат қилган амалдорлар ҳам бўлган¹.

М.Махбубов XIX асрда, яъни, Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишидан аввал – Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари каби давлатларда прокуратура ва шунга ўхшаш органлар умуман мавжуд бўлмаган ва мусулмон ҳуқуқи прокурор назорати каби институт ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслиги борасида хулосага келган².

Бундай фикрларга қарши чиққан О.Мадалиев мухтасиблик институти ва прокуратура ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқлик мавжудлигини ҳамда уларнинг муайян ваколатлари ўхшашлигини қайд этади³.

Россия империяси Марказий Осиёга кириб келиши билан ушбу ҳудудда ўз бошқарув ва суд-адлия органлари тизимини ҳам жорий этди. У вақтда расман империя таркибига кирувчи Туркистонда 1867 йилдан бошлаб прокуратура институти пайдо бўлгани айтилади. Бироқ, бу учун алоҳида прокуратура органлари тузилмайди, генерал-губернаторнинг ўзи ушбу функцияларни бажариб туради⁴.

Совет даврида Ўзбекистон ҳудудида прокуратуранинг шаклланиши. Ҳокимиятга Советлар келгач, 1917-йил 12-декабрда бутун Россия империяси судлов органлари, шу жумладан прокуратура тизимини тугатиш ҳақида декрет қабул қилди. Г.Маликованинг ёзишича, “Туркистонда прокуратура органлари фаолияти фалаж бўлиб қолади, одил судлов тўхтаб, жиноятчилик авж олади”⁵. 1917-йил 31-декабрда Туркистон Халқ комиссарлари совети

¹ Қонун ҳимоясига ҳаёт бахшида... Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади. – Тошкент: “Тамадун” нашриёти, 2022. – Б. 15.

² Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1993. – С. 4.

³ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 69

⁴ Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане: дис. ... д-ра юрид. наук. – Ташкент, 1993. – С. 15.

⁵ Маликова Г.Р. Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: суровые годы революционной законности (1917–1924) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2021. Т. 17, № 2. – С. 25–40.

буйруғи билан судларга уларни қайта ташкил этгунга қадар фаолият кўрсатиб туришга кўрсатма берилади. 1918-йил 19-ноябрда “Туркистон Республикаси халқ судларига сайловлар бўйича йўриқнома”га кўра, прокурор назорати бекор қилинади, унинг ўрнига айбловчилар коллегияси ташкил этилади.

Шундан сўнг, 1922 йил 9 майда Туркистон Республикаси Совнаркоми ва Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги Низом тасдиқланган¹. 1922 йилнинг июн ойида Туркистон АССРда прокуратура ҳам марказда, ҳам жойларда ташкил этилган².

У.Абдуолимов қайд этишича, олимларнинг илмий ишлари ва прокуратура тарихига доир бошқа манбаларни ўрганган ҳолда, Ўзбекистонда прокуратура институтининг шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичларини 5 та даврга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келинди. Мазкур даврлар:

биринчи, Чор Россияси мустамлакасида “октябр инқилоби” гача бўлган давр (1868-1917 йиллар оралиғи);

иккинчи, прокуратура қайтадан ташкил этилиб, фаолият кўрсатган 1917-1924- йиллар оралиғидаги давр;

учинчи, прокуратура фаолиятининг 1924-йилдан 1992-йилнинг январ ойига қадар даври;

тўртинчи, прокуратура фаолиятининг 1992-йил январ ойидан 2016-йилгача бўлган давр;

бешинчи, прокуратура фаолиятининг 2016-йилдан бошланиб, ҳозирга қадар давом этаётган энг янги давр.

А.Маҳмудов эса прокуратура органлари ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратади:

¹ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Умумий қисм. – Т.: Илм Зиё, 2012. - Б. 63-64

² Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Т.: Институт философии и права им. И.Муминова, 1993. – 47 с.

Мустақил Ўзбекистонда прокуратура органлари ҳуқуқий асосларининг шаклланиши даври (1991–2000-йиллар);

Давлат органлари тизимида прокуратура органларининг роли ва ўрнини мустаҳкамлаш даври (2001–2015-йиллар);

Прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш даври (2016-йилдан кейинги давр).

Хулоса. Юқоридаги илмий манбаларни ҳамда олимларни тадқиқот ишини таҳлил қилиб Ўзбекистон ҳудудида прокуратура органларини вужудга келиш даврини ВИИ асрдан яъни юртимиз ҳудудига ислом дини кириб келган даврдан деб олсак муболаға бўлмайди. Бироқ айрим олимларимиз давлатчилик тарихимизда прокуратура органлари Авесто давридан фаолият юритган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, ўрта асрлар давлатчилик тарихида прокуратура деб ном олган институт ёки ташкилот мавжуд бўлмаган бўласада унинг вазифаларини мухтасиблар амалга оширган. Ислом дини кириб келган даврдан то Чингизхон босқини даврича мухтасибларда кенг ваколат мавжуд бўлган. Лекин, Чингизхон ҳукмронлиги даврида мухтасибларни фаолият доираси анча қисқарди. Бироқ, Темурий ҳукмронлиги даврига ушбу мансабдор шахсларга яна кенг ваколатлар берилди. Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлиги даврида ҳам мухтасиб лавозими мавжуд бўлмасада унинг вазифаларини раис деб ном олувчи мансабдор шахс фаолият юритган. Умуман олганда Чор Россияси босқини ҳамда ундан кейинги совет ҳокимияти даврида ҳам прокуратура органлари фаолияти юритган. Мустақиллик давридан то ҳозирги кунгача фаолият юритмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Кук М. Шестой столп ислама. Запрещение осуждаемого / Пер. с. англ. СПб. 2008 / Пер. С англ. СПб. 2008

2. Мухтасиб-ҳасаба-ҳисоб сўзидан. Ҳасаба-махсус атама сифатида, муносиб мукофотга эга бўлишни билдириш учун қўлланилади. Ҳисба-от сифатида, “мукофот”, “тўлов” маъноларидан ташқари, шариат томонидан

рухсат этилмаган ҳаракатларни таъқиқлаш маъносида ҳам ишлатилади. Диний нуқтаи назардан, ҳисба-Аллоҳ томонидан ҳисобга олинадиган ишни Аллоҳ ризолиги учун бажариш тушинилади. Қаранг. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в 7-15 веках. Л. 1966. С. 195.

3.Бурхануддин Маргинани. Хидоя.-М: Волтер Клувер. 2008. Б.635.

4.Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 14.

5.Акхтар С. Тхе Институтион оф Нисбах анд Деманд фор иц Ревивал // Полисй Перспестивес. 2009. Вол. 6, №1. П. 101. УРЛ: [хтп://www.жстор.орг/стабле/42909227](http://www.жстор.орг/стабле/42909227)

6.Бусклеј Р. П. Тхе Муфтасиб // Арабиса. 1992. Вол. 39, №1. П. 59–117. УРЛ: [хтп://www.жстор.орг/стабле/4057074](http://www.жстор.орг/стабле/4057074)

7.Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей в средневековой Бухаре. М: 1948. С.140.

8.Темур тузиклари. (Уложения Тимура). Т: Шодлик нашриёти. 2019. Б.76.

9.Х.Ш.Арслонов. Проблемы казейских судов досевецкого и совецкого Таджикистана. Автореф. Кандидата историч.наук. Душанбе.2018. С.13.

10.Бухарский мухтасиб в начале XX века. / гооглевеблигхт.ком

11.Абу Юсуф Йакуб Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (мусульманское налогообложение) Санкт Петербург. 2001. Б.29.

12.Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркистане. Петроград. 1916. Б.55.

13.Петрушевский И.П. Танлаган асарлар. С.196.

14.Бартольд В.В. Сочинения. 2 том. Работы по отдельным проблемам истори Средней Азии. М.: Наука. 1964. Б.120.

15.Буриев И.Б. Танланган асарлар. Б.155.

16.Исламский энциклопедический словарь. Москва. Ансар.2007.

17.Алижонов М. Б. Прокуратура тизими шаклланишининг тарихий илдизлари // Ссиенсепроблемс.уз. Ижтимоий – гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. № 5 (44). 2024. – Б. 382.

18.Қонун ҳимоясига ҳаёт баҳшида... Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланади. – Тошкент: “Тамаддун” нашриёти, 2022. – Б. 15.

19.Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1993. – С. 4.

Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 69

20.Маликова Г.Р. Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: суровые годы революционной законности (1917–1924) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2021. Т. 17, № 2. –

С. 25–40.

21.Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Умумий қисм. – Т.: Илм Зиё, 2012. -Б. 63-64

ЎРТА АСРЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ДОИР ҚАРАШЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада ўрта асрларда фуқаролик жамиятини қуришда инсон ҳуқуқлари масалаларига қанчалик эътибор қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларга хос бўлган белгилар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлганлиги бир қанча ўрта аср олимлари ижоди мисолида кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Ўрта асрларнинг юксак намоёндалари Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби шоир ва олимларнинг ижод маҳсулларида инсон ҳуқуқларига доир қарашлар баён этилган ва бу даврда ҳам фуқаролик жамиятига, хусусан ННТларга хос бўлган баъзи вазифалар бирма-бир қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Ўрта аср уйғониш даври, фозил одамлар, садақа улашиш, эҳсон қилиш, вақф ажратиш, закот бериш, жавонмард, сиёсий оқим, ижтимоий фаоллик.

Аннотация. В статье представлена информация о том, в какой степени вопросам прав человека уделялось внимание при построении гражданского общества в Средние века. Кроме того, на примере работ ряда средневековых учёных рассматривается и анализируется тот факт, что в Средние века существовали особенности неправительственных некоммерческих организаций как одного из важных институтов гражданского общества.

Взгляды на права человека изложены в трудах таких выдающихся деятелей Средних веков, как Абу Наср аль-Фараби, Ибн Сина, Аль-Бируни, Юсуф Хос Хаджиб, Низамульмулк, а некоторые задачи, присущие

гражданскому обществу, в частности НПО, в этот период, анализируются в сравнительно-правовом аспекте.

Ключевые слова: Средневековое Возрождение, добродетельные люди, раздача милостыни, пожертвование, выделение пожертвований, выплата закята, молодёжь, политическое движение, общественный активизм.

Annotation. This article provides information on the extent to which human rights issues were paid attention to in the construction of civil society in the Middle Ages. In addition, the fact that the characteristics of non-governmental non-profit organizations, as one of the important institutions of civil society, existed in the Middle Ages is examined and analyzed using the example of the work of several medieval scholars.

The views on human rights are expressed in the works of such prominent figures of the Middle Ages as Abu Nasr Al-Farabi, Ibn Sina, Al-Biruni, Yusuf Khos Hajib, Nizamulmulk, and some of the tasks inherent in civil society, in particular NGOs, during this period are analyzed in a comparative and legal manner.

Keywords: Medieval Renaissance, virtuous people, sharing alms, donating, allocating an endowment, giving zakat, youth, political movement, social activism.

Фуқаролик жамиятининг ўзига ҳос аҳамияти шуки, унинг институтлари жамият ҳаётидаги барча жараёнларга, фуқароларнинг аксарият қисми манфаатдор бўлган долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш бўйича қабул қилинган қарорларга тезкор, эркин ва холис муносабат билдира олади. Негаки, фуқаролик жамияти институтлари давлатдан мустақил бўлиб, давлатнинг ижтимоий ҳаётига асоссиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотдир. Улар давлат ҳокимияти органларидан алоҳида бўлсалар-да, Конституция ва қонунларга мувофиқ ҳаракат қилади ва адолат тамойилларининг устувор бўлишига ҳисса қўшади¹.

¹ Саидов А.Х. Конституция и гражданское общество – <https://pravacheloveka.uz/ru/news/m7488>

Бугунги фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлар атамасининг илдизлари узок тарихий даврларга бориб тақалсада, биз қуйида уларнинг ўрта асрларда қандай намоён бўлиши ҳақида атрофлича фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Тадқиқотчи Ш.Назаров айнан бундай ташкилотлар шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичларини чуқур таҳлил қилган. Унинг фикрига кўра, “жамоат ташкилотларининг ривожланиш генезисини таҳлил қиладиган бўлсак, инсонларнинг сиёсий, диний ёки касбий асосдаги жамоалари қадимги даврдаёқ пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Антик давлатларнинг сиёсий ҳаётида бугунги кундагидек сиёсий партиялар мавжуд бўлмаса-да, лекин эрамизгача ВИ-ВИИ асрларда аттика жамоасида махсус сиёсий гуруҳлар юзага келганлигини ҳамда улар аттика аристократиясининг манфаатларини ифодаловчи ўзига хос сиёсий институтлар сифатида фаолият юритганини кўришимиз мумкин”¹.

Фуқаролик жамиятини қуриш ғояси Марказий Осиёда уйғониш даври мутафаккирлари ижодида ҳам ўрганилган бўлиб, 2014 йилда Самарқандда “Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси замонавий цивилизацияда ўрни ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция ўтказилган. Бу Шарқ хусусан Марказий Осиё, ИХХИИ ва ХИВ-ХВ асрларда бўлган илмий ҳамжамият томонидан Буюк Шарқ уйғониши дея ном олган йирик илмий маданий уйғониш учун асос сифатида хизмат қилди. Дарҳақиқат, Марказий Осиё уйғониш даври ИХ-ХВ асрларда давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш, давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, ижтимоий масъулияти мезонларининг назарий жиҳатлари ҳақидаги ғоялар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк ва бошқалар ижодида кенг таҳлил қилинган².

¹ Ш.Назаров., “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалар)” мавзусидаги диссертацияси., Тошкент-2009., 14-бет.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 224.; Фараби А.Н. Социально-этический трактаты. –Алма-Ата, 1973; Ибн Сина(Ависенна). Избранные

Адолатли жамият барпо этиш, фуқаролик жамияти унсурларининг шаклланишига доир улкан илмий мерос қолдирган буюк мутафаккирлардан энг машҳури Абу Наср Форобийдир. Унинг фикрича, мукамал жамиятда ҳар бир табақа, яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашганлар. Фозиллар жамиятининг адолатли бўлишида ва табақалар ўртасидаги завофутларнинг сақланишида адолат ҳуқуқий категория вазифасини бажаради. Форобий орзу қилган фозил ва адолатли жамоанинг жоҳил жамоалардан фарқи шундаки, унда одамлар энг гўзал ва яхши мақсадларга ҳамда умумий манфаатларга эришиш пулида бир-бирларига яқиндан ёрдам берадилар¹. Кўриниб турибдики, Форобий фозил жамоа куриш учун инсонларнинг маънавий юксалиши, фуқаровий фазилатларга эга бўлиши талабларини илгари суради.

Қолаверса, Абу Наср ал-Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Давлат арбобининг афоризмлари” асарларида шарқона сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фикр тарихида ижтимоий тизим, сиёсат, давлат ва ҳукумат ҳақидаги қарашлар назарий асосланган.

Форобий мулоҳазаларига кўра ҳақиқий давлат уч нарса – фозил жамият (Форобийча шаҳар, жамоа), адолатли тузум ва одил раҳбар асосида ташкил топади ва бу давлатнинг идоирасида давлатнинг уччала асоси ўз ўрни ва вақти билан тенг иштирок этади. Ана шу уччаласининг ўзаро мувофиқлиги, мақсадга кўра бир йўналишдалиги ва вазифа жиҳатидан аниқ ва ҳақиқатга қаратилган хаттиҳаракати ҳақиқий давлатнинг юксак тараққиётини таъминлайди. Яъни, фикримизча, фозил жамият дейилганда фуқаролик жамияти назарда тутилмоқда. Негаки, фуқаролик жамияти давлатнинг энг муҳим бўлаги ҳисобланади.

философскийе произведения. – М., 1980; Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Тошкент: —Янги аср авлоди, 2017. – Б. 304; Беруний А.Р. Ҳиндистон // Асарлар. Т. II. Т.: Фав. 1965 70-. 125, 161-бетлар.; Минералогия: собране сведений для позна пия драгосенностей. - М., 1963. Б. 104

¹ Қирғизбойев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 20-бет.

Янада аниқроқ таҳлил қилинганда, “Фозил одамлар шаҳри” асарида Фозил жамиятга хос яна бир хусусият инсон ҳаётида илоҳий ва инсоний яхшиликларнинг умумлашган шаклининг амал қилишидир. “Илоҳий яхшиликлар инсоний яхшиликларга таъсир ўтказади. Агар илоҳий эзгуликлар ўзлаштирилса, у ҳолда инсоний яхшиликлар ҳам ўзлаштирилади, фақат инсонийлари ўзлаштирилганда эса илоҳийларини бой бериб қўйиш мумкин. Инсоний эзгуликлар, яъни хайрли нарсаларга куч, гўзаллик, бойлик, билим ва бошқалар киради”¹. Фозил жамиятда Форобий қарашларига кўра илоҳий эзгуликлар инсоний эзгуликларга йўл очади. Ушбу қарашга мисол учун хайр-садақа улашиш, эҳсон қилиш, вақф ажратиш, закот бериш каби тарихий илоҳий урф-одатлар ривожланиб, аста-секин жамият фаровонлиги учун хизмат қилувчи ҳаракатларга айланганлигини айтиш мумкин.

Абу Наср Фаробий фикрича адолатли жамият қуриш учун уни мудофаа қилиш ва оқилона бошқариш усулини билиш, одамларга ёвузликдан сақланиш эзгуликка интилиш йўлларини кўрсатиш лозим, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маданий қадриятларни тизимлаштиради.

Яна шуни таъкидлаш муҳимки, Форобий инсоннинг ўзини “сиёсий мавжудот” сифатидаги ўрнига қуйидаги таърифни берган эди: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос “инсонийлик”дир. Шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”. Форобий X асрнинг бошларидаёқ адолатли фуқаролик жамиятининг содда ва оддий модели лойиҳасини қуйидагича таърифлаган: “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баббаробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига

¹ 19.Аль Фараби Абу Наср Мухаммед. Историко-философские трактаты / Пер. с араб. -Алма-Ата: Наука, 1985.

халақит берувчи султон (яъни, подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”¹. Кўришиб турибдики, мутафаккир илгари сурган “маданий жамият”нинг асосий белгиси фуқаролик жамиятининг энг асосий унсурларидан бири – инсон эркинлиги бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фуқаролик жамияти унсурлари шаклланишига муҳим ҳисса қўшган машҳур Шарқ мутафаккирларидан яна бири Абу Райҳон Берунийдир. Унинг назариясига кўра, фозил жамиятда яшовчи комил инсон, ўз ор-номусини олган ва кадр-қимматини сақлаган, олийжаноб, мурувватлидир. “Олийжаноб одам ўзининг жони ва ўзининг мулкидан бошқа ҳеч нарсага эгалик қилмайди, қонунан ўзига тегишли мулкни бошқаради. Агар бундай одам бошқаларнинг оғир ишини ўз елкасига олиб, улар учун ўзи машаққат тортиб, Оллоҳ унга инъом этган нарсаларини муҳтож одамларга берса, ундай одам жавонмард (фатиёт) деб аталади. Жавонмард ўзининг олийжаноблиги ва хайр-саховати билан машҳур бўлган одам. Айни вақтда жавонмард ўзининг хушмуомалалиги, меҳр-шафқати, сабот-матонати, сабр-токати, обр-иззати билан ҳам ном чиқарган одамдир”².

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” асарларида адолатли жамият ва унинг амал қилиши асосларини шакллантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, жамиятнинг пайдо бўлишига одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бирга яшашга эҳтиёжи ва интилишлари сабаб бўлади. Адолатли жамиятни куриш ахлоқий қадриятларга таяниши ва ривожлантирилиши лозим. Давлат раҳбарининг асосий вазифаси аҳолининг турли қатламлари, кучлилар ва кучсизлар ўртасидаги сиёсий ва ҳуқуқий адолат мезонларини ўрнатишдадир. Бунга унинг фикрича идеал ижтимоий тузилмани куриш орқали эришилади.

Шунингдек, Беруний адолатли жамиятни барпо этиш учун комил инсонни шакллантиришга муҳим аҳамият беради. Фозил жамиятни куришга

¹ Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: А.Қодирий нашриёти. 1993, 190-б.

² Беруний А.Р. Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей. — М., 1963. 14-бет.

тўсиқ бўлиб турган иллатларни йўқотиш учун уларнинг илдизини қуритиш кераклигини таъкидлаган. Ёвузликдан қутилиш учун инсон икки табиий куч – ҳирс ва ғазаб устидан ҳукмронлик қилиши керак. Булар инсон учун энг кучли ва хавфли душманлардир. Мана шу очкўзлик ва ғазаб устидан ақл ва тафаккур кучлари ғалаба қозониши керак. Шундагина инсон шайтоний нафсдан қутилиб, Аллоҳга яқинлашади; бу оламнинг ташвишларидан халос бўлиб, маънавий юксалишга интилади. Аммо инсон бу иллатлардан қутилиши учун уларни келтириб чиқарган сабаблар, яъни бошқалардан устунликка интилиш, шон-шуҳратта хирс қўйиш каби иллатларини тарк этмоғи керак. Абу Райҳон Берунийнинг эътироф этишича, фуқаровий жамиятнинг инсонийлик даражаси кишилар кундалик эҳтиёжларининг қанчалик қондирилиши билан белгиланади¹. Жамиятда фуқароларнинг фаровонлигини таъминловчи энг муҳим омил ижтимоий адолат қоидаларига амал қилишдир.

Абу Али ибн Синонинг фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. усусан, Ибн Сино “иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий хусусиятларга кўра тенгликсизлик инсон ижтимоий фаоллиги сабаби ҳисобланади” деб таъкидлайди. Идеал давлат қуриш эса жамият аҳолисининг маънавий-ахлоқий равнақи билан боғлиқ. Унинг фикрича, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг юксак кадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятда адолат ва барқарорликни ҳам таъминлайди. Бу даврда Шарқда ижтимоий адолат, маърифат ва тенглик нафақат назарий меъёр, балки амалий ҳаёт меъёри, ижтимоий- сиёсий муаммолар ечимини топиш ва жамоа бўлиб яшашнинг асоси сифатида тушунилган, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маърифат йўли танланган бўлса, Европа ижтимоий-сиёсий тафаккурида эса насронийларнинг диний догматикаси ҳукмронлик қилиб, диний ва дунёвий манфаатлар ўртасида кураш ривож олган.

¹ Беруний А.Р. Ҳиндистон // Асарлар. Т. П. Т.: Фав. 1965 70-. 125, 161-бетлар.; Минералогия: собрание сведений для позна пия драгосенностей. - М., 1963. 104-бет.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий-ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга эътибор қаратган. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш ўқуви билан ҳам сийлайди”¹ деб таъкидлаган.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукаммал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг “Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак”² деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига қатъан эътибор берганлигидан далолатдир. Ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратларга ғарб турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ, меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат,

¹ Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг.-Т.: Фан, 1971, 329-б.

² Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Адолат, 1997. 98-бет.

инсоф, иймон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний, сиёсий оқимлар пайдо бўлади. Улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши қўйилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Низомулмулк, Юсуф Хос Ҳожиб каби мутафаккирларнинг фозил жамият қуришга бағишланган илмий тадқиқотларини батафсия ўрганиш, уларнинг натижалари ва хулосаларини ҳозирги даврдаги кучли жамият қуриш ислоҳотларига нисбатан татбиқ этилишига муҳим аҳамият бериш фуқаролик жамиятининг ўзига хос миллийлик асосида ривожланишини белгилаб беради.

Ўрта асрлар даврида инсон ҳуқуқларига доир қарашлар замонавий фуқаролик жамияти тушунчасидан анча фарқ қилган бўлса-да, айнан шу даврда инсон эркинлиги, шаъни ва ҳуқуқлари ҳақида дастлабки ғоявий асослар шакллана бошлади. Юқорида санаб ўтилган мутафаккирлар асарларида инсон шаъни, эркинлиги, адолат, тенглик ва ахлоқий жамият ғоялари ўрта асрлар шароитида инсон ҳуқуқлари тушунчасининг шаклланишига замин яратди. Уларнинг қарашлари бугунги фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчасига асос бўлиб хизмат қилган муҳим тарихий мерос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саидов А.Х. Конституция и гражданское общество – [хтпс://правачеловека.уз/ру/news/m7488](https://pravacheloveka.uz/ru/news/m7488)
2. Ш.Назаров., “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалар)” мавзусидаги диссертатсияси., Тошкент-2009., 14-бет.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 224.; Фараби А.Н. Сосиално-этическийе трактаты. –Алма-Ата, 1973; Ибн Сина(Ависенна). Избранныйе философскийе произведения. – М., 1980; Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Тошкент: —Янги аср авлоди, 2017. – Б. 304; Беруний А.Р. Ҳиндистон // Асарлар. Т. II. Т.: Фав. 1965 70-. 125, 161-

бетлар.; Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей. - М., 1963. Б. 104

4. Қирғизбойев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 20-бет.

5. 19.Аль Фараби Абу Наср Мухаммед. Историко-философские трактаты / Пер. с араб. -Алма-Ата: Наука, 1985.

6. Абу Носир Форобий.Фозил одамлар шаҳри.-Т.: А.Қодирий нашриёти. 1993, 190-б.

7. Беруний А.Р. Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей. — М., 1963. 14-бет.

8. Беруний А.Р. Ҳиндистон // Асарлар. Т. П. Т.: Фав. 1965 70-. 125, 161-бетлар.; Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей. - М., 1963. 104-бет.

9. Юсуф Хос Хожиб Қутадғу билиг.-Т.: Фан, 1971, 329-б.

10. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Адолат,1997. 98-бет.

Ю. РАҲМАТОВА

Ўзбекистон Республикаси ФА

Давлат ва ҳуқуқ институти

таълим докторанти

АҚШ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Анотация: Мазкур мақолада Америка Қўшма Штатлари Конституциясининг яратилиш жараёни ва унинг фалсафий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади. Асосчилардан бўлган Александр Гамильтон, Жеймс Медисон ва Томас Жефферсоннинг давлат ҳокимияти, федерализм, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув механизмларига оид қарашлари қиёсий ёндашув асосида ёритилади. Тадқиқотда Конституцион конвенсия муҳокамалари, “Гамильтон режаси” ва “Виржиния режаси”нинг мазмуни, шунингдек, ҳокимиятлар бўлиниши ва тийиб туриш ҳамда мувозанат тамойилларининг шаклланиши таҳлил қилинади. Муаллиф АҚШ Конституциясининг заиф конфедератсиядан мустаҳкам федератсияга ўтишдаги ўрни, унинг замонавий конституционизм ва демократик бошқарув ривожига кўрсатган таъсирини асослаб беради. Тадқиқот натижалари АҚШ конституциявий тажрибасининг назарий ва амалий аҳамиятини очиқ беришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: АҚШ Конституцияси, Асосчилар, Александр Гамильтон, Жеймс Медисон, Томас Жефферсон, федерализм, ҳокимиятлар бўлиниши, тийиб туриш ва мувозанат, Федералист мақолалари, Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл.

АҚШ Конституцияси инсоният тарихидаги энг мустаҳкам ва энг узок йиллик ҳуқуқий-сиёсий ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этилади. У нафақат ўз даврининг инқилобий янгилиги, балки ҳозирги замон кадриятлари ва давлат бошқаруви усулларига ҳам таъсирини ўтказиб келаётган манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу Конституция америка жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий пойдеворини шакллантириш баробарида, бутун дунёда конституционизм ва демократия тамойилларининг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Асосчилар — Томас Жефферсон, Александр Гамильтон ва Жеймс Медисон — мамлакатнинг янги конституцияси қандай бўлиши, унда қайси асосий ғоялар мустаҳкамланиши кераклиги ҳақида кўплаб баҳс ва мулоҳазалар юритдилар. Уларнинг узок давом этган фикр алмашувлари ва муҳокамалари натижасида, 1787-йилда мамлакат Конституцияси қабул қилинди. Шу тариқа, Асосчилар замонавий ҳуқуқий давлат пойдеворини яратдилар. Асосчилар Конституцияда **кучли марказлашган бошқарув** орқали штатлар ўртасида бирлик ва барқарорликка эришишни, **халқ суверенитети билан олий ҳокимият** ўртасида мувозанат яратилишини ҳамда **табiiй ҳуқуқларнинг** мустаҳкам кафолатланишини мақсад қилганлар. Уларнинг ҳар бири Конституцияда ўзига хос ғояларни илгари суриб, умумий тамойилларни турлича йўсинда асослаб берган.

1787-йил бошланган Конституцион конвенсияда “Фақат икки палатали қонун чиқарувчи органнинг зарурлиги баҳссиз тан олинган. Бир палатали парламент ʻасосчиларга ʻсоф демократияʻ, яъни бевосита демократия унсури бўлиб кўринган, буни эса уларнинг барчаси амалий жиҳатдан амалга ошириб бўлмайдиган ва исталмаган деб баҳолаган эдилар. Делегатларнинг мутлақ кўпчилиги Т.Жефферсоннинг “Виржиния штати тўғрисида

кайдлар”да конун чиқарувчи кўлида барча ҳокимиятни жамлаш хавфи борлиги тўғрисида билдирган машҳур мулоҳазалари билан сўзсиз рози бўлар эди. Бу хавфни бартараф этиш усулларида бири сифатида конун чиқарувчи органи икки палатага бўлиш деб ҳисобланган¹. Демак делегатларнинг барчаси конун чиқарувчи ҳокимиятни иккига бўлиш тарафдир бўлишган. Фақат уларнинг штатлара муносиб равишда тақсимланиши ва юқори ва қуйи палатанинг кимнинг манфаатларига хизмат қилиши масаласи баҳсли бўлган. М.Флимонов ўз тадқиқотларида шундай дейди: Делегатлар хусусан Жеймс Медисон қуйи палата халқ манфаатларига хизмат қилса, сенат аристократик ваколатларни ҳимоя қилиши керак деган фикрда бўлганини такидлашади. Аммо бу ерда “аристократия” атамаси анъанавий маънода — меросий элита сифатида эмас, балки кенгроқ сиёсий контекстда қўлланилганини таъкидлаш лозим. АҚШ шароитида Сенатнинг “аристократик” хусусияти шундан иборат эдики, у бевосита халқ оммасининг эмас, асосан мулкдор қатлам манфаатларини ифодаларди. Медисоннинг ўзи ҳам 7-моддада Сенатнинг асосий афзаллиги сифатида унинг фаолиятида барқарорлик, мувозанатлилик ва изчилликни кўрсатади; у демократик қарорларнинг тезкорлигидан кўра кўпроқ донолик ва мустаҳкамликни кафолатлайди, дейди. Шу билан бирга, юқори палата учун сайлов тартиби билвосита йўл билан амалга оширилгани боис, Сенат бир томондан сайловчиларнинг тўғридан-тўғри босимидан озод этилган, бошқа томондан эса халқ иродасининг бевосита ифодаси сифатида унинг ўрни нисбатан чекланган бўлиб қолган.²

Александр Гамильтон Конституцион анжуманда АҚШ учун кучли марказлашган федерал ҳукумат зарурлигини энг фаол ва радикал тарзда илгари сурган делегатлардан бири эди. У янги тузиладиган давлатнинг ҳукумат шаклини иложи борича мустаҳкам ва барқарор қилиш учун жуда радикал ва ҳатто баъзиларга «монархияни қайтариш хавфи мавжуд» деган

¹Флимонов М. Александр Гамильтон и создание Конституции США: диссертация. – Москва, 2004. – С. 215.

²Флимонов М. Александр Гамильтон и создание Конституции США: диссертация. – Москва, 2004. – С. 158.

хавотирларни туғдирган «Гамилтон режасини» илгари сурди¹. “Давлат, агар чинакам кучга эга бўлмаса, қонунларни амалга ошира олмайди, иқтисодий барқарорликни таъминлай олмайди ва ташқи хавфларга қарши тура олмайди. Заиф давлат тартибсизлик ва парчаланишга олиб келади. Фуқароларнинг эркинлиги ҳам кучсиз давлатда кафолатланмайди, аксинча, тартибсизлик ва ноаниқлик оқибатида хавф остида қолади”². Кўриниб турибдики, Гамилтон назарида конституция марказлашган ҳукуматни яратиши лозим ва бу орқали фуқаролар ўртасида хавсизлик ва барқарорликни таъминлаши керак эди. У мақолада ушбу фикрни қуйидагича асослаган: “Миллий ҳукумат мамлакатнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлиши керак. Бу ваколатлар чекланмаслиги ва фавқулодда вазиятларда ҳам самарали чоралар кўриш имконини бериши лозим. Миллат манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ҳукумат умуман ҳукумат эмас”³. Гамилтон фикрича, давлатнинг марказий ҳокимияти жуда заиф бўлиши миллий хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликка жиддий таҳдид солади. Гамилтон Конфедератсия давридаги иқтисодий заифлик, штатлараро савдо низолари ва заиф ҳарбий ҳолатларни кучсиз федерал ҳокимиятнинг оқибатлари деб ҳисоблаган. Шу сабабли, у федерал ҳукуматнинг айниқса солиқ йиғиш, савдо сиёсатини тартибга солиш, мудрофаа масалалари бўйича кенг ваколатларга эга бўлишини талаб қилган.

Гамилтон назарида, фақатгина иқтисодиётни самарали бошқариш учун эмас, балки давлатнинг сиёсий бирлигини сақлаш учун ҳам федерал ҳукумат марказлашган ва етарлича кучли бўлиши керак эди.

Аммо, Гамилтондан фарқли равишда Медисон федерал ҳокимиятнинг ваколатларини қатъий чегаралаш ва ҳокимиятни мувозанатлаштириш принципларига алоҳида эътибор қаратган. Медисон учун муаммо федерал ҳукуматнинг кучсизлигида эмас, балки унинг ваколатларининг аниқ

¹ Farrand M. The Records of the Federal Convention of 1787. – Vol. 1. – New Haven: Yale University Press, 1911. – P. 250.

² Hamilton A. The Federalist Papers, No. 23. – 1787.

³ Hamilton A. Hamilton’s Plan of Government. – 1787. Manba: Avalon Project, Yale Law School.

белгиланмаганлигида эди. У давлат ваколатларини аниқ чегаралаб, ҳар бир ҳокимият тармоғини бир-бирига боғлиқ қилиб, ҳокимиятлар бўлиниши ва мувозанат орқали ҳар қандай суиистеъмолнинг олдини олиш мумкинлигини такидлаган. Медисон федерализм ҳақида қуйидаги фикрни билдирган: “Федерал ҳукумат етарлича кучли бўлиши керак, лекин бу куч аниқ белгиланган ва қатъий чегараланган бўлиши шарт. Акс ҳолда, штатлар мустақиллиги йўқолади ва шахс эркинликлари хавф остида қолади. Давлат ҳукуматининг ваколатлари кўп бўлгани сари уларнинг суиистеъмол қилиниш эҳтимоли ҳам шунча ортади”¹.

Кўриниб турибдики, Медисон федерал ҳукумат ва штатлар ўртасидаги ваколатлар тақсимотиغا катта эътибор қаратиб, буни давлат барқарорлигининг кафолати деб ҳисоблаган. Федерал ҳукумат, унинг фикрича, миллий манфаатлар – мудофаа, савдо ва ташқи сиёсат билан шуғулланиши керак, аммо штатлар ўз ҳудудларидаги маҳаллий масалаларни мустақил ҳал қилиш имконига эга бўлишлари керак эди. Медисон ўзининг бу позисиясини яна қуйидаги фикрлари билан мустаҳкамлайди: “Миллий ҳукумат ваколатлари чекланган ва белгиланган, штатларнинг ваколатлари эса кенгроқ ва номаълум бўлиши керак. Давлат ҳаётининг кундалик масалалари, одамлар фаровонлигига таъсир қилувчи маҳаллий бошқарув, албатта, штат ҳукуматларига тегишли бўлиши керак”².

Иккала асосчи ҳам конституционал конвенсияда фаол қатнашди ва ўзларининг қарашлари ва янги тузиладиган давлатни қандай тассавур қилишларидан келиб чиққан ҳолда ўз режаларини тақдим қилишган.

Гамилтоннинг конституцион конвенсияга “Гамилтон режаси” деб номланган режани тақдим этган. Бу ҳокимиятларнинг қандай тақсимланиши ҳақида унинг фикр мулоҳазалари эди. Ҳокимиятлар бўлиниши ва уларга бериладиган ваколатлар ҳақидаги лойиҳасининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат эди: Президент ва сенаторлар умрбод лавозимда

¹ Madison J. The Federalist Papers, No. 45. 1787.

² Madison J. The Federalist Papers, No. 45. 1787.

қолиши кераклиги ҳақида таклиф. Гамилтон фикрича, давлат бошқарувининг доимийлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун Президент ва Сенат аъзолари бутун умр давомида хизмат қилиши керак эди. Бу орқали давлат бошқарувининг сиёсий ўзгарувчанликлардан холи бўлишига эришиш мумкин эди.

Режадаги яна бир таклиф бу Президентга мутлақ вето ҳуқуқи берилиши кераклиги ҳақидаги таклиф бўлган. Бу ваколат президентга қонунчилик ҳокимиятини жиловлаш учун мутлақ ваколат берар ва қонунчиликни назорат қилиш имкониятини кучайтирарди. Гамилтон президент ҳокимиятини кучайтириш орқали давлатда сиёсий барқарорликни ўрнатиш мумкин деб ҳисоблаган эди¹.

Гамилтон ўз режасида Федерал ҳукумат кучли иқтисодий ва сиёсий ваколатларга эга бўлиши зарур деб таъкидлаган. Хусусан, солиқ йиғиш, савдони тартибга солиш, давлат қарзларини тўлаш, ягона миллий валютани жорий қилиш каби ваколатларнинг марказий ҳукуматда жамланишини таклиф қилган.² Уш бу режа 11 та асосий тамойилдан иборат бўлган.

Биринчиси: “Қўшма Штатларнинг олий қонун чиқарувчи ҳокимияти икки палатали йиғинга берилади: бири “Ассамблея”, иккинчиси “Сенат” деб аталади. Иккаласи биргаликда Қўшма Штатлар қонун чиқарувчи органини ташкил қилади ва юқорида кўрсатилган чекловдан ташқари, барча масалаларда қонун чиқариш ваколатига эга бўлади”³. Гамилтоннинг қонун чиқарувчи палатани иккига ажратиш ғояси мазмунан Медисон ва Жефферсоннинг қарашларига ҳамоҳанг эди. Бироқ бу таклиф тўлиқ қабул қилинмай, муайян ўзгартириш билан Конституцияга киритилди: яъни палата “барча масалаларда” эмас, балки фақат аниқ белгиланган ваколатлар доирасида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.

Иккинчиси: “Ассамблея халқ томонидан сайланган шахслардан ташкил

¹ Hamilton A. Hamilton's Plan of Government. – 1787. Manba: Avalon Project, Yale Law School. https://avalon.law.yale.edu/18th_century/hamtexte.asp

² Farrand M. The Records of the Federal Convention of 1787. – New Haven: Yale University Press, 1911., P. 250.

³ Hamilton A. Hamilton's Plan of Government. – 1787. Manba: Avalon Project, Yale Law School. https://avalon.law.yale.edu/18th_century/hamtexte.asp

топади ва улар уч йил муддатга хизмат қилади”¹. Бу таклиф ҳам 3 йил эмас 2 йил этиб Конституция ўзгариш билан киритилган.

Учинчидан: “Сенат “яхши хулқ-атвор” муддати давомида хизмат қилиш учун сайланган шахслардан иборат бўлади; уларнинг сайлови халқ томонидан махсус сайловчилар орқали амалга оширилади. Сенатор вафот этганида, истеъфога чиққанида ёки лавозимидан четлатилганда, ўша округдан янги сенатор сайланади.” Гамилтоннинг ушбу таклифи ҳам ўзгартирилган. Сенаторлар умрбод эмас 6 йил муддатга ҳар бир штатадан 2 тадан сайланадиган бўлди. **Тўртинчидан:** “Қўшма Штатларнинг олий ижроия ҳокимияти губернатор қўлига берилади. У “яхши хулқ-атвор” муддати давомида хизмат қилади ва уни халқ томонидан сайловчилар орқали сайлашади. Унинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Қабул қилинаётган барча қонунларни бекор қилиш (вето) ҳукуқи;
- Уруш бошланганда ёки руҳсат берилганда, уни бошқариш;
- Сенат маслаҳати ва розилиги билан барча шартномаларни тузиш;
- Молия, уруш ва ташқи ишлар бўйича бўлим раҳбарларини тайинлаш ваколатига эга бўлиш;
- Сенат розилигига биноан барча бошқа амалдорларни (шу жумладан, элчиларни) тайинлаш;
- Қонунбузарлик учун кечириш ваколоти (хоинлик бундан мустасно, буни Сенат розилигисиз кечира олмайди)”².

Гамилтоннинг айнанана мана шу ижро ҳокимияти ҳақидаги таклифи катта эътирозларга сабаб бўлган. Унинг ушбу таклифи деярли рад этилган. Демак АҚШ конституцияси бўйича президент ваколоти умрбод эмас 4 йил муддатга белгиланди. Президентда вето ҳукуқи сақлаб қолинди лекин сенатнинг учдан икки қисмининг розилиги билан вето бекор қилиниши мумкин. Уруш ҳолатларида эса президент бош қўмондон бўлади лекин урушни Конгресс эълон қилади. Шартномаларни сенат розилиги билан тузиш қисми

¹ Shu joyda.

² Hamilton A. Hamilton’s Plan of Government. – 1787. Manba: Avalon Project, Yale Law School. https://avalon.law.yale.edu/18th_century/hamtexte.asp

Ўзгаришсиз қабул қилинган бўлса ҳам лекин барча тайинловлар сенат розилиги билан амалга оширилишига ўзгартирилган. **Бешинчидан:** “Губернатор вафот этганда, истеъфога чиққанда ёки лавозимидан четлатилганда, унинг ваколатларини Сенат Президенти янги губернатор тайинланмагунча бажаради”¹. Гамилтоннинг ушбу таклифи кичик ўзгариш билан қабул қилинган. Президент ваколатларини сенат эмас Витса президент бошқаради. Витса президент бир вақтнинг ўзида Сенат раиси ҳамдир. **Олтинчидан:** “Уруш эълон қилиш ваколати фақат Сенатга тегишли бўлади; шунингдек, у барча шартномаларни кўриб чиқиб, тасдиқлайди ва молия, уруш ва ташқи ишлар бўлимлари раҳбарлари бундан мустасно, бошқа барча амалдорларнинг тайинланишини қабул қилади ёки рад этади”². Бу таклифга ҳам ўзгартиришлар киритилган. **Еттинчидан:** Қўшма Штатларнинг олий суд ҳокимияти судьяларга берилади. Улар “яхши хулқ-атвор” муддати давомида хизмат қилади ва етарли ҳамда доимий маош оладилар. Бу суд барча қўлга олиш (саптуре) ишларида бирламчи юрисдиксияга эга бўлади, шунингдек, умумий ҳукумат даромадлари ёки хорижий давлат фуқаролари билан боғлиқ барча ишлар бўйича апелляция юрисдиксиясига ҳам эга бўлади. Гамилтоннинг бу таклиф тўлиқ қабул қилинган. Судьяларга умрбод лавозимида қолиш имконияти Конституцияга киритилган. Гамилтоннинг кейинг таклифлари ва юқоридаги ижро ҳокимиятига кенг ваколатлар бериш ёндашуви анжуманда жиддий қаршиликларга учраган. Айрим делегатлар, хусусан кичик штатлар вакиллари, «Гамилтон режаси» янги яратилаётган давлатни қайта монархияга айлантириши мумкин, деган хавотирларни билдиришди. Уларга кўра, айниқса умрбод президентлик лавозими, ҳукумат ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашуви ва президентнинг мутлақ вето ҳуқуқи Европадаги монархик бошқарув тизимларига қайтишга олиб келиши мумкин эди³.

¹ Shu joydan.

² Shu joydan.

³ Флимонов М. Александр Гамильтон и создание Конституции США: диссертация. – Москва, 2004. – С. 158.

Гамилтон режаси қаттиқ танқидга учраган бир шароитда Жеймс Медисон ўзининг пухта ишлаб чиқилган лойиҳаси – «**Виргиния режаси**» билан майдонга чиқган.

Виржиния режасида ҳокимиятлар бўлиниши “Гамилтон режаси”дан кўра мувозанатлироқ эди. Медисоннинг фикрига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали бўлиши керак эди. Бу парламентнинг биринчи палатаси халқ томонидан, иккинчи палатаси эса штат қонун чиқарувчи органлари томонидан сайланиши керак деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, вакиллар сонини штатлар аҳолисининг сонига қараб белгилаш орқали, Медисон демократик тенглик тамойилини амалга ошириш тарафдори эканлигини кўрсатган¹.

Лойиҳанинг яна бир муҳим қисми Медисоннинг ижро ҳокимияти ҳақидаги қарашлари бўлган. “Мана бу тўқнашаётган манфаатларни маърифатли давлат арбоблари мувозанатлай олади, деб айтиш беҳуда; маърифатли арбоблар ҳар доим ҳам кеманинг бошида (бошқарув тепасида) бўлавермайди”².

Демак, Медисоннинг назарида сиёсат майдонида манфаатлар тўқнашуви доимий ҳодисадир. Бу зиддиятларни “маърифатли ва ҳалол арбоблар” адолат билан мувозанатлаб туради, деган умидга суяниш бефойда, чунки бундай арбоблар ҳар доим ҳам ҳокимият тепасида бўлавермайди, бўлганда ҳам инсон табиати ва сиёсий босимлар уларни хатодан ҳимоя қилмайди. Шу боис адолат ва барқарорликни шахсий фазилатларга эмас, балки тизимнинг ўзига таяниши зарур. Медисон таъкидлаганидек, кенг ҳудудли республика кўплаб ва тарқоқ фракцияларни ўз ичига олади, вакиллик механизми халқ қарашларини “тозалаб-кенгайтирувчи филтр” вазифасини бажаради, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва тормоз-мувозанат тамойиллари ҳамда федерализм ва мунтазам сайловлар фракциялар зарарини чеклайди.

¹ Georgy S. Madison's Metronome: The Constitution and the Tempo of American Politics: Dissertation. – Washington, D.C., 2010. – P. 118.

² Madison J. The Federalist Papers, No. 10. – P. 125.

Натижада, “донишманд арбоб” бўлмаган шароитда ҳам, ушбу конституциявий механизмлар тузумни адолат ва барқарорлик йўлида ушлаб туришга хизмат қилади.

Медисон айниқса, солиқ йиғиш, савдони тартибга солиш, умумдавлат миқёсида мудофаани ташкил қилиш каби ваколатларни марказий ҳукуматга бериш зарурлигини илгари сурган¹. Бу билан у Конфедератсия моддалари давридаги марказий ҳокимиятнинг иқтисодий ва сиёсий заифлигини бартараф қилишни мақсад қилган эди.

Бироқ, ушбу лойиҳа барча делегатлар томонидан бир овоздан қабул қилинган эмас. Буни Конституцион Конвенсия қайдларидаги битиклардан англаш мумкин. Ҳужжатда ёзилишича кичик штатлар бу режага қарши кескин танқидлар билан чиқиб, вакилликнинг аҳолига мутаносиб тақсимланиши кичик штатларни сиёсий жиҳатдан заифлаштириб, катта штатларнинг ҳокимиятини орттириб юборишини таъкидладилар².

Гарчи Гамильтон ва Медисон федерал ҳукуматни мустаҳкамлаш тарафдори бўлсалар ҳам, улар орасидаги асосий фарқ ҳокимият чегараларини белгилашда намоён бўлади. Гамильтон федерал ҳукуматнинг кучи бўлишини кўллаб-қувватлаган бўлса, Медисон штатлар мустақиллигини сақлаб қолиш орқали мувозанатли федерализм яратишни ёқлаган

Конституцион конвенсияда Жефферсон иштирок этолмаган бўлса ҳам (бу пайтда у Францияда элчилик вазифасини бажараётганди) У ўзининг Медисон билан бўлган ёзишмалари орқали конституция матнига жиддий тасир қилган. Масалан, Жефферсон шундай ёзган: “Ҳуқуқлар билли — ер юзидаги ҳар қандай ҳукуматга, у умумий бўладими ёки маҳаллийми, халқнинг ҳаққидир; одил ҳукумат бундай ҳуқуқни на рад этиши, на уни гўёки ўз-ўзидан тушунарли (бўзидан-ўзи англашиладиъ) деб қолдириши мумкин”³. Жефферсон конституцияга инсоннинг шахсий ҳуқуқлари кафолати

¹ J. Madison. “Notes of Debates in the Federal Convention of 1787” 1787y.

² Farrand M. The Records of the Federal Convention of 1787. – New Haven: Yale University Press, 1911., P. 250.

³ J. Thomas to James Madison, 20 December 1787y. https://founders.archives.gov/documents/Madison/01-10-02-0210?utm_source=

киритилмаганини қаттиқ таниқд қилган. Агар бу ҳуқуқлар қонун доирасида қафолатланмаса ҳамма буни турлича талқин қилиши мумкинлигидан огоҳлатирган. Жефферсон фикрича конституция матнидаги яна бир катта камчилик бу ижро ҳокимиятида қайта қайта сайланишга рухсат берилганидир. У шундай дейди: “Иккинчи жиҳат — ва мен буни жуда ёқтирмайман — лавозимларда (айниқса Президентда) ротатсия заруратининг ҳар бир ҳолатда тарқ этилганидир. Тажриба ҳам, ақл ҳам шуни кўрсатадики, агар Конституция рухсат этса, биринчи амалдор доимо қайта сайланаверади. Шунда у амалда умрбоқий амалдорга айланади¹.

Жефферсон учун Конституциянинг бош йўналиши — халқ розилигига таянган, Ҳуқуқлар билли билан табиий эркинликларни очик қафолатлайдиган, давлат ваколатини зарар етказишни тўхтатиш доирасида сақлайдиган ва тенг ҳуқуқлар ҳамда журий каби протседуралар орқали ҳокимиятни ўз конституцион принтсипларига боғлаб қўядиган тузумдир². Жефферсон янги конституция сайлов тизимини шакиллантириш кераклиги ҳақида ҳам Медисонга ўз мулоҳазаларини билдирган. “...жамият ичидан мавжуд бўлган энг пок ва энг олийжаноб сиймоларни энг ишончли тарзда ъажратиб оладиганъ сайлов жараёнини барпо этиш конституция учун жуда муҳимдир”³

Жефферсоннинг бу фикри Медисонни ҳам илҳомлантирган. Медисоннинг фикрича, парламент кучли бўлса ҳам, унинг қарорларини халқнинг ўзи қабул қилган конституция чеклаб туриши керак. Яъни, халқнинг кундалик назорати (сайловлар орқали) билан бир қаторда, халқнинг асосий розилиги билан яратилган конституция ҳам бўлиши лозим. Шунда конституция икки нарсани қафолатлайди: Табиий ҳуқуқларни ва ҳокимиятни чеклашни – давлат ҳаддан ташқари кучли бўлиб кетмаслиги учун уни тўхтатиб туради.

¹ T.Jefferson. Letter to J.Madison.. 1787y. 20-dekabr. https://founders.archives.gov/documents/Madison/01-10-02-0210?utm_source=

² D.Klinkman. “The Jeffersonian Moment: Feudalism and Reform in Virginia, 1774-1786” Dissertatsiya. 2013y. p.93

³ J. Madison Letter to Thomas Jefferson (October 24, 1787)’, p.209

Демак, Медисон фикрича шахсий ҳуқуқлар ва чекланган ҳукумат бир-бирисиз яшай олмайди: ҳуқуқлар ҳукуматни чеклайди, ҳукуматнинг чекланганлиги эса ҳуқуқларни сақлайди. Мадисоннинг “еркинлик” тушунчаси ҳам айнан шунга асосланган: Эркинлик — бу давлат аралашмаган ҳолат, яъни одам ўз ҳаётини эркин давом эттира олиши. Бундай эркинлик фақат ваколати чекланган ҳукумат бўлса, амалга ошади. Гамильтон ҳам улар каби конституция аввало халққа хизмат қилиши кераклигини таъкидлаган. “Конституция оддий қонунлардан устун бўлиши керак; халқ иродаси эса уларнинг вакилларининг иродасидан устундир”¹

Америка Қўшма Штатлари Конституцияси мамлакат тарихидаги энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб, у АҚШни заиф конфедератсиядан мустақкам федератсияга айлантирди. Ушбу ҳужжат давлат бошқарувининг асосий тамойилларини белгилаб бериб, ҳукумат тузилмасини аниқ тартибга солган.

Конституция Преамбула ва еттита асосий моддадан иборат бўлиб, унда қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг ваколатлари аниқ белгиланган.

Преамбула – Конституциянинг кириш қисмидир. «Биз, Америка Қўшма Штатлари халқи, янада мукамал Иттифоқни барпо этиш, адолатни таъминлаш, ички осойишталикни сақлаш, умумий мудофаага кўмаклашиш, халқ фаровонлигини ошириш ва ўзимиз ҳамда авлодларимиз учун озодлик неъматини кафолатлаш мақсадида ушбу Конституцияни қабул қилиб, уни Америка Қўшма Штатлари учун ўрнатамиз.»² Деб ёзиб қўйилган. Кўриниб турибдики, унда ҳукуматнинг асосий мақсадлари эркинлик, адолат, тинчлик, умумий фаровонлик ва хавфсизликни таъминлаш қайд этилади. Унда ҳужжатнинг асосий мақсадлари баён этилган. Матинда адолатни қарор топтириш, ички барқарорликни сақлаш, умумий мудофаани таъминлаш ва халқ фаровонлигини ошириш каби тамойиллар илгари сурилган. Айлана

¹ Hamilton A. The Federalist Papers, No. 78.

² The Constitution of the United States of America. – Preamble.. constitution.pdf

мана шу прембуланинг ўзида конституциянинг бош мақсадини нималардан иборат эканлиги таъкидланган.

Конституциянинг **1-моддаси** – **Қонун чиқарувчи ҳокимият**, яъни Конгресс фаолиятини тартибга солади. Айнан ушбу модда Медисоннинг фикрлари асосида ёзилган. Медисон ҳокимиятлар бўлиниши доирасидаги муҳим унсур бу тармоқларнинг ўзаро назорати ва мувозанати деб ҳисоблаган. Жеймс Медисон *Федералист* 51-мақоласида «амбисия амбисияни жиловлаши керак» дея изоҳлар экан, ҳеч бир тармоқнинг мутлақо устун бўлиб кетмаслигини таъкидлайди. Масалан, Президент Конгресс қабул қилган қонунларни вето қилиш ҳуқуқига эга, Сенат эса судьялар номзодини тасдиқлайди, судлар эса конституцияга зид қонунларни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин¹. И модданинг 7-бўлимда ижро ва қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги мувозанатини таъминлаш учун Президентга **вето ҳуқуқи** берилади:

«Ҳар қандай қонун лойиҳаси Вакиллар палатаси ва Сенат томонидан қабул қилингандан кейин Президентга тақдим этилади. Агар у уни маъқулласа, имзо чекади; акс ҳолда, ўз эътирозлари билан уни Конгрессга қайтаради.»²

Бу Президентга Конгресс қабул қилган қонунларни рад этиш ваколатини беради, бироқ шу билан бирга, Конгресс Президент ветосини учдан икки овоз билан бекор қилиш имкониятига эга. Ҳужжат матнини И модда, 8-бўлимида Конгресснинг аниқ белгиланган ваколатларини масалан, солиқ олиш, пул босиш, савдони тартибга солиш, ҳарбий куч тузиш қабиларини санаб ўтади, Бу ваколатларнинг аниқ саналганлиги Медисон фикрича бошқаларига даъво қилинмаслигини аниқларди.

Конституциянинг III моддаси – Ижро ҳокимияти, яъни президент ваколатлари ҳақидадир. Президентнинг асосий вазифаларидан бири қонунларни ижро этиш ва мамлакат бошқарувини самарали амалга

¹ Marbury v. Madison, 5 U.S. (1 Cranch) 137 (1803).

² The Constitution of the United States of America, Article I, Section 7. constitution.pdf

оширишдир. Конституцияга мувофиқ, Президент Конгресс томонидан қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини таъминлайди ва ижро ҳоқимиятига оид асосий қарорларни қабул қилади.

Бундан ташқари, Президент қуролли кучларнинг бош қўмондони сифатида мамлакат мудофаасини бошқаради. II-модданинг 2-бўлимига кўра, Президент АҚШ армияси, денгиз флоти ва миллий гвардия устидан олий раҳбарлик ҳуқуқига эга. Бу ваколат Президентга ҳарбий стратегияларни белгилаш, фавқулодда ҳолатларда қўшинларни сафарбар қилиш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Дипломатик соҳада ҳам Президентга муҳим ваколатлар берилди. У халқаро шартномаларни тузиш ваколатига эга бўлсада, бу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга бўлиши учун Сенатнинг учдан икки қисми томонидан тасдиқланиши талаб қилинади. Бу эса ижро ва қонунчилик тармоқлари ўртасидаги мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Президент элчиларни тайинлаш, хорижий давлатлар билан музокаралар олиб бориш ва АҚШнинг халқаро майдондаги сиёсатини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек, Президент юқори лавозимли мансабдор шахсларни, жумладан, федерал судьяларни ва вазирлик раҳбарларини тайинлаш ҳуқуқига эга. Аммо, бу тайинловлар ҳам Сенат тасдиғидан ўтиши керак. Бу механизм Президент ваколатларини мутлақ бўлишининг олдини олиб, ҳоқимиятлар бўлиниши тамойилига мос равишда ижро ҳоқимияти фаолиятини назорат қилишга ёрдам беради.

Президентнинг яна бир муҳим ваколоти – Конгресс томонидан қабул қилинган қонунларни имзолаш ёки вето қилиш ҳуқуқидир. Агар Президент қонунни вето қилса, у кучга кирмайди, лекин Конгресс уни учдан икки овоз билан қабул қилиб, вето бекор қилиши мумкин. Бу тизим Президентнинг қонун чиқарувчи ҳоқимият устидан назоратини кучайтириш билан бирга, унинг ваколатларини ҳам чеклайди.

Гамильтон ва Медисон ижро ҳоқимиятининг кучли бўлиши тарафдори бўлишган. Гамильтон Президентга янада кенг ваколатлар бериш, жумладан,

уни умрбод лавозимда қолдириш ва мутлақ вето ҳуқуқига эга қилишни таклиф қилган эди. Гамилтон Федералистик мақолаларининг 70-сонида «Яхши бошқарув учун энергияга эга бўлган ягона ижро органи зарурдир. Бу энергия мамлакат хавфсизлигини, қонунларнинг самарали ижросини ва бошқарув барқарорлигини таъминлаш учун муҳим омилдир»,¹ деб ўз фикрини баён қилган. Шу ўринда Гамилтон ва Медисон ўртасидаги баҳслар ҳам диққатга сазовор. Гамилтон кучли ижро ҳокимиятини ҳимоя қилиб, Президентга тўлиқ вето ҳуқуқи беришни таклиф этган эди. Унга кўра, ҳукуматнинг барқарорлиги ва самарадорлиги айнан шундай мустаҳкам ижро ҳокимиятига таяниши керак эди. Медисон эса бу фикрга эҳтиёткорлик билан ёндашди: у ижро ҳокимиятининг аҳамиятини инкор этмаган бўлса-да, чекланмаган ваколат охир-оқибат авторитаризмга олиб бориши мумкинлигидан огоҳлантирди. У “ижро ҳокимиятининг самарадорлиги муҳим, бироқ у аниқ чегаралар билан белгиланиши ва қонунчилик назорати остида бўлиши лозим” деб таъкидлади. Натижада, Конституцияда муросали ечим топилди: Президент вето ҳуқуқига эга бўлди, аммо Конгресс уни учдан икки қисм овоз билан бекор қила олиш ваколатини олди. Шу тариқа ижро ва қонунчилик ўртасида кучлар мувозанати яратилган бўлиб, бу тизим нафақат Асосчиларнинг сиёсий донолигини, балки уларнинг ҳокимиятни суиистеъмол қилиш хавфини олдини олишга бўлган интилишини ҳам яққол намоён этган.

АҚШ Конституциясининг тарихий аҳамияти шундаки, у Асосчиларнинг (Александр Гамилтон, Жеймс Медисон ва Томас Жефферсон) турлича қарашлари асосида шаклланган мувозанатли тузилма асосида яратилган. Бизнинг фикримизча, Конституциянинг энг катта ютуғи шундаки, унда уч асосий йўналиш — кучли ижро ҳокимияти, ҳокимиятларнинг аниқ чегараланиши ва тийиб туриш ва мувозанат тамойиллари, шунингдек, табиий ҳуқуқларнинг кафолати муросага келтирилган. Натижада ижро ҳокимияти кучли, аммо назорат остида шакллантирилди, федерал ва штатлар ўртасидаги

¹ Hamilton A. The Federalist Papers, No. 70.

ваколатлар тақсимланди, ҳамда кейинчалик “Ҳуқуқлар тўғрисида Билл” қабул қилиниши орқали шахсий эркинликлар мустаҳкамланди.

Асосчиларнинг ҳар бири ўз қарашларида маълум маънода ҳақ эди ва тарих турли босқичларда уларнинг позитсияларини тасдиқлаб борди. Гамильтон илгари сурганидек, миллий манфаатларни самарали ҳимоя қилиш учун Президент етарли даражада қудратли бўлиши зарурлиги кейинчалик халқаро сиёсатда яққол намоён бўлди. Жефферсоннинг президентлик муддатига доир хавотирлари ҳам бежиз эмас эди: охир-оқибат, кетма-кет икки мартадан ортиқ сайланишни тақиқловчи чеклов конституциявий меъёр сифатида мустаҳкамланди. Медисоннинг ҳокимиятларни ўринли мувозанатлаштирган тамойили мамлакат ҳаётидаги кейинг даврларда ҳам унинг бир томонга оғиб кетишини олдини олиб турди ва келажак авлодга ўз даври учун энг яхши конституциялардан бирини тақдим этди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Флимонов М. Александр Гамильтон и создание Конституции США: диссертация. – Москва, 2004. – 215 с.
2. Farrand M. The Records of the Federal Convention of 1787. – Vol. 1. – New Haven: Yale University Press, 1911.
3. Hamilton A. The Federalist Papers, No. 23. – 1787.
4. Hamilton A. The Federalist Papers, No. 70. – 1788.
5. Hamilton A. The Federalist Papers, No. 78. – 1788.
6. Hamilton A. Hamilton’s Plan of Government. – 1787.
Manba: Avalon Project, Yale Law School.
7. Madison J. The Federalist Papers, No. 10. – 1787.
8. Madison J. The Federalist Papers, No. 45. – 1788.
9. Madison J. Notes of Debates in the Federal Convention of 1787.
10. Georgy S. Madison’s Metronome: The Constitution and the Tempo of American Politics: Dissertation. – Washington, D.C., 2010.
11. Jefferson T. Letter to James Madison, 20 December 1787.
Manba: Founders Online, National Archives.
12. Madison J. Letter to Thomas Jefferson, October 24, 1787.
13. Klinkman D. The Jeffersonian Moment: Feudalism and Reform in Virginia, 1774–1786: Dissertation. – 2013.
14. The Constitution of the United States of America. – Preamble.
15. The Constitution of the United States of America, Article I, Section 7.
16. Marbury v. Madison, 5 U.S. (1 Cranch) 137 (1803).

ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тизимида инсон ҳуқуқларининг шаклланиши, уларнинг тарихий ривожланиши ва давлат бошқаруви ҳамда ҳуқуқий тафаккурдаги ўрни таҳлил қилинади. Тадқиқотда Амир Темур даври, Шарқ ва Ғарб ҳуқуқий мероси ҳамда инсон ҳуқуқларининг универсал хусусияти кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари, ўрта асрлар ҳуқуқи, Амир Темур, ҳуқуқий мерос, тарихий тафаккур

Аннотация: В статье анализируется формирование прав человека в системе государства и права Средних веков, их историческое развитие и роль в управлении государством и правовой мысли. Рассматриваются эпоха Амир Темура, правовое наследие Востока и Запада, а также универсальный характер прав человека.

Ключевые слова: Права человека, право Средних веков, Амир Темур, правовое наследие, историческая мысль

Abstract: The article analyzes the formation of human rights in the state and legal system of the Middle Ages, their historical development, and their role in governance and legal thought. The study examines the era of Amir Temur, the legal heritage of the East and West, and the universal nature of human rights.

Keywords: Human rights, Middle Ages law, Amir Temur, legal heritage, historical thought

“Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш – барча ислохотларимизнинг мгно-мазмунини ташкил қилмоқда”.¹

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи жамият ва давлат тараққиётининг барча тарихий босқичларида долзарб аҳамият касб этган. Гарчи инсон ҳуқуқлари тушунчаси замонавий ҳуқуқий категория сифатида янги даврда шаклланган бўлса-да, унинг назарий илдизлари ва айрим амалий кўринишлари ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тизимида ҳам мавжуд бўлган. Ўша даврда адолат, инсон кадр-қиммати, қонунга итоат қилиш ҳамда жамият барқарорлигини таъминлаш каби ғоялар давлат бошқаруви ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутган.

Ўрта асрлар жамиятларида ижтимоий иерархия ва табақавий чекловлар устувор бўлганига қарамасдан, ҳуқуқий тафаккурда инсонни муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби сифатида эътироф этишга қаратилган қарашлар шакллана борган. Айниқса, Шарқ давлатчилигида адолатли бошқарув, аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш, меҳнат қилиш ва мулкка эга бўлиш каби масалаларга оид қоидалар ҳуқуқий манбаларда ўз ифодасини топган. Бу эса ўрта асрлар ҳуқуқий меросида инсон ҳуқуқлари ғояларининг муайян даражада мавжуд бўлганини кўрсатади.

Мазкур мақолада ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тизимида инсон ҳуқуқлари ғояларининг шаклланиши, уларнинг ҳуқуқий тафаккурда тутган ўрни ҳамда тарихий аҳамияти таҳлил қилинади. Шунингдек, ўрта асрлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш орқали инсон ҳуқуқларининг универсал хусусияти ва унинг кейинги давр ҳуқуқий ривожига кўрсатган таъсири очиқ берилади.

Профессор А.Х.Саидовнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари –бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин туттади.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o‘ttiz to‘rt yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>

Давлатнинг демократик ёки нодемократик эканлигини унда инсон ҳуқуқларига қанчалик амал қилаётганлигидан билиб олиш мумкин.

Машҳур рус олими, академик, В.С. Нерсисянт таъкидлаганидек: “Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти узоқ ва ибратли тарихга эга. Жаҳон сивилизатсиянинг ҳозирги даврдаги даражаси ва хусусияти билан боғлиқ янгилиги ва ўзига ҳослигига қарамасдан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани замонавий қўйиш – инсониятнинг аввалги бой тажрибасига, энг аввало, одамларнинг ижтимоий ва давлат турмушини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллариغا, уларнинг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш воситасига таянади”.¹

Ҳуқуқ тарихида одамларнинг турли гуруҳлари: қуллар, туб, озчиликни ташкил қилувчи аҳоли, чет эл фуқаролари, инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилиши жабрдийдалари, уришаётган томонларнинг жангчилари ва ҳоказоларни ҳимоя қилиши керак бўлган турли доктриналар ва институтлар пайдо бўлган.

Ҳуқуққа оид ана шу жихатларнинг назарияси ва амалиётда қўлланилиши ҳозирги давр инсон ҳуқуқлари ҳуқуқининг ривожланиши учун институционал асос яратди. Бундан ташқари, ушбу институтлар ва доктриналарнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқлари ҳозирги давр ҳуқуқи билан бирга амал қилиши давом этмоқда ёхуд унинг ажралмас қисмини ташкил этади. Ушбу ҳуқуқнинг ўтмишдошлари муайян соҳаларда унга жуда кучли таъсир кўрсатди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси ўрта асрларда шаклланган бўлиб, бугун рақамли технологиялар даврида янги шакл ва воситалар орқали такомиллашмоқда. Бирок бу унинг предмети - инсон ҳуқуқларининг ғоялари ва тамойиллари янгилигини англамайди. Яшаш ҳуқуқи, шунингдек, оила қуриш, мулкка эга бўлиш ва ҳоказолар каби фундаментал инсон ҳуқуқлари ҳуқуқнинг ўзи каби жуда қадимий эканлиги муболаға бўлмайди. Шунингдек,

¹ Общая теория права и государства. М., "Инфра М. – Норма", 1999-2002 гг., 34,5 п.л.

бу инсон ҳуқуқлари универсаллигидан далолат беради: улар у ёки бу даражада барча тарихий даврларда ҳамма халқлар ва элатларга хос бўлган.¹

Ўрта асрларда жамиятларда қатъий иерархия ва табақавий биқиқлик бўлганида инсон ҳуқуқлари ғоялари қоида бўйича аниқ ҳуқуқий амалиётнинг хусусияти билан деярли боғлиқ бўлмаганидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлганлигига анчайин танқидий муносабатда бўлиш учун асос бўлади.

Масалан, Сенегал ҳуқуқшуноси К.Мбаенинг фикрича, “қадимги даврларда инсон ҳуқуқлари тизими “излари”ни кашф этишга даъволарда бу айнан “излар” эканлиги ва бошқа ҳеч нарса эмаслигини ёдда тутиш лозим”². Бу масалад венгриялик академик И.Сабо янада қатъий фикр билдирган: “Инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлишини таъминлайдиган асосий шартлар – бевосита эркинлик ва тенглик ғоялари билан таниш бўлмаганларни инсон ҳуқуқлари келиб чиқишини ижтимоий тизимларга бориб тақашга уринишлар кўпол хато бўлар эди”³ деб ҳисоблайди.

Инсон ҳуқуқлари умумбашарий аҳамиятга молик масала эканлигини асослашга доир ҳужжатлар дастлаб АҚШ Мустақиллик Декларацияси (1776-йил) ва Франция Инсон ва фуқаролик Ҳуқуқлари Декларацияси (1789-йил)да ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу декларацияларда инсоннинг эркин фикр юритиши, виждон эркинлиги, ихтиёрий равишда тинч йиғилишларда, уюшмаларда, давлат ишларида иштирок этиши ва шахсга нисбатан зўрлик қилиш, тазйиқлар ўтказилишини ман этиш каби ҳуқуқлар дунёда биринчи марта давлат сиёсати даражасида ошкора эълон қилинди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган. Биринчи босқич – 1789-йилги инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига

¹ Саидов А.Х. Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: “Адолат”, 2018. – 240 б.

² Mbaye K. Introduction / Human Rights and Rights of Peoples / International Law: Achievements and prospects / Ed. By M.Bedjaoui. UNESCO, 1992, P. 1043.

³ Szabo I. Historical Foundations of Human Rights // The international Dimensions of Human Rights. UNESCO, 1982, P. 12.

кадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда алоҳида эътибор қуйидаги муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган:

- шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- шахс дахлсизлиги;
- хусусий мулк ҳуқуқи;
- сайлов ҳуқуқи турли сезнлар билан чекланган бўлсада.

Иккинчи босқичи – XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда сотсиал йўналиш демократия таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган. Франция ва Шветсиядаги сотсиал қонунчилик, 1920-йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946-йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

Учинчи босқич – XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда инсон ҳуқуқларининг «янги авлоди» тўғрисидаги қонунчилик ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

- тинч яшаш ҳуқуқи;
- соф ва тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
- ахборот олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизимишаклланди.

Ўрта асрларда бутун дунёда бўлгани сингари Шарқ оламида ҳам инсон ҳуқуқлари турли йўллар билан топтаб келинган. Ўша даврларда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари сингари, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳуқуқлари ҳам ҳукмрон сиёсий кучлар томонидан чеклаб қўйилган. Бундай ҳолатларга қарши норозиликлар шафқатсизларча бостирилган. Кишилар яшаш, меҳнат қилиш ва дам олиш каби оддий

инсоний ҳуқуқлардан ҳам тўла эркинлик асосида фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар. Инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланмаган, унинг ҳақҳуқуқлари поймол этилиши оддий бир ҳол бўлган. Аҳоли кенг қатламларининг ночор ҳаёти ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиш ва уни ҳимоя қилиш учун кураш олиб бориш имконини бермаган.¹

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва уларга берилган ҳуқуқларидан фойдаланишда Соҳибқирон Амир Темур амалга оширган ишлар диққатга сазовордир. Соҳибқироннинг бутун ҳаёти ва кураши инсонни кадрлаш, унинг яхши ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш билан чамбарчас боғлиқдир. Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да мамлакат фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишнинг зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган. Инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи асарда қуйидагича таърифлаб берилади: «Агар касб-у ҳунар ва маърифат аҳилларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касби-кориға қараб иш тутсинлар»².

Амир Темур инсоннинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини қадрлаган ва ҳимоя қилган улуғ зотлардан биридир. У марказлашган қудратли мамлакатни бошқарар экан, ўз амир-у бекларидан, давлат хизматчиларидан фуқароларнинг ҳолидан хабар олиб туришни, уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қаттиқ талаб қилган.

Буюк алломалар Форобий, Ибн Сино, Берунийлар ҳам инсон ҳуқуқлари масаласини четлаб ўтмаганлар. Сомонийлар даврида амалда бўлган тартиб-қоидалар, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий тузуми бу мутафаккирларнинг дунёқарошига кучли таъсир кўрсатган. Улар ўз асарларида бу даврга баҳо бериш билан бирга қимматли ғояларни илгари сурганлар, инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида ҳам ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар.

¹ Inson huquqlari: o'quv qo'llanma/ O. A. Tadjibayeva, N.K.Ramazonova. – Toshkent: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti, 2010 – 136 b.

² «Temur tuzuklari». –Т.; G'.G'ulom nomidagi nashriyot, 1991, 67-bet.

Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида одамларнинг маълум бир касб-ҳунар билан шуғулланиши, улар ҳар қандай таъқиб ва чеклашлардан холи бўлиши, эркин ва озод яшаши ҳақида ёзади.

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак мас'улиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг умум э'тироф этган қоидаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини тўминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжихатликни қафолатлаш каби олижаноб мақсадларни қўзлайди. Инсон ҳуқуқларини тўминлаш ва ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси жамият ва давлат тараққиётининг барча босқичларида, жумладан, ўрта асрлар даврида ҳам муҳим ўрин тутган. Гарчи ўша даврда инсон ҳуқуқлари замонавий мўнода тўлиқ ҳуқуқий қафолатланмаган бўлса-да, адолат, инсон кадр-қиммати, меҳнат қилиш, мулкка эга бўлиш каби фундаментал ғоялар ҳуқуқий тафаккур ва давлат бошқаруви амалиётида муайян даражада намоён бўлган. Бу ҳолат инсон ҳуқуқларининг универсал ва тарихий узвий хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида шаклланган тарихий доктриналар ва институтлар кейинги даврларда, айниқса XVIII–XX асрларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ва халқаро қонунчилик тизимининг шаклланишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда эса мазкур ғоялар рақамли технологиялар жадал ривожланаётган шароитда янги мазмун ва шакл касб этмоқда. Ахборот олиш ҳуқуқи, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари инсон ҳуқуқларини тўминлашнинг замонавий механизмларига айланмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни давлат сиёсатининг устувор ўналиши сифатида белгилаш, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг қабул қилиниши, тарихий ҳуқуқий мерос ва халқаро стандартлар уйғунлигини тўминлашга қаратилган изчил ислохотларнинг амалий ифодасидир. Демак, ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқига хос инсонпарвар ғояларни замонавий рақамли технологиялар имкониятлари билан уйғунлаштириш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
<https://president.uz/uz/lists/view/8440>
2. Общая теория права и государства. М., "Инфра М. – Норма", 1999-2002 гг., 34,5 п.л.
3. Саидов А.Х. Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: "Адолат", 2018. – 240 б.
4. Mbaye K. Introduction / Human Rights and Rights of Peoples / International Law: Achievements and prospects / Ed. By M.Bedjaoui. UNESCO, 1992, P. 1043.
5. Szabo I. Historical Foundations of Human Rights // The international Dimensions of Human Rights. UNESCO, 1982, P. 12.
6. Inson huquqlari: o'quv qo'llanma/ O. A. Tadjibayeva, N.K.Ramazonova. – Toshkent: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti, 2010 – 136b.
7. «Temur tuzuklari». –Т.; G'.G'ulom nomidagi nashriyot, 1991, 67-bet.

ЎРТА АСР ОДАТ ҲУҚУҚИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТЕРГОВ АМАЛИЁТИГА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация: Мақолада ўрта асрлардаги одат ҳуқуқига асосланган дастлабки тергов амалиёти ва унинг замонавий жиноят-процессуал тизимдаги роли таҳлил қилинган. Ўрта асрларда тергов мустақил институт сифатида шаклланмаган, айблов ва суд ваколатлари бир шахс ёки органда тўпланган, инсон ҳуқуқлари деярли ҳимоя қилинмаган. Замонавий дастлабки тергов эса мустақил, қонунийлик, адолатли судлов ва айбсизлик презумпциясига асосланган институционал механизм сифатида амал қилади. Мақола қиёсий таҳлил орқали дастлабки тергов институтининг тарихи, ҳуқуқий эволюцияси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жиҳатларини очиб беради, шу билан замонавий жиноят-процессуал институтнинг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатади.

Калитли сўзлар: дастлабки тергов, ўрта асрлар ҳуқуқи, одат ҳуқуқи, жиноят-процессуал институт, инсон ҳуқуқлари, айбсизлик презумпцияси, қонунийлик, адолатли судлов.

Аннотация: Статья посвящена анализу института первоначального расследования в средневековом обычном праве и его влиянию на современную уголовно-процессуальную систему. Средневековое расследование не имело самостоятельного институционального статуса, функции обвинения и суда были сосредоточены в одном органе, права личности практически не защищались. Современное предварительное расследование является независимым институтом, основанным на принципах законности, справедливого судопроизводства и презумпции невиновности. Статья демонстрирует историческую эволюцию института расследования,

раскрывает его правовую сущность и современное значение для защиты прав человека.

Ключевые слова: следствие, средневековое право, обычное право, уголовно-процессуальный институт, права человека, презумпция невиновности, законность, справедливое судопроизводство.

Annotation: This article examines the institution of preliminary investigation in medieval customary law and its impact on the modern criminal procedure system. In the Middle Ages, investigations lacked institutional independence, with investigative and judicial powers concentrated in a single authority and minimal protection of individual rights. Contemporary preliminary investigation functions as an independent legal institution based on legality, fair trial, and the presumption of innocence. The study provides a comparative analysis of the historical evolution of the investigative process, highlighting its legal nature and contemporary significance for safeguarding human rights.

Key words: investigation, medieval law, customary law, criminal procedural institution, human rights, presumption of innocence, legality, fair trial.

Ўрта асрлар одат ҳуқуқи ва унинг замонавий тергов амалиётига кўрсатган таъсирини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги жиноят процесси ҳамда тергов тизимининг шаклланиши фақат тарихий тараққиёт маҳсули эмас, балки инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қонунийликни таъминлаш ва одил судловни қарор топтириш каби фундаментал ҳуқуқий қадриятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ўрта асрлардаги дастлабки тергов амалиёти билан ҳозирги замон дастлабки тергов тизимини қиёсий ўрганиш жиноят процесси ҳуқуқининг эволюцион ривожини англашда муҳим назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади. Дастлабки тергов жиноят ишларини юритиш жараёнида адолатли судловни таъминлашга қаратилган ҳал қилувчи босқич сифатида намоён бўлади. Бироқ ушбу институтнинг мазмуний жиҳатлари, ҳуқуқий табиати ва амалга ошириш механизмлари тарихий даврлар кесимида тубдан фарқланган.

Ўрта асрлар даврида дастлабки тергов алоҳида процессуал институт даражасида шаклланмаган бўлиб, жиноятни очиш, айбни белгилаш ҳамда жазо чорасини қўллаш вазифалари, одатда, бир вақтнинг ўзида ва аксар ҳолларда ягона мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга оширилган. Бундай амалиёт ҳуқуқий давлатчилик тамойиллари қарор топмаган жамиятларга хос хусусият сифатида намоён бўлган. Шу сабабли тергов фаолияти қонун нормалари билан эмас, балки анъанавий урф-одатлар, диний талаблар ва ҳукмдорнинг субъектив иродаси асосида олиб борилган.

Европанинг ўрта асрлар даврига хос жамиятларида тергов фаолияти махсус органлар томонидан эмас, балки феодал ҳукмдорлар, суд амалдорлари ёки шаҳар бошқарув органлари томонидан амалга оширилган. Черковнинг сиёсий ва ҳуқуқий таъсири юқори бўлган ҳудудларда эса инквизиция тузилмалари диний мазмундаги ҳуқуқбузарликлар бўйича тергов олиб бориш ваколатига эга бўлган. Бундай жараёнларда айбланувчининг иқрори ҳал қилувчи далил сифатида қаралган ва унга эришиш мақсадида қийноқ усулларида фойдаланиш кенг тарқалган амалиёт ҳисобланган. Натижада мазкур тергов тартиби инсон шаъни ва қадр-қимматини жиддий равишда камситган.

Ислом ҳуқуқи амал қилган ўрта аср Шарқ давлатларида эса дастлабки терговга ўхшаш вазифалар қозилар томонидан бажарилган. Қози шариат нормаларига таяниб, гувоҳлар кўрсатмаси ва далилларни баҳолаган. Гарчи бу тизим муайян адолат тамойилларига эга бўлган бўлса-да, тергов ва суд функцияларининг ажратилмагани айбланувчи ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлган[1].

Ўрта аср терговининг асосий хусусияти шундаки, айбсизлик презумпцияси мавжуд бўлмаган. Айбланувчи ўз айбсизлигини исботлаши талаб этилган. Тергов жараёнида шахс ҳуқуқлари, ҳимоя ҳуқуқи ва процессуал кафолатлар деярли инобатга олинмаган. Бу ҳолат замонавий ҳуқуқий давлат тамойилларига мутлақо зиддир.

Ҳозирги замонда эса дастлабки тергов жиноят процессида мустақил, қонун билан қатъий тартибга солинган босқич ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига мувофиқ, жиноят процесси инсон ҳуқуқлари, қонунийлик ва адолат тамойилларига асосланади[2]. Дастлабки терговнинг асосий мақсади жиноят иши бўйича ҳақиқатни қонуний, тўлиқ ва ҳолис аниқлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320-моддасида дастлабки тергов терговчи томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Терговчи мустақил процессуал шахс бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Суд эса терговдан мустақил ҳолда фақат назорат ва одилона қарор қабул қилиш функциясини бажаради. Бу ҳолат ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий ифодасидир[2].

Замонавий дастлабки терговда далиллар тизими ҳам тубдан ўзгарган. Жиноят-процессуал кодексининг 88-моддасига кўра, қийноқ, таҳдид ёки бошқа қонуний бўлмаган усуллар орқали олинган маълумотлар далил сифатида эътироф этилмайди[2]. Илмий-техник воситалар, суд экспертизалари ва процессуал ҳаракатларнинг аниқ тартиби терговнинг ишончлилигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борада қуйидаги фикрни билдирган: “Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги — демократик давлатнинг энг мустаҳкам пойдеворидир. Ҳар қандай жиноят иши қонуний, адолатли ва инсон қадрини улуғлаган ҳолда кўриб чиқилиши шарт.”[3] Ушбу фикр замонавий дастлабки терговнинг ғоявий асосини яққол ифодалайди. Айбсизлик презумпцияси ҳозирги жиноят процессида марказий ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, шахснинг айбли эканлиги суд ҳукми билан исботланмагунча у айбсиз ҳисобланади[4]. Бу принцип ўрта аср тергов амалиётидан тубдан фарқ қилади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ўрта асрлардаги дастлабки тергов субъектив, зўравонликка асосланган ва инсон ҳуқуқларини инкор этувчи

хусусиятга эга бўлган. Ҳозирги замон дастлабки тергов эса қонун устуворлиги, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига таянади. Бу эволюция жамият ҳуқуқий онгининг ўсиши ва давлатчилик институтларининг мустақамланиши билан узвий боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки тергов институти тарихий тараққиёт жараёнида мазмунан ва шаклан тубдан ўзгарган. Ўрта асрларда тергов фаолияти ҳуқуқий кафолатлардан маҳрум бўлиб, асосан ҳукмдор иродаси, диний қарашлар ва урф-одатларга таянган ҳолда амалга оширилган. Тергов, айблов ва суд ваколатларининг бир қўлда жамланиши инсон ҳуқуқларининг кенг қўламда бузилишига сабаб бўлган ҳамда адолат принципининг таъминланишига жиддий тўсиқ яратган. Ҳозирги замон жиноят процессида эса дастлабки тергов қонун устуворлиги, айбсизлик презумпцияси ва инсон кадр-қимматини ҳимоя қилиш тамойилларига асосланган мустақил институт сифатида шаклланган. Тергов ваколатларининг аниқ тақсимланиши, далилларни тўплашнинг қонуний усуллари ҳамда суд назоратининг мавжудлиги адолатли судловни таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, дастлабки тергов институтининг эволюцияси жамият ҳуқуқий онгининг юксалиши ва демократик давлатчиликнинг мустақамланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг янада такомиллаштирилиши ҳуқуқий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР РУЙҲАТИ:

1. Шайх Муҳаммад Абу Захра. Ислом ҳуқуқи тарихи.–Қоҳира, 1996.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги маърузалар тўплами. – Тошкент, 2020.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Амир Темур фаолиятини ўрганиш асосида шунини таъкидлаш жоизки, у адолатли давлат сиёсатини олиб бориш, давлат бошқарувида замонасининг илғор усулларида фойдаланиш (мулозимларни ўз ўрнида сақлай билиш, уларни мартабасига лойиқ иззат қилиш, давлат хизматчилари фаолиятини назорат қилиш, бошқарувда соғлом муҳитни ушлаб туриш каби фазилатлар), давлатда барқарор сиёсий вазиятни мунтазам таъминлай олиш, ҳокимият тизимининг доимий такомиллаштириб бориш каби ҳаракатлари билан бошқа ҳукмдорлардан ажралиб туради. Унинг ушбу сиёсати натижасида салтанат ривожланган, ундаги давлатчилик ҳамда ҳуқуқий тизим такомиллашиб борган, жамият аъзоларининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳарлар ва ҳудудлар гуллаб-яшнаган.

Буни туркий халқлар давлатчилиги, ҳуқуқи ва ижтимоий ривожланиш тарихини чуқур ўрганган М.Иванининг “Халқлар ва жамиятлар тарихи шунини кўрсатадики, ҳокимиятнинг парокандаликка учраши, турли бўғронлар охир оқибат инқилобларга сабабчи бўлади, улар асрлар давомида мунтазам содир бўлса, бутун бошли цивилизацияларнинг таназзулига сабаб бўлиши мумкин, давлатнинг кучини сусайтириб, ҳуқуқни менсимаслик кайфиятларини кучайтиради, биргина ташқи туртки бўлса бундай давлат кулайди, бу эса бир босқинчидан иккинчи босқинчи қўлига осонликча ўтиб турадиган Осиё халқларининг кўп қисмини тақдири мана шундай кечган” деган сўзлари ҳам исботлаб турибди.

Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир – йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, ўрта асрларда энг катта давлатлардан бирининг

бунёдкори, ташқи муносабатларда энг оқил йўлларни топа билган раҳбар, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан машҳур лашкарбоши.

Темурбек шабон ойининг йигирма бешиди, ҳижрий етти юз ўттиз олтинчи йилда (8.04.1336), ўн икки ҳайвонли Турк йиллигига кўра Сичқон йилида Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа илғор қишлоғида туғилган. Айрича америкалик тарихчи Беатрисе Форбес Манз хоним Темурбекнинг туғилган йилини ўн тўртинчи юз йилликнинг йигирманчи йилларига тўғри келиши каби ўз иккиланишли қарашларини олдинга суриб келади ва бу шубҳаланишига сабаб қилиб Темурбекнинг 1336-йилда туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар унинг давридан кейин ёзилганини ва унинг даврига тегишли бир нечта манбалардаги воқеаларда Темурбекнинг ёши унинг 1320-йиллар охирида туғилганини кўрсатишини айтади. Бироқ бирорта тарих китобларида Темурбекнинг туғилган йили 1336-йил эмас, балки бошқа йил эканлиги тўғрисида белги умуман учрамайди.

Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихий тараққиётда ўзига хос ўрин тутади. ХИВ–ХВ асрларда шаклланган бу салтанат нафақат Марказий Осиё, балки Яқин ва Ўрта Шарқ, Кавказ, Эрон ва Ҳиндистон ҳудудларини қамраб олган бўлиб, ўз даврида кучли сиёсий, ҳарбий ва ҳуқуқий тизимга эга бўлган. Давлат бошқаруви, ҳуқуқий тузум ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тартибга солиниши “Темур тузуклари” орқали мустаҳкамланган бўлиб, бу асар салтанатнинг ёзма ҳуқуқий-меъёрий асосини яратган.

Умуман олганда Амир Темур асосан адабиётларда Соҳибқирон деб юритилади. «Соҳибқирон» атамаси арабча соҳиб (صاحب – эгаси, соҳиб) ва қирон (قران – яқинлик, астрономик яқинлашиш) сўзларидан таркиб топиб, форсча «соҳиб-и қирон» (قران صاحب) шаклида ишлатилган. Астрономия ва юлдузшунослик таълимотларида бу атама Юпитер (Муштарий) ва Венера (Зухро) сайёраларининг бир буржда уйғун тарзда жамланиши вақтида туғилган шахс маъносини англатган. Ушбу сифати ифодаловчи атама омадли, давлатли, зафарли ва жаҳонгир шахсларга нисбатан ишлатилган.

Амир Темурга нисбатан ҳам «Соҳибқирон», «Ҳазрат Соҳибқирон» иборалари қўлланилган. Манбаларда қайд этилишича, Темурбек 1362 йилда Сийистонга биринчи сафар чоғида Мамақтув (Яздий Шарафиддин, «Зафарнома», 19а, 19б, 89б) томонидан отилган ўқдан ўнг оёғи ва ўнг кўлидан яраланган. Шунингдек, унинг сиёсий рақиблари уни камситиш мақсадида «Темур-и Ланг» (لنگ تيمور – «Оқсоқ Темур», «Чўлоқ Темур») деган ном билан атаган. Бу атама Ғарб мамлакатларига ҳам турли шаклларда кириб борган: инглизча – Тамерлане, Тамбурлаине; французча – Тамерлан; испанча – Таморлан; лотинча – Тамерланис; усмонли туркчасида – Тимурленк; рус тилида – Темур Аксак, Тамерлан каби. 1370 йилда Чингизийлар авлодидан бўлган Қозонхоннинг кизи Сарой Мулк Хоним (Бибихоним)га уилангандан сўнг, Темурбек «Темур Кўрагон» (کورگان تيمور) ёки «Темур Гурагон» унвони билан танилган. «Кўрагон» (хүрген) моғулча «куёв» маъносини англатиб, «хоннинг куёви» деган мазмунда ишлатилган.

Чингизхоннинг қонидан бўлмаганлиги учун Хонлик отини олмайди ва мусулмонларнинг боши ўлароқ Амир отини олади. Темурбек Ислом дини билимларига таяниб юришлар қилади ва ўзини “Ислом қиличи“ сифатида танилтиради. Ислом динини ёйиш ўлида қилган юришларидан кейин Абу Фотиҳ отини олади. 1402-йилда Измир қалъа қамалида католик Ҳоспиталлер (лотин, Ордо Фратрум Ҳоспиталис)ларини, Гуржистон (Грузия) насронийларини бир неча бор ютиши ортидан Абу Ғозий отини олади. Турклар ўз одатига кўра ўз етакчиларини Бек деб аташарди. Шу юздан Темурбек ҳам Бек отини олади. 1404-йилда Самарқандда бўлган Кастилия (испания) элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ўзининг саёҳат қўлёзма кундалигида ҳам Темурбек отини қўллайди 1.

Чиғатой улуси даврига (ХИИ ва ХИВ аср) – турк адабиётида Амир Темур, дунё адабиётида Темурланг деб аталган Темурбек томонидан 1370-йилда барҳам берилди. У Туркистоннинг, ўзгариб турувчи дунё тарихининг янги бир саркардаси эди. Темур хизмат пайтида содда, камтарин, урушда кескин, қатъий, тинчлик даврида юмшоқ феълли эди. У ўзига шуҳрат

келтириш, буюк унвонга эришиш учун ҳаракат қилмади, бунга эътибор бермади. Чигатой улуси анъаналарига боғлиқлигини бу хонадондан хонлар тайин қилиш орқали намойиш қилди. Бу хонлар Суюрғамишхон (1388-й.) ва Султон Маҳмудхон (1402-й.) эди. Темур бу хонлар номидан пул чиқарди ва ўз номини бу хонлар номи ёнига “Буюк амир” деб ёздирди. Бундан ташқари у ўзини “Бек” (ёки “Амир”) унвони билан тақдим этарди. Ҳаётининг сўнгида тўғридан-тўғри “Султони Туркон” номи билан машҳур бўлди 2.

Дунёда эътибор ва мавқе топган Темур бугун ҳам Туркистонда миллий шуурнинг бир тимсоли деб қабул қилинган. Унинг замонига оид асарлар, ёдгорликлар ҳозирга қадар қимматли манба сифатида қадрланади. Темур ўзидан сўнг салтанатнинг бошига не савдолар тушишини тасаввур қила олмас эди. Унинг ҳарбий қуввати аввал ўзига содиқ, сўнгра унга душманга айланган Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Ўрдасини енгди. Темур Султон Йилдирим Боязиднинг ҳам қўшинларини енгди. Биринчисининг натижасида Олтин О'рдага тобе бўлган руслар кучайдилар ва улар 1480-йилдан кейин куч кўрсатиш қудратига эга бўлгач, аста-секин туркийларнинг аёвсиз душманига айландилар. Иккинчисининг натижасида туркларнинг Византия сиёсати 50 йил орқага сурилди. Темур кўп зафарларга эришди, у Хитойни ҳам фатҳ қилишни истар эди. 1404-йилда Хитой зафарига чиққан пайтида тахминан 68 ёшда эди. Темур Ўтрорда ўз чодирда вафот этди. Унинг ўлимидан сўнг салтанатида парокандалик даври бошланди. Фарзандлари ва кўмондонлар Темур ворисини тайин этиш хусусида курашдилар. Бошбошдоқлик, ҳокимият учун кураш ва баъзи зодагонларнинг ўз кучига бўлган ишончи очикдан-очик намоён бўла бошлади. Бу хусусиятлар башарий бир инстинкт бўлиб, дунёнинг барча миллатларига хосдир. Фақат Туркистон турклари бошқа миллатларга нисбатан жуда кўп изтироб чекдилар 1. Уч йиллик ички курашдан сўнг, Темурнинг мистик табиатли ва айни замонда “илм ва санъат инжуси”унвонига сазовор бўлган ўғли Шохруҳ (1377-й.) 1407-йилда тахтга ўтирди ва ўлимига қадар (1447-й.) салтанатни Ҳиротдан идора этди. Шохруҳ Мовароуннаҳрни ўғли Улуғбек орқали идора этди.

Улуғбек (22.3.1394-25.10.1449) нинг исмини шахсан Темурнинг ўзи қўйган. Улуғбек ҳукмдор ва саркардага нисбатан кўпроқ зиёли ва юмшоқ табиатли киши бўлса ҳам 1447-йилда отаси Шохрухнинг тахтини эгаллагач, ички ўзаро урушларда курашишга мажбур бўлди. Темурнинг салтанати заифлашди. Салтанатга тегишли давлатларда мустақилликни қўлга киритиш учун ҳаракат кучайган эди 2.

Темур ҳарбий саркарда ва давлат арбоби ўлароқ 32 йил ичида шарқда Олой тоғларига қадар, Ғарбда Қора ва Оқ денгизга қадар, Жанубда Ҳиндистонга қадар чўзилган бир салтанат тузишга муваффақ бўлди. Тарихчилар темур яратган давлатни ва унинг ҳарбий санъатининг ўзига хос хусусиятларини ханузгача ўрганмоқдалар.

Улуғбек дунёнинг энг буюк мунажжимларидан бири эди. Унинг саройида яшаган чигатой-турк шоири Саккокий шундай ёзади: ”Фалакка йиллар керак ва келтурса оламга менингтеқ турк шоирни ва сенингтеқ шоҳи донони”. Улуғбек тахтдан туширилгач, Маккага кетар экан, ўғли Абдуллатиф кўрсатмасига биноан 25-октябр 1449-йилда қатл этилди. Ота қотили Абдуллатиф Туркистон ҳукмдори ўлароқ 198кун салтанат эгаси бўлди. Чунки у ҳам 1450-йил май ойида ўлдирилди. Унинг ўрнига Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Абдулазиз ўтирди. Темурийлар орасида салтанат учун кураш давом этди. Абдулазиз Темурийлардан бўлмиш Абу Саидга қарши урушда (1451) вафот этди. Абдусаид ўзбекларнинг ёрдами билан ҳокимиятни қўлга киритиб, пойтахтни Самарқанддан Ҳиротга кўчирди ва Темурийлар ҳокимияти тизгинини 18 йил ўз қўлида тутди. Эронга қарши юришларнинг бирида, 1469-1494-йиллар давомида бошқарган Султон Аҳмад дастлаб Хўжа Аҳроп бошчилигидаги фанатис диндорлар қўлидаги кўғирчоққа айланди. Султон Аҳмад пойтахтни Самарқанддан Ҳиротга кўчирди 1.

Амир Темур салтанати марказида “Темур тузуклари” номи билан аталган давлат бошқаруви, адолат, солиқ ва давлат хизмати тамойилларидан иборат ёзма меъёрлар йиғмаси турарди; бу асарда салтанатнинг қонун-

қоидалари, ҳарбий, сиёсий вазифалари, мансабдорлар мажбуриятлари, фуқаро ва раият ҳақ-ҳуқуқлари, шунингдек ер, мулк ва солиқ масалалари тафсилотлари билан кўриниш топган. Бу тузуқлар ҳукмдорнинг ўзига, ҳукмдор ва халқ ўртасидаги алоқани адолат асосида йўлга қўйишга интилишни англатарди, шариатга ҳурмат кўрсатиш, мусулмон аҳоли ва пайғамбар авлоди, саҳобаларга йўл очиқ бўлиши, халқнинг эзилганини ҳимоя қилиш каби ғоялар у орқали амалга татбиқ этилган.

Амир Темур даврида солиқ сиёсати ҳам адолат ва иқтисодий барқарорлик тамойилларига таяниб шаклланган эди; “Темур тузуқлари”да мол-хирож йиғишда раиятни оғир аҳволга солмаслик, давлат хазинасининг камбағалликдан азият чекмаслиги, каро-муносабатлар тартиби, ер, ҳосил пишиши, ҳосил тўлишига кўра солиқ олинishi, янги ерлар обод қилинса биринчи бир неча йил солиқ олинмаслиги каби қоида ва назорат чоралари белгиланган.

“Темур тузуқлари”да солиқ йиғувчи амалдорлар ва вилоят ҳокимлари мажбуриятлари ҳам аниқ кўрсатилган: йиғилган мол-мулк ва даромадлар кирим дафтарига, чиқимлар харж дафтарига ёзилиши зарур; амирлар (ҳокимлар) томонидан вилоят аҳволини назорат қилиш, юкламалар бўйича адолатли тўловлар, солиқлар ортиқча соврун, қўналға, шилон каби қўшимча юкламалар қўйилмаслиги ва аҳолига зарар етказмаслик масалалари тушунтирилади.

Ҳуқуқий тузумда шариат асосий меъёр бўлган, бу – ислом қонунлари, фатволар, фуқиҳларнинг қарашлари ва одатлар орқали амалда бўлган. Темур шариатни давлат қонуни сифатида эътироф этган ва давлат юритишда шариатга риоя қилишни давлат бошқарувининг ажралмас қисми деб билган. Шу сабабли судлар ва қодиялар шариат мезонларига кўра қарор қилган, йўллар, одил суд юритиш ва зулумга қарши чора кўриш давлат сиёсатининг обрўйли жиҳатлари бўлган.

Давлат бошқаруви аппарати “аркони-давлат” тузилмасига асосланган бўлиб, амир, девонбеги (бош вазир), турли вазирликлар, маҳаллий ҳокимлар

ва вилоят бошлиқлари каби мансабдорлардан иборат бўлган. Мансабдорларга топширилган ваколатлар ва улар учун белгиланган талаблардан бири – адолатли ҳукм, халқ ҳажми ва эҳтиёжларини назарда тутиш, халқнинг рози бўлиши, давлат ва аҳоли манфаатларини сақлаш эди. Салтанатнинг марказий ва вилоят бошқарув органлари орасида назорат ва ҳисобдорлик тизими мавжуд бўлган, масалан, вилоят ҳокимлари ва мол йиғувчиларнинг раҳбарлари томонидан салтанат марказига ҳисобот бериш талаб қилинган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ тизимида халқаро низолардан тортиб мулкӣ иктилофларгача бўлган масалалар шариат судлари, қодийлар ва давлат ҳокимларининг ҳукм суриш органлари орқали ҳал қилинган. Қонуний низолар “Темур тузуклари”да зулум ва адолат масалалари билан чамбарчас боғланган: агар давлат амалдорлари ёки вилоят ҳокимлари одамларга зиён етказса, ундаги зарарни давлат ваколатида бўлган калонтарлар ёки мансабдорлардан ундириб, жабр кўрганларга қайтариш кераклиги тилга олинган.

Э. ШОДМОНОВ

Давлат ва ҳуқуқ институти
мустақил изланувчиси

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАОЛИЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашдаги роли таҳлил қилинган. Вазирлар Маҳкамаси барқарор иқтисодий ривожланиш, таркибий ислохотлар, саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, шунингдек, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Мақолада фуқароларнинг меҳнат ва иқтисодий ҳуқуқлари, ижтимоий

дастурлар ҳамда бозор механизмларини ривожлантиришдаги ҳуқуқий асослари ёритилган. Вазирлар Маҳкамаси марказий ижро органи сифатида давлат иқтисодий сиёсатини амалга ошириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Вазирлар Маҳкамаси, иқтисодий сиёсат, барқарор ривожланиш, инвестиция мухити, тадбиркорлик, меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий дастурлар, саноатни модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги, бозор механизмлари, иқтисодий эркинлик, хусусий сектор.

Аннотация: В статье анализируются полномочия Кабинета Министров Республики Узбекистан в сфере экономики и его роль в обеспечении экономических прав граждан. Кабинет Министров осуществляет меры по обеспечению устойчивого экономического развития, структурным реформам, модернизации промышленности и сельского хозяйства, а также развитию инвестиционной и предпринимательской среды. В статье рассматриваются правовые основы, регулирующие трудовые и экономические права граждан, социальные программы и развитие рыночных механизмов. Кабинет Министров, как центральный исполнительный орган, играет важную роль в реализации государственной экономической политики и повышении конкурентоспособности национальной экономики.

Ключевые слова: Кабинет Министров, экономическая политика, устойчивое развитие, инвестиционная среда, предпринимательство, трудовые права, социальные программы, модернизация промышленности, сельское хозяйство, рыночные механизмы, экономическая свобода, частный сектор.

Annotation: The article analyzes the powers of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in the economic sector and its role in ensuring citizens' economic rights. The Cabinet of Ministers implements measures to ensure sustainable economic development, structural reforms, modernization of industry and agriculture, as well as the development of the investment and entrepreneurial environment. The article highlights the legal foundations regulating citizens' labor and economic rights, social programs, and the development of market mechanisms.

As the central executive body, the Cabinet of Ministers plays a crucial role in implementing state economic policy and enhancing the competitiveness of the national economy.

Key words: Cabinet of Ministers, economic policy, sustainable development, investment environment, entrepreneurship, labor rights, social programs, industrial modernization, agriculture, market mechanisms, economic freedom, private sector.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашда марказий ижро органи сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу ваколатлар мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, таркибий ислохотларни амалга ошириш ва миллий иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда намоён бўлади¹. Яъни Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий вазифаси иқтисодиётни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш ва унда бозор механизмларини жорий қилишдир.

Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамаси барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича стратегик чоралар кўради. Бу жараёнда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, инвесторлар учун қулай муҳит яратиш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ва инфратузилмани такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга². Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича: “Иқтисодий алоқалар таркибида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бораётгани, кооперация лойиҳалари кенгайиб бораётгани барқарор суръат кўрсатаётгани айниқса муҳимдир.”³. Бу нутқ Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ваколатларини амалий ижро стратегиясига мувофиқ келиши асосида, давлат сиёсатидаги устувор йўналишларни аниқлайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 25.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-982-сонли Конституциявий Қонуни. <https://lex.uz/docs/7172667>.

² Ўзбекистон Республикасининг 25.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-982-сонли Конституциявий Қонуни. <https://lex.uz/docs/7172667>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8822>.

Вазирлар Маҳкамаси саноатни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, инновацион ишланмалар ва энергия тежайдиган технологияларни қўллаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Шунингдек, «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, атом энергетикасини ривожлантиришда ҳам марказий роль ўйнайди. Бу тадбирлар миллий иқтисодиётни глобал рақобатбардош қилиш ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаш ҳам Вазирлар Маҳкамасининг муҳим ваколати ҳисобланади. Бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш орқали давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширади. Бу йўналишда Вазирлар Маҳкамаси лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, «хуфиёна» иқтисодиёт улушини қисқартириш чораларини кўради.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси туризм индустриясини ривожлантириш ва туризм инфратузилмасини кенгайтириш, махсус иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Давлат дастурлари ва ривожланиш стратегиялари орқали ушбу соҳаларда инвестиция ва инновация жараёнлари самарали ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аграр секторда ресурсларни тежовчи ва интенсив технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради¹. Бу чоралар ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ

¹ Ўзбекистон Республикасининг 25.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-982-сонли Конституциявий Қонуни. <https://lex.uz/docs/7172667>.

хўжалигида барқарор ўсиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлар доирасида Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви усулларини такомиллаштириш, электрон ҳукумат принциплари ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш орқали самарадорликни оширишга ҳам эътибор қаратган. Бу жараёнда мамлакатда урбанизация жараёнларини тартибга солиш ва давлат уй-жой сиёсатини амалга ошириш, ер муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий қилиш каби вазифалар ҳам бажарилади.

Шу тариқа, Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлардан иборатдир. Ушбу ваколатлар орқали давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширади, бозор механизмларини ривожлантириш ва фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашда Конституциянинг 42-моддасига мувофиқ фаолият юритади. Унга кўра, “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”¹. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий соҳада норматив-ҳуқуқий базани яратиш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни назорат қилиш вазифасини бажаради.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг устувор йўналишларидан биридир. Бунда меҳнат бозори

¹ 23.04.2023 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

мониторинги, бандликни таъминлаш дастурлари, касбга йўналтириш ва малака ошириш тизимлари амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жиззахда вилоят фаоллари билан учрашувдаги маърузасида таъкидлаганидек: “Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари равон бўлсин деб ишга келдим...”¹. Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, иш берувчилар ва ходимлар ҳуқуқларини мувозанатли тарзда таъминлаш, меҳнат шартномалари ва ижтимоий ҳимоя механизмлари орқали фуқароларнинг ҳуқуқий хавфсизлиги таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини ривожлантириш орқали иқтисодий ҳуқуқларни таъминлашда ҳам фаол иштирок этади. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ ва лицензия талабларини оптималлаштириш ҳамда инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали фуқароларнинг мол-мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинади². Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди. Пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар фуқароларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди. Бу жараёнларда қарорларнинг долзарблиги, тизимли мониторинг ва ижро назорати асосий аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳуқуқларни таъминлашда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва дастурлар ўз навбатида мамлакатда ижтимоий адолат ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлайди. Бандлик, тадбиркорлик ва ижтимоий ҳимоя йўналишлари давлат сиёсатининг амалий механизмлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг яқинда Жиззахда вилоят фаоллари билан учрашувдаги маърузаси. <https://uzbekistan.org/uz/4612>.

² Ўзбекистон Республикасининг 25.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-982-сонли Конституциявий Қонуни. <https://lex.uz/docs/7172667>.

сифатида фуқаролар ҳаётида кўринмас таъсир қилади. Шу тариқа, Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий ҳуқуқларни таъминлашда давлатнинг марказий ижро органи сифатида ижобий натижаларни таъминлайди ва бу йўналишлар узок муддатли давлат ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни ривожлантиришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари давлатнинг иқтисодий сиёсатини белгилашда ҳуқуқий асос ҳисобланади. Конституцияда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдаги роли, шунингдек, фуқароларнинг мулк ҳуқуқлари ва иқтисодий эркинликлари кафолатланади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва қонунлар шу ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, хусусий секторни кўллаб-қувватлаш, ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, “Иқтисодиётда рақобатни ривожлантириш ва хусусий секторнинг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ ва “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги қарорларда давлат иқтисодиётида хусусий секторнинг роли муҳим эканлиги, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун керакли ҳуқуқий базани шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий фаолиятни тизимлаштириш ва қонунчилик доирасида амалга оширишни таъминлаш мақсадида аниқ механизмлар ишлаб чиқди. Вазирлар

¹ 28.02.2025 йилдаги “Иқтисодиётда рақобатни ривожлантириш ва хусусий секторнинг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-35-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/7410369>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.03.2019 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/4242834>.

Маҳкамасининг ишлаб чиқариш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини эркинлаштиришга қаратилган кўплаб қонун ва қарорлар давлат органларининг ҳуқуқий асосда ишлашини таъминлайди. Бу эса иқтисодий ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, тенг рақобат муҳити яратиш ва хусусий мулк ҳуқуқларининг ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар жуда катта тизимли ўзгаришларни талаб қилган. Ҳукумат, иқтисодий ҳуқуқлар соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун махсус тартиблар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш орқали иқтисодий ривожланиш учун барқарор ҳуқуқий замин яратди. Вазирлар Маҳкамаси, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, молия ва бозор муносабатларини модернизация қилишга йўналтирилган йўналишларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари, шунингдек, иқтисодий эркинликларни таъминлаш, мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган самарали механизмлардир.

Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига минимал мажбурий стандартлари, жумладан, меҳнатга бўлган ҳуқуқларни белгилайди. Уларга дам олиш, бўш вақт, иш вақти, ҳақ тўланадиган таътил ва давлат байрамлари дам олиш ҳуқуқи киради¹.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи конституциявий кафолатга эга бўлиб, мазкур ҳуқуқ давлат томонидан ҳимоя қилинади. Конституциянинг 42-моддасида ҳар бир шахснинг муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Шу билан бирга, ушбу норма фуқароларнинг хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун камситишларсиз ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288>.

Қонунчиликда, шунингдек, ишсизлик ҳолатида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари назарда тутилган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб белгиланиши қайд этилган. Бундан ташқари, хомиладорлик ёки бола парвариши билан боғлиқ ҳолатлар аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, меҳнат муносабатларини бекор қилиш ёки уларнинг иш ҳақини камайтириш учун асос бўлишига йўл қўйилмайди.¹

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 45-моддасига кўра, “Ҳар ким дам олиш ҳуқуқига эга. Ёлланиб ишловчиларга дам олиш ҳуқуқи иш вақтининг давомийлигини, дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларини, ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилини белгилаш орқали таъминланади.”²

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқий кафолатлар меҳнат муносабатларининг барча иштирокчиларига нисбатан умумий ва мажбурий ҳисобланади ҳамда давлат ва хусусий секторда фаолият юритаётган иш берувчилар учун тенг даражада қўлланилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ, мазкур кафолатлар иш берувчининг мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий мақоми ёки иқтисодий фаолият туридан қатъи назар, меҳнат шартномаси асосида ишлаётган барча ходимларни қамраб олади³.

Шу билан бирга, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда меҳнат муносабатлари соҳасида инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, унга кўра иш берувчининг мулкчилик шаклидан қатъи назар, ходимларнинг меҳнат қилиш жараёнидаги соғлиғи ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш давлат томонидан

¹ 23.04.2023 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

² 23.04.2023 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288>.

кафолатланади. Мазкур ҳуқуқий нормалар меҳнат муносабатларида ижтимоий адолат ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга қаратилган¹.

2021 йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, у камбағаллик чегарасини аниқлаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Миллий статистика маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалга оширилиши камбағаллик чегарасидан паст бўлган аҳоли улушини 2020 йилдаги 11,5 фоиздан 2021 йилда 17 фоизга етказди. 2019–2021 йилларда халқаро камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аҳоли улуши (мезон кунига 1,9 АҚШ доллари) 5,9% дан 5,4% гача камайди. Камбағалликнинг миллий мезонига (минимал истеъмол харажатлари) кўра, кам таъминланганлар улуши 2021 йилдаги 17,0 фоиздан 2022 йилда 14,0 фоизгача камайди. Маҳалла даражасида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ва манзилли қўллаб-қувватлаш асосида камбағалликни қисқартиришнинг миллий модели шакллантирилди. Жорий йилда 5 миллион аҳолимиз даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Камбағал оилаларга мансуб 168 минг нафар бола давлат боғчаларига имтиёзли асосда қабул қилинди. Бу йилдан бошлаб, 208 та боғчада биринчи марта инклюзив таълим тизимини жорий этдик. Таъкидлаш керакки, юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди².

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг 22.09.2016 йилдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-410-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3031427>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўрни бекиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 23.04.2023 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/8834>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8822>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг яқинда Жиззахда вилоят фаоллари билан учрашувдаги маърузаси. <https://uzbekistan.org/uz/4612>. Ўзбекистон Республикасининг 25.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-982-сонли Конституциявий Қонуни. <https://lex.uz/docs/7172667>.
5. 28.02.2025 йилдаги “Иқтисодиётда рақобатни ривожлантириш ва хусусий секторнинг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-35-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/7410369>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 22.09.2016 йилдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-410-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3031427>.

Ж. АЧИЛОВ

Давлат ва ҳуқуқ институти
мустақил изланувчиси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда парламент назорати институтининг роли ва аҳамияти таҳлил қилинган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида парламент назоратининг халқаро-ҳуқуқий асослари, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва БМТ тавсиялари

асосида ўрганилган. Мақолада парламент назоратининг ҳуқуқий механизмлари ва уларнинг самарадорлиги илмий-таҳлилий жиҳатдан ёритилган.

Калитли сўзлар: Инсон ҳуқуқлари, парламент назорати, халқаро-ҳуқуқий асослар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, парламент сўрови.

Аннотация: В данной статье проанализирована роль и значение института парламентского контроля в обеспечении и защите прав человека. Международно-правовые основы парламентского контроля в сфере прав человека, включая Всеобщую декларацию прав человека, Международный пакт о гражданских и политических правах и рекомендации ООН, также изучены. В статье рассмотрены правовые механизмы парламентского контроля и их эффективность с научно-аналитической точки зрения.

Ключевые слова: Права человека, парламентский контроль, международно-правовые основы, Всеобщая декларация прав человека, Международный пакт о гражданских и политических правах, Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах, парламентский запрос.

Annotation: This article analyzes the role and significance of the parliamentary control institution in ensuring and protecting human rights. The international legal foundations of parliamentary control in the field of human rights, including the Universal Declaration of Human Rights, the International Covenant on Civil and Political Rights, and UN recommendations, are also examined. The article explores the legal mechanisms of parliamentary control and their effectiveness from a scientific-analytical perspective.

Key words: Human rights, parliamentary control, international legal foundations, Universal Declaration of Human Rights, International Covenant on Civil and Political Rights, International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights, parliamentary inquiry.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш замонавий демократик давлатларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари давлатнинг ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, уларни амалга оширишда самарали назорат механизмларининг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай механизмлардан бири парламент назорати бўлиб, у инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан халқ номидан олиб бориладиган муҳим институт сифатида намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқлари тушунчаси инсоннинг туғилишидан унга тегишли бўлган, ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқлар мажмуи тушунилади. Ушбу ҳуқуқлар инсоннинг кадр-қиммати, эркинлиги ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Парламент назорати эса давлат ҳокимияти тизимида қонунийлик, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашга қаратилган фаолият тури бўлиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида унинг ўрни айниқса муҳим ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент назоратининг халқаро-ҳуқуқий асослари умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси¹ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва таъминлаш барча давлатлар учун умумий мажбурият эканлигини белгилаб берди. Ушбу декларацияда инсон ҳуқуқларининг амалга оширилиши давлатлар томонидан самарали ҳуқуқий ва институционал механизмлар орқали таъминланиши лозимлиги таъкидланган. Кейинчалик мазкур қоидалар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт² ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт³ да янада ривожлантирилди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлатларнинг ички иши эмас, балки халқаро ҳамжамият олдидаги

¹ 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

² Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2640479>

³ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2686000>

мажбурияти сифатида қаралади. Шу маънода парламент назорати халқаро мажбуриятларни миллий даражада амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва Парламентлараро иттифоқ томонидан қабул қилинган тавсияларда парламентларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, демократик давлатларда парламент инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ижодкорлиги, ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисоботларни муҳокама қилиш орқали фаол иштирок этади. Айниқса, парламент эшитувлари, депутатлик сўровлари ва махсус мониторинглар инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқ ва маърузаларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “Инсон қадрлари биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрлари деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”¹ дея таъкидлаган. Ушбу ғоя парламент фаолиятида ҳам ўз аксини топиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, конституцияда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, давлат органлари фаолияти айнан ушбу принципга асосланиши лозимлиги белгиланган. Олий Мажлис давлат ҳокимияти устидан парламент назоратини амалга ошириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси . <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент назоратининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни¹да мустаҳкамланган. Ушбу қонун парламент назоратининг шакллари ва усулларини белгилаб бериб, инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга қаратилган. Парламент назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш ва назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини эшитиш;

- Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузасини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

- Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

- Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиш;

- Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/2929477>.

- Сенат мажлисларида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ҳамда бошқа ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

- парламент сўрови;

- Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

- Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

- қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

- парламент текшируви.

- Парламент назорати қонунга мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин¹.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича парламент назорати, аввало, Омбудсман институти фаолияти орқали намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман фуқаролар мурожаатларини ўрганиб, инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини аниқлайди ҳамда уларни баргараф этиш бўйича парламентга таклифлар киритади. Омбудсманнинг ҳар йиллик маърузалари

¹ Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/2929477>.

Олий Мажлис палаталарида муҳокама қилиниб, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинади.

Жазони ижро этиш муассасаларида қонунийликни таъминлаш, қийноқ ва шафқатсиз муомалага қарши курашиш, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасида парламент назоратининг амалий натижалари кўзга ташланмоқда. Парламент аъзолари томонидан жойларга чиқиб ўтказилган ўрганишлар инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни очиклаштиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, меҳнат ҳуқуқлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича парламент назорати кучайтирилиб, халқаро стандартларга мувофиқ қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Бу эса инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий амалиётнинг халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлигини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент назоратининг самарали амал қилиши давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлаб, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Парламент назорати орқали инсон ҳуқуқлари бузилишининг олди олинаб, адолат ва қонунийлик қарор топади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда парламент назоратининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Халқаро-ҳуқуқий нормалар инсон ҳуқуқларига риоя этишни давлатларнинг асосий мажбурияти сифатида белгилаб, ушбу мажбуриятларни амалга оширишда парламентларнинг фаол иштирокини талаб этади. Парламент назорати инсон ҳуқуқларига оид қонунларнинг ижросини таъминлаш, давлат органлари фаолиятида қонунийлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида парламент назоратининг ҳуқуқий ва институционал асослари халқаро стандартларга мувофиқ равишда шакллантирилган бўлиб, конституцияда инсон ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида эътироф этилиши, “Парламент

назорати тўғрисида”ги Қонун¹нинг қабул қилиниши ҳамда Омбудсман институти фаолияти ушбу соҳадаги ислохотларнинг муҳим натижаларидир. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган “инсон кадри” ғояси парламент фаолиятида устувор йўналишга айланиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашда назорат механизмларини янада кучайтирмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент назоратини амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари халқаро ҳуқуқ нормалари, президент ғоялари ва миллий қонунчилик уйғунлигида шаклланади. Ўзбекистонда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашда Парламент назоратини кучайтиришда Парламент қошида махсус комиссияси ташкил этилган Олий Мажлис муҳим роль ўйнайди. Комиссия кенг кўламли ва изчил асосда иш олиб бормоқда. Комиссия мажлисида барча миллий мақсад ва вазифаларни қамраб олувчи аниқ чора-тадбирлар мутасадди вазирлик ва идораларни тинглаш, ҳукумат аъзоларига парламент, сенаторлик ва депутатлик сўровларини юбориш орқали муҳокама қилинади ва қабул қилинади. Қонунларни кўриб чиқиш жараёнида улар барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги иштироки асосида баҳоланади. Парламентга жойларда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишни ҳисобга олган ҳолда мониторинг функцияларини бажариш, ижро этувчи органлар фаолиятини баҳолаш ваколати берилган.

Мамлакат парламентини миллий мақсадларга эришишнинг асосий амалга оширувчилари қаторига киритиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг бевосита ташаббусидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев БРМни амалга оширишда

¹ Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/2929477>.

парламентнинг ролини ошириш бўйича махсус резолюция қабул қилиш таклифини илгари сурди¹.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, 2022 йил 14 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таклиф этилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Дунёнинг 80 мамлакати қабул қилинган ҳужжатнинг ҳаммуаллифидир.

Резолюцияда парламентларнинг COVID-19 пандемиясидан тикланишни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожланиш бўйича ишларни тезлаштириш учун бирдамлик, ҳамжихатлик ва кўп томонлама ҳамкорликка содиқлигини кўрсатишдаги муҳим роли таъкидланган. Гендер тенглигини таъминлаш, ёшларнинг ҳиссасини ошириш, "Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойилини амалга ошириш, Қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, Ихтиёрий Миллий Ҳисоботлар тайёрлашда иштирок этиш, сиёсий форумлар ўтказиш, жамоатчиликни хабардор қилиш, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлашда Парламентнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Парламентининг 2021-2022 йиллардаги тажрибаси белгиланган миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, уларни ҳуқуқий-қонунчилик, институционал ва иқтисодий қўллаб-қувватлашда муҳим салоҳият бўлиб хизмат қилди.

Парламент фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, халқ. ва-киллариининг фуқаролар олдида ҳисобдорлигини ошириш мақсадида фракцияларнинг ҳар чоракдаги фаолияти бўйича матбуот анжумани ташкил этиш борасидаги ишларини ҳам жонлантириш зарур булади. Бу, албатта қабул қилинаётган қонунларнинг самарали ишлашини таъминлаш қуйи палатада муҳокама этилаётган муҳим масалалардан жамоатчиликнинг хабардорлигини

¹ Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий Миллий Ҳисоботи https://api.mf.uz/media/document_files/lkkinchi_milliy.pdf

ошириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда ролини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистан дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари булган Парламентлараро Иттифокда, ЕХХТ Парламент Ассамблеясида, МДХ Парламентлараро Ассамблеясида ўзининг аъзолигини тиклади. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали ҳамкорлик борасида қўшимча имкониятлар эшигини очди.

Қонунчилик палатасининг халқаро алоқалари географиясини кенгайтириш, жаҳон миқёсида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, парламентлараро гуруҳлар фаолиятини жонлантириш ҳамда бу борада таъсирчан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Ушбу янги институтнинг жорий қилиниши парламентнинг халқаро парламентлараро алоқаларини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлиснинг фаол иштирокини таъминлаш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг ташаббусларини илгари суриш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси тасдиқланди.

Ўтган даврда Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссияларининг ишларини фаоллаштириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш чораларининг кўрилиши натижасида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти кескин жонланди.

Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, хорижий давлатлар парламентлари билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш орқали ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун Ўзбекистонда барча соҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, демократик янгиликлар ўзининг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг онгутафаккурида кечаётган ўзгаришлар юрт қиёфасида ўз инъикосини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2640479>
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. <https://lex.uz/docs/2686000>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/2929477>.
6. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий Миллий Ҳсоти https://api.mf.uz/media/document_files/1kkinchi_milliy.pdf

О. БЎРИЕВ

Ўз.Рес.Фанлар Академияси
“Давлат ва ҳуқуқ” институти
мустақил тадқиқотчиси
odilburiov@gmail.com

Янги Ўзбекистон Конституциясида Инсон Қадри Ифодаси

Аннотация: Миранда қоидаси, сукут сақлаш, инсон қадрини юксалтириш, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашга йўналтирилган. Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, Янги Ўзбекистон конституциясида фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда кафолатлаш, инсон ҳуқуқларига таълуқли нормаларнинг уч бароварга кўпайганлиги фикримизни яққол исботидир.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсон қадри, ислоҳотларнинг узвийлиги, таклиф, қизғин муҳокамалар.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022- йил 20- июн куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда сўнгги жамиятимиз ҳаётида кенг трансформация амалга оширилгаётгани, ўзгаришлар марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам экани, инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва кадр-қиммати масаласи устувор вазифага айланганини таъкидлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамлаш сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Конституциянинг янги таҳририда (2023) инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида белгилаб қўйилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фаолияти, миллий қонунчиликнинг халқаро меъёрларга мослаштирилиши – буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг кўламини кўрсатади.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган ўта муҳим мафкуравий ақидалардан яна бири инсоннинг улуғланиши ва демократия шароитида яшашга муносиблигидир. Мустақил Ўзбекистон халқи миллий тараққиёт йўлининг бош ғояси — ҳур, эркин, озод, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш. Ўзбек халқи — халқ сифатида ўз маънавий қиёфасига, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятларига эга бўла бориб, инсон қадри улуғланишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай юксак қадриятлар асосида мамлакатда соғлом муҳит қарор топтирилгани, ҳар бир инсон камолотга эришиши учун реал шарт-шароит яратилаётгани амалда намоён бўлмоқда.

“Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий

ҳаётимизда бош кадриятга айлантиришимиз зарурлиги, яъни инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон кадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устунлиги, шу боис инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлиши, янгиланган Конституциямизда ушбу принциплар аниқ ифода этилганлиги, ўзининг мукамал ҳуқуқий ечимини топаётгани таъкидланган. Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, инсоннинг кадр-қиммати, аввало, унинг яшаш ҳуқуқида намоён бўлади. Бу энг улуғ ва муқаддас кадриятларимиздан биридир.

Ўзбекистон ўлим жазосини бекор қилиш йўлини танлагани ва бундай жазо тайинладиган жиноятлар сонини босқичма-босқич камайтирилганлиги, бу жазони батамом бекор қилди. “Шунга қарамай, айрим фуқаролар томонидан ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонунчилигига қайта киритиш ҳақида таклифлар ҳам илгари сурилди. Ваҳоланки, демократик ва инсонпарвар ғояларни олий кадрият даражасига кўтарган дунёдаги аксарият давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Чунки яшаш ҳуқуқи — ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган. Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз Конституциямизга “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”, деган яна бир муҳим нормани киритишни таклиф қиламан. Шу тариқа биз ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканлигимизни бутун дунёга яққол намоён қиламиз”, — деди президент.

Шу билан бирга, халқ қабулхоналарига келаётган кўплаб мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганида, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга эканлиги тушунтирилмайди. Натижада гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтидаёқ поймол бўлиш хавфи остида қолади. Бундай

ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб давлатларнинг конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс эттирилган “Миранда қондасини” қўллаш лозим. Яъни шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт. Бу олтинга тенг қоида Конституциямиздан жой олди.

2022 йил 25 июнда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа матнининг 65 фоизи халқимиздан келиб тушган 220 мингдан ортиқ таклиф асосида янгиланди.

2023 йил 30 апрелда мамлакат бўйича — жами 10758 та, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида эса 55 та референдум участкаси фаолият кўрсатди.

Референдумда иштирок этган 16 миллиондан ортиқ фуқароларимиз янги таҳрирдаги Конституцияни бир овоздан қабул қилишди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига таълуқли нормалари уч бараварга кўпайди. Масалан, гумонланиб ушланган шахс қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноятда гумонланаётганлиги тўғрисида тушунтирилиши, кўрсатма беришга мажбур эмаслиги яъни сукут сақлаши, малакали юридик ёрдам олиши, қайси манзилга олиб борилаётганини билиш, яқинларига кўнғироқ қилиб огоҳлантириши, гумон қилиниб ушлаб турилганида 48 соатдан ортиқ ушланмаслик каби ҳуқуқлари борлиги белгилаб қўйилди. Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, ҳеч ким ўзига ва яқинларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги, ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиб жавобгарликка тортилмаслиги, озодликдан маҳрум этилган шахсларга инсоний муомалада бўлиши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги каби ҳуқуқлари борлиги

белгилаб қўйилди. Буларнинг бари мамлакатимизда инсон қадрига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

1992 йил 08 сентябрда қабул қилинган эски конституциядан фарқли ўлароқ, янгисининг нормалари сони 275 тадан 434 тагача кўпайди. Асосий қонунга адвокатура тўғрисида янги боб киритилди. Ногиронлиги бор шахсларга бевосита ғамхўрлик давлат томонидан кафолатланди, инклюзив таълим тури таълим соҳасига киритилди. Педагогларнинг ҳуқуқий мақоми жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ва бойитиш асоси сифатида кафолатлаб қўйилди. Барқарор ривожланиш принципига асосан, атроф муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш чоралари кўриладиган бўлди. Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини яхшилаш, тиклаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш янги таҳрирдаги Конституциямизда кафолатлаб қўйилди. У ҳозирги вақтда инсон кадр-қимматини таъминлашнинг ягона дастури бўлиб, фуқароларимизнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик ҳуқуқлари кафолатланишига хизмат қилмоқда.

Бугун фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Мамлакатимизда биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилингани бу йўналишдаги фаолиятни тизимли амалга оширишда ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу стратегияда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслар (қонун устуворлиги, норма ижодкорлигининг сифати, ҳукумат фаолиятининг самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жинойтчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнес юритиш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи давлат қаторига киришини таъминлаш вазифаси қўйилди .

Хуллас, Янги Ўзбекистон халқпарвар давлат ва инсонпарвар жамият

негизида барпо этилмоқда. Конституция ва қонунларимиз талабларини оғишмай бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг ҳаётий шиоримизга айланса, истиқболда кўзлаган улкан марраларимизга албатта эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил.
<https://lex.uz/docs/6445145>

2. Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 21 июнь; 35 мингдан ортиқ таклифларда қандай масалалар илгари сурилмоқда? // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 18 июнь.

3. Шавкат Мирзиёев. Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади — инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи). — https://uza.uz/uz/posts/konstituciya-viy-islohotlarimizning-bosh-maq-sadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir_383081.

4. Президент ўлим жазосини тақиқлаш тўғрисидаги нормани конституцияга киритишни таклиф қилди. — <https://uznews.uz/ru/news/56522>.

5. Шавкат Мирзиёев. Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади — инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи). — https://uza.uz/uz/posts/konstituciya-viy-islohotlarimizning-bosh-maq-sadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir_383081.

ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИДА БОЛАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хужанов Тиллабек Келдибекович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Давлат ва ҳуқуқ
институти катта илмий ходими

ПРАВОВОЙ СТАТУС РЕБЁНКА И ВОПРОСЫ ЕГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В ПРАВОВЫХ ИСТОЧНИКАХ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ

Хужанов Тиллабек Келдибекович
Старший научный сотрудник
Института государства и права
Академии наук Республики
Узбекистан.

THE LEGAL STATUS OF THE CHILD AND ISSUES OF ENSURING IT IN MEDIÉVAL LEGAL SOURCES

Khujanov Tillabek Keldibekovich
Senior Research Fellow at the Institute
of State and Law of the Academy of
Sciences of the Republic of
Uzbekistan

Аннотация. Мазкур мақолада ўрта асрлар ҳуқуқий манбаларида боланинг ҳуқуқий мақоми, унинг шахсий, мулкӣ, тарбиявий ва ижтимоий ҳимояси масалалари тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Тадқиқотда ислом ҳуқуқи манбалари — Қуръони карим, ҳадислар, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асари, шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Ибн Синонинг тиббий-ахлоқий қарашлари, Европа ўрта аср ҳуқуқий ёдгорликлари — “Буюк эркинликлар хартияси” ва “Юстиниан қонунлари” ва бошқа ҳуқуқ қоидалари асосида боланинг ҳуқуқий муҳофаза субъекти сифатида шаклланиши ўрганилади. Мақолада бола ҳуқуқлари замонавий маънода мустақил ҳуқуқлар тизими сифатида эмас, балки оила, васийлик, мерос, тарбия, нафақа ва ахлоқий масъулият институтлари орқали таъминлангани асослаб берилди.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, ўрта аср ҳуқуқи, боланинг ҳуқуқий мақоми, васийлик, хомийлик, мерос, “Ал-Ҳидоя”, “Буюк эркинликлар хартияси”.

Аннотация. В данной статье с историко-правовой точки зрения анализируются правовой статус ребёнка в правовых источниках Средневековья, вопросы его личной, имущественной, воспитательной и социальной защиты. В исследовании на основе источников исламского права — Священного Корана, хадисов, произведения Бурханиддина Маргинани «Ал-Хидая», а также «Кутадгу билиг» Юсуфа Хос Хаджиба, «Сиясат-наме» Низам аль-Мулька, медико-этических взглядов Ибн Сины, европейских средневековых правовых памятников — «Великой хартии вольностей» и «Законов Юстиниана» и других правовых норм изучается процесс формирования ребёнка как субъекта правовой защиты. В статье обосновывается, что права ребёнка в современном понимании не существовали как самостоятельная система прав, а обеспечивались посредством институтов семьи, опеки, наследования, воспитания, содержания и моральной ответственности.

Ключевые слова: Права ребёнка, средневековое право, правовой статус ребёнка, опека, попечительство, наследство, “Ал-Хидая”, “Великая хартия вольностей”.

Annotation. This article analyzes the legal status of the child in medieval legal sources and the issues of their personal, property, educational, and social protection from a historical and legal perspective. The study examines the formation of the child as a subject of legal protection based on sources of Islamic law — the Holy Qur’an, hadiths, Burhan al-Din al-Marghinani’s work “Al-Hidaya”, as well as Yusuf Khass Hajib’s “Kutadgu Bilig”, Nizam al-Mulk’s “Siyasatnama”, Ibn Sina’s medical and ethical views, European medieval legal monuments — the “Magna Carta” and the “Justinian Code” — along with other legal norms. The article substantiates that children’s rights, in the modern sense, did not exist as an independent system of rights during that period; rather, they

were ensured through the institutions of family, guardianship, inheritance, upbringing, maintenance, and moral responsibility.

Key words: Children’s rights, medieval law, the legal status of the child, guardianship, trusteeship, inheritance, “Al-Hidaya”, “Magna Carta”.

Бола ҳуқуқларини ҳуқуқий таъминлаш масаласи замонавий халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг алоҳида йўналиши сифатида ноомоён бўлади. Зеро боланинг ҳаёти, тарбияси, мулкӣ манфаатлари, оилавий муҳофазаси ва ахлоқӣ камолоти ҳақидаги ҳуқуқӣ тасаввурлар фақат янги давр маҳсули эмас. Чунки, бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари қадимги ва ўрта асрлар ҳуқуқӣ манбаларида, диний-ахлоқӣ таълимотларда ва одат ҳуқуқи қоидаларда ҳам ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Ўрта асрларда “бола ҳуқуқлари” атамаси ҳозирги юридик маънода кўлланилмаган бўлса-да, бола жамият ва оила муҳофазасига муҳтож шахс, мерос ва мулк муносабатларида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган субъект, тарбия ва таъминотга ҳақли шахс сифатида эътироф этилган. Шу боис ўрта аср ҳуқуқӣ манбаларини таҳлил қилиш бола ҳуқуқлари тарихи фақат XX аср халқаро ҳужжатлари билан бошланмаганини, балки унинг назарий-ҳуқуқӣ асослари анча илгари шаклланганини кўрсатади.

Ўрта аср ҳуқуқӣ тизимларида боланинг ҳуқуқӣ мақоми асосан унинг ёши, жисмоний ва ақлий етуқлиги билан боғлиқ ҳолда белгиланган. Бу даврда ҳам бола мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эмас, балки ота-она, васий, ҳомий, уруғ-жамоа ёки диний-ахлоқӣ тизим муҳофазаси остидаги шахс сифатида қараб келинган.

Ислом ҳуқуқида бола мақомини англатувчи “сағир” — вояга етмаган, “етим” — отасидан айрилган бола, “тамйиз” — яхши-ёмонни фарқлаш қобилиятига ета бошлаган бола, “булуғ” — балоғат ёшига етган шахс, “рушд” — мулкӣ муносабатларда оқилона тасарруф қилиш қобилияти каби тушунчалар мавжуд бўлган. Айниқса, “рушд” мезони боланинг фақат

биологик етуклиги эмас, балки мулкый-хукукий муомалага киришиш учун ақлий ва ижтимоий етуклиги ҳам аҳамиятли бўлганини кўрсатади.

Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 6-оятда етимларнинг мол-мулкани асраш, уларни бошқариш ва вояга етганда ўзларига бериш масалалари баён этилган¹. Бу қоида ўрта аср ислом ҳукукида боланинг мулкый ҳуқуқлари васий томонидан вақтинча бошқарилиши, бироқ бола вояга етгач унинг мулкый мустақиллиги тан олинishi лозимлигини англатади. Қуръонда ушбу оят етим мол-мулкани муҳофаза қилиш ва унинг ўз вақтида қайтарилиши лозимлиги қайд этилган.

Бундан кўринадики, ўрта аср ҳукукида боланинг ҳукукий мақоми “ҳимояга муҳтожлик” ва “келажакда тўла ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш” гоёлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунингдек, Қуръони каримда бола ҳаётини муҳофаза қилиш қатъий ахлокий-ҳукукий талаб сифатида ифодаланади. Жумладан, “Исро” сураси 31-оятда камбағаллик хавфи сабаб фарзандларни ўлдирмаслик буюрилади². Ушбу қоида боланинг яшаш ҳуқуқи, оилавий ва ижтимоий муҳофазага ҳақлилиги ҳақидаги илк диний-ҳукукий қарашлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Бундан ташқари, бола парвариши ва таъминоти масаласи “Бақара” сураси 233-оятда янада аниқроқ тартибга солинган. Унда оналар фарзандларини икки йил тўлиқ эмизиши лозимлиги, боланинг отаси эса она ва боланинг таъминотини адолатли тарзда таъминлаши лозимлиги кўрсатилган³. Бу оятда боланинг озиқланиш, парвариш ва ота-она томонидан зарар кўрмаслик манфаати ҳимоя қилинади.

Ҳадисларда ҳам бола тарбияси ота-она ва жамият зиммасидаги масъулият сифатида қаралади. Масалан, “Сунан Абу Довуд”да фарзандларни ибодат, одоб ва интизомга ўргатиш ҳақидаги ҳадислар келтирилади⁴. Шунингдек, “ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ўз қарамоғингиздагилар учун

¹ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. — Тошкент - 2019.

² Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. — Тошкент - 2019

³ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. — Тошкент - 2019

⁴ Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас. Сунан Абу Довуд. “Китоб ас-салот” (Намоз китоби), 495-ҳадис. [Электрон манба]. <https://sunnah.com/abudawud%3A495?utm>

масъулсиз” мазмунидаги ҳадисда ота-она, раҳбар ва жамиятнинг тарбия ва муҳофаза борасидаги мажбурияти таъкидланади¹.

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарида боланинг ҳуқуқий мақоми никоҳ, нафақа, ҳадона, васийлик, мерос ва мулкӣ муносабатлар доирасида ёритилади. “Ал-Ҳидоя” ҳанафий фикҳининг энг нуфузли манбаларидан бири сифатида XII асрдан бошлаб ислом ҳуқуқи таълими ва амалиётида муҳим ўрин тутган². Унда ота-она ажрашган тақдирда болани ким парвариш қилиши, она ва бошқа яқин қариндошларнинг ҳадонадаги устуворлиги, боланинг моддий таъминоти ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари тартибга солинган.

Ўрта аср Марказий Осиё илмий-маърифий муҳитида бола масаласи фақат ҳуқуқий эмас, балки ахлоқий, тиббий, сиёсий ва ижтимоий муаммо сифатида ҳам талқин этилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида давлат бошқаруви, адолат, ахлоқ, оила ва тарбия масалалари ўзаро боғлиқ ҳолда баён қилинади. Асарда инсон камолоти, яхши тарбия, билим ва адолатли муҳит жамият барқарорлигининг асоси сифатида қаралади³.

Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида давлат бошқаруви, адолат, мансабдорлар масъулияти ва ижтимоий тартиб масалалари баён этилади. Унда заифлар, етимлар, муҳтожлар ва ҳимояга эҳтиёжманд қатламлар манфаатини таъминлаш адолатли ҳокимиятнинг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатилади⁴.

Ибн Синонинг “Ал-Қонун фит-тиб” асарида бола парвариши, чақалоқ гигиенаси, эмизиш, соғлом ўсиш ва тарбия масалалари тиббий-ахлоқий нуқтаи назардан ёритилган. Замонавий тадқиқотларда Ибн Синонинг “Қонун” асарида янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш, эмизиш ва бола

¹ Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. “Китоб ал-Иморат” (Амирлик ва бошқарув китоби), 1829а-ҳадис. [Электрон манба]. <https://sunnah.com/muslim:1829a?utm>

² Бурҳониддин Марғиноний. Ал-ҳидоя шарҳ бидоят-л-мабтадиъ. Идорату-л-Қуръон вал-улуму-л-исломия. –Карачи.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ. Каримов. — Тошкент: Фан, 1971. — 964 б.

⁴ Низомулмулк. Сиёсатнома / Форс тилидан таржима. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.

тарбиясига бағишланган алоҳида қисм мавжудлиги таъкидланади¹. Бу ҳолат бола ҳуқуқлари тарихи фақат суд-ҳуқуқ манбалари билан чекланмасдан, тиббий ва ахлоқий адабиётларда ҳам ифодаланганини кўрсатади.

Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида бола жамият келажаги, давлат барқарорлиги ва ахлоқий тартибнинг давомчиси сифатида талқин қилинган. Шу боис бола тарбияси шахсий оилавий вазифа эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга жараён сифатида баҳоланган.

Ушбу даврда Европа давлатлари ҳуқуқида боланинг ҳуқуқий мақоми асосан феодал мерос, васийлик, никоҳ ва канон ҳуқуқи доирасида шаклланган. Хусусан, 1215 йилда қабул қилинган “Буюк эркинликлар хартияси”да вояга етмаган меросхўрлар, васийлик ва мерос мол-мулкни бошқариш масалалари алоҳида тартибга солинган. Масалан, ҳужжатда вояга етмаган меросхўр балоғатга етгач, меросини ортиқча тўловларсиз олиши, васий эса мерос мулкни исроф қилмаслиги лозимлиги белгиланган².

Бу қоидалар замонавий бола ҳуқуқлари нуқтаи назаридан қаралганда чекланган доирага эга бўлса-да, ўша давр учун муҳим қафолат ҳисобланган. Чунки феодал жамиятда бола, айниқса, меросхўр бола, мол-мулк муносабатларининг марказида турган. Уни муҳофаза қилиш орқали нафақат боланинг шахсий манфаати, балки оила, сулола ва мулкий барқарорлик ҳам таъминланган.

Юстиниан қонунларида эса “етим бола”, яъни васийликка олинган вояга етмаган шахс тушунчаси кенг қўлланилган. Бу қонунда васийлик, наслнинг ота томондан белгиланиши ва мулкий муносабатлар тизимли тарзда баён этилган³. Гарчи Юстиниан қонунлари антик давр Византия ҳуқуқий мероси ҳисобланса-да, ўрта асрларда Европа давлатларида рим

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари (Ал-Қонун фи-т-тибб). 1–5 жилд. Таржимонлар: А. Расулев, К. Мирзаев, У. Каримов, А. Муродов. — Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2020

² Modanlou H.D. Avicenna and the care of the newborn infant and breastfeeding // Journal of Perinatology. — 2008. — Vol. 28. — P. 3–6.

³ Justinian. Corpus Juris Civilis. Vol. I: Institutiones; Vol. II: Digesta. Translated by Samuel P. Scott. — Cincinnati: The Central Trust Company, 1932.

ҳуқуқида боланинг ҳуқуқий мақомини масалалари бўйича муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрта аср ҳуқуқий манбаларида бола ҳуқуқларини таъминлаш қўйидаги асосий механизмлар орқали амалга оширилган.

Биринчидан – оилавий масъулият механизми. Ислом ҳуқуқида ота-она боланинг таъминоти, тарбияси ва ахлоқий камолоти учун масъул ҳисобланган. Ҳадисларда ота-она ўз қарамоғидагилар учун жавобгар экани таъкидланиши бола ҳуқуқларини таъминлашда шахсий-ахлоқий масъулиятни ҳуқуқий мажбурият билан боғлайди.

Иккинчидан – васийлик ва ҳомийлик механизми. Вояга етмаган боланинг мол-мулкани бошқариш, унинг ҳуқуқий ҳаракатларини амалга ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш васий ёки ҳомий зиммасига юклатилган.

Учинчидан – мерос ҳуқуқи орқали ҳимоя қилиш механизми. Ислом ҳуқуқи ҳам, Европа давлатлари феодал ҳуқуқи ҳам боланинг меросдаги манфаатларини алоҳида муҳофаза қилган. Хусусан, «Буюк эркинликлар хартияси»да вояга етмаган меросхўр мулкани васий томонидан сақлаш ва балоғатга етгач, унга топшириш қоидалари белгиланган.

Тўртинчидан – тарбия ва таълим механизми. Ўрта аср мутафаккирлари бола тарбиясини давлат ва жамият келажаги билан боғлаган. Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк ва Ибн Сино асарларида бола камолоти, илм, одоб ва соғлом тарбия ижтимоий барқарорликнинг муҳим шарти сифатида қаралади.

Бешинчидан – диний-ахлоқий назорат механизми. Ўрта аср жамиятида ҳуқуқ кўп ҳолларда дин ва ахлоқ билан узвий боғлиқ бўлган. Шу сабабли болага нисбатан зулм, етим молини ейиш, бола таъминотидан бўйин товлаш, тарбияга бефарқлик нафақат ҳуқуқий, балки диний-ахлоқий меъёрлар нуқтаи назаридан ҳам салбий баҳоланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўрта асрлар ҳуқуқий манбаларида боланинг ҳуқуқий мақоми мураккаб ва кўп қиррали характерга эга бўлган.

Бола жамиятда мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эмас, балки ҳимояга муҳтож бўлган шахс, оила ва жамоа давомчиси, меросхўр, тарбия объекти ва вояга етгач тўла ҳуқуқ лаёқатига эга бўладиган инсон сифатида қаралган.

Ислом ҳуқуқида боланинг ҳаёти, таъминоти, она томонидан эмизрилиши, тарбияси, етимлик ҳолатида мулкӣ манфаатлари ва васийлик орқали ҳимоя қилиниши аниқ диний-ҳуқуқӣ қоидалар билан таъминланган. Марказий Осиё мутафаккирлари бола камолотини адолатли давлат ва соғлом жамиятнинг асосий шартӣ сифатида баҳолаган. Европа ҳуқуқӣ манбаларида эса боланинг мақоми асосан мерос, васийлик ва никоҳ муносабатлари билан боғлиқ ҳолда тартибга солинган.

Шу асосда айтиш мумкинки, бола ҳуқуқларининг тарихий ривожланиши ўрта аср ҳуқуқӣ манбаларидаги ҳимоя, васийлик, тарбия, мерос ва таъминот институтлари орқали босқичма-босқич шакллланган. Замонавий бола ҳуқуқлари концепцияси айнан шу тарихий-ҳуқуқӣ асосларни янги инсонпарварлик, тенглик ва шахсий автономия тамойиллари билан бойитган ҳолда ривожланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. — Тошкент - 2019.
2. Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас. Сунан Абу Довуд. “Китоб ас-салот” (Намоз китоби), 495-ҳадис. [Электрон манба]. <https://sunnah.com/abudawud%3A495?utm>
3. Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. “Китоб ал-Иморат” (Амирлик ва бошқарув китоби), 1829а-ҳадис. [Электрон манба]. <https://sunnah.com/muslim:1829a?utm>
4. Бурҳониддин Марғионий. Ал-ҳидоя шарҳ бидояти-л-мабтадиъ. Идорату-л-Қуръон вал-улуму-л-исломия. –Карачи.
5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ. Каримов. — Тошкент: Фан, 1971. — 964 б.
6. Низомулмулк. Сиёсатнома / Форс тилидан таржима. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.

7. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари (Ал-Қонун фи-т-тибб). 1–5 жилд. Таржимонлар: А. Расулев, К. Мирзаев, У. Каримов, А. Муродов. — Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2020

8. Modanlou H.D. Avicenna and the care of the newborn infant and breastfeeding // Journal of Perinatology. — 2008. — Vol. 28. — P. 3–6.

9. Justinian. Corpus Juris Civilis. Vol. I: Institutiones; Vol. II: Digesta. Translated by Samuel P. Scott. — Cincinnati: The Central Trust Company, 1932.

Э.ДУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА
Давлат ва ҳуқуқ институти
мустақил изланувчиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотлар, унинг ўзига хос хусусиятлари, жиноят-ижроия соҳасидаги сиёсат, бу борадаги миллий қонунчиликнинг таснифи, уни ривожлантириш тенденциялари таҳлил этилади.

Жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплар ва нормалар қиёсий ўрганилиб, уларни жиноят-ижроия қонунчилигимизга имплементация қилиниши билан боғлиқ жараёнлар ўрганилади.

Калит сўзлар: Конституция, Кодекс, ҳуқуқлар, инсон омили, демократия, жиноят-ижроия сиёсати, маҳкумлар, декларация, имплементация, жиноятчилик профилактикаси, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, қиёсий таҳлил.

Халқаро ҳамжамиятда ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиб борётган Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг сайи-ҳаракатлари билан инсон ҳуқуқлари улуғланадиган, ҳақиқий инсонпарвар демократик давлат ва қонун устиворлиги тўлиқ таъминланадиган жамиятни шакллантириш ишларини жадаллаштириб юборди.

Хабарингиз борки, суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ташаббускори, жиноий жазо тизимини либераллаштиришнинг асосий илҳомлантирувчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевдир. Юртбошимизнинг дастуруламал асарлари, мақола ва маърузаларида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва хуқуқий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари ҳамда бу борадаги муаммоларни ва уларнинг ечимлари кўрсатиб берилмоқда.

Юқоридаги фикрлар жиноят-ижроия сиёсати ва қонунчилигини мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари, ҳозирги аҳволи истиқболларига ҳам тегишлидир, яъни жиноий жазоларни ва бошқа жиноят-хуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органларнинг янги тизимини барпо этиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро хуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга оид принциплари ва нормаларидан келиб чиққан ҳолда **“ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш, бошқа ғайриинсоний зўравонликка мутлақо йўл қўйилмайди.”**¹

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар йўли – биз учун энг устувор ва тўғри йўл эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу стратегик мақсадларни маваффақиятли равишда амалга оширишимиз учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳар куни изланишда, мутахассислар ва тегишли давлат органлари ходимлари эса юртимиз ва хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, кундалик ҳаёт, касбий фаолият ҳамда ишдаш методикасини тараққий этишга, сийқаллаштиришга ва такомиллаштиришга ҳаракат қилиши лозим.

1948 йилда қабул қилинган Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси дунёда демократия ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 106-107 бетлар.

йўлида кенг имкониятлар очиб берган. Инсон қадрини эъзозлайдиган, адолатли ва инсонпарвар давлатнинг энг муҳим хусусияти, аввало, халваро ҳуқуқнинг ушбу йўналишидаги кадриятларни иложи борица ўз қонунчилигига имплементация қилиб, инсон қадр ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида, хусусан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар, маҳкумларнинг ҳам тегишли ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб беришдир.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борадаги ижобий ҳорижий тажрибаларни ўрганиш, миллий қонунчиликни халқаро-ҳуқуқий нормаларга мос келишини таъминлаш йўналишидаги ҳаракатларимизни долзарб эканлигини тақозо этмоқда.

Ҳар бир давлатнинг давлат сиёсатида жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсат муҳим ўрин тутди¹. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат жиноятчиликка қарши курашнинг мақсадлари, принциплари, стратегияси, асосий йўналишлари, шакл ва усулларини белгилайди. Давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсатининг мазмуни жиноятчиликнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, улар содир этилишининг олдини олиш, жиноятчиликка ўз вақтида барҳам бериш бўйича давлат, унинг ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини, жиноят содир этган шахслар масъулиятини, маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш ва жазо мақсадларига эришиш юзасидан фаолиятлари асосини белгилаб беради.

Жиноят-ижроия сиёсати жиноят сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноят сиёсати жиноятчиликка жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини белгилайди. Давлатнинг жазони ижро этиш соҳасидаги сиёсатининг моҳияти жиноят сиёсатининг мазмунига нисбатан торроқдир.

Шундай қилиб, жиноят-ижроия сиёсатига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Жиноят-ижроия сиёсат – бу давлатнинг жазони ижро этиш**

¹ Қаранг: Норбўтаев Э.Х. Жиноятга оид сиёсат ва унинг ички ишлар идоралари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005; Норбўтаев Э.Х. Уголовная политика: исходные критерии построения // Ҳуқуқ – Право – Law, 2004, №2. – С. 73-77.

соҳасидаги фаолияти мақсадлари, принциплари, стратегияси, асосий йўналишларини ҳамда жазони ўташнинг асосий шакл ва усулларини белгилаб беради.

Жамиятдаги маънавий ва ҳуқуқий онг даражаси ҳам жиноят-ижроия сиёсатига бевосита таъсир кўрсатади¹.

Турли ижтимоий гуруҳлар эълон қилинган ва тарғиб этилаётган маънавий ва ҳуқуқий қадриятлардан жиддий чекинишларга йўл қўйиши мумкин. Фаровон жамиятда бундай фарқ кўзга у қадар ташланмайди ва жиддий бўлмайди. Бундай жамиятда маҳкумларга нисбатан муносабат анча инсонпарвар ва сабр-қаноатли бўлади. Бу эса жиноят-ижроия сиёсатини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Жамиятда ижтимоий беқарорлик, ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашиши жиноят-ижроия сиёсатни шакллантиришига салбий таъсир кўрсатиб, жазони ижро этишни оғирлаштириш тарафга ўзгартириши мумкин.

Жиноятчиликнинг аҳволи ҳам жиноят-ижроия сиёсатга жиддий таъсир кўрсатади. Жиноятчилик даражаси паст бўлса, жиноят-ижроия сиёсати одатда анча инсонпарвар бўлади². Жиноятчилик даражасининг юқорилиги, жиноий хатти-ҳаракатларнинг шафқатсиз кўринишлари жамиятдаги маънавий ва ҳуқуқий муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, шафқатсиз сиёсий ва ҳуқуқий қарорлар қабул қилинишини оқлайди.

Инсон ҳуқуқлари, жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомала қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар жиноят-ижроия сиёсатга бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида халқаро принцип ва нормаларнинг устуворлиги эътироф этилган³.

¹ Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Жиноий ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар // Ҳуқуқ–Право-LAW, 2002, №1. Б. 7-10.

² Норбутаев Э.Х., Кабулов Р., Ботиров Т.К. Развитие гуманистических основ действующей системы уголовно-правового воздействия // Ҳуқуқ–Право-LAW, 2004, №1.- Б. 35-38.

³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (ўзгартиш ва қўшимчалар билан). URL: <https://lex.uz/uz/docs/20596>.

Жиноят-ижроия сиёсатини амалга оширилишининг асосий шакли жиноят-ижроия қонунчилигидир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия сиёсати Жиноят-ижроия кодексига, жазони ижро этиш ва ўташ билан боғлиқ бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят-ижроия кодексининг 1-моддасида “жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади ҳамда ушбу Кодексдан, шунингдек унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан ташкил топади”¹, дейилган.

Шундай қилиб, давлат ягона ҳуқуқий сиёсатининг таркибий қисми бўлган жиноят-ижроия сиёсати бевосита жиноят сиёсатидан келиб чиққан ҳолда жазони ижро этиш соҳасидаги давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишларини, бу фаолиятнинг принциплари, шакллари, вазифа ва мазмунини белгилайди.

Эътиборингизни тортмоқчи бўлган яна бир масала, бу Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилинишини кенгайтириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш юзасидан тизимли ва изчил чора-тадбирларни самарали амалга ошириш масаласидир.

Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини либераллаштириш жараёни тадрижий амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди. Жумладан, Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ шарт-шароитларини яхшилаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг самарали механизмларини амалга ошириш имконини берди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (670 б.).

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган¹ ва 1997 йил 1 октябрда² кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси жиний жазо ижро этилишининг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган демократик ва инсонпарварлик принциплари амалга оширилишига йўналтирилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 га яқин халқаро ҳужжатларнинг, шу жумладан ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатининг қатнашчиси ҳисобланади. Мамлакатимиз бу ҳуқуқий нормалар асосида ўз қонунчилигини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш мажбуриятини қабул қилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлиш тўғрисидаги халқаро шартномаларда шакллантирилган принциплар ва умумий қоидаларнинг Ўзбекистон жиноят-ижроия қонунчилиги учун аҳамияти улар давлатлараро хусусиятга эга эканлиги, барқарорлиги, аниқ бир мамлакатда ҳар хил сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва жиноятчилик билан боғлиқ омиллар таъсири остида шаклланадиган ижтимоий конъюнктура таъсирига берилмаслиги, ва, бинобарин, миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ривожлантириш учун аниқ йўналиш бериши билан бегиланади. Ушбу принциплар БМТга аъзо мамлакатларнинг кўп йиллик юридик амалиёти асосида ишлаб чиқилган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда шакллантирилган бошқа қоидалар миллий қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва амалиётда ҳисобга олиниши керак бўлса ҳам, давлатлар учун тавсиявий хусусиятга эгадир. Маҳкумлар билан муомала қилишнинг энг минимал стандартларининг айрим қоидалари бунга мисол бўлиши мумкин.

Айнан мана шу ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий қоидалар мустаҳкамланган ва уларнинг энг устуворлари белгиланган. Бироқ

¹ «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997. 6-сон, 175-модда.

² «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. 6-сон, 176-модда.

Маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг энг кам стандартлари сингари махсус халқаро ҳужжатда бундай шахслар билан муомала қилиш нормативияларигина эмас, балки норма-принциплари ҳам келтирилган. Барча шахсларни қийноқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги декларациянинг 1-моддасида минимал стандарт қоидаларга ҳавола қилиниши бежиз эмас¹.

Ушбу йўналишда Ўзбекистонда жазони ижро этишни тартибга соладиган қонун ҳужжатларида жиноий жазони ижро этишда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда маҳкумлар билан муомала қилиш, уларни назорат қилиш жазони ўтаганидан кейин қайта ижтимоийлашувда ва мослашишда уларга ёрдам бериш қоидаларини белгилайдиган алоҳида конвенцияларда шакллантирилган умумий принципларни амалга ошириш зарурлиги билан боғлиқ қонун ижодкорлиги ишлари амалга оширилган.

Инсон ҳуқуқлари халқаро шартномалар таҳлили Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ва уни қўллаш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган улардаги мавжуд масалалар гуруҳини ажратиб кўрсатиш имконини беради: биринчидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларни амалга ошириш муаммолари; иккинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомида уларни амалга ошириш; учинчидан, маҳкумлар билан муомала қилишнинг умумий қоидалари; тўртинчидан, жазони ижро этиш муассасалари ходимларига қўйиладиган талаблар. Уларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар ва уларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига имплементация қилиш инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар жамиятда шахс ҳаётий фаолиятининг етакчи соҳаларини, шу жумладан жиноий одил судловни амалга ошириш соҳасини ҳам қамраб олади. Юқорида санаб ўтилган халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси

¹ Қаранг: Декларация о защите всех лиц от пыток и других жестоких или унижающих достоинство видов обращения и наказания // Права человека Сборник международных договоров. Том 1. (Часть первая) Универсальные договоры. Нью-Йорк, Женева: ООН. 2002. - С. 354.

принципларини шакллантириш учун асос бўлувчи шартномалар бўлди¹. Уларда жазони ижро этишда қонунийликни таъминлаш ва маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда табақалаш ва индивидуаллаштиришга риоя этиш мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларини киритиш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу принциплар миллий ҳуқуқда қабул қилинган терминологияда келтирилди, чунки халқаро ҳужжатларда улар бошқача ифодаланади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда қуйидагилар эълон қилинади:

биринчидан, суднинг ҳукми ёки қарорисиз озодликдан ҳеч ким маҳрум этилиши мумкин эмас;

иккинчидан, маҳкумларни ирқи, тили, диний, сиёсий ёки миллий ёки ижтимоий келиб чиқишига кўра, бошқа эътиқодлари, жинси, ёши, мулкӣ мавқеи бўйича ҳар қандай таҳқирлаш таъқиқланади;

учинчидан, озодликдан маҳрум этилган барча шахслар ўзлари билан инсонпарварларча муомалада бўлиш ва инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳурмат қилиш, уларнинг қайта ижтимоийлашувида жамият томонидан ҳар томонлама ёрдам берилиши ҳуқуқига эга.

Халқаро норма-принциплар асос нормалар ҳисобланади. Шу боис миллий қонунчиликнинг ушбу тармоғи барча институтлари шуларга асосланади. Шу сабабли улар Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида қайд этилган. Кўрсатиб ўтилган принципларнинг жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари учун ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, маҳкумнинг, айниқса озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумнинг ҳуқуқлари жиддий равишда чекланган, бинобарин, тегишли ижтимоий-ҳуқуқӣ ҳимояга муҳтож бўлади².

¹ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (671 б.).

² Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (671 б.).

Жиноят-ижроия кодексида инсон ҳуқуқлари ва озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала қилишга доир халқаро шартномалар қоидалари етарлича тўлиқ акс эттирилган. Улар сирасига қонунийлик ва ҳукм қилинганларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик ва демократизм принципларини киритиш мумкин. Ушбу принциплар Жиноят-ижроия кодексининг асосий институтлари ва нормаларида, хусусан ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқий мақомини, уларни ахлоқий тузатишда ва ҳоказоларни белгилашда ўз аксини топган.

Шу билан бирга жазони ижро этишдаги салбий амалиёт, маҳкумлар, айниқса озодликдан маҳрум қилинганлар ҳуқуқлари бузилиши ҳисобга олинган ҳолда Жиноят-ижроия кодекси Қийноққа қарши ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолаш турларига қарши курашиш конвенциясининг асосий ғояларини акс эттиради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг қоидалари жиноий судлов органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган инсоннинг шу жумладан суднинг ҳукмига кўра қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум қилинганларнинг ҳуқуқларига тегишлидир. Шу сабабли Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Маҳкумлар билан муомала қилишнинг энг кам стандартларида, Қандай шаклда бўлмасин ушланган ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари тўпламида маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомига катта эътибор берилган.

Маҳкум ҳуқуқ субъекти сифатида қаралиши ҳақидаги нормал асосий қоида ҳисобланади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 16-моддасида «ҳар бир киши қаерда туришидан қатъий назар унинг субъектилик ҳуқуқи тан олинмиши ҳуқуқига эга»¹, дейилади. Минимал стандарт қоидаларига ушбу принцип «маҳкумлар билан муомала қилишда уларнинг жамиятдан четлатилганлигини эмас, балки улар жамиятнинг аъзоси эканлигича қолаверишини қайд этиш зарур», деб таъкидланганлиги билан ривожлантирилди.

¹ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: “Адолат”, 2002. - Б. 61.

Сўнгра БМТнинг «Минимал қоидалари»нинг 61-моддасида «махқумлар ўзларининг фуқаролик манфаатлари, ижтимоий таъминоти ва бошқа ижтимоий имтиёзлари соҳасида қонунга ва уларнинг ҳукми шартларига мувофиқ бўлган максимал ҳуқуқларни сақлаб қолишлари мумкинлиги чора-тадбирларини кўриш керак»¹лиги таъкидланади.

Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия қонунчилиги ҳам кўрсатиб ўтилган халқаро принципдан келиб чиқишини қайд этиш зарур. Жиноят-ижроия кодексининг 8-моддасида «махқумлар, истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар»², деб таъкидланади.

Шу билан бирга шахс ҳуқуқий мақомининг умумий қоидасини («ҳуқуқ субъекти бўлиш ҳуқуқи») ривожлантириб, инсон ҳуқуқари бўйича халқаро шартномалар фуқароларнинг қонун олдида тенглигига, виждон эркинлигига, она тилидан фойдаланиш эркинлигига ва ҳоказоларга диққатни жалб этади. Ушбу ҳуқуқий принциплар ҳар бир инсонга тааллуқлидир, шу жумладан, маҳқумга ҳам тегишлидир. Минимал стандарт қоидалар маҳқумлар билан муомалада бўлиш принципларини шакллантирар экан, уларнинг ирқи, танасининг ранги, жинси, диний ва бошқа эътиқодлари бўйича таҳқирланишини таъқиқлайди, диний эътиқод эркинлигини шунингдек, она тилидан фойдаланиш эркинлигини эълон қилади. Шу муносабат билан «Минимал қоидалар»да белгиланган қоида эътиборга молик. Унга мувофиқ «пенитенциар муассаса директори, унинг ўринбосари ва кўпчилик ходимлари кўпчилик маҳқумлар сўзлайдиган тилни билишлари, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланишлари керак» (51-банд)³.

¹ Қаранг: Минимальные стандартные правила обращения с заключенными // Права человека Сборник международных договоров. Том 1. (Часть первая). Универсальные договоры. Нью-Йорк, Женева: ООН, 2002. - С. 317.

² Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (671 б.).

³ Қаранг: Минимальные стандартные правила обращения с заключенными. // Права человека Сборник международных договоров. Том 1. (Часть первая). Универсальные договоры. Нью-Йорк, Женева: ООН, 2002. - С. 315.

Жазони ўталганда она тилидан фойдаланиш эркинлиги принципи кўп миллатли давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Жиноят-ижроия кодексида ушбу принцип акс эттирилган. Бу эса жазони ижро этиш муассасалари ходимлари билан маҳкумлар ўртасидаги низони бартараф этишга йўналтирилган. Жиноят-ижроия кодексининг 9-моддасида маҳкумларнинг асосий ҳуқуқларидан бири - ўз она тилида мурожаат қилиш, зарур ҳолларда эса таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланганлиги жазони ўташ тартиби демократлаштирилиши йўналишидаги муҳим қадам эканлиги шубҳасиздир¹.

Жазони ўташнинг белгиланган тартибини бузган маҳкум ёзма равишда огоҳлантирилади. Бу ахборотларни тўлиқ равишда текшириш учун ва маҳкумнинг нима учун тартибга бўйсунмаганлиги (сабабли ёки сабабсизми) аниқлаш учун зарур бўлади. Агар маҳкум ёзма равишда маълумот беришдан бўйин товласа ахлоқ тузатиш ишлари ноziри мана шу ҳақида далолотнома ёзиб унда вояга етмаган шахснинг бажариши мумкин бўладиган меҳнатга жалб этиши лозим бўлади².

Ўзбекистоннинг жазо ижро этилишини тартибга соладиган жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида биринчи марта виждон эркинлигини таъминлашдек маҳкумлар билан муомала қилиш принципи мустаҳкамланган. Жиноят-ижроия кодексининг 12-моддасида бундай дейилади: «Маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русумларни адо этишга ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва кўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (671 б.)

² Қаранг: Уткин, В. А. Проблемы теории уголовных наказаний : курс лекций / В. А. Уткин. – Томск : Изд. дом Том. гос. ун-та, 2018. – 102 с.

Диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб-қоидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим»¹.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 10-моддасидаги «Пенитенциар тизим томонидан муҳим мақсади маҳкумларни ахлоқий тузатиш ва ижтимоий қайта тарбиялаш тартиб назарда тутилади»², деган қоида маҳкумларни инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш нуқтаи назаридан сақлаш шарт-шароитлаига муҳим аҳамият берилишидан далолат беради. Ушбу қоидалар Маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидаларида батафсил қайд этилган. Уларда маҳкумларни жойлаштириш, овқатлантириш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш интизом ва жазолаш, хавфсизлик чораларини қўллаш, ташқари билан алоқа қилиш, меҳнат, таълим ва тарбия масалаларини ҳал қилиш кўзда тутилади³.

Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия қонунчилигида, айниқса маҳкумларнинг фойдали ижтимоий алоқаларини кенгайтириш, ахлоқ тузатиш муассасаларида хусусан вояга етмаганлар ва аёллар учун жазони ўташ тартиби ҳам либераллаштирилган.

Жазони ижро этишга ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тегишли халқаро норма-тавсия нормалар жинсий жазолар ижро этилишини тартибга соладиган миллий қонунчиликни ривожлантиришга таъсир кўрсатишга даъват этилган. Жумладан, 1984 йил 25 майда БМТнинг ЭКОСОС ташкилоти томонидан маъқулланган, Маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидаларини самарали амалга ошириш тартиб-қоидаларида «ушланадиган ва бирон бир шаклда қамоққа олинадиган барча шахсларни ҳимоя қилишга нисбатан нормалари Маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидаларига мувофиқ бўлмаган барча давлатлар ушбу қоидаларни қабул

¹ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б. (672 б.)

² Қаранг: Международный пакт о гражданских и политических правах // Права человека Сборник международных договоров Том 1. (Часть первая). Универсальные договоры. Нью-Йорк, Женева: ООН, 2002. - С. 2.

³ Қаранг: Минимальные стандартные правила обращения с заключенными // Права человека. Сборник международных договоров Том 1. Универсальные договоры. Нью-Йорк, Женева: ООН, 2002. - С. 305-314.

килишлари керак»¹ эканлиги таъкиланади. Ушбу қоида ЕХХТининг 1989 йилги Вена учршувининг Якуний ҳужжатида тасдиқланган². Ушбу ҳужжатлар маҳкумларни сақлаш тартиби, моддий-маиший ва тиббий таъминоти, меҳнати, тарбияси ва ҳоказолари соҳасида давлат органлари билан маҳкумлар ўртасидаги муносабатларнинг кенг доирасини қамраб олади ҳамда инсонпарварлик хусусиятига эга бўлган тавсияларга эга. Улар Ўзбекистоннинг Жиноят-ижроия кодексига имплементация қилинган.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида жазони ижро этиш органлари ёки жиноят-ижроия тизими алоҳида ўрин тутди. Улар судлар томонидан белгиланган жиноий жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий хусусиятга эга чоралар, шунингдек қамокда сақлаш, маҳкумларни ҳамда жиноят содир этишда гумондор ва айбдор шахсларни қўриқлаш бўйича жиноят-процессуал чораларни қўллаш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиш бўйича функцияларни бажарадилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия тизими жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги вазифаларни бажарар экан, амалда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Мустақиллик йилларида жиноят-ижроия қонунчилиги ва жазони ижро этиш органларининг фаолияти жазо мақсадларига эришишга йўналтирилган ҳолда тубдан ислоҳ қилинди. Бу жиноят-ижроия сиёсати ва тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни тақозо этди.

Ўзбекистон жиноят-ижроия қонунчилиги ва тизимини ислоҳ этишнинг икки босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич – 1991-2000 йиллар. Бу ахлоқ тузатиш–меҳнат қонунчилиги ва тизимини жиноят-ижроия қонунчилиги ва жазони ижро этиш органлари тизимига тубдан ўзгартириш босқичи бўлди. Ушбу босқичда, биринчидан, давлат мустақиллиги, демократия, инсонпарварликни

¹ Қаранг: Процедура эффективного осуществления минимальных стандартных правил обращения с заключенными // Международные Конвенции по защите прав человека и борьба с преступностью. С. 209.

² Қаранг: Обязательства ОБСЕ в области человеческого измерения. Том II Сборник документов в хронологическом порядке. – Варшава: БДИПЧ, 2006. - С. 54.

таъминлаш принципларига асосланган, халқаро ва хорижий тажриба ҳисобга олинган янги жиноят-ижроия сиёсати шакллантирилди; иккинчидан, янги жиноят-ижроия қонунчилиги қабул қилинди; учинчидан, жазони ижро этувчи муассаса ва органларнинг янги тизими яратилди. Янги мустақил давлатлар ичида биринчи бўлиб 1997 йилда жазони ижро этиш соҳасида кодификация қилинган ғоят муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди.

Иккинчи босқич – 2000 йилдан ҳозирги давргача. Бу жиноят-ижроия тизимини бошқаришни либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш босқичидир. Иккинчи босқичда жазони ижро этиш тизимининг энг муҳим таркибий тузилмаларини ислоҳ этиш, маҳкумлар билан иш олиб бориш шакл ва усуллари, кадрлар таъминоти, илмий-ҳуқуқий ишларга комплекс ёндашиш таъминланди, шунингдек янги жиноят-ижроия қонунчилигини либераллаштириш борасида тизимли ўзгаришлар амалга оширилди. Либерал ислоҳатларнинг устувор йўналишлари жиноят-ижроия тизими фаолияти соҳаларини демократия, инсонпарварлик, маҳкумлар ҳуқуқларини амалда кенгайтириш принциплари асосида, халқаро–ҳуқуқий стандартларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилди, жамоат бирлашмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жазони ижро этиш органлари фаолиятида иштирок этиши таъминланди.

Ҳуқуқий адабиётларда кўпинча ягона жиноят сиёсати доирасида жиноят-ҳуқуқий, жиноят-ижроия ва жиноят-процессуал сиёсат ажратиб кўрсатилишига қарамасдан, фикримизча, жиноят-ҳуқуқий сиёсат – давлатнинг жиноятга қарши курашиш соҳасидаги ички сиёсатининг муҳим таркибий қисми ва бевосита унинг негизида жиноят-ижроия, жиноят-процессуал ва криминологик сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси шаклланади.

Жиноят-ижроия қонунчилигининг самарадорлиги муаммоси ва унинг маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва жиноятчиликка ижобий таъсири жиноят-ижроия сиёсатининг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Жиноят-

ижроия қонунчилигининг самарадорлиги қонунчилик нормалари қабул қилинишининг асосланишини, уларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ва амалда самарали қўллашни назарда тутди.

Бир томондан жиноят, иккинчи томондан – жиноят-процессуал қонунчилик билан чегараланган жиноят-ижроия қонунчилигининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу қонунчиликда қонунлардан ташқари, иккинчи, жуда муҳим бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига қонуности ҳужжатлари киради. Бу қонун ости ҳужжатлари жазони ижро этиш ва маҳкумларни сақлаш билан боғлиқ жуда муҳим масалаларни (масалан, маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб бориш, режимини ташкил этиш, маҳкумларни ўқитиш, меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва ҳоказоларни) тартибга солади.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, Жиноят-ижроия сиёсатини инсонпарварлаштириш қуйидагиларни назарда тутди:

биринчидан, давлат томонидан қамоққа олинган шахслар ва озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар сонини камайтириш йўли билан жиноий таъқиб даражасини пасайтириш;

иккинчидан, шартли–муддатидан илгари озод қилиш институтлари ва буни қўллаш амалиётини ривожлантириш;

учинчидан, жазони озодликдан маҳрум қилмасдан ижро этиш институтларини устувор ривожлантириш;

тўртинчидан, жазони ўташ шароитларини жазо мақсадларига мувофиқлаштириш.

Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш зарур. Жумладан, енгиллаштирилган шароитларда, умумий тартиб турмаларида сақланадиган маҳкумларга муассаса маъмурияти назорати остида Интернет, электрон почтадан фойдаланиш ҳуқуқи, қариндошлари ва яқинлари билан видеоанжуманлар орқали мулоқат қилиш имкониятини бериш лозим. Айни пайтда муассаса маъмурияти салбий ҳуқуқ-

атворлилар, тартибни бузувчилар, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятига қаршилик кўрсатишларига далолатчилик қилаётганларнинг сақлаш шароитларини кучайтиришлари, судларга уларни сақлаш тартиби оғирроқ бўлган муассасаларга ўтказиш бўйича муурожаат этишлари керак.

Жазони ижро этиш органларида қонунчиликни таъминлаш ва инсон (маҳкум) ҳуқуқларига риоя этиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидага ўзаро муносабатлар самарадорлигини ошириш, шунингдек жинойт-ижроия тизими фаолияти устидан назорат тизимини кучайтиришга йўналтирилган ўзгартиришларни амалга ошириш жуда муҳимдир. Бунда гап, жумладан, парламент назорати, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари назорати, идоравий назорат, суд назорати, жамоатчилик назорати, прокурор назорати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) назорати, оммавий ахборот воситалари томонидан назорат, халқаро назорат тўғрисида кетяпти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 400 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (ўзгартиш ва қўшимчалар билан). URL: <https://lex.uz/uz/docs/20596>.
5. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами [2021 йил 15 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Биринчи жилд.- Тошкент: «Yuridik adabiyotlar Publish», 2021.-744 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озодликдан маҳрум қилиш жазосига биринчи марта ҳукм этилган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини эркинлаштириш тўғрисида” 2003 йил 26 сентябрь Фармони.
7. Узбекистан и международные договора по правам человека / Под. ред. А.Х.Саидов. – Тошкент: «Адолат», 1998, - 623 с.

8. Комментарии к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Под ред. Якубова А.С – Т.: “Адолат”.. 1996. – 386 с.

9. Комментарии к Уголовно-исполнительному кодексу Республики Узбекистан. – Т.: “Адолат”, 2000. – 447 с.

10. “Жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни //

11. Ўзбекистон ССРнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1987. – б.

12. Инсонпарварлик тамойиллари асосида. (Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш муассасалари фаолияти тўғрисида) // Халқ сўзи, 2000, 23 август.

13. Основы исправительно-трудового законодательства Союза ССР и союзных республик // Ведомости Верховного Совета СССР, 1969, № 29.

14. Положение о порядке и условиях исполнения уголовных наказаний, не связанных с мерами исправительно-трудового воздействия на осужденных // Ведомости Верховного Совета СССР, 1983. №

15. Ахмадеев А.А. Исправительно-трудовые учреждения Бухарской Народной Советской Республики. – Ташкент, 1979.

16. Ахмадеев А.А. Развитие советского исправительно-трудового законодательства в Узбекистане (1917-1926 гг.). – Ташкент, 1976.

17. Байбулатов А. Во имя гумманности // Щит, 2011, №1. – С. 18-20.

18. Дунаев С.А. Криминологическая характеристика и предупреждение рецидивных преступлений, связанных с насилием и против личности. – Москва, МЮИ. МВД России, 1998. – 24 с.

19. Гуревич М. О мерах по соблюдению человека в системе исполнения наказаний МВД Республики Узбекистан // Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари бўйича Вена Декларацияси ва Ҳаракат дастури. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2004. 115-122 б

20. Жаббарберганов Р. Групповая профилактика преступлений и перспективы исправительных учреждений // “Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2001. – С. 34-36.

21. Жаббарберганов Р. Профилактическая работа в местах исполнения наказания // Ҳуқуқ. Право. Law. 2002. №2 – С. 26-28.

22. Жаббарберганов Р. Система целей уголовного наказания // Давлат ва ҳуқуқ. 2001. №4. – С. 56-58.

23. Жаббарберганов Р., Худайбергенов С., Рахимов У. Роль психических аномалий, не исключających вменяемости в преступном поведении несовершенно-летних. // Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения. – Т.: Академия МВД, - 2000. – С. 39-46.

24. Жаббарберганов Р. Махсус тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганлар содир қилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг баъзи бир масалалари // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Т.: Академия МВД, 2001. – С. 62-84.

25. Зарипов З., Кержнер М. Профилактика правонарушений. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 191 с.

26. Зарипов З.С. Правовой механизм профилактики правонарушений. – Т.: “Ўзбекистон”, 1990. – 155 с.

27. Зарипов З.С., Шомансуров А.А. Жиноий жазони ижро этиш муаммолари // Хаёт ва қонун, 1996 № 9. Б.

3.14 Иноғомов Ш.Х. Наказание от быто, как жить дальше? – М.: Юрид. лит., 1990. -173 с.

Г. АБДУМУРОДОВА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ илмий тадқиқот институти

таянч докторанти

“АВЕСТО” – ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ИЛК МАНБАЛАРИДАН БИРИ

Аннотация: Мазкур мақолада зардуштийлик динининг муқаддас манбаси ҳисобланган “Авесто” қадимги жамиятдаги тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи илк манбалардан бири сифатида таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида “Авесто” матнларида деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, мулк, қарз ва шартномавий муносабатларга оид қоидалар тарихий-ҳуқуқий ёндашув асосида ўрганилади. Ушбу меъёрларнинг жамият аъзолари ўртасидаги иқтисодий фаолиятни ҳалоллик ва адолат тамойиллари асосида тартибга солгани асослаб берилади.

Калит сўзлар: “Авесто”, зардуштийлик, тадбиркорлик ҳуқуқи, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, мулк ҳуқуқи, шартномавий муносабатлар, қарз мажбуриятлари, айирбошлаш, адолат ва ҳалоллик тамойили.

Аннотация: В данной статье “Авеста”, считающаяся священным источником зороастризма, анализируется как один из ранних источников

правового регулирования предпринимательских отношений в древнем обществе. В ходе исследования на основе историко-правового подхода изучаются положения текстов “Авесты”, касающиеся земледелия, животноводства, ремесленничества, собственности, долговых и договорных отношений. Обосновано, что данные нормы регулировали экономическую деятельность членов общества на основе принципов честности и справедливости.

Ключевые слова: “Авеста”, зороастризм, предпринимательское право, земледелие, животноводство, ремесленничество, право собственности, договорные отношения, долговые обязательства, обмен, принципы справедливости и честности.

Abstract: In this article, the “Avesta”, considered the sacred source of the Zoroastrian religion, is analyzed as one of the earliest sources of legal regulation of entrepreneurial relations in ancient society. In the course of the research, the provisions in the “Avesta” concerning agriculture, animal husbandry, craftsmanship, property, debt, and contractual relations are examined on the basis of a historical-legal approach. It is substantiated that these norms regulated economic activity among members of society on the basis of the principles of honesty and justice.

Key words: “Avesta”, Zoroastrianism, entrepreneurship law, agriculture, animal husbandry, craftsmanship, property law, contractual relations, debt obligations, exchange, principles of justice and honesty.

Ҳуқуқ тарихида тадбиркорлик ҳуқуқининг шаклланиши масаласи, асосан, Рим хусусий ҳуқуқи, ўрта асрлардаги савдо гилдиялари ва лех мерсаториа институтлари билан боғлаб талқин қилиниб келинади. Муаммога бундай ёндашув тадбиркорлик ҳуқуқи тарихининг қачон ва қайердан бошланиши ҳақидаги билимларимиз тарихини бирмунча қисқартиради. Тадбиркорликнинг тарихий ривожланишини чуқурроқ таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тадбиркорликка оид муносабатлар ва уларни ҳуқуқ нормалари

билан тартибга солиш инсоният сивилizatсиясининг анча қадимги босқичларидаёқ Шарқда шакллана бошлаган. Айниқса, Қадимги Шарқ ҳуқуқий манбалари бу жараёнда алоҳида илмий аҳамият касб этади.

Шу маънода, зардуштийлик динининг муқаддас манба ҳисобланган “Авесто” нафақат диний-ахлоқий қарашлар мажмуи, балки қадимги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий манба сифатида ҳам бугунги кунгача эътиборни тортиб келмоқди. “Авесто”да меҳнат, мулк, ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва манфаат билан боғлиқ масалалар Аҳура Мазда томонидан белгиланган космик тартиб – Аша билан узвий боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Бу ҳолат иқтисодий фаолиятнинг тасодифий ёки эркин амал эмас, балки ахлоқий ва ҳуқуқий мажбурият сифатида қаралганини кўрсатади.

“Авесто” нафақат диний китоб, балки Турон (Марказий Осиё), Шарқий Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Озарбайжон ва бошқа ҳудудларда зардуштийлик динига эътиқод қилган халқларнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, давлат ва ҳуқуқ тизими, мулкӣ, оилавий, жиноят ва жазо, одил судни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий манбаи ҳисобланади. Шунингдек, у мазкур халқларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари, урф-одатлари, тили, ёзуви, маданияти ва диний қарашларини ўрганишда асосий манба вазифасини бажаради¹.

“Авесто” матнларида деҳқончилик, чорвачилик ва турли ҳунарлар кабилар билан шуғулланиш жамият фаровонлигининг асосий шarti сифатида эътироф этилади. Ерга ишлов бериш, чорвани асраш, ҳунармандчилик маҳсулотларини яратиш ва уларни жамият эҳтиёжлари учун муомалага киритиш диний жиҳатдан рағбатлантирилган ва ижтимоий жиҳатдан маъқулланган фаолиятлар сифатида мустаҳкамланган. Мазкур фаолият турларининг барчаси аҳолининг ўзаро иқтисодий муносабатларини

¹ Yuldashev B.E., Temirova S.V. LEGAL VIEWS IN THE HOLY BOOK OF ZOROASTRIANISM “AVESTA”. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 2023. Vol. 11. – P. 183-189.

вужудга келтирган бўлиб, бу муносабатлар ҳалоллик, жавобгарлик ва адолат тамойиллари асосида тартибга солинган.

Шу нуқтайи назардан қаралганда, “Авесто”даги иқтисодий фаолиятга оид қоидалар замонавий тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий белгилари – ишлаб чиқариш фаолияти, мулк муносабатлари, фойда олиш, хизмат кўрсатиш ва жавобгарлик институтларининг дастлабки, ибтидоий шакллари ўзида мужассам этганини кўриш мумкин. Мазкур илмий мақоланинг мақсади “Авесто”даги деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ қоидаларни қадимги жамият аъзолари ўртасидаги реал иқтисодий муносабатлар – мулк, шартномавий муносабатлар контекстида таҳлил қилиш ҳамда уларни тадбиркорлик ҳуқуқининг илк ҳуқуқий манбаларидан бири эканлигини асослашдан иборат. Мақолада “Авесто” матнларига бевосита мурожаат қилиниб, уларнинг қисм, фарғард ва бандлари асосида тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган ҳуқуқий унсурлар тарихий-ҳуқуқий ёндашув ёрдамида таҳлил қилинади.

“Авесто” матнларида меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолияти ахлоқий тарғибот даражасида эмас, балки аниқ меъёрий мазмунга эга бўлган мажбурият сифатида мустаҳкамланган. Яъни “Авесто”да меҳнат қилиш ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланиш шахснинг ихтиёрий хатти-ҳаракати эмас, балки жамият ва илоҳий тартиб олдидаги мажбурий фаолият сифатида қаралади.

Мазкур ёндашув, айниқса, “Вандидод” матнларида яққол намоён бўлади. “Вандидод”нинг учинчи фарғарди учинчи бўлими ўттиз тўртинчи бандида ерни шудгор қилувчи Аҳура Мазда томонидан Заминни бахтиёр қилган шахс сифатида улуғланган. Ерга ишлов бермаслик ёки уни ташлаб кўйиш эса нафақат хўжалик нуқтайи назаридан зарарли ҳолат, балки меъёрий жиҳатдан қораланадиган хатти-ҳаракат сифатида талқин қилинади. Ушбу қоидалар меҳнатнинг мажбурийлигининг ижтимоий аҳамиятини норматив даражада мустаҳкамлайди.

“Авесто”нинг “Ясна” қисми ўн учинчи хот иккинчи банддаги “Мард ашаванлар орасида энг ганжли ва фойдали деб деҳқончиликни, рад деҳқонни ва тевапарварларни биламан”¹, “Виспирад” қисми ўн бешинчи бўлим биринчи бандидаги “Роспий: – Эй, маздапараст Зардушт! Оёқларинг, кўлларинг ва эс-ҳушингни эзгу амал, адолат ва тўғрилиқка ёлла; ёмон ишлардан, бедодлик ва эгриликдан тийил! Бу ерда деҳқончиликни ёлга қўй, токи норасо расо бўлсин!”² жумлалар, шунингдек, деҳқончиликни Маздапарастлар дини соҳибининг қудрати сифатида улуғлангани ҳам деҳқончиликнинг шарафли касблардан эканлигини кўрсатади.

“Ахура Мазда дунёни яратиб, ерларни, молларни одамларга тақсимлаб, бошпана берар экан, тинч меҳнатдан роҳатланишни, боғ яратишни, мол боқишни, деҳқончилик қилиб, уй қуришни ва покиза ҳаёт кечиришни ато этади”. “Авесто”даги бу маълумот чорвачилик ва деҳқончиликнинг қадимдан инсонларнинг асосий машғулоти бўлганлигини намоён этади. Шу сабабли ҳам улар уй ҳайвонларига ўзгача муносабатда бўлганлар. Чўпонлар учун ҳайвонлар фақат жонивор эмас, балки қўл остидаги мулк ҳисобланган. Улар маълум ҳақ эвазига бошқа шахсларнинг молларини боқишган. Бу ҳолат бугунги кундаги хизмат кўрсатиш шартномаларининг тарихий илдизидир, десак хато қилмаймиз.

“Авесто”да деҳқончилик ва чорвачилик фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият сифатида эмас, балки одамлар ўртасида барқарор иқтисодий муносабатларни вужудга келтирувчи тизим сифатида намоён бўлади. Мазкур фаолият турлари жамият аъзолари ўртасида манфаатлар алмашинуви, мулкни бошқариш ва жавобгарлик муносабатларини шакллантирган бўлиб, бу ҳолат тадбиркорлик ҳуқуқининг муҳим унсурлари билан бевосита боғлиқдир.

“Авесто”да хунармандчилик фаолияти бевосита батафсил тасвирланмаса-да, “Ясна” ва “Вандидод” матнларида ҳалол меҳнат, алдовдан холи фаолият ва бошқаларга зарар етказмасликка оид умумий қоидалар

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 58.

² O’sha asar, B. 290.

хунар фаолиятига ҳам татбиқ этилиши мумкин бўлган норматив мезонларни белгилайди. Хусусан, меҳнат маҳсулоти орқали бошқаларнинг манфаатига путур етказиш, уларни алдаш ёки сифатсиз буюмларни муомалага киритиш Ахура Mazda тартибига зид ҳолат сифатида талқин қилинади. Бу ҳолат хунармандчилик фаолиятининг фақат натижаси эмас, балки унинг муомалага чиқарилиш шакли ҳам ҳуқуқий жиҳатдан назорат остида бўлганини кўрсатади.

Хунармандчилик фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири маҳсулотни муомалага киритиш жараёнидир. Маҳсулот ишлаб чиқарилганидан сўнг у бошқа шахслар эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланади ва шу орқали айирбошлаш муносабатлари юзага келади. Бу жараёнда хунарманд ва маҳсулотни қабул қилувчи шахс ўртасида манфаатлар мувозанати шаклланади. “Авесто”даги ҳалоллик ва адолат тамойиллари ушбу муносабатларнинг меъёрий пойдеворини ташкил этади. Натижада, айирбошлаш жараёни тасодифий келишув эмас, балки маълум ахлоқий-ҳуқуқий қоидаларга бўйсундирилган муносабат сифатида намоён бўлади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи нуқтайи назаридан баҳолаганда, хунармандчилик билан боғлиқ ушбу муносабатларда бир нечта муҳим унсурлар аниқланади. **Биринчидан**, хунар орқали мустақил иқтисодий фаолият амалга оширилади. **Иккинчидан**, яратилган маҳсулот муомалага киритилиб, манфаат олиш имконини беради. **Учинчидан**, ушбу фаолият ҳалоллик ва адолат тамойиллари билан чекланади. Бу унсурлар замонавий тадбиркорлик ҳуқуқида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни реализатсия қилиш ва жавобгарлик институтлари билан мантиқан уйғунлашади.

“Авесто”да мулк ҳуқуқи алоҳида ҳимоя қилинган. Фирибгарлик, зўравонлик ёли билан бировнинг мулкани эгаллаш, ўзганинг мулкига зарар етказиш мулкий жиноятлар сифатида баҳоланиб, уларга нисбатан қатъий жазо чоралари белгиланган. Айниқса, “Авесто”нинг ҳуқуқий қисми бўлган “Вандидод”да тамагирлик ва адолатсиз бойлик орттириш қораланган. Бу қоидалар тадбиркорлик ҳуқуқининг муҳим унсури бўлган рақобатнинг ҳалол

бўлиши, мулк дахлсизлиги ва зарар етказилган тақдирда жавобгарлик принциплари билан бевосита боғлиқдир.

“Авесто”нинг “Вандидод” қисми тўртинчи фарғард биринчи бўлими биринчи қисмида қарз муносабатларини тартибга солишга оид қоидалар баён қилинган. Унга асосан “Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйда сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир”¹. Бу тўғрисида Mary Boyce ҳам фикр билдирган бўлиб, унга кўра, зардуштий жамиятда ижтимоий хулқ-атворнинг асосий мезонлари сифатида ёлғончилик ва қарздорликка бўлган муносабат тўғрисида фикр билдириб, ёлғон энг қабиҳ иллат сифатида баҳолангани, қарз ундан кейинги ўринга қўйилганини таъкидлаган². Чунки жамиятда қарздор шахс мажбуриятни бажармаслик учун ёлғон гапириш эҳтимоли юқори деб ҳисобланган. Шунингдек, “ҳақиқатни гапириш” ёшлигидан тарбиявий қадрият сифатида сингдирилганини ҳам билдириб ўтган. Mary Boyce келтирган ёлғон ва қарздорликка оид қарашлар ҳуқуқий меъёр сифатида ифодаланмаган бўлса-да, улар жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, жумладан, савдо ва хўжалик муносабатларида ишончни таъминловчи, мажбуриятларнинг ҳалол бажарилишини рағбатлантирувчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган.

Маълумки, шартномавий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади. Зардуштийларнинг қадимий китоби “Авесто”нинг ҳуқуқий қисми ҳисобланган “Вандидод” ҳам шартномавий муносабатларни четлаб ўтмаган. “Авесто”да тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш ва етказилган зарарни қоплаш каби меъёрларни ўзида акс эттиради. “Варуна” номи билан қасамёд қилиш ҳамда “Митра” деб аталган келишув ва шартнома мажбурият шакллари сифатида эътироф этилган. Ҳар икки ҳолатда

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 116.

² Boyce M. Zoroastrians: Their Religious Beliefs and Practices. – London: Routledge & Kegan Paul, 1979. – P. 76.

хам ушбу шаклларнинг асоси шахснинг рост сўзи эканини алоҳида таъкидлаш лозим. “Авесто”га кўра, Митра шартнома худоси бўлиб, у барчани кўриб туради, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилади ва уларни бузганларни жазолайди.

Зардуштийликда шартномага риоя қилиш зарурлиги қатъий белгиланган бўлиб, бу ҳолат “Авесто” матнларида ахлоқий-ҳуқуқий қоида сифатида мустаҳкамланган. Хусусан, “Авесто” “Яшт” китобининг Митрага бағишланган ўнинчи яштида аҳдга вафо қилмаслик жамият ва давлат учун ҳалокатли хатти-ҳаракат сифатида қораланади. Ушбу ғоя қуйидаги шеърини мисраларда яққол ифодасини топган:

“Мамлакатни бузадир палид,
Ҳам лафзсиз тубан каззоблар.
Юзлаб аблаҳ муттаҳамлардан
Баттар нобуд айлайди улар
Яхшиларни, хайрлиларни.
Амр этилган аҳдга содиқ бўл,
Сипийтмон, унутма зинҳор.
Гайри динли баттолларга ҳам,
Садоқатли яхшиларга ҳам, –
Вафо қавли баб-баробардир.
Ҳар икковига:
Каззобларга, ростгўйларга ҳам”¹.

Мазкур жумлада аҳдга содиқ қолмаслик жамиятнинг ахлоқий ва ижтимоий барқарорлигини издан чиқарувчи иллат сифатида баҳоланади ҳамда Спитама Зардуштга мурожаат орқали шартномавий мажбуриятнинг муқаддаслиги алоҳида таъкидланади. Айниқса, ушбу яштда аҳдга вафо қилиш шартнома тарафининг кимлигига боғлиқ эмаслиги очиқ ифодаланиб, у муттаҳам ва ёлғончилар билан тузилган бўлса ҳам, бошқа дин вакиллари билан, ёки ростгўй, солиҳ инсонлар билан тузилган бўлса ҳам бир хил

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 185.

даражада мажбурий эканлиги асосланади. Бу эса зардуштийликда шартномага риоя қилиш тамойили қатъий ҳуқуқий-ахлоқий меъёр сифатида қаралганини кўрсатади.

“Авесто”да шартномаларнинг олти тури қайд этилган. Шартномалар икки усулда тузилган: оғзаки сўз орқали ва қўл бериб келишиш ё‘ли билан¹. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар қандай бузилган ёки бажарилмаган шартнома янада катта қийматга эга бўлган янги шартнома билан алмаштирилиши шарт бўлган. “Вандидод”нинг тўртинчи фаргарди иккинчи бўлим учинчи ва тўртинчи бандларида бунинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин:

“3. Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзнинг ўзи деб тасаввур этса, уни қўл қасами билан тузатиши ва қўл қасамининг товонини тўлаши керак.

4. Қўл қасамини қўй қасами билан тузатиши ва қўй қасамини унинг ўрнига бериши керак. Қўй қасамини сигир қасами билан тузатиши ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак. Сигир қасамини одам қасами билан ўзгартириши ва унинг ўрнига одам қасамини бериши керак. Одам қасамини экин қасами билан ислоҳ қилиши ва экин қасамини унинг ўрнига бериши керак”².

“Вандидод”да шартномаларнинг бажарилишини кафолатлаш учун жазо чоралари ҳам белгиланган. Хусусан, оғзаки келишувни бузган шахсга нисбатан 300 марта қамчилаш ва 300 марта калтаклаш, қўл бериб тузилган келишувни бузган шахсга нисбатан эса 600 марта қамчилаш ва 600 марта калтаклаш жазо чораси белгиланган³.

Сосоний ҳуқуқшунослари зардуштийлар жамоалари орасида айирбошлаш ва сотиш шартномаларини таҳлил қилиб, уларни бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилган. Унга кўра, айирбошлаш – *guhariḡ*, сотиш – *frōkhtan*⁴. Уларнинг таҳлилларига кўра, “Авесто” матнларида айирбошлашга бағишланган боб бўлган, сотишга эса йўқ бу эса ўз навбатида,

¹ Yuldashev B.E., Temirova S.V. LEGAL VIEWS IN THE HOLY BOOK OF ZOROASTRIANISM “AVESTA”. American Journal of Pedagogical and Educational Research, 2023. Vol. 11. – P. 183-189.

² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 116.

³ O’sha asar, B. 117-118.

⁴ Jany, J. (2024). Law of Contracts in Late Antique Persia. Religions, 15(3), 252. – P. 1-17.

айирбошлашнинг қадимийроқ шакл эканини кўрсатади. Яъни қадимда зардуштийлар ўзлари ишлаб чиқарган буюмларни эҳтиёжлари учун зарур бўлган бошқа нарсаларга алмашган. Масалан, деҳқонлар ўзлари етиштирган буғдойни хунарманд ясаган идиш-товоқларга айирбошлаган ва шу тариқа улар тадбиркорлик муносабатларига киришишган.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “Авесто” фақат диний-ахлоқий қарашлар мажмуи бўлиб қолмасдан, балки қадимги жамиятдаги иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий манба ҳам ҳисобланади. “Авесто” матнларида деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан боғлиқ фаолиятлар жамият фаровонлигининг асоси сифатида эътироф этилиб, улар ҳалоллик ва адолат тамойиллари билан мустаҳкамланган. Ж. Тошқулов ва Ж. Муҳаммаджоновлар таъкидлаганидек, “Авесто”да тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ушбу фаолият билан оилани, жамоани ва мамлакатни моддий жиҳатдан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятига у ёки бу ёллар билан тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи илк қоидалар ўз аксини топган¹.

Мақолада таҳлил қилинган мулк дахлсизлиги, қарз мажбуриятларини бажариш, шартномаларга риоя қилиш ва айирбошлаш муносабатларига оид қоидалар замонавий тадбиркорлик ҳуқуқининг муҳим институтлари билан мантиқан уйғунлашади. Айниқса, “Вандидод”да шартномавий мажбуриятларнинг қатъийлиги ва уларни бузганлик учун белгиланган жавобгарлик чоралари тадбиркорлик фаолиятида ишонч ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларнинг қадимий илдизларини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, “Авесто”даги иқтисодий ва ҳуқуқий меъёрларни тадбиркорлик ҳуқуқи нуқтайи назаридан таҳлил қилиш ушбу манбани

¹ Тошқулов Ж., Муҳаммаджонов Ж. Қадимги Шарқда инсон ва фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. ТДЮУ: Юриспруденсия ҳуқуқий илмий-амалий журнали, 2023. 3-сон. – В. 5-19.

тадбиркорлик ҳуқуқининг илк шаклланиш босқичларидан бири сифатида баҳолаш имконини беради. Бу эса тадбиркорлик ҳуқуқи тарихини Шарқ ҳуқуқий тафаккури асосида қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Boyce M. Zoroastrians: Their Religious Beliefs and Practices. – London: Routledge & Kegan Paul, 1979. – 273 p.
2. Jany, J. (2024). Law of Contracts in Late Antique Persia. Religions, 15(3), 252. – P. 1-17.
3. Тошқулов Ж., Муҳаммаджонов Ж. Қадимги Шарқда инсон ва фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуг'улланиш ҳуқуқини та'минлашнинг ҳуқуқий асослари. ТДЮУ: Юриспруденция ҳуқуқий илмий-амалий журнали, 2023. 3-сон. – Б. 5-19.
4. Yuldashev B.E., Temirova C.V. LEGAL VIEWS IN THE HOLY BOOK OF ZOROASTRIANISM “AVESTA”. American Journal of Pedagogical and Yeducational Research, 2023. Vol. 11. – P. 183-189.
5. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 384 б.

Ш.ҲАМДАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти докторанти

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Аннотация. Мазкур мақолада адлия органларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда адлия тизимининг дастлабки кўринишлари, унинг давлат бошқарувидаги ўрни, шунингдек, турли тарихий даврларда адлия органлари ваколатларининг кенгайиб бориш жараёнлари ёритиб берилган. Хусусан, совет ҳокимияти даврида Туркистон ўлкасида фаолият юритган Адлия халқ комиссарлигининг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, мақсад ва вазифалари қатор низомлар, декретлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илмий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўз: Адлия, низом, нотариат, суд статистикаси, суд экспертизаси, прокурор, комиссарлик.

Аннотация. В данной статье с историко-правовой точки зрения анализируются этапы становления и развития органов юстиции. В ней освещены первые проявления системы юстиции, ее роль в государственном управлении, а также процессы расширения полномочий органов юстиции в разные исторические периоды. В частности, организационно-правовая структура, цели и задачи Народного комиссариата юстиции, действовавшего в Туркестанском крае в период советской власти, были научно изучены на основе ряда положений, декретов и других нормативно-правовых документов.

Ключевые слова: Юстиция, положение, нотариат, судебная статистика, судебная экспертиза, прокурор, комиссариат.

Annotation. This article analyzes the stages of formation and development of justice bodies from a historical and legal perspective. It highlights the initial manifestations of the justice system, its role in state governance, as well as the processes of expanding the powers of justice bodies in different historical periods. In particular, the organizational and legal structure, goals and objectives of the People's Commissariat of Justice, which operated in the Turkestan region during the Soviet era, were scientifically studied on the basis of a number of regulations, decrees, and other regulatory legal acts.

Keywords: Justice, regulation, notary, forensic statistics, forensic examination, prosecutor, commissariat.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги моҳиятан дунёдаги кўплаб мамлакатларникига ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларга эга тузилма ҳисобланади. Адлия сўзининг луғавий маъноси, мазмуни ва моҳиятига эътибор қаратсак, “адлия”, “адлия органлари” атамалари узоқ тарихий ўтмишга эга бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш бугунги кунда

республикамизда соҳа ривожланишининг асосий қонуниятлари ва тарихий шарт-шароитларини имкон қадар очиб беришга хизмат қилади.

Адлия органларининг ташкил этилишидан асосий мақсад адолатни таъминлашдир. Адлия органларининг тарихига назар ташласак, Марказий Осиё минтақаси хусусан, Ўзбекистонда адлия идораларининг пайдо бўлиши узоқ даврларга бориб тақалади. Жумладан, тарихда ислом динига эътиқод қилган ҳудудларда адолатни таъминлаш, асосан, қозилик лавозими зиммасига юклатилган. Қозилар ислом қонунчилиги асосида фаолият юритганлар.

Ўша даврда суд, прокуратура, адвокатура, нотариат умуман адлия органларига тегишли вазифаларни қозилар бажарган. Мусулмон дунёсида халифа Умар даврида (634-644) биринчи марта шаҳарларга суд ишларини олиб борувчи махсус мансабдорлар – қозилар тайинланган. Қози атамаси ҳам шу маънода ВИИ асрда вужудга келган. Ушбу атама ажрим қилувчи, ҳукмни белгиловчи маъноларини англатади¹.

Қозиларнинг фаолият доираси жуда кенг бўлган. У судья сифатида турли жиноятларни кўриб чиқиб, шариат асосида ҳукм чиқарган, прокурор сифатида шариат қонунларини ҳимоя қилган ҳамда тергов ишларини олиб борган, нотариус сифатида эса турли битим, шартнома, васиятнома ҳамда тилхатларни тасдиқлаб, муҳрлаш вазифаларини бажарган².

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам Адлия вазирлиги фаолият кўрсатиб, у девони мазолим деб аталган. Ушбу девон тўғридан-тўғри фуқаролар ва дунёвий ишлар билан шуғулланган. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даври адлия тизимида шайхулислом, садр, муфтий, мухтасиб, мутавалли ва бошқа амалдорлар ҳам катта ўринга эга бўлган³.

1 Турсунова О. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланилиши. Филолог. Фан. Номз. Дисс... – Тошкент, 2009. – Б. 79.

2 Адлия бошқармаси: ҳуқуқий ислохотлар йўлида. / Нашрга тайёрловчилар И. Нишонов, М. Эркабоева, Ш. Каримова. – Фарғона: Фарғона, 2012. – Б. 12.

3 Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврлардан XIX асрнинг ўрталарига қадар). – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 104.

Ўзбек хонликлари даврида ҳам адлия органлари давлат бошқарувининг муҳим бўғинларидан бири бўлган. Бу даврда Қози ул-қуззот – қозилар қозиси давлатдаги адлия ишларига бошчилик қилган. Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликлари даврида соҳани ислоҳ қилиш жараёнлари давом этган. Хусусан, Бухоро амирлигида Шохмурод ҳукмронлиги даври (1785-1800-йиллар)да адлия соҳасида ислоҳот ўтказилиб, суд ишларини олиб бориш бирмунча эркинлаштирилган¹.

Ўлкада совет ҳокимиятининг мустақамланиш жараёнида муҳим рол ўйнаган давлат бошқаруви органларидан бири Адлия халқ комиссарлиги бўлиб, у 1917-йил 23-ноябрда Халқ Комиссарлари Советининг қарори асосида ташкил этилган². Мазкур комиссарлик фаолиятини тартибга солиш мақсадида 1918-йил 28-августда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан “Туркистон Республикаси Адлия комиссарлиги тўғрисида вақтинчалик Низом” қабул қилинган. Ушбу Низом уч бўлим ва йигирма бир банддан иборат бўлиб, у Адлия комиссарлигининг ташкилий тузилмаси ҳамда бошқарув механизмини белгилаб берган³. Низомга мувофиқ, Туркистон Республикаси Адлия комиссари Республика мусулмон ишчи-деҳқон депутатлари сйездида сайланган ҳамда ўша орган томонидан лавозимидан озод этилган. Бўлим бошлиқлари эса Адлия комиссарининг тақдимномасига биноан, Халқ Комиссарлари Совети раиси томонидан тайинланган ва лавозимидан озод қилинган. Комиссар вақтинча йўқлигида ёки соғлиғи сабабли вазифасини бажара олмаганда, унинг барча ваколатлари ва Комиссариат бошқаруви комиссар томонидан тайинланган бўлим бошлиғига юклатилган. Шунингдек, Адлия комиссарлиги ҳузуридаги котиблар, топшириқ бажарувчи мансабдор шахслар ҳамда бошқа ходимлар

1 Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқаруви тарихи. – Тошкент, 2012. – Б. 295.

2 Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 января 1917 г. по 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918.

3 OʻzMA R-25-fond, 1-roʻyxat, 90-ish, 139-140-varaq va orqasi.

Адлия комиссари томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимидан озод этилган¹.

Ўлкада совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Адлия халқ комиссарлиги фаолияти давлат бошқарув тизимининг муҳим бўғини сифатида шаклланди. 1918-йилги “Туркистон Республикаси Адлия комиссарлиги тўғрисида вақтинчалик Низом”га мувофиқ, Адлия комиссари кенг доирадаги ваколатларга эга бўлган. Жумладан, у Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва маҳаллий ижроия органлари билан ҳамкорликда тафтиш ва суриштирув ишларини олиб бориш, шунингдек комиссарликдаги барча ходимларни (бўлим бошлиқларидан ташқари) ишга қабул қилиш ҳамда лавозимидан озод этиш ҳуқуқига эга эди.

Низомда, шунингдек, Адлия комиссарига адлия органлари томонидан жойларда қабул қилинган декрет ва низомлар ижросида юзага келадиган қийинчиликларни куч ишлатиш йўли билан бартараф этиш, совет ташкилотларининг фаолиятида аниқланган ноқонуний ҳолатлар ҳақида тегишли органларга маълумот бериш, совет милицияси фаолияти устидан умумий назоратни амалга ошириш ҳамда фавқулодда ҳолатлар юз берганда олий бошқарув органлари иштирокисиз муҳим қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи ҳам берилган².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Адлия комиссари зиммасига юклатилган ваколатларнинг мазмун-моҳияти фақат ижро ҳокимиятига тааллуқли бўлиб, у янги норматив ҳужжатларни қабул қилиш, янги муассасалар ташкил этиш ёки аввалги қарорларни бекор қилиш ваколатига эга бўлмаган³.

Бундан ташқари, 1918-йилдаги вақтинчалик Низомда Адлия комиссарлигининг ташкилий тузилмаси ҳам аниқ белгиланган. Комиссарлик таркибида Россия судлари ишлари бўйича бўлим, маҳаллий судлар ишлари бўлими, қамоқхона бошқармаси, шунингдек Адлия комиссарлиги ҳузуридаги

1 O'zMa R-38-fond, 2-ro'yxat, 3-ish, 3-varaq va uning orqasi

2 O'zMA R-25-fond, 1-ro'yxat, 90-ish, 139-varaq.

3 O'zMa R-38-fond, 2-ro'yxat, 3-ish, 3-varaq orqasi.

маслаҳат кенгаши ва девон каби тузилмалар фаолият олиб борган¹. Ушбу тузилма Адлия комиссарлигининг марказлашган бошқарув тизими сифатида шаклланишига, шунингдек суд-ҳуқуқ соҳасидаги ягона сиёсатни амалга оширишга хизмат қилган.

1918-йилда Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги марказий бошқарув тизими совет судлари ишлари бўлими, маҳаллий судлар ишлари бўлими, қамоқхона бошқармаси, шунингдек комиссарлик ҳузуридаги маслаҳат кенгаши (коллегия) ва канцеляриядан иборат бўлган². Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, айти даврда Марказда (РСФСРда) ташкил этилган Адлия халқ комиссарлиги таркиби бироз кенгрок бўлиб, у судлов ва шахсий таркиб бўлими, қонунчилик ташаббуси ва кодификатсия бўлими, қонунларни нашр этиш бўлими, котибият, маъмурий-хўжалик бўлими ҳамда қамоқхона бошқармасидан ташкил топган³. Бу ҳолат марказий ва ўлка даражасидаги бошқарув органлари ўртасида ташкилий фарқлар мавжудлигини, бироқ уларнинг функционал йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ бўлганини кўрсатади.

Адлия комиссарлиги ҳузурида, шунингдек, Маслаҳат кенгаши (Коллегия) фаолият олиб борган. Мазкур орган 1918-йилги Туркистон Конституциясининг 13–14-бандлари асосида ташкил этилган бўлиб, унинг таркиби Туркистон Республикаси адвокатураси, шунингдек совет ва маҳаллий судлар вакиллари орасидан сайлаб олинган аъзолардан иборат бўлган⁴. Коллегиянинг асосий вазифаси Адлия комиссарлиги тизимидаги барча бўлим ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишдан иборат бўлган.

Маслаҳат кенгашига бир қатор муҳим ваколатлар юклатилган бўлиб, улар қаторига адлия органларига тегишли циркуляр ва йўриқномаларни тасдиқлаш, Совет давлати олий бошқарув органларининг декрет ва

1 О'zMa R-38-fond, 2-ro'yxat, 3-ish, 3-varaq.

2 О'zMA R-38-fond, 2-ro'yxat, 3-ish, 3-varaq.

3 Олейник И. Организационно-правовые основы становления и развития органов управления юстицией в РСФСР (1917-1936 гг.): Дисс... док.юр.наук. – Владимир, 2006. – С.126.

4 Советские конституции Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918-1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электрон ресурс]. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. – С. 26.

фармойишларини адлия тизими амалиётига жорий этиш, жойлардаги адлия муассасалари фаолиятига оид маъруза ва ҳисоботларни кўриб чиқиш каби ваколатлардан иборат бўлган¹.

Совет ҳокимияти даврида ўлкада 1918, 1920, 1923-йилларда янги таҳрирдаги Туркистон Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низомлар қабул қилинган. Хусусан, 1918-йилнинг охирида комиссарлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган вақтинчалик Низомга бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, янги Низом қабул қилинди. Ушбу Низом асосида комиссарлик марказий бошқарувига айрим ўзгартиришлар киритилиб, комиссарликда маъмурий, қамоқхона бошқаруви, қонунчилик таклифлари, кодификация ва нашриёт бўлимлари фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди².

Кейинчалик Туркистон МИҚнинг 1920-йил 20-июлда қабул қилган “Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низом”ига биноан суд-ҳуқуқ, маъмурий ва иқтисодий характердаги барча асосий масалалар Коллегиянинг рухсати билан Комиссар томонидан кўрилиши, мазкур иш юритишнинг барча масалалари тегишли бошқарма ва бўлимларнинг ҳисоботи асосида вакилнинг ягона ваколоти билан ҳал қилиниши белгиланди. Шу билан бирга, ушбу низом асосида комиссарлик таркибига яна ўзгартиришлар киритилиб, Суд қурилиши ва суд назорати, Қонунларни тизимлаштириш ва чоп қилиш, Режалаштириш ва бухгалтерия ҳамда Жазо бўлимлари фаолият кўрсата бошлади³. Ҳар бир бўлимга Кенгаш аъзоси раҳбарлик қилган.

Мазкур низом билан бир вақтда қабул қилинган “Вилоят адлия бўлимлари тўғрисида”ги 315-сонли Низом асосида вилоят ижроия қўмиталари қошида адлия бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди⁴. Низомга кўра, вилоят адлия бўлимлари мудир томонидан бошқарилиб, мудир вилоят ижроия қўмитаси томонидан сайланган ва Адлия халқ комиссари томонидан

1 O'zMA R-17-fond, 1-ro'yxat, 1037-ish, 4-varaq.

2 O'zMA R-904-fond, 1-ro'yxat, 40-ish, 167-varaq.

3 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yxat, 48-ish, 202-varaq.

4 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yxat, 158-ish, 82-varaq.

тасдиқланган¹. Вилоят адлия бошқармасининг фаолият доирасига Адлия бошқармаси бўйича Совет ҳокимияти олий органлари томонидан чиқарилган фармойишларни тезкорлик билан амалга ошириш чораларини кўриш; вилоятдаги барча суд муассасалари фаолиятини ташкил этиш; ҳудуддаги адлия муассасалари фаолиятининг умумий мониторингини олиб бориш; вилоят адлия муассасалари фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларнинг ўз вақтида Адлия комиитетига тақдим этилишини бошқариш ва назорат қилиш каби ваколатлар кирган².

Бундан ташқари, 1920-йилнинг июлидан комиссарлик қарори асосида уйездларда уйезд адлия бюрolari ташкил этилди³. Халқ судлари фаолиятини тартибга солиш, улар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш уларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Кейинчалик уйезд адлия бюрolarига алоҳида юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси ҳам юклатилди. 1923-йилдан вилоят ва уйезд адлия бўлимларининг фаолияти тугатилиб, уларнинг функция ва вазифалари жойлардаги вилоят ҳамда халқ судларига топширилди.

Комиссарлик белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича нафақат ўзига бўйсинувчи органлар, шунингдек, бошқа давлат органлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилган. Жумладан, Ички ишлар халқ комиссарлиги таркибидаги милиция органлари фуқаро ишлари бўйича суд чиқарган ҳукмларни амалга оширишда, судга чақириш ва чақирув қоғозларини топшириш, суд белгилаган жарималарни ундириш ҳамда суд ҳукмига биноан яшаш таъқиқланган ҳудудларни назорат қилиш ва бошқаларда комиссарликка ёрдам бериб турган⁴.

Совет ҳукуматининг махфий ҳарбий ва давлат сирларини Туркистон ҳудуди орқали бошқа давлатларга чиқиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида 1921-йил 9-апрелда комиссарликнинг махсус фармойиши қабул қилинди⁵.

1 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yhat, 80-ish, 77-varaq.

2 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yhat, 48-ish, 203-varaq.

3 O'zMA R-25-fond, 1-ro'yhat, 72-ish, 60-varaq.

4 Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917-1924 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007. – Б. 45.

5 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yhat, 151-ish, 208-varaq.

Фармойишга кўра, вилоят адлия органлари тегишли ҳудудда барча-олди-сотди шартномалари, ҳадя, мерос ва гаров ҳужжатлари, омонатга қўйилган моллар ҳақидаги тилхатлар, суғурта полислари ҳамда шунга ўхшаш ҳужжатларни кўриб чиқиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, вилоят адлия бўлимлари жойларда бир ой давомида содир этилган жинойтлар, жинойтчиларнинг рўйхати ва қидирувдаги шахслар бўйича ҳисобот бериб борган. Комиссарлик эса ушбу маълумотларни республика миқёсида умумлаштириб “Известия” газетасида эълон қилган¹.

Мазкур даврда Адлия комиссари бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳисобланган. Комиссарлик таркибидаги прокуратура бўлими бошлиғи эса унинг ўринбосари ҳамда коллегия аъзоси бўлган. Прокуратура бўлими 1923-йил 14-февралда ташкил қилиниб, бўлим ўз вазифасини умумий бошқарув ва шахсий таркиб, умумий назорат, озодликдан маҳрум қилиш жойлари ва тергов органлари назорати, давлат айблови ва терговчилик бўлинмалари орқали бажарган².

Туркистон МИҚнинг 1923-йил 12-майдаги 77-сонли қарори асосида Туркистон Адлия халқ комиссарлигига оид Низом қабул қилинди³. Низом бўйича комиссарликка ТАССР ҳудудидаги барча суд, тергов, прокуратура, нотариат органлари ҳамда суд ижрочилари фаолиятини умумий назорат қилиш, совет қонунчилиги бузилмаслигини кузатиш, Туркистон Иқтисодий кенгаши ҳузуридаги Ер ишлари комиссияси, Арбитраж комиссиялари, Холислик судлари ва судлов функциясига эга бўлган бошқа давлат органлари шунингдек, “Адвокатлар коллегияси” фаолиятини назорат қилиш, аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил қилиш, адлия органлари ўртасида юзага келган бахсли масалаларни кўриб чиқиш ва адлия органлари фаолият доирасини белгилаб бериш, МИҚ ва ХКСнинг топшириғи асосида марказий ва маҳаллий давлат органларининг сўровномасига асосан амалдаги қонунлар

1 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yxat, 199-ish, 13-varaq.

2 История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922-1951)). / Под ред. К.А. Мокичева – Москва: Госюриздат, 1952. – С. 301.

3 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yxat, 364-ish, 33-37-varaqlar.

бўйича тушунтиришлар олиб бориш, ҳукуматнинг қонун ва фармойишларини чоп этиш, Ички ишлар халқ комиссарлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига доир қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини кузатиб бориш, черковни давлатдан ажратиш бўйича амалга оширилаётган ишларга умумий раҳбарлик қилиш, шунингдек, Туркистон Давлат университети ҳуқуқ бўлими ва совет юристлари тайёрланадиган махсус мактаблар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш каби қатор вазифалар юкланди¹. 1923-1924-йилларда комиссарликнинг марказий бошқарувида қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлган: маъмурий-молиявий, суд тузилиши ва суд назорати, қонунчилик ташаббуси, давлат прокуратураси².

Туркистон МИҚнинг 1924-йил сентябр ойидаги қарорига мувофиқ, ТАССР Адлия халқ комиссарлиги 1924-йил 24-ноябрда ўз фаолиятини тўхтатган. Шу асосда, Ўзбекистон Совет Сотсиалистик Республикаси (Ўзбекистон ССР) Адлия халқ комиссарияти 1924-йил 26-ноябрда Инқилобий қўмитанинг қарорига биноан, ТАССР Адлия халқ комиссарияти негизида ташкил этилган. Янги комиссариатнинг асосий вазифаси Ўзбекистон ССР таркибига кирган аввалги Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонлиги ҳудудларидаги адлия органлари фаолиятини тизимлаштириш, унификация қилиш ва мувофиқлаштиришдан иборат бўлган.

1925-йил 6-майда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсати томонидан “Адлия халқ комиссарияти тўғрисида”ги Низом тасдиқланиб, унда комиссариатнинг ташкилий тузилмаси, ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Мазкур Низомга мувофиқ, Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссариятига адлия органлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш; қонун устуворлиги ва қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

1 Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений ТССР январь-август 1923 г. – Ташкент: Изд. Комиссии СНК, 1923. – С. 141.

2 O'zMA R-38-fond, 2-ro'yhat, 406-ish, 4-varaq

барча суд муассасалари, прокуратура ва тергов идоралари, нотариат ҳамда суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш ва йўналтириш; қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш; амалдаги қонунларни шарҳлаш, қонун ва ҳукумат қарорларининг расмий тўпламларини нашр этиш каби функциялар юклатилган. Шунингдек, Низомда Адлия халқ комиссариятининг ташкилий тузилмаси ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, ўрганилаётган даврда Адлия халқ комиссарияти асосан уч бўлимдан: суд кўрилиши ва назорати, прокуратура ҳамда қонунчилик таклифлари ишлаб чиқувчи бўлимлардан иборат бўлган¹.

Адлия халқ комиссариятининг вазифалари ҳамда ваколатлари турли йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида кенгайтириб борилган. Чунончи, 1928-йил 27-октябрда Ўзбекистон ССРнинг МИҚ кенгаши томонидан чиқарилган “Ўзбекистон ССР суд органларига раҳбарлик қилиш тартиби тўғрисида”ги қарор билан Адлия халқ комиссарияти тизимига сезиларли ўзгартиришлар киритилган. Мазкур қарорда ягона суд сиёсатини ўрнатиш ва суд органларини бошқариш заруратидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссариятини қайта ташкил этиш лозимлиги, унга кўра унинг фаолияти устидан, айниқса, прокуратура ва суд органлари устидан назорат қилиш ва уларни бошқариш максимал даражада таъминланган бўлиши лозимлиги таъкидланган. Адлия халқ комиссариятида суд ва прокуратуранинг бошқаришни бирлаштириш мақсадида иккита ўринбосар: прокуратура йўналиши бўйича (республика прокурори) ва суд йўналиши бўйича (Ўзбекистон ССР Олий суди раиси) ташкил этилган. Суд органлари устидан бошқарув республика Адлия халқ комиссариятида тўпланган. Судларга умумий ҳарактердаги мажбурий кўрсатмалар Адлия халқ комиссарияти томонидан Ўзбекистон ССР Олий суди орқали берилган

¹ Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Т.: Адолат, 1996. – С. 4-5.

ёки бевосита Олий суднинг ўзи Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссариятининг розилигини олган ҳолда чиқариши мумкин бўлган¹.

XX аср 30-йиллар бошларида Адлия халқ комиссарияти прокуратура, Олий суд, ташкилий-инструкторлик бўлими, меҳнат-тузатиш муассасалари бошқармаси ва умумий бўлимдан иборат бўлган. Республика прокурори, Олий суд раиси ва қайта тарбиялаш муассасалари бошқармасининг бошлиғи Адлия халқ комиссарининг ўринбосарлари бўлиб ҳисобланган. Адлия халқ комиссари республика ҳудудида ягона суд сиёсатини амалга ошириш, барча адлия идораларининг фаолиятини ташкиллаштириш ва унга умумий раҳбарлик қилиш, давлат ва жамият бирлашмалари ҳамда фуқаролар фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат олиб бориш билан шуғулланган. У жиноятчиликка қарши кураш борасидаги барча тергов идораларининг фаолиятини бошқарган ҳолда, жиноятчилик ва унга қарши кураш усулларини ўрганган. Шу билан бирга, Республикадаги махсус суд идораларининг фаолияти ҳамда меҳнат-тузатиш амалиёти устидан назорат олиб бориш ҳам Адлия халқ комиссариятининг зиммасида бўлган².

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1931-йил 20-июлдаги қарори билан янги таҳрирдаги “Ўзбекистон ССР суд тизими тўғрисидаги Низом” қабул қилинган. Мазкур ҳужжат республикада суд ва адлия тизимини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этган. Ушбу Низомга биноан, нотариал идоралар фаолияти устидан назорат қилиш ваколати Адлия халқ комиссариятига юклатилган³. Шу билан бирга, ҳужжатда Республика прокурорининг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳам алоҳида тартибда белгилаб берилган. Хусусан, Республика прокурори Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсати томонидан тайинланган ҳамда

1 История государства и права Узбекистана (отв. Ред. Акад. АН УзССР Х.С. Сулайманова, член-корр. АН УзССР А.И. Ишанов). Т. 2. Т., 1963. – С. 190.

2 Rustamboyev M.H., Nikiforova Ye.N. Sud va huquqni muhofaza qilish organlari: Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. Т.: “Turon-Iqbol” nashriyoti, 2007. – В. 293.

3 История государства и права Узбекистана (отв. Ред. Акад. АН УзССР Х.С. Сулайманова, член-корр. АН УзССР А.И. Ишанов). Т. 2. Т., 1963. – С. 407-408.

Адлия халқ комиссариятининг раис ўринбосари мақомига эга бўлган. Республика прокурорига раён ва шаҳар прокурорлари бевосита бўйсунган, бу эса прокуратура тизимининг марказлашган бошқарув тамойили асосида фаолият юритганлигини кўрсатади.

Кейинчалик, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг 1936-йил 20-июлдаги “СССР Халқ Адлия Комиссариятини шакллантириш тўғрисида”ги қарори билан иттифоқ миқёсида адлия тизимини қайта ташкил этиш босқичи бошланган. Мазкур қарорга мувофиқ, СССР Адлия халқ комиссарияти тўғрисидаги Низом тасдиқланган ва шу орқали республикалардаги адлия органларининг ваколатлари ҳам қайта кўриб чиқилган. Янги тартибга кўра, Ўзбекистон ССР Олий суди зиммасидан суд фаолияти устидан маъмурий бошқарув функцияси олиб ташланди ва у фақат республика миқёсидаги олий назорат инстанцияси сифатида фаолият юритадиган бўлди. Шу билан бирга, СССР таркибидаги иттифоқдош республикаларнинг Адлия халқ комиссариятлари фаолиятдан прокурорлик ва тергов органлари ажратилди. Натижада, 1936-йилдан бошлаб Адлия халқ комиссариятлари фақат суд муассасалари фаолияти устидан ташкилий-назорат функциясини сақлаб қолди, прокуратура эса мустақил ҳуқуқий институт сифатида шакллана бошлади¹. Бу ўзгаришлар СССР миқёсида адлия тизимининг марказлашуви ва функционал ихтисослашувини кучайтиришга хизмат қилган.

Бундан ташқари, Республика Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг 1937-йил 20-майдаги қарори билан Адлия халқ комиссариятининг янги Низоми қабул қилинган. Унга кўра Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарияти судлар томонидан фуқаролик ва жиноят протсессуал кодексларининг суд кўрилиши тўғрисидаги Низомининг устидан кузатув олиб бориш; аҳолига юридик хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолияти устидан назорат қилиш ва уларни бошқариш; ўртоқлик ва жамоа

1 Rustamboyev M.H., Nikiforova Ye.N. Sud va huquqni muhofaza qilish organlari: Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. T.: “Turon-Iqbol” nashriyoti, 2007. – B. 294.

кишлоқ судлари, нотариат, юридик мактаб ва курслар фаолиятини назорат қилиш; Ўзбекистон ССР қонунчилигини такомиллаштириш ишларини юритиш; суд статистикасини юритиш каби устувор вазифалар юклатилган. Шу билан бир каторда, Низомда Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссариятининг тизими ҳам белгиланган бўлиб, уни Адлия Халқ Комиссари ва унинг икки ўринбосари бошқарган. Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарияти тизимида суд муассасалари бўлимлари, суд химояси ва аҳолига юридик хизмат кўрсатиш бўлими, нотариат бўлими, Ўзбекистон ССР қонунчилигини такомиллаштириш бўлими, юридик консултатсия ва бошқалар ташкил этилган¹.

Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1939-йил 1-ноябрда қабул қилган Низом асосида Ўзбекистон ССР ҳудудидаги барча суд органлари устидан раҳбарлик қилиш Адлия халқ комиссарияти томонидан амалга оширилган. Ушбу низомга биноан, Қорақалпоғистон АССР Адлия халқ комиссарияти, вилоят бошқармалари фаолиятини бошқариш; Ўзбекистон ССР судларини ташкил этиш, суд органлари ишларини назорат қилиш, уларга фаолиятларини яхшилаш учун раҳбарий кўрсатмалар бериш; адвокатура ва нотариал идоралар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш; юристларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларини такомиллаштириш учун ҳужжатларни тайёрлаш; судьялар танлаш ишларини ташкил этиш каби вазифалар Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарияти зиммасига юклатилган².

СССР Олий Кенгаши раёсатининг “Меҳнаткаш депутатлар кенгаши вилоят ва маҳаллий судларнинг ваколатини кенгайтириш, вилоятлардаги вазирлик бошқармаларини тугатиш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1956-йил 7-августда қабул қилган Меҳнаткаш депутатлар кенгашининг Ўзбекистон ССР вилоят адлия бошқармаларини тугатиш ҳақидаги фармони мувофиқ, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши

1 Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Т.: Адолат, 1996. – С. 11-12.
2 O'sha manba. – С. 13-14.

1956-йил 6-ноябрда республика Адлия вазирлигининг янги Низомини ишлаб чиқди. Мазкур Низомга мувофиқ, Адлия вазирлиги Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига бевосита бўйсунган. Вазирлик ҳузурида вазир, унинг ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимлардан таркиб топган ҳайъат тузилган бўлиб, унда асосан суд муассасалари ва адлия органлари фаолияти устидан раҳбарлик қилиш, ижро ҳаракатларини текшириш, кадрлар танлаш, муҳим буйруқ ва йўриқномалар тайёрлаш ва бошқа масалалар кўрилган¹.

1959-йил 23-мартда вилоят ва халқ судлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Адлия вазирлиги функцияларига ўзгартириш киритди. Вилоят ва халқ судларини текшириш, улар фаолияти устидан назорат қилиш, суд статистикасини юритиш мажбурияти Ўзбекистон ССР Олий судига ўтди. Натижада судларни бошқарувчи орган сифатида Олий суд инстанциялари ишлай бошлади. Шунга мувофиқ 1970-йил 1-октябрда “Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг таълими тўғрисида” фармон қабул қилинди. Бунга илова қилиб Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши томонидан 1972-йил 27-сентябрдаги Қарори билан Низом тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ, Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон АССР Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман халқ судларига раҳбарлик қилган, уларнинг фаолиятига методик раҳбарлик қилган, халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишларга, ҳуқуқий бўлимларни тарғиб қилиш бўйича давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, нотариатга, Тошкент шаҳар суд экспертиза илмий тадқиқот институтига, ФХДЁ органларига раҳбарлик қилган².

Бу йилларда Адлия вазирлиги судлар томонидан жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда судлар фаолиятини яхшилашга қаратилган ишларни амалга оширган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудудида адлия органларининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Адлия халқ комиссарлиги

1 O'sha manba. – С. 15-16.

2 O'sha manba. – С. 20.

Ўзбекистон давлат бошқаруви тарихида ҳуқуқий тизимни шакллантириш, конун устуворлигини таъминлаш ва адлия органларининг институтсионал ривожланишини бошлаб берган муҳим босқич сифатида эътироф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Т.: Адолат, 1996. – 44 с.
2. Адлия бошқармаси: ҳуқуқий ислохотлар йўлида. / Нашрга тайёрловчилар И. Нишонов, М. Эркабоева, Ш. Каримова. – Фарғона: Фарғона, 2012. – 72 б. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқаруви тарихи. – Тошкент, 2012. – 556 б.
3. История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922-1951)). / Под ред. К.А. Мокичева – Москва: Госюриздат, 1952. – С. 301.
4. История государства и права Узбекистана (отв. Ред. Акад. АН УзССР Х.С. Сулайманова, член-корр. АН УзССР А.И. Ишанов). Т. 2. Т., 1963. – С. 190.
5. Олейник И. Организационно-правовые основы становления и развития органов управления юстицией в РСФСР (1917-1936 гг.): Дисс... док.юрид.наук. – Владимир, 2006.
6. Rustamboyev M.H., Nikiforova Ye.N. Sud va huquqni muhofaza qilish organlari: Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. T.: "Turon-Iqbol" nashriyoti, 2007.
7. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврлардан XIX асрнинг ўрталарига қадар). – Тошкент: Академия, 2005. – 140 б.
8. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 января 1917 г. по 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918. – 37 с.
9. Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений ТССР январь-август 1923 г. – Ташкент: Изд. Комиссии СНК, 1923. – 213 с.
10. Советские конституции Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918-1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электрон ресурс]. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. – 156 с.
11. Турсунова О. Тарихий манбаларда ҳуқуқ терминларининг қўлланилиши. Филолог. Фан. Номз. Дисс... – Тошкент, 2009. – 151 б.
12. Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917-1924 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2007. – 158 б.
13. O'zMA R-17-fond, 1-ro'yxat, 1037-ish.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ЛАВОЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада глобаллашув ва жамият ҳаётининг жадал ривожланиши шароитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида профилактика инспектори лавозимининг ўрни ва аҳамияти илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган. Профилактика инспектори фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда замонавий тенденциялари ёритилган. Айниқса, мустақил Ўзбекистонда профилактика институтининг инсон ҳуқуқлари, қонунийлик ва жамоатчилик билан ҳамкорлик тамойилларига асосланган ҳолда такомиллашиб боришига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада Президент асарлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида профилактика инспектори фаолиятининг устувор йўналишлари, жамоатчилик билан ҳамкорлик, рақамли технологияларни жорий этиш, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, профилактика инспекторининг касбий тайёргарлиги, маънавий-ахлоқий сифатлари ва фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва хулосалар баён этилган.

Калитли сўзлар: профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартиби, инсон ҳуқуқлари, қонунийлик, ёшлар ҳуқуқбузарлиги, маҳалла институти, жамоатчилик билан ҳамкорлик, рақамли технологиялар, ҳуқуқий маданият.

Аннотация: В данной статье с научно-правовой точки зрения проанализированы роль и значение должности инспектора профилактики в системе предупреждения правонарушений в условиях глобализации и динамичного развития общественной жизни. Освещены этапы формирования и развития деятельности инспектора профилактики, его правовые основы и

современные тенденции. Особое внимание уделено совершенствованию института профилактики в независимом Узбекистане на основе принципов прав человека, законности и взаимодействия с общественностью. В статье на основе трудов Президента и нормативно-правовых актов проанализированы приоритетные направления деятельности инспектора профилактики, вопросы сотрудничества с общественностью, внедрения цифровых технологий, а также предупреждения правонарушений среди молодежи и несовершеннолетних. Кроме того, изложены предложения и выводы, направленные на повышение профессиональной подготовки, морально-нравственных качеств и эффективности деятельности инспектора профилактики.

Ключевые слова: инспектор профилактики, профилактика правонарушений, общественный порядок, права человека, законность, правонарушения среди молодежи, институт махалли, взаимодействие с общественностью, цифровые технологии, правовая культура.

Annotation: This article provides a scientific and legal analysis of the role and significance of the preventive inspector's position in the system of crime and offense prevention under the conditions of globalization and rapid development of social life. The stages of formation and development of the preventive inspector's activities, their legal foundations, and modern development trends are examined. Special attention is paid to the improvement of the preventive institution in independent Uzbekistan based on the principles of human rights, legality, and cooperation with the public. Based on the works of the President and regulatory legal acts, the article analyzes the priority areas of the preventive inspector's activity, issues of public cooperation, the introduction of digital technologies, and the prevention of offenses among youth and minors. In addition, proposals and conclusions aimed at improving professional training, moral and ethical qualities, and the effectiveness of preventive inspectors' activities are presented.

Key words: preventive inspector, crime prevention, public order, human rights, legality, juvenile delinquency, mahalla institution, public cooperation, digital technologies, legal culture.

Ҳозирги глобаллашув ва жамият ҳаётининг жадал ривожланиши шароитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда профилактика инспектори лавозими алоҳида аҳамият касб этиб, у жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминловчи муҳим бўғин сифатида намоён бўлади. Профилактика инспектори фаолияти нафақат ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, балки унинг илдиз сабабларини бартараф этиш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан ҳам ажралиб туради.

Профилактика инспектори лавозимининг шаклланиши ва ривожланиши муайян тарихий босқичлар билан боғлиқ бўлиб, у жамият эҳтиёжлари ва давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотларга мос равишда такомиллашиб борган. Совет даврида жамоат тартибини сақлаш асосан назорат ва жазо чораларига таяниб амалга оширилса, мустақил Ўзбекистонда профилактика инспектори фаолияти мазмун ва услуб жиҳатидан янгиланиб, инсон ҳуқуқлари, қонунийлик ва жамоатчилик билан ҳамкорлик тамойилларига асосланган самарали тизимга айланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹да белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз асарлари ва нутқларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “жиноятга қарши курашишдан кўра, унинг олдини олиш самаралироқ, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

килиши керак”¹ деган тамойили профилактика инспектори фаолиятининг моҳиятини очиб беради. Мазкур ёндашув профилактика инспекторини фақат назорат қилувчи орган вакили эмас, балки аҳоли билан бевосита мулоқот қилувчи, муаммоларни жойида ҳал этувчи давлат хизматчиси сифатида шакллантирди.

Профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий асослари қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни², Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси³, шунингдек Президент фармон ва қарорлари профилактика инспекторининг ваколатлари, вазифалари ва фаолият йўналишларини белгилаб беради. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчилик профилактика инспектори фаолиятини тизимли равишда ташкил этиш, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Замонавий босқичда профилактика инспектори лавозимини ривожланиш тенденциялари бир нечта устувор йўналишларда намоён бўлмоқда. Биринчи навбатда, профилактика фаолиятининг мазмуни кенгайиб, у фақат жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан чекланиб қолмай, балки ижтимоий муаммоларни барвақт аниқлаш ва бартараф этишга ҳам қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилавий низолар, зўравонлик ҳолатларига барвақт аралашиб профилактика инспекторининг муҳим вазифаларига айланди.

Иккинчи муҳим тенденция — профилактика инспектори фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва қонунийлик тамойилларининг кучайиб боришидир. Ҳар қандай профилактика тадбири инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларига

¹ 28.11.2025 йилдаги Ш.М.Мирзиёевнинг Бюрократияни бартараф этишга бағишланган халқаро форумдаги маърузаси. https://daryo.uz/uz/2025/11/28/xalq-davlat-idoralariga-emas-davlat-idoralari-xalqimizga-xizmat-qilishi-kerak-shavkat-mirziyoyev?utm_source=.

² Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>.

риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу борада Президент асарларида қайд этилган “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган ғоя профилактика инспектори фаолиятининг асосий мезонига айланмоқда. Профилактика инспектори фуқаролар билан мулоқотда ҳуқуқий маданият, одоб-ахлоқ ва қонунийликка қатъий амал қилиши талаб этилади.

Учинчи тенденция — профилактика инспектори фаолиятида рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувларни жорий этишдир. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш, хавф гуруҳларини аниқлаш, электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш профилактика ишларининг самарадорлигини оширмоқда. Бу жараёнда рақамлаштириш нафақат назорат воситаси, балки таҳлил ва прогноз қилиш механизми сифатида ҳам хизмат қилмоқда.

Тўртинчи тенденция — профилактика инспектори ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши ҳисобланади. Маҳалла институти билан ҳамкорлик, фуқаролик жамияти институтларини профилактика жараёнларига жалб этиш жамиятда ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Президент қарорларида профилактика инспекторининг маҳаллада доимий фаолият юритиши, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиши алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, профилактика инспектори лавозимини ривожланишида айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича билимларни чуқурлаштириш, фаолият самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш зарур. Бу борада илмий тадқиқотлар, социологик сўровлар ва халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон Қарорига мувофиқ, таянч пунктларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

- жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этишда, тергов, суд ва суд ҳужжатларини ижро этишдан яшириниб юрган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган фуқароларни қидиришда иштирок этиш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

- аҳоли билан унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалаларида тўғридан-тўғри очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, ғайрижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини таъминлаш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш¹.

Фуқаролар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликка қўл урган шахсларни ахлоқий жиҳатдан тузатиш жараёни профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлиги ва амалий фаолиятини тўғри ташкил этишга бевосита боғлиқдир. Жумладан, билим бериб, амалий фаолиятга йўналтирилган профилактика инспекторлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “18.04.2017 йилдаги Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3175732>

Ўз хизмат вазифаларини амалга оширишда умумий, махсус, яқка тартибдаги ҳамда виқтимологик профилактика чора-тадбирларини комплекс тарзда қўллаган ҳолда иш олиб боришлари зарур. Бундай ёндашув ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, хавф гуруҳидаги шахслар билан манзилли ишлаш ҳамда жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш самарадорлигини оширади.

Айни пайтда, профилактика инспектори шахсидан юксак маънавий-ахлоқий сифатлар талаб этилади. Хусусан, ҳар бир профилактика инспектори ўз Ватанига муҳаббат, танлаган касбига садоқат руҳида тарбия топиши, келгуси хизмат фаолиятида ҳалоллик, масъулият ва фидойилик каби фазилатларни ўзида мустаҳкам шакллантириши лозим. Бу сифатлар унинг фуқаролар билан мулоқотида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳамда жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, профилактика инспектори лавозимининг ривожланиш тенденциялари Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Президент асарлари ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган устувор вазифалар профилактика инспекторини жамиятда тинчлик, барқарорлик ва қонунийликни таъминлашга қаратилган муҳим институт сифатида намоён этмоқда. Мазкур лавозимни янада такомиллаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш орқали профилактика тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
<https://lex.uz/docs/6445145>.

2. 28.11.2025 йилдаги Ш.М.Мирзиёевнинг Бюрократияни бартараф этишга бағишланган халқаро форумдаги маърузаси.

3. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “18.04.2017 йилдаги Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3175732>

С. ЮЛДАШЕВ

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи таҳлил қилинган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ғояси қадимги диний ва ҳуқуқий манбаларда ўз аксини топгани, уларнинг “Авесто”, Қуръони Карим, Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Темур тузуклари” каби тарихий-ҳуқуқий манбаларда илгари сурилган бўлиб, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадрият сифатида шаклланиши ва замонавий ҳуқуқий стандартлар билан узвий боғлиқлиги, Жаҳон ҳамжамияти томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги замонавий ҳуқуқий асослари кенг таҳлил қилинган.

Калитли сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсон ҳуқуқлари, умуминсоний қадриятлар, “Авесто”, Қуръони Карим, Абу Наср Фаробий, “Фозил одамлар шаҳри”, “Темур тузуклари”, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.

Аннотация: В статье проанализирована история формирования и развития прав человека в Узбекистане. Подчеркивается, что идея прав человека нашла отражение в древних религиозных и правовых источниках,

таких как «Авеста», Священный Коран, «Город добродетельных людей» Абу Насра аль-Фараби и «Темур Тузуки». Рассмотрено, как права человека как универсальные ценности формировались исторически и сохраняют тесную связь с современными правовыми стандартами. Особое внимание уделено значению Всеобщей декларации прав человека, принятой международным сообществом в 1948 году, и современным правовым основам обеспечения прав и свобод человека в Конституции Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, права человека, универсальные ценности, «Авеста», Священный Коран, Абу Наср аль-Фараби, «Город добродетельных людей», «Темур Тузуки», Всеобщая декларация прав человека.

Annotation: The article analyzes the history of the formation and development of human rights in Uzbekistan. It highlights that the concept of human rights is reflected in ancient religious and legal sources, including the “Avesta,” the Holy Quran, Abu Nasr al-Farabi’s City of Virtuous People, and the Temur Tuzuks. The study demonstrates how human rights as universal values have been shaped historically and remain closely connected to modern legal standards. The significance of the Universal Declaration of Human Rights adopted by the international community in 1948 and the contemporary legal foundations for ensuring human rights and freedoms in the Constitution of the Republic of Uzbekistan are thoroughly examined.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, human rights, universal values, “Avesta,” Holy Quran, Abu Nasr al-Farabi, City of Virtuous People, Temur Tuzuks, Universal Declaration of Human Rights.

Инсон ҳуқуқлари жамият тараққиётининг энг муҳим ютуқларидан бири бўлиб, уларнинг шаклланиши узоқ тарихий даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон ҳудудида инсон ҳуқуқлари ғояси қадимги диний ва ҳуқуқий манбаларда ўз ифодасини топган. Инсон ҳуқуқлари жамият тараққиётининг муайян босқичларида шаклланиб, умуминсоний қадрият сифатида эътироф

этилган тушунчадир. Уларнинг манбалари нафақат замонавий ҳуқуқий ҳужжатлар, балки қадимий диний ва фалсафий таълимотлар билан ҳам узвий боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари ғоясининг илк манбаларидан бири сифатида эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиё ҳудудида, Ҳоразм воҳасида яратилган “Авесто” китоби алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур китоб зардуштийлик динини шакллантиришга асос бўлган назарий манбаларнинг умумий номи ва бу диннинг асосий манбааси ҳисобланади. Унда адолат, яхшилик, инсоннинг ахлоқий бурчи ва жамият олдидаги масъулияти ҳақидаги ғоялар илгари сурилган. “Авесто”да инсон ҳаёти муқаддас неъмат сифатида талқин қилинади, зулм, ёлғон ва адолатсизлик қораланади. Бу ҳолат инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоясининг қадимий илдизларга эга эканини кўрсатади.¹ “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби сифатида инсоният цивилизациясининг энг қадимий ёзма манбаларидан бири ҳисобланади.

“Авесто” ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий қарашлари, ижтимоий-сиёсий тузуми, ахлоқий меъёрлари ҳамда ҳуқуқий муносабатлари ҳақида қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Шу боис “Авесто”ни тарихий-ҳуқуқий манба сифатида ўрганиш миллий ҳуқуқий тафаккурнинг илдизларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, “Авесто”да илгари сурилган адолат, қонунга итоат, инсон бурчи ва жамият олдидаги масъулият ҳақидаги ғоялар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Ушбу қадимий манба ёш авлод онгида ҳуқуқий маданият, қонунийликка ҳурмат ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда муҳим маънавий асос бўлиб хизмат қилади. “Авесто”да Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқий қарашлари муайян даражада ўз ифодасини топган.

¹ Р.Икрамов ва Н.Бекмирзаев. «Авесто»да қонун ва инсон ҳуқуқлари талқини. Academic research in educational sciences volume 2 | issue 2 | 2021. <http://www.ares.uz/uz>.

Гарчи унда ҳуқуқий қоидалар замонавий қонунчиликдаги каби тизимли ва кодлаштирилган ҳолда баён этилмаган бўлса-да, мазкур манба ўша давр жамиятида мавжуд бўлган ҳуқуқий муносабатларни яққол акс эттиради. Ҳозирги давр ҳуқуқий қарашлардан келиб чиққан ҳолда, “Авесто” мазмунида жиноят ва жазо, фуқаролик муносабатлари, оила ва никоҳ, мулкчилик ҳамда ер ва сув билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи муайян ҳуқуқий соҳаларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу эса “Авесто”ни қадимий ҳуқуқий тафаккурни ўрганишда муҳим манба сифатида баҳолаш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудудида инсон ҳуқуқларининг шаклланишида муҳим ўрин тутган асосий тарихий манбалардан яна бири Ислом динининг муқаддас китоби — Қуръони Карим ҳисобланади. Ислом динининг асосий манбаи бўлган Қуръони Карим милодий 610 йилда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий орқали нозил қилинган. Қуръон оятларини ягона китоб шаклига келтириш жараёни учинчи халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) даврида амалга оширилиб, милодий 650 йилда (хижрий 30 йилда) тўлиқ яқунланган. Қуръони Каримда инсон шаъни, адолат, тенглик, ҳаёт дахлсизлиги ва ҳуқуқий масъулият каби умуминсоний қадриятлар мустаҳкам ифода этилган бўлиб, улар инсон ҳуқуқларининг тарихий-ҳуқуқий асосларидан бири сифатида эътироф этилади¹.

Қуръони Каримда ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи, адолатли муносабатда бўлиш, тенглик, виждон ва эътиқод эркинлиги, мулк дахлсизлиги каби инсоннинг асосий ҳуқуқлар ва эркинликлари мустаҳкамланган. Жумладан, инсон ҳаётининг дахлсизлиги ҳақидаги қоидалар, адолатни таъминлаш ва адолатсизликка қарши туриш ҳақидаги оятлар инсон ҳуқуқларининг муҳим тамойилларини ифодалайди.

Шунингдек, Қуръони Карим жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган меъёрларни белгилаб, камбағаллар, етимлар, аёллар ва заиф қатламлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратган. Бу эса

¹ Аҳмад Муҳаммад Турсун, Муҳаммад Шариф Жуман. Ислом дини китоби. «Movarounnahr» нашриёти, Тошкент – 2006. 4-5 бетлар. <https://madrasa.uz/books/islom-dini.pdf>

инсон ҳуқуқларининг умуминсоний моҳиятини акс эттиради. Қуръони Карим инсон ҳуқуқларининг шаклланиши ва тараққиётида муҳим маънавий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Унда илгари сурилган инсонпарварлик, адолат ва тенглик ғоялари бугунги замонавий инсон ҳуқуқлари тизими билан уйғун ҳолда намоён бўлади.

Шарқ мутафаккирлари меросида ҳам инсон кадр-қиммати, адолат, тенглик ва эркинлик масалаларига оид чуқур фалсафий қарашлар мавжуд. Шу жиҳатдан Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”¹ асари инсон ҳуқуқлари концепциясининг илк назарий манбаларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур асар IX-X асрларда ёзилган бўлиб, мутафаккирнинг ўзи яшаб ижод қилган Шарқ уйғониш даврига (IX-X асрлар) оид, оқилона давлат ва идеал жамият ҳақидаги фикрларини ифодалайди. Мазкур асарда замонавий маънодаги “инсон ҳуқуқлари” атамаси қўлланилмаган бўлса-да, унинг асосий ғоялари инсон ҳуқуқларининг шаклланишида муҳим ўрин тутган фалсафий тамойилларни ўз ичига олади. Фаробий инсонни жамиятнинг марказий қиймати сифатида кўради ва унинг ақлий ҳамда маънавий камолоти давлат ва жамиятнинг асосий мақсади эканини таъкидлайди. Асарда илгари сурилган асосий ғоялардан бири адолатли давлат сиёсатини амалга ошириш масаласи ҳисобланади. Унга кўра, адолатли давлат куришнинг энг муҳим тамойилларидан бири давлат бошқаруви оқил ва маънавий етук ҳукмдор томонидан амалга оширилиши лозимлигидир. Фаробий асарида бундай ҳукмдор қандай ақлий, ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлиши кераклиги батафсил ёритиб берилган. Асарнинг туб моҳиятида адолатли бошқарув тизимини шакллантириш ҳамда жамият аъзоларининг ҳуқуқлари ўзаро поймол этилмаслигини таъминлаш ғояси ётади. Фаробийнинг фикрича, давлат ҳокимияти инсон манфаатларига хизмат қилиши, жамиятда адолат ва

¹ “Фозил одамлар шаҳри” – Абдусодиқ Ирисов, Махкам Махмудов, Урфон Отажон таржимаси. 2022 йил «Янги аср авлоди» нашриёт-матбааси.

хуқуқ устуворлигини таъминлаши зарур.¹ Айнан шу жиҳатлари билан “Фозил одамлар шаҳри” асари инсон ҳуқуқларининг вужудга келиши ва шаклланишида муҳим назарий асос сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида нафақат инсон ҳуқуқлари балки давлат ва жамият бошқарувига оид яна бир муҳим ҳуқуқий манбаа “Темур тузуклари” китобидир. Мазкур асар давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташкил этиш қоидалари, ҳарбий юришлар давомида амал қилиниши зарур бўлган стратегия ва тактикалар, шунингдек, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни ўзида мужассам этган муҳим тарихий-ҳуқуқий манба ҳисобланади. Ушбу асар XIV аср охири — XV аср бошларида, яъни Амир Темур ҳукмронлиги даврида яратилган бўлиб, тарихий манбаларга кўра, у бевосита Амир Темур томонидан ёзилган ёки унинг кўрсатмалари асосида тизимлаштирилган тузуклар мажмуасидан иборатдир.²

“Темур тузуклари”нинг марказий ғояси инсон ва унинг кадр-қимматини улуғлашга қаратилган. Асарда давлат бошқаруви инсон манфаатларига хизмат қилиши, жамиятда адолат ва қонун устуворлиги таъминланиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Шу маънода, Соҳибқироннинг ҳуқуқий қарашларида мамлакат ишларини аниқ тартиб ва қонун-қоидалар асосида бошқариш, яъни давлат тузумини мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этади. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари ва қонунчиликка оид тамойиллари бутун Темурийлар салтанати даврида ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ифодасини топиб, улкан амалий аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, ички тартиб-интизомни таъминлаш, адолатли солиқ сиёсати юритиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш каби чора-тадбирлар давлат барқарорлигининг асосий омиллари сифатида қаралган. Асарда асосан «Мамлакат зулмга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», «Куч — адолатда» каби ғоялар илгари сурилади³. Ушбу ғоялар бугунги кунда

¹ Турғунов М.Т “Абу Наср Фаробийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари” ю.ф.н. дисс. автореферати. Тошкент: 2002. 17 бет.

² Темур тузуклари. Тошкент, 1996. 72–73 б.

³ “Амир Темур Кўрагон. Темур тузуклари –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 196 бет

хам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, аксинча, ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этиб, асосий ғоялардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг шаклланишида муҳим ўрин тутган яна бир асосий ҳужжатлардан бири 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”дир¹. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси инсон ҳуқуқлари тушунчасининг замонавий мазмун-моҳиятини очиқ берган муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. У турли сиёсий тизимларга эга давлатларда инсон ҳуқуқларини бир хилда англаш ва талқин этиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ғоявий асосларни яратиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэътироф этилган стандартларни шакллантиришда муҳим асос бўлди. Ушбу Умумжаҳон Инсон ҳуқуқлари Декларацияси 30 та моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари, шахсининг мажбуриятлари ҳамда эркинлик ва тенгликнинг асосий принциплари белгилаб берилган. Жумладан, мазкур Декларациянинг 2-моддасида “Ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарур. Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъий назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак”² деб кўрсатиб ўтилган. Мазкур декларациянинг қоидалари 1948 йилдан кейин қабул қилинган бошқа давлатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларида ҳам ўз ифодасини топган.

¹ Р.Атовуллоев. “Адолатли дунёнинг ҳуқуқий пойдевори”. «Янги Ўзбекистон» газетасининг 12.06.2023 йилдаги 137-сони.

² 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. <https://lex.uz/docs/7338189>

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 12 майда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПФ-70-сонли Фармонни имзолади. Ушбу фармонга асосан 75 йиллик байрам муносабати билан турли тадбирлар дастури тасдиқланиб, мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилди ва нишонланди.¹

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг энг олий ҳуқуқий манбаи сифатида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ва жамият ҳаётида инсоннинг ҳуқуқий мақомини белгилайди ҳамда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, ҳурмат қилиш ва қонун доирасида муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциянинг 54-моддасида “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронининг Конституция ва қонунларида мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”² – деб мустаҳкамланган. Шунингдек, Конституцияга алоҳида “Адвокатура” бобининг (XXIV-боб) киритилганлигини ўзи ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтирилганлигини кўрсатади. Бу жараён мамлакатда ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва ҳар бир шахснинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.06.2023 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПФ-70-сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6464217>.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 30.04.2023.йил. <https://lex.uz/docs/6445145>

2. «Авесто»да қонун ва инсон ҳуқуқлари талқини. Равшан Икромов, Норкул Бекмирзаевлар таржимаси.
3. Ислом дини китоби. «Movarounnahr» нашриёти, Тошкент – 2006.
5. “Фозил одамлар шаҳри” – Абдусодиқ Ирисов, Махкам Махмудов, Урфон Отажон таржимаси. 2022 йил «Янги аср авлоди» нашриёт-матбааси.
6. Амир Темур Кўрагон. Темур тузуклари –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 196 бет.
7. «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил 12 июль кунги 137-сони.
8. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси 10.12.1948 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 май кунидаги ПФ-70-сонли “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 30.04.2023.йил
11. Турғунов М.Т “Абу Наср Фаробийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари” афтореферат. Тошкент 2002. 17-бет
12. Акмал Саидов, Янги Ўзбекистон Конституцияси: яратилиши, қабул қилиниши ва ижро этилиши. <https://www.uzembassy.uk/news/1342>

М.УМАРОВА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси

АМИР ШОҲМУРОДНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ БОШҚАРУВИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИСЛОҲОТЛАРИ

Амир Шоҳмурод 1785 йил 10 июн¹да Бухорода “амир ул-мўминин” унвони билан тахтга кўтарилган. Бироз вақтдан сўнг Самарқандда оқ кигизга ўтирғизиб тахтга кўтарилган ва амалдорлар билан байъатлашув амалга оширилган. Хон кўтариш маросими мансабдор шахслар билан биргаликда амалга оширилган. Мансабдор шахсларнинг бу тадбирда иштирок этиши, ҳукмдорни тайинланишигина эмас, балки шу ҳукмдорга бўйсунининг ҳам тан олинисини билдирган. Амир Шоҳмуродни тахтга ўтказилишида иштирок этган мансабдор шахслар (руҳоний бошлиқлар, сарой амалдорлари ва бошқа ҳукмрон доиранинг йирик вакиллари) унинг олий ҳукмдор

¹ Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттахириин. – Бухоро: Бухоро, 2003. 344-б.

эканлигини тасдиқлаб, ҳужжатга муҳр босганлар¹. Бу келишув тарихий манбаларда “байатлашув” деб ҳам юритилади. Ҳужжатда амирнинг қандай тартибда олий ҳокимият топширилганлиги баён қилинган. Амир Шохмурод давлат шаръий талаблар асосида бошқарилишини эълон қилган. Унинг даврида ислом дини қонунчилиги асосида ҳокимият бошқаруви мустаҳкамланди, бидъат, узоқ йиллардан буён вужудга келган айрим маҳаллий ва чингизийлар одатлари ижтимоий ҳаётдан чиқарган. Зеро у ҳокимиятга келишидан илгари Бухоро гузарларидан бири бўлган Кофирободда ислом динига зид бўлган одатлар авж олган эди. Шохмурод бундай ношаръий одатларни (ёпик жойларда вино, пиво маҳсулотларининг тарқатилиши, фоҳишабозлик, ашулабозлик, кайфу сафо, масхарабозлик, табака ва чилим чекишларни) йўқ қилган.

Чингизий одатлардан яна бири сифатида, Шохмурод валиаҳд бўлган бир пайтда отаси Дониёлбийнинг талаби билан Абулфайзхоннинг қизи, амакиси Муҳаммад Раҳимхоннинг беваси, мўғул маликаси Юлдуз бегим (айрим манбаларда Шамсиябону)га уйланган. Ҳокимият тепасига келганда мўғулларнинг куёви сифатида тахтни бошқариш ҳуқуқидан воз кечиб, тўнғич ўғли Амир Ҳайдарнинг онаси бўлган Шамсиябону билан никоҳини бекор қилган².

Бироз вақтдан сўнг “қўғирчоқ хон”дан расман воз кечганлигини кузатамиз. Яъни дастлабки манғит ҳукмдорларининг “қўғирчоқ хонлар”ни тахтга ўтқозиш анъанасига чек қўйиб, расман ўзини олий ҳукмдор деб эълон қилдирган³. Бу иш сулолани мавқеини расмий жиҳатдан мустаҳкамланишини белгилаган.

Шохмурод эски исломий тартибни ўрнатиб турган бир вақтда, Аштархонийлардан бўлган Абулғозихон (Чингизий Иброҳимнинг ўғли,

¹ Зияев Ҳ. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент: ФАН, 1973. 45-б.

² Анке фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX века). Алматы: Дайк пресс, 2004. – С. 322. Мирий. (Мир Хусайн бин Шах Мурад) Маҳазин ат – таква. Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Шарқшунослик институти. №51. 62а-63а.; Аҳмад Дониш. Тарихи салатини мангития. Перевод И.А.Наджафовой. – Душанбе. 1967. – С. 29-30.

³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. 281-б.

Абулфайзхоннинг қариндоши, Ражаб Муҳаммадхоннинг жияни, келиб чиқиши жиҳатидан Абдуллахонга бориб тақалган¹) ўзининг хонлик фаолиятини юритар эди. Унинг олдига бориб, чой ичиб суҳбатлашиб ўтириш мумкин бўлсада, биров ҳеч қандай арз-додини айтишга ботина олмаган. Жума кунлари бошига салла кийдириб, Бухородаги масжидга олиб келинар, намоз тугагач, яна қайтариб олиб борилган². Аммо Шохмурод кейинчалик унинг фаолиятида ислом динига зид бўлган камчилик топади ва хонни маълум бир нафақа билан таътилга чиқариб, давлат ишларидан четлаштиради. Сарой тарихчиси Мирзо Салимбек таъкидлаганидек, “қўғирчоқ хон” Абулғозихон Аркдан чиқарилиб, Бухоро шаҳридаги Бозор Хўжа гузаридаги (Уифкент³) ҳовлилардан бирига жойлаштирган ва умрининг охиригача нафақа тайинланган⁴. Яъни манғит ҳукмдорлари даврида расмга айланган чингизийлардан бўлган “қўғирчоқ хонлар”ни тахтга ўтқазиб анъанасига чек қўйиб, расман ўзини олий ҳукмдор амир ул-мўминин деб эълон қилган⁵.

Мамлакатда маъмурий, диний, иқтисодий соҳаларда ислоҳотлар ўтказган. Узоқ йиллар мобайнида фойдаланилган аштархонийлар тангаларини қайта зарб қилдириб, соф олтин ва кумуш тангаларни амалга тадбиқ қилган. Мамлакатда иқтисоднинг ривожланишига ва пул инфляциясини олдини олишга эришган. Солиқлардан фақат исломий солиқларни қолдириб, қолган солиқларни бекор қилган. Бу ислоҳот ҳам бир мунча фуқаролар ҳаётини яхшиланишига замин яратган.

Муҳаммад Ҳакимхон асарида Манғитлар сулоласининг машҳур вакили Амир Шохмуроднинг персонал инсон сифатида шахсиятини, фазилатларини,

¹ Мирза Шамс Бухари. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Перевод и примечание В.В.Григорьев. – Казань: Университетской типографии, 1861. – С. 43.

² Мирза Шамс Бухари. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Перевод и примечание В.В.Григорьев. – Казань: Университетской типографии, 1861. – С. 43.

³ П.П.Шубинского. Бухарская посольства при дворе Екатерины II. – С.Петербургъ. Типография А.С.Суворина, 1897. – С. 8.; Мирза Шамс Бухари. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Перевод и примечание В.В.Григорьев. – Казань: Университетской типографии, 1861. – С. 43.

⁴ Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий Таворихи мутақадимин ва муттаахирын. – Бухоро, 2003. 289-б. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. – Бухоро, 2004. 37-б.

⁵ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. 281-б.

амалга оширган ислохотларини бошқа тарихий манбаларда учрамайдиган маълумотларни ёзиб қолдирган. Бу асарда Амир Шохмурод ҳукмдор бўлишига қарамай оддий турмуш тарзини маъқул кўрганлиги, кундалик харажатлари бир тангадан ошмаган, овқатланиш тартиби жуда оддий бўлгани, унинг шарафига турли дабдабали тадбирлар уюштиришга йул қўймаганлигига алоҳида эътибор қаратган¹.

Муҳаммад Ҳакимхон Амир Шохмуроднинг ҳаётидан қуйидаги маълумотларни беради: “Алқисса, Шохмуродбий валинаъми Бухорога етгач, бир неча кун йўл ҳордиғини ёзиб дам олиб, давлат юмишлари ва халқнинг арзу додини сўраш ишлари билан машғул бўлди. Айтишларича, байт ул-мол, яъни давлат хизинасидан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун бир фулус (мис-чақа) ҳам харж қилмас экан. Кийим-кечак, еб-ичиш бўйича қандай чиқим бўлса, барчаси мамлакатдаги ғайридин аҳолидан ундириладиган жузья солиғи ҳисобидан амалга ошаркан. Айтадиларки, бир гал Самарқандга келганида бир неча кун ўша вилоятда қолиб кетиб, сарфлайдиган харажат пули тугабди ва бисотида битта пўстиндан бўлак бирон нарсаси қолмабди. Ноилож, ўша пўстинини сотиш учун бозорга бердириб юборибди. Пўстиннинг харидори топилмабди. Ниҳоят, деярли текин баҳода, аниқроғи, ярим дирҳамга сотиб қайтишга мажбур бўлишибди. Сотиб олган харидор камбағал бир мулло киши бўлиб, эртаси куни пўстинни қайтариб олиб келиб, “пўстиннинг айби бор экан, савдони бекор қиламан, олмайман”, дебди. Шохмуродбий валинаъми “нима айби бор экан?” деб сўрабди. Ҳалиги одам “бутун дунёнинг бити шу пўстин ичига йиғилган экан. Кечаси танимда бир мисқол ҳам эт қолмаслигига сал қолди” дебди. Мулло бу пўстиннинг Шохмуродбийга тегишли эканидан хабари йўқ экан. Валинаъми роса қотиб кулибди ва ниҳояти, иккаласи ҳам қози ҳузурида чўкка тириб, қози ҳукмини сўрашибди. Қози ярим танга арзон тушириб, пўстинни муллога сотиш бўйича қарор чиқармоқчи бўлибди. Аммо, мулло бунга қўнмабди ва “бу пўстиндан

¹ МуҳаммадҲакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 4445 -б.

безор бўлганман, бир фулусга ҳам олмайман, пулимни қайтаринг” дея оёк тираб олибди. Валнаъми эса олишини сўрайверибди. Чунки пўстиндан қўлга киритган кечаги икки тангани ишлатиб бўлган, ёнида муллога қайтариб бериш учун бошқа пули йўқ экан. Хуллас, анча тортишувлардан сўнг мулло рози бўлибди ва валнаъми можародан қутилибди¹. Бевосита шундай тафсилот орқали амирнинг қози олдида туриши оддий ҳол сифатида берилган, бундай ҳол тарихда жуда кам учраганлигини кузатишимиз мумкин.

Амир Шоҳмурод шундай оддий ҳаёт тарзини кечиришига қарамасдан ҳукмронлиги даврида унга нисбатан суиқасдлар амалга оширилган. Шулардан бири 1784 йилда Амир Шоҳмуродга қарши укалари Султонмурод қўшбеги ва Маҳмудбей томонидан уюштирилган². Аёл кийимида мусулмон бўлмаган икки киши Аркка кириб Амир Шоҳмуродни ётган жойида пичоқлаган. Бир неча маротаба чавақланган Амир Шоҳмурод бу суиқасддан тирик чиқиш йўлини қила олган. Укаларига одам жўнатиб, “Сизлар пасткаш бир дунё учун ундан ҳам пасткашроқ ишга қўл урдингиз. Аммо, биз бундай разилликни қилмаймиз, балки шафқат ва марҳаматни афзал биламиз. Кўнглингизга бирон ёмон фикр ва гумон келиб ўтирмасин”³ деган. Укалари ўз қилмишларидан уялишганидан акасини олдига қайтиб бормаган. Катта укаси Султонмурод қўшбеги ўзи ҳажга боришни истаган ва йўлда вафот этган. Маҳмудбий укаси эса Қўқонга кетган.

Амир Шоҳмуроднинг ўзи ўн етти йил давлатни бошқарди ва бу фоний дунёни жума куни ўн иккинчи Ражаб ойининг (хижрий 1215 йил) 1800 йилда, 53 ёшида тарк етди⁴. 16 йил подшоҳлик қилди. 61 йил умр кўрди. У 30 ноябрда Бухорода вафот этган ва Хўжа Ҳабибулла ва шайх Муҳаммад Сафарий ёнида Ҳазрати Эшон Имло раҳматуллоҳи алайҳи мазорида, яъни

¹ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 44-б.

² Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий Таворихи мутақаддимин ва муттаахирин. – Бухоро: 2003. 46-б.

³ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 46-б.

⁴ Трактат Аҳмада Дониша. История мангитской династии. – Душанбе: Издательство “Дониш”, 1967. 37-б.

Жўйборилар мозорида дафн этилган. 1930 йил советлар томонидан бошқа қабрлар каби бузиб ташланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Амир Шоҳмурод ҳукмдор сифатида ҳокимият тепасига келмасидан бурун дарвешона ҳаёт тарзини ўзига асос қилиб олган. Ёшлигиданоқ мамлакатда адолат ўрнатилиши тарафдори бўлган. Ўз ҳаётини камтароно тартибда тузиб, давлатни, амалдорларни адолат йўлида бўлиши ни талаб қилган ва давлат хазинасини талаб даражасида ишлатилишини назорат қилган. Бу эса унинг халқ олдида ҳурмати ошишини таъминлаган.

Фойдаланган адабиётлар

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Анке фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX века). Алматы: Дайк пресс, 2004. – С. 322.
3. Аҳмад Дониш. Тарихи салатини манғития. Перевод И.А.Наджафовой. – Душанбе. 1967. – С. 29-30.
4. Зияев Х. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент: ФАН, 1973. 45-б.
5. Мирза Шамс Бухари. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Перевод и примечание В.В.Григорьев. – Казань: Университетской типографии, 1861. – С. 43.
6. Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттахири. – Бухоро: Бухоро, 2003. 344-б.
7. Мирий. (Мир Хусайн бин Шах Мурад) Маҳазин ат – таква. Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Шарқшунослик институти. №51. 62а-63а.;
8. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 44-45 -б.
9. П.П.Шубинскаго. Бухарская посолства при дворе Екатерины II. – С.Петербургъ. Типография А.С.Суворина, 1897. – С. 8.;
10. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. – Бухоро, 2004. 37-б.

Х. ОЛИМОВ

Мухтор Ауезов номидаги
Жанубий Қозоғистон университет
Чирчиқ филиали магистранти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Анотация Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таълимга оид нормалар таҳлил қилиниб, уларнинг Марказий Осиё давлатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон конституцияларидаги таълимга оид қоидалар билан қиёсий ўрганилиши ёритилган. Ўзбекистон Конституциясида таълим ҳуқуқи кенг ва батафсил ифодаланган бўлиб, она тилида таълим олиш ҳуқуқи, хусусий таълим муассасаларининг эркинлиги ҳамда “Болалар – давлатнинг энг олий кадри” тамойили алоҳида таъкидланган. Қиёсий таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон таълим ҳуқуқини конституциявий даражада энг кенг кафолатлаган давлат сифатида ажралиб туради. Ушбу мақола таълим ҳуқуқининг минтақавий ўзига хосликларини кўрсатиб, Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқий ёндашувини илмий асосда очиб беради.

Калит сўзлар. Ўзбекистон республикаси конституцияси, таълим ҳуқуқи, она тилида таълим, хусусий таълим муассасалари, болалар ҳуқуқлари, марказий осие давлатлари, қиёсий таҳлил

Таълим ҳар бир жамиятнинг тараққиёти ва инсон капиталини шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу боис, замонавий конституциявий ҳуқуқий тизимларда таълим масаласи алоҳида эътибор марказида туради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълимни инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида белгилаб, уни давлатнинг стратегик вазифаси даражасига кўтарган (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда). Ушбу мақолада Ўзбекистон Конституциясидаги таълимга оид нормалар Марказий Осиё давлатлари – Қозоғистон, Қирғизистон,

Тожикистон ва Туркменистон конституциялари билан қиёсий таҳлил қилинади. Ўзбекистон Конституциясида таълим ҳуқуқи кенг ва батафсил ифодаланган:

• **41-модда:** Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Умумий ўрта таълим мажбурий ва давлат томонидан бепул. Таълим муассасалари давлат назорати остида эркин ташкил этилади (Конституция, 41-модда).

• **39-модда:** Ҳар бир шахс она тилида таълим олиш ҳуқуқига эга (Конституция, 39-модда).

• **2023-йилги таҳрир:** “Болалар – давлатнинг энг олий кадри” тамойили конституциявий даражада мустаҳкамланди (Конституция, 2023-йилги ўзгартириш).

Бу нормалар Ўзбекистон таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини минтақада энг кенг ва замонавий шаклда белгилаб беради.

Марказий Осиё давлатлари конституцияларида таълим ҳуқуқи

Қозоғистон

Қозоғистон Конституциясида умумий ўрта таълим бепул ва мажбурий деб белгиланган (Конституция, 30-модда). Бироқ она тилида таълим олиш ҳуқуқи аниқ кўрсатилмаган, фақат давлат тили ва рус тилининг мақоми таъкидланади.

Қирғизистон

Қирғизистон Конституциясида умумий ўрта таълим бепул ва мажбурий (Конституция, 45-модда). Она тилида таълим ҳуқуқи бевосита кафолатланмаган, ўқитиш тили қонун билан белгиланади.

Тожикистон

Тожикистон Конституциясида умумий ўрта таълим бепул ва мажбурий (Конституция, 41-модда). Она тилида таълим ҳуқуқи алоҳида модда сифатида кўрсатилмаган, амалда таълим тожик тилида олиб борилади.

Туркменистон

Туркменистон Конституциясида умумий ўрта таълим бепул ва мажбурий (Конституция, 38-модда). Хусусий таълим муассасалари деярли

мавжуд эмас, таълим тизими қаттиқ марказлашган ва давлат монополияси сақланиб қолган.

1. **Она тилида таълим ҳуқуқи.** Ўзбекистон бу ҳуқуқни конституциявий даражада аниқ белгилаган ягона Марказий Осиё давлати (Конституция, 39-модда). Бошқа мамлакатларда бу ҳуқуқ тўғридан-тўғри қафолатланмаган.

2. **Хусусий таълим эркинлиги .** Ўзбекистон ва Қозоғистон хусусий таълим муассасаларини эркин ташкил этишга руҳсат берган (Конституция, 41-модда; Қозоғистон Конституцияси, 30-модда). Туркменистонда эса хусусий таълим деярли мавжуд эмас.

3. **Болалар ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида таъкидлаш.** Фақат Ўзбекистон Конституциясида “Болалар – давлатнинг энг олий кадри” тамойили мустаҳкамланган (Конституция, 2023-йилги ўзгартириш).

4. **Таълим масаласининг батафсиллиги.** Ўзбекистон Конституциясида таълимга оид нормалар энг кенг ва аниқ ифодаланган. Қирғизистон ва Туркменистон конституцияларида эса бу мавзу қисқа ва умумий шаклда берилган.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Марказий Осиё минтақасида таълим ҳуқуқини энг кенг ва замонавий тарзда қафолатлаган ҳужжат ҳисобланади. Айниқса, она тилида таълим олиш ҳуқуқи, хусусий таълим муассасаларининг эркинлиги ҳамда болаларнинг давлатнинг энг олий кадри сифатидаги мақоми жиҳатидан Ўзбекистон етакчи ўринда туради. Бу фарқлар мамлакатнинг кўп миллатли таркиби, очик иқтисодий ислохотлари ва “инсон кадри” тамойилини ҳаётга жорий этиш йўлидаги қатъиятини яққол намоён этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023). Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.
2. Қозоғистон Республикаси Конституцияси. (1995, ўзгартиришлар билан). Остона: Қозоғистон Республикаси Парламенти.
3. Қирғизистон Республикаси Конституцияси. (2010/2021). Бишкек: Қирғизистон Республикаси Жўгорку Кенеші.
4. Тожикистон Республикаси Конституцияси. (1994, кейинги таҳрирлар билан). Душанбе: Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси.
5. Туркменистон Республикаси Конституцияси. (1992, ўзгартиришлар билан). Ашхобод: Туркменистон Межлиси.
6. Каримов, И. А. (1992). *Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли*. Тошкент: Ўзбекистон.
7. Саидов, А. Х. (2018). *Конституциявий ҳуқуқ асослари*. Тошкент: ТДЮИ нашриёти.
8. Бобожонов, Р. (2020). *Таълим ҳуқуқи ва конституциявий кафолатлар*. Тошкент: Маънавият.
9. УНЕСКО. (2021). *Риҳт то эдусатион: Глобал фрамеворкс анд регионал перспестивес*. Парис: УНЕСКО Публишинг.
10. Абдуллаев, Х. (2022). *Марказий Осиё давлатларида таълим тизими ва ҳуқуқий асослар*. Самарқанд: СамДУ нашриёти.

Ф. НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ташкилий департаменти бош инспектори,
Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЭКСТРАДИЦИЯ ТАРИХИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШДАГИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: Мақолада экстрадиция институтининг тарихий тараққиёти, қадимги давлатлар амалиётидан тортиб замонавий халқаро шартномавий тизимгача бўлган жараёнларни таҳлил қилинган. Экстрадициянинг трансмиллий жиноятчиликка қарши курашдаги роли, асосий ҳуқуқий тамойилларининг шаклланиши ва миллий қонунчиликдаги институционал мустаҳкамланиши ёритилган.

Калит сўзлари: экстрадиция, халқаро жинойтчилик, топшириш тартиби, сиёсий жинойтлар, Минск ва Кишинёв конвенциялари, трансмиллий жинойтлар.

Аннотация: В статье анализируется историческое развитие института экстрадиции — от практики древних государств до современной системы международно-договорного регулирования. Раскрыта роль экстрадиции в борьбе с транснациональной преступностью, формирование её основных правовых принципов и институциональное закрепление в национальном законодательстве.

Ключевые слова: экстрадиция, международная преступность, порядок выдачи, политические преступления, Минская и Кишинёвская конвенции, транснациональные преступления.

Abstract: The article analyzes the historical evolution of the institution of extradition, from the practices of ancient states to the modern system of international treaty regulation. It examines the role of extradition in combating transnational crime, the formation of its fundamental legal principles, and the institutional consolidation of the mechanism within national legislation.

Keywords: extradition, international crime, surrender procedure, political offences, Minsk and Chisinau Conventions, transnational crimes.

Экстрадиция институтининг тарихи давлатлар ўртасида жинойтчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёж асосида шаклланган. Жинойтчиликнинг трансмиллий тус олиши, давлатлар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига сабаб бўлди. Экстрадиция институти айнан шу жараённинг муҳим воситаси сифатида халқаро ва миллий қонунчилик нормалари орқали тартибга солиниб, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Экстрадиция институти ўз илдизи билан қулдорлик даврига бориб тарқалади. Милоддан аввал тахминан 1296 йилларда Хеттлар ҳукмдори

Хеттусили III ва Миср фиръавни Рамзес II ўртасида тузилган шартномада қочоқларни ўзаро қайтариш мажбурияти белгиланган бўлиб, бу экстрадициянинг энг қадимий ҳуқуқий шаклларида бири сифатида эътироф этилган¹.

Милоддан аввалги II минг йиллик – Месопотамия давлатлари ўртасида тузилган бир қатор шартномаларда жиноят содир этиб бошқа ҳудудга қочган шахсни қайтариш мажбурияти назарда тутилган. Уларда қочоқнинг шахси, қай тартибда ва қандай ҳолларда қайтарилиши, шунингдек, унинг сиёсий мақомига кўра, истиснолар белгиланган. Бу ҳужжатлар экстрадициянинг энг қадимги ҳуқуқий шакллари сифатида қаралади².

Қадимги Грецияда давлатлар ўртасида қочоқлар топшириш дипломатик мажбурият сифатида қўлланилган, Рим ҳуқуқида эса жиноят учун топшириш амалиёти шаклланган бўлиб, муайян жиноят содир этган шахсни бошқа юрисдикцияга топшириш, давлатлараро муносабатларнинг умумий ҳуқуқий қоидаи сифатида хизмат қилган³.

Ўрта асрлар – икки томонлама қайтариш шартномаларнинг пайдо бўлиши, Ўрта асрлар даврига келиб қочоқларни қайтариш амалиёти жорий этилган ва айрим Европа давлатлари ўртасида ўзаро икки томонлама қайтариш бўйича шартномалар имзоланган. Бу босқичда экстрадиция асосан сиёсий манфаатлар ва феодал иттифоқлар доирасида қўлланилган бўлиб, сиёсий жиноятлар бўйича қайтармаслик тамойили шакллана бошлаган⁴.

XVIII-XIX асрлар замонавий экстрадиция институтининг пайдо бўлиши миллий давлатчилик тизимининг мустақамланиши ва халқаро ҳуқуқнинг тизимлашуви натижасида экстрадиция мустақил ҳуқуқий институт сифатида

¹ Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан): автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: Ташкентский государственный юридический институт, 2001. – [136.]

² Источниковедение истории Древнего Востока. – URL: <http://Annales.info/other/iidv/011.htm>. – Мурожаат санаси: 05.12.2025.

³ Дипломатия Древней Греции: как полисы выстраивали международные отношения [Электронный ресурс] – URL: <https://warriorpath.info/2024/07/07/diplomatija-drevnej-grecii-kak-polisy-vystraiivali-mezhdunarodnye-otnosheniya/> (дата обращения: 05.12.2025).

⁴ Бойцов А. И. выдача преступников. – СПб //Изд-во р. Асланова «Юридический центр пресс. – 2004. –С. 9-20.

шаклланган. Бу даврда давлатлар ўртасида тузилган шартномалар орқали замонавий тамойиллар, икки давлат ҳудудида содир этилган ҳаракат жиноят деб ҳисобланса, шунингдек, топшириладиган шахс фақат юборилган сўровда кўрсатилган жинояти учун жавобгарлиги белгиланса, шунингдек, сиёсий жиноятлар учун топширмаслик каби нормалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди¹.

XX аср – халқаро конвенциялар ва умумий стандартлар XX асрга келиб экстрадицияга доир муносабатлар шартномалар намунавий асосда мувофиқлаштирила бошланди. 1957 йилдаги Европа конвенцияси экстрадициянинг умумий меъёрлари белгилаб берди, 2000 йиллардан эътиборан эса БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциялари халқаро ҳуқуқий стандартлари шакллантирилди².

Ўрта асрлар давлатчилиқ тарихи, хусусан Эфталитлар, Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва Шайбонийлар даврларида давлатлар ўртасидаги муносабатларда жиноят содир этган шахсларга нисбатан чора кўриш масаласи муайян даражада ҳуқуқий-дипломатик амалиёт сифатида намоён бўлган. Савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш, қарвонларга қилинган ҳужумлар учун жавобгар бўлган қабила ёки шахсни жазолаш ёки айбдорни топшириш тўғрисидаги талаблар ўша даврдаги давлатлараро муносабатларнинг ажралмас қисми бўлган³. Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон ўртасидаги муносабатлар бу жараённинг яққол мисолидир. Чингизхон элчиси ўлдирилиб, айбдор шахс (Ўтрор волийси Инолчиқ)ни жазолаш ҳақидаги талаб рад этилгани боис икки давлат ўртасида уруш юзага келишига сабаб бўлган. Бу ҳолат ўрта асрларда

¹ Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве. Казань, 1976; Международное уголовное право / под общ. ред. В.Н. Кудрявцева. М., 1999. С. 28-29.

² Исохонов Ф.Ш. Общая характеристика международных договоров, регулирующих экстрадицию // Международное право, европейское право. — 2024. — DOI: 10.32743/UniLaw.2024.117.7.17759.

³ Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Тошкент: [б.и.], 2012. – 18 б.

жиноят содир этган шахсларни топшириш ёки уларни содир этган қилмиши учун жавобгарлик масаласи ҳуқуқий мазмунга эга эканлигини кўрсатади¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач экстрадиция институтининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик талаблари асосида босқичма-босқич ривожланди. Ўзбекистон Республикасининг 17-моддасига мувофиқ², Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида қатор универсал ва минтақавий шартномаларга қўшилди ва бу эса ўз навбатида экстрадиция институтининг ҳуқуқий механизмларини ривожланишига ҳуқуқий асос яратилди.

1993 йилда Минск ва 2002 йилда Кишинёв конвенцияларига қўшилиши Ўзбекистонинг МДХ давлатлари ҳудудида экстрадиция тартибини мувофиқлаштирилган стандартлар асосида амалга оширишини таъминлади. Шу билан бирга, бир нечта давлатлар ўртасида икки томонлама ҳуқуқий ёрдам масаласига доир шартномалар, экстрадиция амалиётининг ҳуқуқий асослари кенгайтирилди, шунингдек, Ўзбекистонда экстрадиция соҳасининг миллий қонунчилик даражасида мустақамланиши, Жиноят-процессуал кодексининг 65-боби (599-609-моддалари)да³ шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун топшириш асослари, шартлари ва рад этиш тартиблари аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон амалиётида экстрадиция фақат жиноятнинг икки давлат қонунлари бўйича жиноят сифатида эътироф этилиши, сиёсий жиноятлар бўйича шахсларни топширмаслик, инсон ҳуқуқларига хавф туғилган ҳолларда рад этиш каби халқаро стандартлар асосида амалга оширилади. Шу жиҳатдан, миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилади.

Хулоса: Экстрадиция институтининг тарихи давлатлар ўртасида хавфсизлик ва адолатни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳамкорликнинг

¹ Xorazmiy.uz [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.xorazmiy.uz/uz/khorezm> – Мурожаат санаси: 05.12.2025.

² Конституция Республики Узбекистан. – URL: <https://lex.uz/docs/6445145>. – Мурожаат санаси: 05.12.2025.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан // «Лекс — Ўзбекистон». – 22.09.1994. – № 111460. – URL: <https://lex.uz/docs/111460>. – Мурожаат санаси: 05.12.2025.

узлуксиз эволюциясини намоён этади. Бугунги кунда экстрадиция халқаро ҳуқуқнинг барқарор тамойилларига таяниб, жиноятчиликка қарши курашда самарали механизмга айланган. Ўзбекистонда эса мазкур институтни Конституция, халқаро шартномалар ва Жиноят-процессуал нормалари билан мустаҳкамланган бўлиб, инсон ҳуқуқлари, давлат суверенитети ва қонун устуворлигини таъминлайдиган замонавий ҳуқуқ восита сифатида амалда қўллаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан): автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: Ташкентский государственный юридический институт, 2001. – [13б.]
2. Источниковедение истории Древнего Востока. – URL: <http://Annales.info/other/iidv/011.htm>. – Мурожаат санаси: 05.12.2025.
3. Дипломатия Древней Греции: как полисы выстраивали международные отношения [Электронный ресурс] – URL: <https://warriorpath.info/2024/07/07/diplomatija-drevnej-grecii-kak-polisy-vystraivali-mezhdunarodnye-otnoshenija/> (дата обращения: 05.12.2025).
4. Бойцов А. И. Выдача преступников. –СПб //Изд-во р. Асланова «Юридический центр пресс. – 2004. -С. 9- 20.
5. Валеев Р.М. Выдача преступников в современном международном праве. Казань, 1976; Международное уголовное право / под общ. ред. В.Н. Кудрявцева. М., 1999. С. 28-29.
6. Исохонов Ф.Ш. Общая характеристика международных договоров, регулирующих экстрадицию // Международное право, европейское право. — 2024. — DOI: 10.32743/UniLaw.2024.117.7.17759.
7. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Тошкент: [б.и.], 2012. – 18 б.
8. Хоразми.uz [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.khorazmiy.uz/uz/khorezm> – Мурожаат санаси: 05.12.2025.
9. Конституция Республики Узбекистан. – URL: <https://lex.uz/docs/6445145>. – Мурожаат санаси: 05.12.2025.
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан // «Лекс — Ўзбекистон». – 22.09.1994. – № 111460. – URL: <https://lex.uz/docs/111460>. – Мурожаат санаси: 05.12.2025.

Рустамов Эркин Эркамович
Иқтисодий фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати, предмети, манбалар тизими, субъектлари ва тартибга солиш механизмлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг классик халқаро оммавий ҳуқуқдан фарқли томони шундаки, у давлатлар ўртасидаги муносабатлар билан бир қаторда халқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, инвесторлар, банк-молия институтлари ва хусусий иқтисодий субъектлар фаолияти билан ҳам узвий боғлиқдир. Мақолада Ж. Джексон, А. Лоуэнфелд, П. Ван ден Босше, В. Здоук, М. Сорнаража, М. Требилкок, Р. Хаус, А. Элиасон, С. Шилл ва А. Ланг каби олимларнинг илмий қарашлари асосида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг институционал, норматив ва функционал хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти, UNCTAD, IMF, World Bank, ICSID каби халқаро институтларнинг статистик маълумотлари асосида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг амалиётдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: халқаро иқтисодий ҳуқуқ, Жаҳон савдо ташкилоти, халқаро савдо, инвестиция ҳуқуқи, халқаро молия, трансмиллий корпорациялар, низоларни ҳал қилиш, иқтисодий глобаллашув, халқаро ташкилотлар, ЖСТ.

XXI асрда халқаро муносабатлар тизимида иқтисодий омиллар сиёсий, ҳуқуқий ва институционал жараёнларни белгилайдиган асосий кучлардан бирига айланди. Давлатларнинг ташқи сиёсати, минтақавий интеграция жараёнлари, инвестиция сиёсати, экспорт-импорт тартиблари, божхона режимлари, рақамли савдо, энергетика хавфсизлиги ва ҳатто инсон ҳуқуқлари соҳасидаги айрим муаммолар ҳам бевосита халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда шаклланмоқда. Шу нуқтаи назардан, халқаро иқтисодий ҳуқуқ фақат савдо ёки инвестиция муносабатларини тартибга солувчи техник ҳуқуқ соҳаси эмас, балки глобал бошқарув, барқарор ривожланиш ва давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни таъминлаш воситасидир.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг долзарблиги жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги билан янада кучаймоқда. Жаҳон савдо ташкилоти ўз фаолиятини давлатлар ўртасидаги савдо оқимлари “имкон қадар силлиқ, башорат қилинадиган ва эркин” амалга ошишини таъминлаш мақсади билан боғлайди; ҳозирги кунда ЖСТ 166 аъзони бирлаштириб, жаҳон савдосининг 98 фоизини қамраб олади [8]. Бу рақамнинг ўзиёқ халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг замонавий дунё ҳуқуқий тартиботидаги ўрнини кўрсатади.

WTO маълумотларига кўра, 2025 йилда товарлар ва тижорат хизматлари бўйича жаҳон савдоси 34,65 трлн АҚШ долларига етган, товарлар савдоси 6 фоизга, хизматлар савдоси эса 8 фоизга ўсган; хизматларнинг умумий жаҳон савдосидаги улуши 27,6 фоизга етган [9]. Бу ҳолат халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг анъанавий товарлар савдоси доирасидан чиқиб, хизматлар, интеллектуал мулк, рақамли иқтисодиёт, инвестиция ва молиявий оқимларни қамраб олаётганини тасдиқлайди.

Мақоланинг мақсади — халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, олимлар фикрлари асосида унинг предмети, манбалари, субъектлари ва механизмларини очиб бериш, шунингдек, статистик маълумотлар орқали мазкур ҳуқуқ соҳасининг глобал аҳамиятини асослашдан иборат. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб мақолада қуйидаги вазифалар белгиланди: халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчасини таҳлил қилиш; унинг манбалар тизими ва субъектларини очиб бериш; халқаро савдо, инвестиция ва молия ҳуқуқининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш; Ўзбекистон учун ушбу соҳанинг амалий аҳамиятини асослаш.

1. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси ва илмий-назарий ёндашувлар
Халқаро иқтисодий ҳуқуқ — давлатлар, халқаро ташкилотлар ва иқтисодий субъектлар ўртасидаги трансчегаравий иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормалари, принциплари ва институтлари тизимидир. У халқаро савдо ҳуқуқи, халқаро инвестиция ҳуқуқи, халқаро молия ҳуқуқи, халқаро солиқ ҳамкорлиги, интеллектуал мулкнинг халқаро муҳофазаси,

иқтисодий санкциялар, минтақавий иқтисодий интеграция ва халқаро иқтисодий низоларни ҳал қилиш механизмларини ўз ичига олади.

Андреас Лоуэнфелд халқаро иқтисодий ҳуқуқни халқаро иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини комплекс ўрганувчи соҳа сифатида тушунтиради. Унинг “International Economic Law” асарида ЖСТ ва унинг тарихи, демпинг, субсидиялар, Бреттон-Вудс тизими, ривожланаётган давлатлар қарзи, хорижий инвестициялар ҳуқуқи ва иқтисодий санкциялар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилинади [1]. Бу ёндашувдан кўринадики, халқаро иқтисодий ҳуқуқ биргина савдо ҳуқуқи билан чекланмайди, балки жаҳон иқтисодий тартиботининг ҳуқуқий “конституцияси” сифатида намоён бўлади.

Жон Х. Джексон халқаро савдо тизимини иқтисодий принциплар ва реал сиёсий-ҳуқуқий чекловлар ўртасидаги мураккаб қоидалар тизими сифатида кўради. Унинг фикрича, халқаро савдо сиёсати тарихан товарлар савдосига қаратилган бўлса-да, кейинчалик хизматлар, интеллектуал мулк, инвестиция чоралари ва қишлоқ хўжалиги каби соҳалар ҳам ҳуқуқий тартибга солиш марказига айланган [2]. Мазкур фикр халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг доимий равишда кенгайиб боровчи хусусиятга эга эканини кўрсатади.

Питер Ван ден Босше ва Вернер Здоук ЖСТ ҳуқуқини халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг энг тизимлашган йўналишларидан бири сифатида баҳолайдилар. Уларнинг “The Law and Policy of the World Trade Organization” асари ЖСТнинг институционал ва моддий ҳуқуқий нормаларини, асосий принципларини, келишувларини ва низоларни ҳал қилиш амалиётини қамраб олади [3]. Бу ёндашув халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг суд-арбитраж амалиёти билан ривожланадиган “тирик ҳуқуқ” эканини англатади.

М. Сорнаража халқаро инвестиция ҳуқуқини тарихий, сиёсий ва иқтисодий контекстда таҳлил қилади. У хорижий инвестиция ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит муҳофазаси билан ҳам боғлиқ эканини таъкидлайди [4]. Бу нуқтаи назар халқаро иқтисодий ҳуқуқда фақат капитал ҳимояси эмас, балки

ижтимоий адолат, экологик хавфсизлик ва давлатнинг тартибга солиш ҳуқуқи ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Майкл Требилкок, Роберт Хаус ва Антония Элиасон халқаро савдони тартибга солишни ҳуқуқ, иқтисодиёт, сиёсат ва халқаро муносабатлар кесишган фанлараро майдон сифатида кўрсатади. Шу боис халқаро иқтисодий ҳуқуқни фақат юридик нормалар йиғиндиси деб эмас, балки иқтисодий манфаатлар, сиёсий мувозанат ва ҳуқуқий механизмлар уйғунлиги сифатида тушуниш лозим [5].

Стефан Шилл халқаро инвестиция ҳуқуқи кўп сонли икки томонлама шартномалар ва case-by-case арбитраж амалиётига таянаётгани сабабли парчаланган тизим сифатида кўринишини, бироқ айтилиши вақтда умумий принциплар орқали “мультилатераллашув” жараёни кечаётганини таъкидлайди [6]. Бу фикр халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг муҳим хусусияти — бир вақтнинг ўзида ҳам фрагментация, ҳам унификация тенденцияларини ўзида мужассам этишини кўрсатади.

2. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг предмети ва таркибий тузилиши
Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг предмети трансчегаравий иқтисодий муносабатлардир. Бундай муносабатларга товарлар ва хизматлар савдоси, капитал ҳаракати, хорижий инвестициялар, валюта-молия операциялари, интеллектуал мулк объектларининг халқаро муҳофазаси, рақобат сиёсати, божхона ҳамкорлиги, иқтисодий санкциялар, энергетика ва транспорт йўлаклари киради.

Ушбу соҳанинг биринчи муҳим таркибий қисми — халқаро савдо ҳуқуқидир. У ЖСТ келишувлари, минтақавий савдо битимлари ва икки томонлама савдо шартномалари асосида шаклланади. ЖСТ тизимида энг муҳим принциплар — энг қулай режим, миллий режим, тариф мажбуриятлари, шаффофлик, адолатли рақобат, субсидия ва демпингга қарши чоралардан иборат. Савдо ҳуқуқининг ўзига хослиги шундаки, у давлатларнинг ички бозор сиёсати ҳам таъсир кўрсатади, чунки тарифлар,

техник регламентлар, лицензиялар ва санитария чоралари халқаро мажбуриятлар билан уйғун бўлиши талаб қилинади.

Иккинчи таркибий қисм — халқаро инвестиция ҳуқуқидир. У хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини, қабул қилувчи давлатнинг мажбуриятларини, экспроприация, адолатли ва тенг муносабат, тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик, инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш каби институтларни қамраб олади. UNCTAD маълумотларига кўра, 2025 йилда камида 44 та янги халқаро инвестиция келишуви имзоланган ва умумий халқаро инвестиция келишувлари сони 3 369 тага етган [13]. Бу инвестиция ҳуқуқининг халқаро иқтисодий ҳуқуқда мустақил ва жуда кенг тармоққа айланганини кўрсатади.

Учинчи таркибий қисм — халқаро молия ҳуқуқидир. У IMF, World Bank, минтақавий тараққиёт банклари, ташқи қарз, валюта барқарорлиги, тўлов баланси, молиявий барқарорлик ва трансчегаравий тўловлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. IMF 2026 йил апрель ҳисоботида глобал иқтисодий ўсишни 2026 йилда 3,1 фоиз, 2027 йилда 3,2 фоиз даражасида прогноз қилган [15]. Бу кўрсаткичлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг макроиқтисодий барқарорлик билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Тўртинчи таркибий қисм — халқаро интеллектуал мулк ҳуқуқидир. TRIPS келишуви интеллектуал мулк объектларининг савдо жиҳатларини халқаро даражада тартибга солади. Бу йўналишда ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослиги шундаки, у инновацияларни ҳимоя қилиш билан бирга, дори воситалари, технологиялар ва билимларга адолатли кириш масалалари билан ҳам тўқнашади.

Бешинчи таркибий қисм — халқаро иқтисодий низоларни ҳал қилиш ҳуқуқидир. Бу ЖСТ низоларни ҳал қилиш механизми, ICSID арбитражи, UNCITRAL арбитраж қоидалари, минтақавий судлар ва махсус иқтисодий келишувлар доирасидаги механизмлар орқали амалга оширилади. ЖСТ маълумотларига кўра, 2024 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, ЖСТ аъзолари Низоларни ҳал қилиш органига 631 та низони киритган [11]. ICSID

маълумотларига кўра эса, 2024 йил 31 декабрга қадар ICSID Конвенцияси ва Кўшимча механизм қоидалари асосида 1 022 та арбитраж ва ярашув иши рўйхатга олинган [14].

3. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари

3.1. Комплекс ва фанлараро ҳуқуқ соҳаси эканлигидир.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг биринчи муҳим хусусияти — унинг комплекс ва фанлараро характеридир. У бир вақтнинг ўзида халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ, савдо ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, рақобат ҳуқуқи ва иқтисодий сиёсат билан боғлиқ. Шунинг учун уни фақат классик халқаро ҳуқуқ доирасида тушунтириш етарли эмас.

А. Лоуэнфелд халқаро иқтисодий ҳуқуқни халқаро иқтисодиётнинг ҳуқуқий пойдеворларини ўрганувчи кенг соҳа сифатида кўрган. У ЖСТ, халқаро молия тизими, хорижий инвестициялар, давлат қарзи ва иқтисодий санкцияларни бир тизимда таҳлил қилади [1]. Бу ёндашув халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг тармоқлар ўртасидаги сунъий чегараларни бузиб, иқтисодий муносабатларни яхлит ҳуқуқий тизим сифатида тартибга солишини кўрсатади.

3.2. Субъектлар доирасининг кенглиги.

Классик халқаро ҳуқуқда асосий субъектлар давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқда эса субъектлар доираси анча кенг: давлатлар, халқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, инвесторлар, экспортёрлар, импортёрлар, банклар, суғурта компаниялари, рақамли платформалар ва ҳатто истеъмолчилар ҳам ушбу соҳадаги муносабатларга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Бу хусусият, айниқса, инвестиция ҳуқуқида яққол кўринади. Инвестор-давлат арбитражида хусусий инвестор давлатга қарши халқаро даъво киритиш имкониятига эга бўлади. Бу ҳолат халқаро ҳуқуқнинг анъанавий давлатлараро табиатини ўзгартириб, хусусий субъектларни ҳам халқаро ҳуқуқий жараён иштирокчисига айлантиради. ICSID статистикасида 1 022 та

ишнинг рўйхатга олингани инвестор-давлат низолари амалиётда халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг муҳим механизмига айланганини тасдиқлайди [14].

3.3. Манбалар тизимининг кўп қатламлилиги

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари фақат халқаро шартномалар билан чекланмайди. Унинг манбаларига кўп томонлама келишувлар, икки томонлама инвестиция шартномалари, минтақавий савдо битимлари, халқаро ташкилотлар қарорлари, soft law ҳужжатлари, арбитраж қарорлари, модель қонунлар, стандартлар ва миллий қонунчилик нормалари киради.

Бундай кўп қатламлилиқ ҳуқуқий аниқликни кучайтириши ҳам, айрим ҳолларда ҳуқуқий коллизияларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Масалан, бир давлат ЖСТ мажбуриятлари, минтақавий савдо келишуви, икки томонлама инвестиция шартномаси ва миллий саноат сиёсати ўртасида мувозанат сақлашига тўғри келади. Шу жиҳатдан халқаро иқтисодий ҳуқуқ “қаттиқ ҳуқуқ” ва “юмшоқ ҳуқуқ” нормалари ўзаро таъсир қилувчи соҳадир.

3.4. Иқтисодий манфаат ва ҳуқуқий мажбуриятлар уйғунлиги

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг яна бир хусусияти — унда иқтисодий самарадорлик ва ҳуқуқий мажбуриятлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Давлатлар халқаро иқтисодий шартномаларга қўшилар экан, нафақат ҳуқуқий мажбурият, балки бозорларга кириш, инвестиция жалб қилиш, технологик алмашинув, экспорт салоҳиятини ошириш каби иқтисодий мақсадларни ҳам кўзлайди.

ЖСТнинг мақсади савдо оқимларини башорат қилинадиган ва эркин тарзда таъминлашдан иборат экани ҳам ҳуқуқий қоидаларнинг иқтисодий самара билан боғлиқлигини кўрсатади [8]. Демак, халқаро иқтисодий ҳуқуқда ҳуқуқий норма кўпинча иқтисодий натижага йўналтирилган бўлади.

3.5. Камситмаслик принципининг марказий ўрни

Халқаро иқтисодий ҳуқуқда камситмаслик принципи асосий ўрин тутаяди. Энг қулай режим ва миллий режим принциплари халқаро савдо ҳуқуқининг асосий устунлари ҳисобланади. Энг қулай режимга кўра, давлат бир савдо шеригига берган имтиёзини бошқа тегишли шерикларга ҳам

татбиқ этиши лозим. Миллий режим эса импорт қилинган товарлар ёки хорижий хизмат кўрсатувчиларга ички бозорда маҳаллий субъектларга нисбатан камситувчи муносабатда бўлмасликни талаб қилади.

Бу принциплар ҳуқуқий тенгликни таъминлаш билан бирга, савдо сиёсатини сиёсий босим воситасига айлантириш хавфини камайтиради. Бироқ амалиётда давлатлар санитария, фитосанитария, техник регламентлар, миллий хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси каби асослар билан муайян чекловлар киритиши мумкин. Шу сабабли халқаро иқтисодий ҳуқуқда эркинлаштириш ва давлатнинг тартибга солиш ҳуқуқи ўртасида доимий мувозанат мавжуд.

3.6. Низоларни ҳал қилиш механизмларининг институционаллашганлигидир.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ўзига хос томонларидан бири — низоларни ҳал қилиш механизмларининг нисбатан юқори даражада институционаллашганидир. ЖСТ низоларни ҳал қилиш тизими халқаро ҳуқуқдаги энг фаол ва ривожланган механизмлардан бири бўлиб келган. 2024 йил охиригача 631 та низонинг ЖСТ доирасида кўриб чиқиш учун киритилгани бу механизмнинг амалиётдаги аҳамиятини тасдиқлайди [11].

Инвестиция ҳуқуқида эса ICSID, UNCITRAL ва бошқа арбитраж механизмлари муҳим роль ўйнайди. Бу механизмлар давлатлар ва инвесторлар ўртасидаги ишончни таъминлашга хизмат қилади. Бироқ улар атрофида давлат суверенитети, миллий қонунчилик устуворлиги, инвестор ҳуқуқлари ва жамоат манфаати ўртасидаги баҳслар ҳам мавжуд. М. Сорнаражанинг инвестиция ҳуқуқини инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиши ана шу мувозанатнинг долзарблигини кўрсатади [4].

3.7. Фрагментация ва минтақавийлашув

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ бир томондан глобал умумий қоидаларни шакллантирса, бошқа томондан минтақавий ва икки томонлама келишувлар орқали парчаланиш хусусиятига ҳам эга. Масалан, ЖСТ кўп томонлама савдо

тизимини ифодаласа, эркин савдо келишувлари, божхона иттифоқлари, минтақавий иқтисодий шерикликлар ва икки томонлама инвестиция шартномалари алоҳида ҳуқуқий режимларни вужудга келтиради.

С.Шилл халқаро инвестиция ҳуқуқи кўп сонли икки томонлама шартномаларга таяниши сабабли ташқи кўринишда фрагментар ва ҳатто “хаотик” тизимга ўхшашини, бироқ арбитраж амалиёти ва умумий стандартлар орқали маълум даражада умумийлашув содир бўлаётганини таъкидлайди [6]. Бу ҳолат халқаро иқтисодий ҳуқуқда универсализм ва регионализм ўртасидаги доимий зиддиятни кўрсатади.

3.8. Ривожланаётган давлатлар манфаати билан боғлиқлиги

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг яна бир муҳим хусусияти — у ривожланаётган давлатлар учун бозорларга кириш, инвестиция жалб қилиш, технологик ривожланиш ва молиявий барқарорлик имкониятларини яратади. Бироқ айни вақтда бундай давлатлар учун халқаро мажбуриятларни бажариш, ички бозорни ҳимоя қилиш, саноат сиёсатини юритиш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш мураккаб вазифа бўлиб қолади.

UNCTAD 2025 йилги ҳисоботида глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2024 йилда 11 фоизга камайиб, 1,5 трлн АҚШ долларини ташкил этганини қайд этган [12]. Бу кўрсаткич инвестиция оқимлари ташқи шоклар, геосиёсий вазият ва молиявий шароитларга жуда сезгир эканини кўрсатади. Шунинг учун халқаро иқтисодий ҳуқуқ ривожланаётган давлатлар учун фақат либераллаштириш эмас, балки барқарор, адолатли ва инклюзив иқтисодий ривожланиш механизми сифатида қаралиши лозим.

3.9. Барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва экология билан боғланишидир.

Замонавий халқаро иқтисодий ҳуқуқ энди фақат бозорларни очиш ёки капитални ҳимоя қилиш билан чекланмайди. У барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, меҳнат стандартлари, инсон ҳуқуқлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва рақамли тенглик каби масалалар билан боғланмоқда. Бу

жараён халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг “инсонпарварлашуви” деб баҳоланиши мумкин.

М. Сорнаражанинг хорижий инвестиция ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари ва экологик ҳимоя масалалари тобора муҳимлашиб бораётгани ҳақидаги ёндашуви бу тенденцияни тасдиқлайди [4]. Хусусан, инвестиция шартномаларида қабул қилувчи давлатнинг жамоат саломатлиги, экология ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги тартибга солиш ваколати тан олинishi замонавий халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг муҳим белгисига айланмоқда.

3.10. Рақамли иқтисодиёт ва хизматлар савдосининг ўсиши

Рақамли иқтисодиёт халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг янги ривожланиш босқичини белгиламоқда. Электрон тижорат, маълумотлар трансчегаравий ҳаракати, рақамли хизматлар, сунъий интеллект маҳсулотлари, финтех хизматлар ва рақамли платформалар савдоси анъанавий божхона ва савдо қоидаларига янги саволлар қўймоқда.

WTO статистикасида хизматлар савдосининг 2025 йилда товарлар савдосига нисбатан тезроқ — 8 фоизга ўсгани ва жаҳон савдосидаги хизматлар улуши 27,6 фоизга етгани халқаро иқтисодий ҳуқуқда хизматлар ва рақамли муносабатлар аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади [9]. Шу сабабли келгусида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий баҳслари маълумотлар локализацияси, рақамли солиқ, киберхавфсизлик, рақамли бозорларда рақобат ва сунъий интеллект маҳсулотларининг трансчегаравий савдоси атрофида кечиши мумкин.

4. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг статистик асослари

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг реал таъсирини статистик маълумотлар орқали кўриш мумкин. Қуйидаги кўрсаткичлар мазкур соҳанинг глобал аҳамиятини очиқ беради. Статистика ҳуқуқий нормалар амалиётда қандай иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ эканини кўрсатади: савдо оқимлари, инвестиция ҳаракати, низолар сони, молиявий барқарорлик ва давлатлар ташқи иқтисодий стратегияси бевосита халқаро ҳуқуқий режимлар билан узвий боғлиқ.

Йўналиш	Асосий кўрсаткич	Манба
ЖСТ аъзолари	166 аъзо, жаҳон савдосининг 98 фоизи	[8] WTO
Жаҳон товар ва хизматлар савдоси	2025 йилда 34,65 трлн АҚШ доллари	[9] WTO
Жаҳон товар савдоси ҳажми	2025 йилда товарлар савдоси 6 фоизга ўсган	[9] WTO
Глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	2024 йилда 11 фоиз камайиб, 1,5 трлн АҚШ доллари	[12] UNCTAD
Пул ўтказмалари	2024 йилда паст ва ўрта даромадли давлатларга 685 млрд АҚШ доллари	[16] World Bank
ЖСТ низолари	2024 йил 31 декабргача 631 та низо	[11] WTO
ICSID ишлари	2024 йил 31 декабргача 1 022 та иш	[14] ICSID
Халқаро инвестиция келишувлари	2025 йилда умумий ПА сони 3 369 та	[13] UNCTAD

Ушбу статистикадан кўриниб турибдики, халқаро иқтисодий ҳуқук жаҳон савдоси, инвестиция, пул ўтказмалари, молиявий барқарорлик ва иқтисодий низоларни ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли унинг нормалари давлатлар иқтисодий сиёсатининг ташқи чегараларини белгилайди. Масалан, товарлар савдоси бўйича тариф ва нотариф чоралар ташқи бозорларга кириш имкониятини белгиласа, инвестиция шартномалари капитал ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди, молиявий институтлар эса глобал иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлайди.

Бу кўрсаткичлар яна шуни кўрсатадики, халқаро иқтисодий ҳуқукда ҳуқуқий қоидалар фақат норматив аҳамиятга эга эмас. Улар иқтисодий натижалар, мамлакатлар ривожланиш стратегияси ва хусусий сектор фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу боис халқаро иқтисодий ҳуқуқни ўрганишда фақат шартномалар матни билан чекланиб қолмасдан, иқтисодий статистика, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва низолар амалиётини ҳам таҳлил қилиш зарур.

5. Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг аҳамияти

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ ва иқтисодий ислохотлар учун амалий аҳамиятини янада кучайтиради. Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини 1994 йилда бошлаган; ЖСТ маълумотларига кўра, Ўзбекистон бўйича Ишчи гуруҳ 1994 йил 21 декабрда ташкил этилган ва 2025 йил июнь ойида унинг ўнинчи йиғилиши бўлиб ўтган [17]. 2026 йил март ойида ЖСТ Ўзбекистоннинг аъзолик жараёнида “strong momentum”ни сақлаш ниятини алоҳида қайд этган [18].

Ўзбекистон ҳозирча ЖСТ аъзоси эмаслиги сабабли ЖСТ тариф мажбуриятлари бўйича bound tariff кўрсаткичлари татбиқ этилмайди. WTO Tariff & Trade Data маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг 2024 йилдаги импорт ҳажми 35,323 млрд АҚШ долларини ташкил этган [19]. World Bank WITS маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг товарлар ва хизматлар экспорти ЯИМга нисбатан 24,42 фоизни ташкил этган, савдо ЯИМга нисбатан 66,11 фоизга тенг бўлган [20].

Инвестиция соҳасида ҳам Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий ҳуқуқ муҳим аҳамиятга эга. UNCTAD World Investment Report 2025 маълумотларига кўра, Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2024 йилда 2,836 млрд АҚШ долларини ташкил этган ва 2023 йилга нисбатан 31,5 фоизга ўсган [21]. Бу ҳолат инвестиция муҳитининг ҳуқуқий барқарорлиги, шартномавий кафолатлар, халқаро арбитраж механизмлари ва давлатнинг тартибга солиш сиёсатини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон учун ЖСТга аъзо бўлиш жараёни бир неча ҳуқуқий вазибаларни юзага келтиради: божхона тарифларини шаффофлаштириш, техник регламентларни халқаро стандартларга мослаштириш, санитария ва фитосанитария чораларини ҳуқуқий асослаш, интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтириш, субсидиялар ва давлат корхоналари фаолиятини

ЖСТ талабларига мувофиқлаштириш, хизматлар бозори бўйича мажбуриятларни аниқ белгилаш.

Бироқ ЖСТга аъзолик фақат мажбурият эмас, балки имконият ҳамдир. У экспортчилар учун ташқи бозорларга киришни енгиллаштиради, савдо сиёсатини башорат қилинадиган қилади, хорижий инвесторлар ишончини оширади ва миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиради. Шу нуқтаи назардан, халқаро иқтисодий ҳуқуқни чуқур ўрганиш Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегияси учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон миллий қонунчилигида халқаро иқтисодий ҳуқуқ стандартларини имплементация қилишда баланс сақланиши лозим. Бир томондан, ташқи савдо ва инвестиция муҳитини либераллаштириш, рақобатни кучайтириш ва хусусий сектор учун барқарор шароит яратиш зарур. Иккинчи томондан, давлат миллий иқтисодий хавфсизлик, аҳоли бандлиги, стратегик тармоқлар ва ижтимоий ҳимоя масалаларида ўз тартибга солиш ваколатини сақлаб қолиши керак.

6. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий муаммолари ва ривожланиш истиқболлари

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ривожланиши билан бирга бир қатор муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Биринчидан, глобал ва миллий манфаатлар ўртасидаги зиддият кучаймоқда. Давлатлар халқаро бозорларга киришдан манфаатдор бўлса-да, миллий саноатни ҳимоя қилиш, иш ўринларини сақлаш, стратегик тармоқларни назорат қилиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга ҳам интилади.

Иккинчидан, халқаро иқтисодий ҳуқуқда фрагментация муаммоси мавжуд. Бир давлат бир вақтнинг ўзида ЖСТ қоидалари, минтақавий келишувлар, икки томонлама инвестиция шартномалари ва миллий қонунчилик мажбуриятларини бажариши лозим. Бу айрим ҳолларда ҳуқуқий коллизия ва амалиётда ноаниқлик келтириб чиқаради.

Учинчидан, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги имкониятлар тенг эмас. Ривожланган давлатлар халқаро судлар, арбитражлар, техник стандартлар ва савдо музокараларида катта институционал ресурсларга эга. Ривожланаётган давлатлар эса кўпинча техник экспертиза, ҳуқуқий кадрлар ва молиявий имкониятлар етишмаслиги билан тўқнашади.

Тўртинчидан, инвестиция арбитражи атрофида давлат суверенитети ва жамоат манфаати муаммоси мавжуд. Инвестор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарур, бироқ давлатнинг соғлиқни сақлаш, экология, солиқ ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги тартибга солиш ваколати ҳам чекланмаслиги керак. Шу сабабли замонавий инвестиция келишувларида “right to regulate”, жамоат манфаати, барқарор ривожланиш ва масъулиятли инвестиция тамойиллари тобора кўпроқ ақс этмоқда.

Бешинчидан, рақамли иқтисодиёт халқаро иқтисодий ҳуқуқ олдиға янги саволлар қўймоқда. Маълумотлар ҳаракати, рақамли хизматлар, киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва рақамли солиққа оид умумий халқаро қоидалар ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шунинг учун келгусида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг энг муҳим йўналишларидан бири рақамли савдо ва маълумотлар бошқаруви бўлади.

Олтинчидан, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари билан боғланиши кучаймоқда. Меҳнат ҳуқуқлари, атроф-муҳит муҳофазаси, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тенглик масалалари иқтисодий шартномалардан ташқарида қолмайди. Бу ҳолат халқаро иқтисодий ҳуқуқни янада инсонпарвар, барқарор ва ижтимоий йўналтирилган тизимга айлантиришни талаб қилади.

ХУЛОСА

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ замонавий халқаро ҳуқуқнинг энг динамик, комплекс ва амалий аҳамиятга эга соҳаларидан биридир. Унинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, халқаро савдо, инвестиция, молия, интеллектуал мулк,

рақамли иқтисодиёт ва низоларни ҳал қилиш каби бир нечта ҳуқуқий институтларни қамраб олишида намоён бўлади.

Биринчидан, халқаро иқтисодий ҳуқуқ комплекс ва фанлараро хусусиятга эга. У ҳуқуқ, иқтисодиёт, сиёсат, молия ва халқаро муносабатлар кесишган нуқтада шаклланади. Иккинчидан, унинг субъектлари доираси кенг бўлиб, давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан бир қаторда трансмиллий корпорациялар, инвесторлар, банклар ва хусусий иқтисодий субъектлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари кўп қатламли: кўп томонлама шартномалар, икки томонлама келишувлар, минтақавий битимлар, soft law ҳужжатлари ва арбитраж амалиёти биргаликда ҳуқуқий тартибни шакллантиради. Тўртинчидан, ушбу соҳа иқтисодий самарадорлик ва ҳуқуқий мажбуриятлар уйғунлигига асосланади. Бешинчидан, халқаро иқтисодий ҳуқуқда низоларни ҳал қилиш механизмлари нисбатан кучли институционаллашган.

Олтинчидан, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари, экологик хавфсизлик ва рақамли иқтисодиёт халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг янги ривожланиш йўналишларига айланмоқда. Бу ҳолат ушбу соҳани фақат савдо ва инвестиция ҳуқуқи сифатида эмас, балки глобал адолат ва барқарор ривожланишни таъминлаш воситаси сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий ҳуқуқни чуқур ўрганиш, айниқса ЖСТга аъзо бўлиш жараёни, инвестиция муҳитини яхшилаш, ташқи савдони диверсификация қилиш ва миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Халқаро иқтисодий ҳуқуқни самарали қўллаш давлатнинг иқтисодий суверенитетини чеклаш эмас, балки уни халқаро ҳуқуқий кафолатлар асосида мустаҳкамлаш воситаси сифатида баҳоланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lowenfeld A.F. International Economic Law. Oxford University Press, 2008. <https://global.oup.com/academic/product/international-economic-law-9780199226931>
2. Jackson J.H. The World Trading System: Law and Policy of International Economic Relations. MIT Press. <https://mitpress.mit.edu/9780262600279/the-world-trading-system/>
3. Van den Bossche P., Zdouc W. The Law and Policy of the World Trade Organization: Text, Cases, and Materials. Cambridge University Press, 2021. <https://www.cambridge.org/highereducation/books/the-law-and-policy-of-the-world-trade-organization/E809B5B4F9978949103F1609A3067D05>
4. Sornarajah M. The International Law on Foreign Investment. Cambridge University Press, 2021. <https://www.cambridge.org/highereducation/books/international-law-on-foreign-investment/9A020CAE3B47C16AFAE541FCA6D038C3>
5. Trebilcock M., Howse R., Eliason A. The Regulation of International Trade. Routledge. <https://www.routledge.com/The-Regulation-of-International-Trade/Howse-Eliason/p/book/9780415610902>
6. Schill S.W. The Multilateralization of International Investment Law. Cambridge University Press. <https://www.cambridge.org/core/books/multilateralization-of-international-investment-law/65B7AD2B553B62B2F3D7F398E8698689>
7. Lang A. World Trade Law after Neoliberalism: Reimagining the Global Economic Order. Oxford University Press. <https://global.oup.com/academic/product/world-trade-law-after-neoliberalism-9780199592647>
8. World Trade Organization. WTO in Brief / About the WTO. https://www.wto.org/english/thewto_e/whatis_e/inbrief_e/inbr00_e.htm
9. World Trade Organization. World Trade Statistics 2025. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/world_trade_statistics_e.htm
10. World Trade Organization. Global Trade Outlook and Statistics, March 2026. https://www.wto.org/english/res_e/booksp_e/gtos0326_e.pdf
11. World Trade Organization. Dispute settlement activity — some figures. https://www.wto.org/english/tratop_e/dispu_e/dispustats_e.htm
12. UNCTAD. World Investment Report 2025. <https://unctad.org/publication/world-investment-report-2025>
13. UNCTAD. International Investment Agreements Navigator / Database update 2025. <https://investmentpolicy.unctad.org/news/hub/1794/20260421-international-investment-agreements-database-update-44-new-treaties-in-2025-and-evolving-drafting-practices>
14. ICSID. ICSID Releases 2024 Caseload Statistics. <https://icsid.worldbank.org/news-and-events/news-releases/icsid-releases-2024-caseload-statistics>

15. IMF. World Economic Outlook, April 2026. <https://www.imf.org/en/publications/weo/issues/2026/04/14/world-economic-outlook-april-2026>
16. World Bank. In 2024, remittance flows to low- and middle-income countries are expected to reach \$685 billion. <https://blogs.worldbank.org/en/peoplemove/in-2024--remittance-flows-to-low--and-middle-income-countries-ar>
17. World Trade Organization. Accession status: Uzbekistan. https://www.wto.org/english/thewto_e/acc_e/a1_ouzbekistan_e.htm
18. World Trade Organization. Uzbekistan commits to maintaining “strong momentum” to accede to WTO in 2026. https://www.wto.org/english/news_e/news26_e/acc_09mar26_316_e.htm
19. WTO Tariff & Trade Data. Uzbekistan profile. <https://ttd.wto.org/en/profiles/uzbekistan>
20. World Bank WITS. Uzbekistan Trade Indicators. <https://wits.worldbank.org/CountryProfile/en/Country/UZB/Year/LTST>
21. UNCTAD. World Investment Report 2025 — Uzbekistan factsheet. https://unctad.org/system/files/non-official-document/wir_fs_uz_en.pdf

М.ТАНГИРҚУЛОВ

ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти
таянч докторанти

ЎРТА АСРЛАРДА ИНСОННИНГ СУВГА ДОИР МУНОСАБАТЛАРИ: АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ МИСОЛИДА

Аннотация. Мазкур мақолада оърта асрларда инсоннинг сувга доир муносабатлари Амир Темур салтанати мисолида тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Унда сув ресурсларини бошқариш, суғориш тизимининг ривожини ва давлат назоратининг оърни ёритилади. Шунингдек, сувнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда унинг замонавий инсон ҳуқуқлари, хусусан, сувга боълган ҳуқуқ концепсияси билан боғлиқлиги асослаб берилади. Тадқиқот тарихий тажрибанинг бугунги сув сиёсати учун аҳамиятини очиб беради.

Калит соъзлар: сув ресурслари, суғориш тизими, Амир Темур салтанати, оърта асрлар, ер-сув муносабатлари, инсон ҳуқуқлари, сувга боълган ҳуқуқ, давлат бошқаруви

Аннотация. В статье рассматривается отношение человека к воде в Средние века на примере государства Амира Темура с историко-правовой точки зрения. Анализируются вопросы управления водными ресурсами, развитие ирригационной системы и роль государственного регулирования. Особое внимание уделяется социально-экономическому значению воды и её взаимосвязи с современной концепцией прав человека, в частности правом на воду. Подчеркивается значение исторического опыта для современной водной политики.

Ключевые слова: водные ресурсы, ирригационная система, государство Амира Темура, Средние века, земельно-водные отношения, права человека, право на воду, государственное управление

Abstract. This article analyzes human relations to water in the Middle Ages through the example of Amir Temur's empire from a historical and legal perspective. It examines water resource management, the development of irrigation systems, and the role of state regulation. The study also explores the socio-economic significance of water and its connection to modern human rights concepts, particularly the right to water. The research highlights the relevance of historical experience for contemporary water governance.

Keywords: water resources, irrigation system, Amir Temur's Empire, Middle Ages, land and water relations, human rights, right to water, public administration

Инсоният тараққиёти тарихида сув ва ер ресурслари жамият барқарорлигининг асосий омилларидан бири боълиб келган. Оърта асрларда Марказий Осиё ҳудудида шаклланган сиёсий тузилмалар, айниқса Амир Темур ва Темурийлар давлати, ер-сув муносабатларини тизимли равишда тартибга солганлиги билан ажралиб туради. Ушбу даврда сув нафақат

иқтисодий ресурс, балки ижтимоий барқарорлик ва давлат қудратининг асосий омили сифатида ётироф этилган.

Замонавий халқаро ҳуқуқда сувга боълган ҳуқуқ инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири сифатида тан олинади. XX–XXII асрларда сувга боълган ҳуқуқ алоҳида инсон ҳуқуқи сифатида ётироф этилган боълса-да, тарихий тажриба шуни коърсатадики, айрим жамиятларда ушбу ҳуқуқнинг амалий механизмлари анча олдин шаклланган. Мазкур мақоланинг мақсади – Темурийлар давридаги ер ва сув муносабатларини инсон ҳуқуқлари парадигмаси асосида қайта таҳлил қилиш ва тарихий бошқарув тажрибасининг замонавий ҳуқуқий тизимлар билан уйғун жиҳатларини аниқлашдир.

Амир Темур салтанатида сув ресурслари давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми боълган. Деҳқончилик иқтисодиётнинг асосий тармоғи боългани сабабли суғориш тизимини ривожлантириш стратегик вазифа сифатида қаралган. Бу масала оъша давр манбаларида ҳам оъз аксини топган.

Аввало, “*Темур тузуклари*” асарида мамлакатни обод этиш, янги ерларни оъзлаштириш ва суғориш тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор ёъналишларидан бири сифатида белгиланган [1]. Асарда Амир Темур томонидан “мамлакат хароб боълса, хазина боъш қолади” мазмунидаги фикр илгари сурилиб, ободончилик ва деҳқончиликни ривожлантириш давлат қудратининг иқтисодий таянчи экани таъкидланади. Бу ёндашув бевосита ер ва сув ресурсларини тартибли бошқариш заруратини англатади. Чунки оърта аср Марказий Осиёсида суғориладиган ерлар иқтисодий ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи боълган.

Темурийлар даврида ирригатсия тизими давлат назоратида боълиб, сув тақсимоти маъмурий бошқарув орқали мувофиқлаштирилган. Бу ҳолатни тарихчи олим Б. Ф. Манз ҳам тасдиқлаб, Темур иқтисодий барқарорликни тиклаш жараёнида қишлоқ хоъжалиги инфратузилмасига алоҳида ётибор қаратганини қайд этади [2]. Унинг фикрича, Самарқанднинг сиёсий марказ

сифатида мустаҳкамланиши коъп жиҳатдан сув таъминотининг барқарорлиги билан боғлиқ боълган.

Бундан ташқари, В. В. Бартолд оъз тадқиқотларида Темурийлар даврида суғориш тизимининг сақланиши ва кенгайтирилиши давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми боълганини таъкидлайди [3]. Бартолднинг қайд этишича, Мовароуннаҳр ҳудудида каналларни тиклаш ва янги ерларни суғоришга яроқли ҳолга келтириш сиёсий марказлашувни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Мазкур тарихий фактлар шуни коърсатадики, ер ва сувни тартибли бошқариш нафақат хоъжалик масаласи, балки давлат суверенитети ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси боълган. Замоनावий инсон ҳуқуқлари концепсиясида давлатнинг “таъминлаш мажбурияти” (поситиве облигатион) мавжуд боълиб, у аҳолининг асосий ҳаётий ресурсларга киришини кафолатлашни англатади [4]. Тарихий нуқтаи назардан қаралганда, Темурийлар даврида суғориш инфратузилмасини ривожлантириш орқали давлат аҳолининг яшаш манбаларини мустаҳкамлашга интилганини коъриш мумкин.

Темурийлар даври ўз сардобалари билан ҳам тарихда қолган. Амир Темур даврига оид сардобалар ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар берилмаган боълса-да, лекин Оърта Осиёга ташриф буюрган сайёҳлар асарларида ва аҳоли томонидан авлоддан-авлодга оътиб келаётган ривоятларда маълумотлар бор. Ривоятларга коъра, Амир Темур аскарларига доимо икки ёки уч донадан ғишт олиб юришни буюрган. Булоқ боъйларида дам олганда оъша ғиштлардан сардоба қурдириб, дам олиш учун маскан ҳозирлар екан. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур фармони билан қурилган сардобалар Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида аниқланган [5]. Амир Темур қоъшинида сув ишлари ва қурилиш техникасини яхши биладиган муҳандислар, саркардалар ва аскарлар боълган. Улар олдиндан қудуқлар қазиб, сув манбаларини аниқлаб олган ва сув олиш усулларини пухта билганлар.

Сардобалар (сув омборлари) мустаҳкам қилиб қурилган боълиб, улар нафақат сув босими ва зилзилаларга бардош берарди, балки ичидаги сувнинг ҳаддан ташқари исиб кетиши ёки совиб қолишини олдини оладиган қалин ғишт деворларга ега еди. Коризлар (сунъий каналлар) орқали сув сардобаларга оқиб келган. Шу тариқа, “Темур тузуклари”да қайд етилган ободончилик ва йер-сувни тартибли бошқариш сиёсати нафақат иқтисодий ривожланиш, балки давлат қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Бу тизимли ёндашув сув ресурслари устидан марказий назорат мавжудлигини ва у ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида ишлатилганини коърсатади.

Шунингдек, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Самарқанд ва унинг атрофида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, боғлар ва ариқлар қазилгани ҳақида маълумотлар берилади [6]. Бу манба ирригатсия инфратузилмаси марказлашган бошқарув остида ривожлантирилганини тасдиқлайди. Бундан ташқари, суғориш тизимининг марказлашган бошқаруви нафақат иқтисодий самарадорликни оширган, балки сув ресурсларига киришдаги тенглик ва адолат масалаларини ҳам қисман ҳал қилган. Ҳозирги замон ҳуқуқий талқинига коъра, давлатнинг сув таъминоти мажбурияти (поситиве облигатион) инсоннинг ҳаётий ҳуқуқларини – соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва муносиб турмуш даражасини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Шу маънода, Темурийлар даврида амалга оширилган суғориш ишлари ва ариқлар тармоғи аҳолининг ҳаётий зарурий еҳтиёжларини қисман қондирган ва давлатнинг масъулиятини ифода етган. Шунингдек, “Зафарнома”да қайд етилган боғлар ва каналлар нафақат иқтисодий ёки ободончилик функциясини бажарган, балки жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ва адолатни таъминлаш воситаси боълган. Бу нуқта сувга боълган ҳуқуқни фақат ресурс сифатида емас, балки аҳолининг ҳаётий шартларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи сифатида коърсатади. Шу билан бирга, Темурийлар даврида амалга оширилган марказлашган сув бошқаруви, замонавий қоидаларда давлатнинг “сувга боълган ҳуқуқни таъминлаш” мажбурияти билан бевосита боғланади. Демак, Яздийнинг “Зафарнома”си

нафақат тарихий манба, балки инсон ҳуқуқлари, хусусан сувга боълган ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам қадридир. Бу тарихий тажриба шуни коърсатадики, сувга кириш имкониятини таъминлаш давлатнинг марказий ижтимоий мажбурияти сифатида қадимдан мавжуд боълган, ва Темурийлар сиёсати замонавий сувга боълган ҳуқуқ концепсиясининг тарихий илдиэлари сифатида талқин қилиниши мумкин

Замонавий тарихшуносликда ҳам Темурийлар даврининг иқтисодий сиёсати ирригация билан чамбарчас боғлиқ экани таъкидланади. Беатрисе Форбес Манз оъз тадқиқотида Самарқанднинг иқтисодий марказга айланиши суғориш тизимининг ривожини билан боғлиқ эканини қайд этади [7]. Унинг фикрича, сув таъминоти барқарорлиги сиёсий марказлашувни мустақамлашга хизмат қилган. Шундай қилиб, манбалар таҳлили шуни коърсатадики, Амир Темур даврида ер-сув муносабатлари иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг асоси боълган. Суғориш тизимини ривожлантириш давлатнинг ижобий мажбурияти сифатида намоён боълади. Бу тажриба замонавий сувга боълган ҳуқуқ концепсиясининг тарихий илдиэларини англаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур салтанатида ер ва сувни тартибга солиш тизими давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини мустақамлашга хизмат қилган. Бу тажриба нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, балки сувга бўлган ҳуқуқни тушунишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Темурийлар давридаги марказлашган сув бошқаруви инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг дастлабки шакли сифатида қаралиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Temur tuzuklari. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1991. – 160 b;
2. Manz B. F. The Rise and Rule of Tamerlane. – Cambridge: Cambridge University Press, 1989. – 231 p;
3. Бартолд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Москва: Наука, 1963. – 760 с;

4. United Nations General Assembly. Resolution 64/292. The human right to water and sanitation. – New York, 28 July 2010;

5. Do'stnazarova S., Xasanov A.Sardoba – o'rta asrlar asl mo'jizasi // Yekologiya xabarnomasi, № 6. – Toshkent: YeCO TEXTILE PRODUCT, 2020. – B. 40;

6. Yazdiy Sh. A. Zafarnoma.– Tehron: Intishorat-e Amir Kabir, 1957. – 2 jild;

7. Manz B. F. The Rise and Rule of Tamerlane. – Cambridge: Cambridge University Press, 1989. – 231 p;

Ж. ОДИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Давлат ва ҳуқуқ
институти мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК СТАНДАРТЛАРНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАСИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг экологик сиёсати ва сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар кўриб чиқилади. Хусусан, халқаро экологик стандартлар ва талабларга мослашиш жараёни, уларни миллий қонунчиликка киритиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш босқичлари таҳлил қилинади. Мақолада Ўзбекистоннинг Париж битими, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари каби халқаро ҳужжатлар бўйича зиммасига олган мажбуриятлари ва уларнинг экологик сиёсатга кўрсатган таъсири ҳам ёритилган. Шу билан бирга, амалдаги тизимда учраётган айрим муаммолар – экологик назоратнинг етарли даражада ишламаслиги, стандартларни жорий этиш жараёнидаги қийинчиликлар ва мониторинг тизимининг такомиллаштирилиши зарурлиги –га ҳам эътибор қаратилади. Мақола якунида ушбу йўналишда ислоҳотларни янада самарали олиб бориш бўйича таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг экологик сиёсати, халқаро экологик стандартлар, маъмурий-ҳуқуқий жориш этиш, атроф-муҳитни муҳофаза

килиш, Париж битими, БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари, экологик хавфсизлик, экологик мониторинг.

Annotatsiya: This article examines Uzbekistan's environmental policy and the reforms carried out in recent years to protect the environment. In particular, it analyzes the process of adapting to international environmental standards and requirements, the incorporation of these standards into national legislation, and the stages of their practical implementation. The article also highlights Uzbekistan's commitments under international agreements such as the Paris Agreement and the UN Sustainable Development Goals, as well as their influence on the country's environmental policy. In addition, attention is given to several existing challenges in the current system, including the insufficient effectiveness of environmental control, difficulties in introducing the required standards, and the need to improve the environmental monitoring system. The article concludes with recommendations and proposals for making reforms in this field more effective.

Keywords: Uzbekistan's environmental policy, international environmental standards, administrative and legal implementation, environmental protection, Paris Agreement, UN Sustainable Development Goals, environmental security, environmental monitoring.

Аннотация: В данной статье рассматривается экологическая политика Узбекистана и проводимые в последние годы реформы в сфере охраны окружающей среды. В частности, анализируется процесс адаптации к международным экологическим стандартам и требованиям, включение этих стандартов в национальное законодательство и этапы их практического внедрения. В статье также освещаются обязательства Узбекистана по таким международным документам, как Парижское соглашение и Цели устойчивого развития ООН, а также их влияние на экологическую политику страны. Кроме того, внимание уделяется существующим проблемам в действующей системе — недостаточной эффективности экологического контроля, трудностям при внедрении стандартов и необходимости совершенствования системы экологического мониторинга. В заключение

статьи приводятся рекомендации и предложения по повышению эффективности проводимых реформ в данной сфере.

Ключевые слова: экологическая политика Узбекистана, международные экологические стандарты, административно-правовое внедрение, охрана окружающей среды, Парижское соглашение, Цели устойчивого развития ООН, экологическая безопасность, экологический мониторинг.

Кириш. қисмида экологик муаммолар бутун дунёда долзарб масалага айланганлиги ҳақида қисқача маълумот берилади. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурслардан ноўрин фойдаланиш, иқлим ўзгариши каби жараёнлар нафақат алоҳида давлатлар, балки бутун инсоният тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли давлатлар экологик сиёсатни кучайтириш, халқаро экологик стандартларни жорий этиш ҳамда уларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларидан бошлаб экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида шаклланиб келмоқда. Сўнгги йилларда экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ва халқаро ҳамкорлик механизмлари бу соҳадаги ислохотларнинг изчил амалга оширилаётганини кўрсатади. Айниқса, халқаро экологик стандартларни миллий қонунчиликка мослаштириш ва уларни амалиётга жорий этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқаро экологик стандартлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланишга эришишда муҳим восита ҳисобланади. Уларни маъмурий-ҳуқуқий механизмлар орқали жорий этиш эса давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш, назорат тизимини кучайтириш ва экологик қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати, халқаро экологик стандартларнинг мазмуни ҳамда уларни маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан жорий этиш масалалари таҳлил қилинади. Шунингдек, амалдаги қонунчиликдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Материал ва методлар. Ушбу мақолада норматив-ҳуқуқий таҳлил усули, халқаро стандартларни ўрганиш усули, таглил ва синтез усули, таққослаш усули, мантиқий таҳлил ва илмий умумлаштириш усуллари, манбалар билан ишлаш усули қўлланилади.

Тадқиқот натижалари. Ушбу усул орқали Ўзбекистон Республикасининг экология соҳасига оид қонунлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Жумладан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича асосий миллий ҳуқуқий норматив акт сифатида фаолият юритади. Ушбу қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни уйғун мувозанатда ривожлантириш, экологик тизимлар ҳамда табиий комплексларни муҳофаза қилиш, фуқароларга қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашни белгилайди. “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонуни экологик экспертиза тизимини модернизатсия қилади ва лойиҳаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдиндан баҳолашни мажбурий қилади. Экспертиза объектлари сифатида ер майдонларини ажратиш, лойиҳа ҳужжатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича технологик жараёнлар ва янги технологиялар ҳужжатлари киритилган. Стратегик экологик баҳолаш контсептсияси давлат дастурлари ва ҳудудий режалаштириш лойиҳаларига ҳам татбиқ этилади. Шу билан бирга, қонун давлат ва жамоат экологик экспертизасини расмий ҳуқуқий тизимга киритади. 2025-йил 30-июлда қабул қилинган янги Сув кодекси Ўзбекистоннинг сув қонунчилигини модернизатсия қилади. Кодекс сув

объектларини давлат мулки сифатида белгилайди, сувдан фойдаланиш тартибини ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди. Шу билан бирга, сувдан 5 м³ дан ортиқ фойдаланиш ёки сувга чиқинди сувларни чиқариш махсус рухсат талаб қилади. Кодекс “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги эски қонунни замонавий меъёрий-ҳуқуқий тартибга алмаштиради

Тадқиқот жараёнида халқаро экологик стандартлар, уларнинг мазмуни ва амалий аҳамияти таҳлил қилинди ҳамда миллий экологик сиёсат билан боғлиқлиги кўриб чиқилди. Жумладан, ИСО 14001 — бу Атроф-муҳитни бошқариш тизимлари учун халқаро миқёсда тан олинган стандарт бўлиб, ташкилотларга атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирларни аниқлаш, бошқариш ва доимий равишда такомиллаштириш учун тизимли ёндашувни таъминлайди. ИСО 14001 стандарти атроф-муҳит сиёсатини ишлаб чиқиш, экологик мақсадлар белгилаш, мониторинг ва назорат механизмларини ташкил этишни кўзда тутаяди, шунингдек норматив ҳуқуқий талаблар билан мувофиқликни оширишга ёрдам беради. Стандарт корхоналарга атроф-муҳитни бошқаришнинг барқарор механизмини йўлга қўйиш, чиқиндиларни камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик кўрсаткичларни доимий кузатиш орқали атроф-муҳит ҳимоясини тизимли бошқариш имконини беради. Халқаро шартномаларга келсак, Кёто протоколи ва Париж битими атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича глобал экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш мақсадларини белгиловчи ҳуқуқий механизмлардир. Кёто протоколи 1997-йилда қабул қилинган бўлиб, саноат ривожланган давлатлар учун мажбурий иссиқхона газлари эмисияларини камайтириш мақсадларини белгилайди ва учта бозор механизмини ўз ичига олади: эмиссия савдоси, тоза ривожланиш механизми ва қўшма амалга ошириш тизимлари орқали эмисияларни камайтириш имкониятини беради. Париж битими эса 2015-йилда қабул қилинган халқаро шартнома бўлиб, унда барча иштирокчи давлатлар ўз иқлим йўналишидаги мақсадларини миллий даражада белгилайди ҳамда уларни ҳар беш йилда

кайта кўриб чиқиш орқали глобал ҳарорат кўтарилишини чеклашни мақсад қилади

Тадқиқот натижалари таҳлили. Таҳлил ва синтез усули орқали халқаро экологик стандартлар билан миллий қонунчиликдаги нормалар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқлаб олинди. Масалан: ИСО 14001 стандарти миллий экологик бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш учун қоидалар ва меъёрларни белгилайди. Ушбу стандарт Ўзбекистондаги экологик экспертиза тизими билан таққосланганда, икки тизимнинг мақсадлари ва бошқарув механизмлари ўхшашлиги аниқланади: ҳар иккиси атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, мониторингни ташкил этиш ва назорат механизмларини кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, БМТ консенсус ҳужжатлари ва Париж битими иқлим ўзгаришига қарши халқаро мажбуриятларни белгилайди. Ушбу халқаро ҳужжатларни миллий стратегия ва давлат дастурлари билан солиштириш орқали уларнинг қоидалари ва мақсадлари Ўзбекистоннинг экологик экспертиза ва назорат механизмлари, шунингдек, атроф-муҳитни мониторинг қилиш тизими билан мувофиқлиги аниқланади. Тадқиқотнинг якуний босқичида мантиқий таҳлил ва илмий умумлаштириш усуллари қўлланилди. Ушбу ёндашувлар ёрдамида олинган маълумотлар тизимли тарзда сараланди, экологик қонунчилик ва халқаро стандартлар орасидаги боғлиқликлар аниқлаб олинди, шунингдек, экологик сиёсатнинг самарадорлиги ва мавжуд муаммолар баҳоланди.

Миллий қонунчилик ва ИСО 14001 стандарти Ўзбекистоннинг қуйидаги қонунлари ИСО 14001 стандарти талаблари билан солиштирилди:

- “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун;
- “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун;
- “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун;
- “Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун.

ИСО 14001 стандарти атроф-муҳитни бошқариш тизимини тизимли йўлга қўйиш, чиқиндиларни камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мониторингни ташкил этиш механизмларини белгилайди. Миллий қонунчиликда эса экологик экспертиза ва назорат механизмлари орқали шунга ўхшаш функциялар бажарилади. Таққослаш натижасида аниқланибдики, миллий қонунчилик ИСО 14001 талаблари билан мос келувчи жиҳатларга эга, хусусан: экологик мониторинг, чиқиндиларни назорат қилиш ва ресурсларни барқарор бошқариш тизими мавжуд.

Тадқиқот жараёнида турли манбалар билан ишлаш усули қўлланилди, бу илмий натижаларнинг ишончлилиги ва экологик сиёсат ҳамда халқаро стандартлар бўйича маълумотларни тўғри таҳлил қилиш имконини берди. Миллий норматив-ҳуқуқий манбалар Мақолада Ўзбекистон Республикаси экология соҳасидаги қонунлари асосий манба сифатида ишлатилди. Жумладан:

- “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (1992-йил, 407-И-сон) — атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлаш бўйича асосий ҳуқуқий нормаларни белгилайди;

- “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун (2002-йил, 569-II-сон) — лойиҳаларни амалга оширишдан олдин атроф-муҳитга салбий таъсирини баҳолаш тартибини белгилайди;

- “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (1993-йил, 411-И-сон) — сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш механизмларини назарда тутди;

- “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (1996-йил, 449-И-сон) — ҳавонинг ифлосланишини олдини олиш ва назорат қилиш бўйича қоидаларни белгилайди;

- “Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (1997-йил, 546-И-сон) — тупроқ ресурсларини асраш ва деградацияни камайтириш бўйича талабларни белгилайди.

Шунингдек, экология соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган Президент фармон ва қарорлари ҳам тадқиқотда асосий манба сифатида қўлланилди. Масалан: 2019-йил 10-июлдаги ПФ-5701-сон фармон — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини модернизатсия қилиш ва экологик мониторингни кучайтиришга қаратилган; 2021-йил 25-майдаги ПҚ-5180-сон қарор — барқарор ривожланиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини ривожлантириш бўйича амалий чораларни белгилайди.

Тадқиқотда халқаро экологик стандартлар ҳам манба сифатида ўрганилди: ИСО 14001 стандарти — атроф-муҳитни бошқариш тизими ва экологик назорат механизмларини таҳлил қилишда ишлатилди. Стандарт ташкилотларда чиқиндиларни камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мониторингни тизимли ташкил этишни белгилайди. БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича консенсус ҳужжатлари — глобал экологик хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва халқаро мажбуриятларни белгилашда асос бўлди. Кёто протоколи (1997-йил) — саноат ривожланган давлатлар учун иссиқхона газлари эмисияларини камайтириш мажбуриятларини белгилайди ва эмиссия савдоси, тоза ривожланиш механизми каби механизмларни ўз ичига олади. Париж битими (2015-йил) — барча иштирокчи давлатлар учун иқлим йўналишидаги мақсадларни (НДС) белгилашни ва глобал ҳарорат кўтарилишини чеклашни таъминлашни назарда тутди. Ўзбекистон бу битимни 2017-йил 19-апрелда имзолаган ва 2018-йилда ратификатсия қилган.

Хулоса. Мазкур тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон экологик қонунчилиги ва халқаро экологик стандартлар ўртасидаги интегратсия мамлакат экологик сиёсатини самарали амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот давомида миллий қонунчиликнинг асосий жиҳатлари, хусусан, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун, “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги

қонун таҳлил қилинди. Шунингдек, Президент фармонлари ва қарорлари, халқаро стандартлар (ИСО 14001, БМТ консенсус ҳужжатлари, Кёто протоколи, Париж битими) ўрганилиб, уларнинг миллий қонунчиликка татбиқи баҳоланди.

Таҳлил ва синтез, таққослаш ҳамда мантиқий таҳлил усуллари ёрдамида миллий қонунчилик ва халқаро талаблар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқлар аниқлаб олинди. Натижада экологик сиёсатни такомиллаштириш зарур бўлган йўналишлар белгиланди: иқлим ўзгаришига қарши чоратadbирларни кучайтириш, барқарор ривожланиш стандартларини кенгрок жорий этиш ва экологик мониторингни рақамли тизимлар орқали самарали бошқариш.

Шу асосда, тадқиқот экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш ва халқаро стандартларни амалий жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга илмий асос яратди. Олинган натижалар мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлаш, барқарор ривожланишга эришиш ва халқаро мажбуриятларни самарали бажариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг 25.05.2021 йилдаги “2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-5180 сон қарори.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги “2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони.

3. Холмоминов Ж.Т.Инсон ва фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари. — Тошкент, 2022.

4. Экология ҳуқуқи: дарслик / Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2020.

5. Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 йилдаги 73-П-сонли “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 01.08.2023 йилдаги КҚ-547-IV-сонли “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш,

улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сувни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашга оид масалалар ҳақида”ги қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996-йилдаги 353-II-сонли “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.

8. United Nations Framework Convention on Climate Change, 1992.

9. Kyoto Protocol to the United Nations Framework Convention on Climate Change, 1997.

10. Paris Agreement under the United Nations Framework Convention on Climate Change, 2015.

11. United Nations. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development, 2015.

12. United Nations Human Rights Council. Resolution on the right to a clean, healthy and sustainable environment, 2021.

13. International Organization for Standardization. ISO 14001: Environmental Management Systems — Requirements with guidance for use, Geneva, ISO, 2015.

М. ЗАРИФОВА

Мустақил изланувчи

ЎРТА АСРЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада ўрта асрлар даврида вояга етмаганлар ҳуқуқларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, болаларнинг ҳуқуқий мақоми оилавий муносабатлар, диний таълимотлар ва анъанавий ҳуқуқ нормалари таъсирида шакллангани ёритиб берилган. Шунингдек, ислом ҳуқуқи ва Европа ҳуқуқ тизимида болаларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмлари, бола ҳуқуқлари институтининг тарихий илдизлари ҳамда унинг замонавий ҳуқуқий тизимдаги аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: болалар ҳуқуқлари, ўрта асрлар, ислом ҳуқуқи, васийлик, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, конституция, оила кодекси.

Аннотация: В статье проводится историко-правовой анализ формирования и развития прав несовершеннолетних в эпоху Средневековья. Освещается становление правового статуса детей под влиянием семейных отношений, религиозных учений и традиционных правовых норм. Также

рассматриваются правовые механизмы защиты детей в исламской правовой системе и в европейском праве, раскрываются исторические истоки института прав ребёнка и его значение в современной правовой системе.

Ключевые слова: права детей, средневековье, исламское право, институт опеки, Конвенция о правах ребёнка, Конституция, Семейный кодекс.

Anotation: The article provides a historical and legal analysis of the formation and development of the rights of minors during the Middle Ages. It examines the legal status of children formed under the influence of family relations, religious teachings, and traditional legal norms. The study also considers legal mechanisms aimed at protecting children within Islamic law and the European legal system, and reveals the historical foundations of the institution of children's rights and its significance in the modern legal system.

Keywords: children's rights, Middle Ages, Islamic law, guardianship, Convention on the Rights of the Child, Constitution, Family Code.

Ўрта асрларда вояга етмаганлар ҳуқуқларининг шаклланиши ва уларни ҳимоя қилиш масаласи инсон ҳуқуқлари тарихида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда болалар ҳуқуқлари халқаро ва миллий қонунчилик даражасида кенг қамровда ҳимоя қилинаётган бўлса-да, мазкур институт узоқ тарихий тараққиёт жараёнини босиб ўтган. Жамият тараққиёти давомида болаларнинг ҳуқуқий мақоми турли даврларда турлича талқин этилган бўлиб, айниқса ўрта асрлар даврида бу масала оилавий муносабатлар, диний таълимотлар ва анъанавий ҳуқуқ нормалари таъсирида шаклланган. Шу жиҳатдан қараганда, ўрта асрларда вояга етмаганлар ҳуқуқларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш болалар ҳуқуқлари институтининг тарихий илдизларини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта асрлар даврида болалар мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эмас, балки оила ва жамоанинг ажралмас қисми сифатида қаралган. Бу даврда оила

жамиятнинг асосий ижтимоий институти ҳисоблангани сабабли болаларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам асосан оиладаги муносабатлар орқали белгиланган. Ота-она, айниқса ота оила бошлиғи сифатида болалар тарбияси, таъминоти ва уларнинг ҳаёт тарзини белгилашда муҳим ўрин тутган. Бироқ бу ҳолат болаларга нисбатан мутлақ ҳукмронликни англатмаган, чунки диний ва ахлоқий қоидалар болаларга адолатли муносабатда бўлишни талаб қилган¹.

Ўрта асрларда болаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда асосий омиллардан бири ёш мезони бўлган. Кўплаб ҳуқуқий тизимларда муайян ёшга етмаган шахслар тўлиқ ҳуқуқий жавобгарликка эга эмас деб ҳисобланган. Бу эса болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан тўлиқ шаклланмаганлиги билан изоҳланган. Шу сабабли айрим давлатларда болалар муайян ёшга етгунга қадар жиноий жавобгарликдан озод қилинган ёки уларга нисбатан енгилроқ жазо чоралари қўлланилган². Бу ҳолат болаларни ҳимоя қилишга қаратилган илк ҳуқуқий тамойиллардан бири сифатида баҳоланади.

Ўрта асрларда болалар ҳуқуқларининг шаклланишида диний ҳуқуқ тизимлари алоҳида аҳамият касб этган. Хусусан, мусулмон давлатларида болаларнинг ҳуқуқий мақоми асосан ислом ҳуқуқи — шариат қоидалари билан тартибга солинган. Ислום таълимотида болалар алоҳида ҳимояга муҳтож шахс сифатида қаралган. Қуръон ва ҳадисларда болаларни ҳурмат қилиш, уларни меҳр-оқибат билан тарбиялаш ва уларнинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган³.

Ислום ҳуқуқига кўра, ҳар бир бола яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқига эга ҳисобланган. Ота-она боланинг тарбияси ва таъминоти учун масъул бўлган. Агар ота болани таъминлаш имкониятига эга бўлмаса ёки вафот этган бўлса, бу вазифа бошқа яқин қариндошларга юклатилган. Шу билан бирга, болалар мерос ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Шариат қоидаларига мувофиқ, болалар ота-

¹ David Archard. *Children: Rights and Childhood*. – London: Routledge, 2015. – p. 23–25.

² Philippe Ariès. *Centuries of Childhood: A Social History of Family Life*. – New York: Vintage Books, 1962. p. 35–40.

³ Abdulaziz Sachedina. *Islamic Biomedical Ethics: Principles and Application*. – Oxford University Press, 2009. – p. 56–58.

онасининг мол-мулкидан белгиланган улушни мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган¹. Бу эса ўша даврда болаларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланган.

Европа давлатларида ҳам ўрта асрларда болаларнинг ҳуқуқий мақоми феодал ҳуқуқ ва черков қоидалари асосида шаклланган. Католик черкови жамият ҳаётида катта таъсирга эга бўлган ва болаларни муҳофаза қилишга қаратилган муайян ахлоқий нормаларни тарғиб қилган. Черков таълимотига кўра, болалар Худо томонидан берилган неъмат сифатида қаралган ва уларни тарбиялаш ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Шу даврда васийлик институти ҳам кенг тарқалган бўлиб, агар боланинг ота-онаси вафот этган бўлса, унинг тарбияси ва мол-мулкини бошқариш учун васий тайинланган. Васий боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг мулкини сақлаб қолиш учун жавобгар бўлган².

Марказий Осиё ҳудудида ҳам ўрта асрларда болаларни муҳофаза қилишга қаратилган муайян ижтимоий механизмлар мавжуд бўлган. Хусусан, Темурийлар даврида етим ва муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилган. Вақф муассасалари орқали етим болаларга моддий ёрдам кўрсатилган, мадрасалар эса болаларнинг таълим олишида муҳим роль ўйнаган. Бу ҳолат ўша даврда ҳам болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи маълум даражада таъминланганини кўрсатади.

Тарихий ривожланиш натижасида болалар ҳуқуқлари замонавий ҳуқуқий институт сифатида шаклланди. Бугунги кунда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида ҳам болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Конституцияси асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ, оналик, болалик

¹ Wael B. Hallaq. *An Introduction to Islamic Law*. – Cambridge University Press, 2009. – p. 112–115.

² John Witte Jr. *The Reformation of Rights: Law, Religion and Human Rights in Early Modern Calvinism*. – Cambridge University Press, 2007. – p. 78–81.

ва оила давлат ҳимоясидадир. Шунингдек, Конституциянинг 41-моддасида ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган махсус қонунлар ҳам қабул қилинган. Жумладан, 2008 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонунда болаларнинг яшаш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, шахсий қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳамда зўравонлик ва камситишдан ҳимояланиш ҳуқуқи каби асосий ҳуқуқлари белгилаб берилган².

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси боланинг оиладаги ҳуқуқий мақомини белгилайди. Унга кўра, ота-оналар фарзандларини тарбиялаш ва уларга таълим беришга мажбур ҳисобланади. Қонунчиликда боланинг манфаатлари барча ҳолатларда устувор ҳисобланиши алоҳида қайд этилган³.

Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олган. Мамлакатимиз 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясини ратификация қилган. Ушбу халқаро ҳужжатда болаларнинг яшаш ва ривожланиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда эксплуатация ва зўравонликдан ҳимояланиш ҳуқуқи каби асосий ҳуқуқлар белгиланган⁴.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиши ва соғлом ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023. 41,65-моддалар.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 йилдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонуни.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, 1998 йил.

⁴ “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция. <https://lex.uz/docs/2595913>

Хусусан, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги¹, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги² ҳамда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги³ қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилди. Бу чора-тадбирлар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар ҳуқуқларининг шаклланиши узоқ тарихий жараён бўлиб, унинг илдизлари ўрта асрлар даврига бориб тақалади. Ўша даврда шаклланган оила институти, васийлик тизими ва ёшга қараб ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш каби ҳуқуқий тамойиллар кейинчалик болалар ҳуқуқлари соҳасидаги замонавий қонунчиликнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда эса болалар ҳуқуқларини таъминлаш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент, 1998.
4. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция.
5. Archard D. Children: Rights and Childhood. – London: Routledge, 2015.
6. Ariès P. Centuries of Childhood: A Social History of Family Life. – New York: Vintage Books, 1962.
7. Hallaq W. B. An Introduction to Islamic Law. – Cambridge University Press, 2009.
8. Sachedina A. Islamic Biomedical Ethics. – Oxford University Press, 2009.
9. Witte J. The Reformation of Rights. – Cambridge University Press, 2007.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 02.01.2014 йилдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/2307826>

² Ўзбекистон Республикасининг 14.09.2016 йилдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3026246>

³ Ўзбекистон Республикасининг 08.09.2017 йилдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-444-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3333797>

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига” эга эканлигига таянишимиз лозимлиги қайд баён этилганлиги, ушбу мавзунинг нақадар долзарблигини кўрсатиб турган асосий омилларни бири ҳисобланади.

Шунингдек, “Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқини ўрганишга замонавий ёндашувлар” мавзусида ўтказилган ушбу республика илмий-амалий конференция мамлакатимизда давлатчилик тарихи, миллий ҳуқуқий мерос ва ўрта асрлар даврида шаклланган ҳуқуқий институтларни чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур анжуман орқали тарих, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик ва манбашунослик соҳаларида фаолият юритаётган олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари ўзаро муҳокама қилиниб, ўрта аср давлатчилиги ва ҳуқуқ тизимига оид долзарб масалалар юзасидан янги илмий ёндашувлар илгари сурилди. Жумладан, унда ўрта асрлардаги давлат бошқаруви, суд тизими, ҳуқуқ манбалари, адолат тамойиллари ва жамият ҳаётини тартибга солувчи механизмлари замонавий ҳуқуқий ёндашувлар асосида таҳлил қилинди. Бу эса миллий давлатчилик анъаналарини чуқур англаш, тарихий-ҳуқуқий меросни асраб-авайлаш ҳамда уни бугунги ҳуқуқий ислоҳотлар билан уйғунлаштириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур республика илмий-амалий конференцияси ўрта асрлар давлатчилиги ва ҳуқуқ тизимини замонавий илмий методлар асосида тадқиқ этиш, миллий ҳуқуқий тафаккурни бойитиш ва тарихий меросни келгуси авлодларга етказишда муҳим илмий майдон вазифасини бажарди. Конференция натижалари тарих ва ҳуқуқ соҳасидаги келгуси тадқиқотлар учун мустаҳкам назарий асос яратиб, миллий давлатчилик анъаналарини янада чуқур англашга хизмат қилади.